


Нурислом Тухлиев

ОСИЁ

ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-128-2



Нурислом Тухлиев

ОСИЕ ТАРАККИЕШ МОДЕЛИ





Нурислом Тухлиев

# ОСИЁ ТАРАҚИЁТ МОДЕЛИ



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2015

*Nurislam Tukhliyev*  
27.10.2015

УЎК: 330.34.01(5)

КБК 65.9(5)

Т 93

Осиёдаги йирик мамлакатлар – Япония, Хитой, Ҳиндистон ҳамда биринчи ва иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар ажойиб тараққиёт мўъжизаларини намоиш этиб келмоқда. Бу мамлакатларда амал қилаётган янги тараққиёт моделларининг мазмун-моҳияти, ҳаракатлантирувчи қучлари ва натижаларини бой статистик маълумотлар асосида илмий-назарий ёритиб бериш китобнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Китоб талабалар, илмий-тадқиқотчилар, умуман, иқтисодиёт олами билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-28-328-2

© Н. Тухлиев, 2015  
© «О‘ЗБЕКИСТОН», 2015.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I БОБ. ОСИЁ ГЕОСИЁСИЙ БИРЛИК СИФАТИДА.....	7
II БОБ. ОСИЁ ГЛОБАЛ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ.....	10
III БОБ. ОСИЁ МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛЛАРИ.....	22
Япон модели.....	23
Хитой модели.....	32
Корейс модели.....	45
Ҳинд модели.....	51
Биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар модели.....	57
Иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар модели.....	73
Турк модели.....	88
Эрон модели.....	94
Нефть экспорт қилувчи араб мамлакатлари модели.....	99
Ўзбек модели.....	107
IV БОБ. ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ.....	115
Иқтисодиётни режалаштириш.....	118
Индустриалаштириш сиёсати.....	120
Модернизациялаш, диверсификациялаш ва инновация.....	121
Давлат ва молия.....	126
V БОБ. ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА.....	129
Иқтисодиётнинг очиқлиги.....	129
Ташқи савдо.....	136
Хизматлар савдоси.....	139
Инвестицион фаоллик.....	140
Валюта-молия ҳамкорлиги.....	141
VI БОБ. ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ МИНТАҚАВИЙ ВА ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРДА.....	143
Минтақалашувнинг заруратлари.....	143
Эркин савдо зоналари.....	147
Икки томонлама савдо келишувлари.....	149
Марказий Осиё ҳамкорлиги.....	151
МДҲ иқтисодий интеграцияси.....	158
BRICS гуруҳи: виртуалликдан реалликка.....	161
ХУЛОСА.....	164
ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР.....	167
ГЛОССАРИЙ.....	169
Фойдаланилган адабиётлар.....	172

## КИРИШ

Ўтган асрнинг охири ва янги асрнинг бошларида Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг мисли кўрилмаган юқори суръатларини намойиш этди. Тараққиётнинг бу суръатлари жаҳон аҳли томонидан мўъжиза, ўзига хос феномен сифатида қабул қилинди.

Глобал молиявий инқироз шароитида жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар катта иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечираётган бир даврда Осиё мамлакатлари қадам-бақадам илгарилаб боришни давом эттирмоқда. XX аср охиридаги минтақавий молиявий инқироздан ҳам қитъа иқтисодиёти кам талафот билан тезда чиқиб кетган эди.

Хўш, қандай қилиб, қайси омиллар ҳисобига қитъа мамлакатлари қисқа давр ичида, ҳаммаси бўлиб 3–4 ўн йилликда иқтисодий ва ижтимоий юксалишнинг юқори поғоналарига эришди?

Бу ерда ҳеч қандай тасодифлар йўқ, албатта.

Халқда «Дарё ўз ўзанида оқади», «Оққан дарё оқаверади» деган яхши нақллар бор. Эрамизнинг бошидан то XIX асрнинг биринчи чорагигача Осиёнинг энг йирик мамлакатларидан бўлган Хитой ва Ҳиндистон дунёнинг энг йирик иқтисодиётларидан бўлиб келган эди. Бугун улар яна ўзларининг ўша юқори мавқеларига эришмоқдалар. Хитой амалда бугун дунёнинг биринчи иқтисодиётига айланди. Ҳиндистон Японияни сиқиб чиқариб, дунёнинг учинчи иқтисодиёти мавқеига даъвогарлик қилмоқда. Қитъадаги яна бир улкан давлат – Япония дунё иқтисодиётининг 3–4-поғонасини мустаҳкам эгаллаб турибди. Биринчи ва иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар ҳам бўш келишаётгани йўқ. Уларнинг номига «Осиё йўлбарлари», «Кичик аждаҳолар» мақомлари маҳкам ўрнашиб қолди.

Қизик, бундан 5–7 минг йиллар олдин Миср ҳам дунёнинг энг ривожланган иқтисодиётларидан бири эди. Кейинчалик тахминан 3 минг йиллар илгари унинг ўрнини Юнонистон, Рим, Хи-

той ва Ҳиндистон эгаллади. Кўпчилик цивилизациялар олдин куч тўплайди, юз ва ҳатто минг йиллар мобайнида ўз қудратининг энг юқори нуқтасига етади, кейин аста-секин таназзулга юз тугади ва бутунлай йўқ бўлиб кетишгача боради. Бугун Миср ҳам, Месопотамия ҳам ўз географик жойида турибди. Лекин, қадимги цивилизация йўқ. Минг йиллик Хитой цивилизацияси ўлмади, лекин қадимги Миср тамаддуни тикланиши кузатилмаяпти. Нима учун?

Балки жавобни мамлакатлар танлаган ривожланиш моделларидан ахтариш керакдир? Осиёдаги йирик давлат – Япония ва янги индустриал мамлакатлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин, аниқроғи, 50-йиллардан бошлаб янги тараққиёт моделини танлаганларидан кейингина жиддий иқтисодий муваффақиятларга эриша бошладилар. Хитойда бу жараён кейинроқ, 80-йиллар бошидан, Ҳиндистонда эса ундан ҳам кейинроқ, аср бошидан бошланди. Улар ишни индустрлаштиришдан бошлаб, модернизациялашга ўтдилар, кейинчалик шулар замирида юқори технологияли ишлаб чиқариш ва инновацион тараққиёт босқичига кирдилар. Бу уринишлар осон кечмади, албатта. Экспорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чунки, валюта етарли эмасди, қолаверса, миллий товарлар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш лозим эди.

Лекин, очиқ иқтисодиётга ўтмасдан, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни барпо қилмасдан туриб жиддий натижаларга эришиб бўлмаслигини улар тезда англаб етдилар. Бугун қитъанинг кўпчилик мамлакатларида тайёр маҳсулотлар ва хизматлар экспортига йўналтирилган, икки, ҳатто, бир секторли (Гонконг) иқтисодий модель амал қилмоқда ва ўз афзалликларини намойиш этмоқда. Умуман, Шарқдаги «жамғариш жамияти» Фарбдаги истеъмол жамиятидан ўз устунлигини кўрсатмоқда. Ушбу китоб шуларни эътиборга олинган ҳолда жамланди. Ундаги баъзи фикр-мулоҳазалар баҳс-мунозарага сабаб бўлиши табиий. Улар муаллифнинг шахсий хулосалари бўлиб, бу фикр-мулоҳазаларга катта назарий ва амалий материаллар, тенденциялар, статистик маълумотлар ҳамда кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали келинган.

Қолаверса, Осиё мамлакатлари тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон каби мустақилликдан кейин жадал тараққиёт

палласига кириб, тез ривожланаётган мамлакатлар учун қўл келиши мумкин. Китобда нефть экспорт қилувчи, «нефть монокультураси»га асосланган араб давлатлари ва Эрон иқтисодий тараққиёт моделлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ўтиш даврининг илк йилларида илгари сурган беш тамойил устига қурилган «ўзбек модели»нинг шакл-шамойилларини очиб беришга ҳам маълум ўрин ажратилган.

Корея Республикаси биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатларга, Туркия иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатларга кирса-да, салоҳияти ва мамлакатимиз билан яқин иқтисодий алоқаларини эътиборга олиб, уларнинг иқтисодий ривожланиш моделлари алоҳида таҳлил қилинди.

Китоб ҳақида билдирилган барча ҳолисона фикр-мулоҳазаларни бажонидил қабул қиламиз.

## І БОБ. ОСИЁ ГЕОСИЁСИЙ БИРЛИК СИФАТИДА

Осиё – юнонча «asia», оссурийча «асу» – «шарқ» деган маънони билдиради. Шунинг учун бўлса керак, кўпинча Осиёга синоним сифатида «Шарқ» атамаси ҳам қўлланади. Осиё Ер шараридаги энг катта қитъа – бутун қуруқлик майдонининг деярли учдан бир қисмини эгаллайди.

Осиё Шимолий ярим шарнинг барча географик минтақаларини ўз ичига олади. Малай архипелаги қисман Жанубий ярим шарга кириб борган. Осиёнинг материкдаги энг чекка нуқтаси – шимолда Челюскин бурни, жанубда Пиай бурни, шарқда Дежнев бурни, ғарбда Бобо бурнидир. Қитъа шимолдан Шимолий муз океани, шарқдан Тинч океани, жанубдан Ҳинд океани, жануби-ғарбдан Атлантика океани билан қуршалган. Беринг денгизи Осиёни Америка қитъасидан ажратиб туради. Сувайш бўйни Осиёни Африка қитъаси билан туташтиради. Осиё ва Европа қитъалари чегараси Урал ва Муғожар тоғларининг шарқий қисмидан ўтади.

Осиёнинг умумий майдони 43,4 млн. кв. км. Шундан 8 млн. кв. км. яримороллар (Ямал, Таймир, Чукотка, Камчатка, Корея, Ҳиндихитой, Ҳиндистон, Арабистон) 2 млн. кв. км.дан зиёдроғи ороллардир (Северная Земля, Новая Сибирь, Врангель, Курилл, Сахалин, Япон, Рюкю, Тайвань, Хайнань, Малай архипелаги, Андаман, Шри-Ланка, Кипр). Дунёдаги энг баланд чўққи – Ҳимолай тоғларидаги Жамолунгма (8848 м), энг чуқур ботиқлар Байкал кўли (1620 м), Ўлик денгиз (392 м денгиз сатҳидан) ҳам Осиё қитъасида жойлашган.

Осиё майдонининг тўртдан уч қисми тоғлар ҳамда ясси тоғлардан иборат. Энг баланд тоғлар Марказий ва Ўрта Осиёдадир. Тибет, Тяньшань (Тангри тоғ), Помир, Ҳимолай, Ҳиндукуш, Қорақурум ва Ўрта Осиёдаги бир қанча тоғ тизмаларининг баландлиги 7000 м дан ошади. Осиё майдонининг қолган қисми текисликлардан иборат. Ғарбий Сибирь, Турон, Буюк Хитой, Ҳинд-Ганг, Месопотамия, Қашқар, Жунгория, Гоби, Қайдам

ва Фарғона водийси ана шундай энг йирик текисликлар ҳамда тоғлар орасидаги баланд майдонларни ташкил этади.

Осиё минерал хомашё ресурсларига бой. Марказий Осиё, Сибирь, Узоқ Шарқ, Хитой, Корея, Ҳиндистон, Вьетнам, Японияда йирик кўмир конлари бор. Кавказ орти, Фарбий Сибирь, Туркменистон, Каспий бўйи, Сахалин, Форс қўлтиғи соҳилида нефть қудуқлари мавжуд. Улардан ташқари Хитой, Индонезия, Ҳиндистон, Бруней, Япония, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам нефть қазиб олинади. Газ конлари Фарбий Сибирь, Манғишлок, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўзбекистон, Туркменистон ва Қозоғистонда жойлашган. Сибирь, Покистон, Эрон, Марказий Осиёда катта туз конлари, Қозоғистон, Сибирь, Хитой, Шимолий Корея, Ҳиндистон, Кавказ ортида йирик марганец конлари, Қозоғистон, Туркия, Филиппин, Эронда хром рудаси конлари, Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистонда олтин, кумуш, мис, уран, никель конлари, Қозоғистон, Россия, Ҳиндистон ва Ўзбекистонда фосфорит, Россияда олмос конлари бор.

Куруклик майдонининг кенлиги, тоғ ва ботиқларнинг кўплиги, серқуёшлик, атмосферадаги фаол ҳаракатлар иқлимнинг хилма-хиллигини таъминлайди. Осиёда барча иқлим минтақалари – тундрадан тропик иқлим минтақаларигача учрайди, лекин асосан континентал иқлим.

Осиё азим дарёлар ватани. Унинг бир қанча дарёлари Шимолий муз океанига, яна айримлари Тинч ва Ҳинд океанларига қуйилади. Азов, Каспий, Орол ва Балхаш денгизларига сув берадиган нисбатан кичик дарёлари ҳам бор. Дарёларнинг бир қисми қўлларга сув беради, бир қисми эса қум ва шўрхоқларга сингиб кетади ёки суғоришга сарфланади. Дарё ва сел сувларини бошқариш ҳамда улардан самарали фойдаланиш мақсадида сунъий денгизлар – сув омборлари қурилган. Осиёнинг энг катта сув ҳавзалари Каспий ва Орол денгизларидир. Қитъада дарё ва қўллар муҳим транспорт қатновини ҳам амалга оширади. Кўпчилик дарёлардан гидроэнергия мақсадида ҳам фойдаланилади.

Осиёда 4 млрд.га яқин инсон, яъни Ер шари аҳолисининг 61% дан зиёдроғи яшайди. Аҳоли ниҳоятда нотекис жойлашган. Уларнинг ўртача зичлиги 1 кв. км. га 87 кишини ташкил этади. Масалан, Японияда 1 кв. км. га 336 нафар киши тўғри келса, бу

кўрсаткич Ява оролида 1500 киши, баъзи жойларда эса ундан ҳам кўп. Шу билан бирга Саҳройи Кабир, Такламакон, Гоби чўллари ва Тибет, Ҳимолай, Ҳиндукуш тоғларининг баланд қисмида аҳоли деярли яшамайди. Ўлка демографик вазиятнинг кескинлиги бўйича Африкадан кейин иккинчи ўринда туради. 2000 йилларнинг бошида бу ерда ҳар 1000 нафар киши аҳоли ҳисобига туғилиш 22, ўлим 8, табиий ўсиш 14 нафарни ташкил этди.

Осиё қитъасига 48 та мустақил давлатлар киради. *Ғарбий Осиё*га Баҳрайн, Исроил, Иордания, Ироқ, Яман, Қатар, Кувайт, Ливан, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА), Оман, Фаластин, Саудия Арабистони, Сурия, Туркия, Эрон, Афғонистон; *Шимолий Осиё*га Россия, Озарбайжон, Грузия, Арманистон; *Марказий Осиё*га Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон; *Жанубий Осиё*га Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Мальдив, Непал, Покистон ва Шри-Ланка; *Шарқий Осиё*га Хитой, Шимолий ва Жанубий Корея, Мўғулистон ва Япония; *Жануби-Шарқий Осиё*га Бруней, Шарқий Тимор, Вьетнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд ва Филиппин мамлакатлари киради.

Россия бир вақтнинг ўзида Осиё ва Европа қитъасига мансуб. У Евросиё давлат ҳисобланади. Гонконг, Макао ва Тайвань Хитой худудлари деб аталади. Кейинги пайтларда улар алоҳида «иктисодиёт»лар ҳам деб юритилмоқда.

## II БОБ. ОСИЁ ГЛОБАЛ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ

Осиё моделини бир вақтнинг ўзида ҳам глобал, ҳам минтақавий деб қараш мумкин. Унинг моҳияти, биринчи навбатда, қитъадаги мамлакатлар ўртасидаги ўхшашликдан келиб чиқади. Осиё давлатлари ривожланишида айнан ўхшаш ички ва ташқи омиллар мавжуд. Бу ердаги мамлакатлар ривожланишидаги хилма-хилликни инкор этмаган ҳолда улар ечаётган муаммоларнинг умумийлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Тарих, маданият, анъаналар ҳамда менталитетларнинг ўзаро яқинлиги, уларга тарихан хос бўлган «Осиёча ишлаб чиқариш усули» ва ниҳоят қитъанинг ҳозирги умумий иқтисодий юксалиши уни ягона модель деб ҳисоблашга асос бўла олади.

«Осиё» сўзи европаликлар, хусусан, россияликлар онгида қоқоқлик маъносини англатиб келди. Илгари «азиатчина» (осиёчилик) деган камситма атама ҳам қўлланиларди. Лекин, эндиликда бу тушунча архаизмга айланиб бормоқда. Осиёни қоқоқлик синоними сифатида эътироф этишлар икки ҳолатни ногўғри тушунишдан келиб чиқади. Биринчидан, «Осиё тараққиёт модели» ва «Осиёча ишлаб чиқариш усули» тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим. Иккинчидан, Осиё мамлакатлари ривожланишини мустамлакачиликдан олдин ва кейинги даврга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Осиёча ишлаб чиқариш усули қадимги жамият ривожланишининг алоҳида босқичидир. Бу тушунча дастлаб 1859 йилда фанга киритилган эди. Икки минг йиллар олдин пайдо бўлган ишлаб чиқаришнинг бу усули Мексика, Перу, Шумер, Хитой ва Россияда ҳам мавжуд бўлган, деган фикрлар бор. Осиёвий иқтисодиётнинг милоддан аввалги VII – IV асрларда Қадимги Спартада, III – I асрларда Мисрда, VI – XIV асрларда Византияда ва ниҳоят, 1917–1991 йилларда собиқ СССРда амал қилганлигига асослар бор.

Осиё ишлаб чиқариш усулининг моҳияти айрим минтақаларда кишилар фаолиятининг моддий шарт-шароитлари ва хусусиятлари билан белгиланади.

Бу хусусиятларни учта йўналишга ажратиш мумкин: 1) катта миқёсларда ишлаб чиқаришнинг мувофиқлаштирилишини талаб қиладиган ижтимоий меҳнат тақсимоти ва меҳнатни кооперациялашнинг алоҳида тури мавжудлиги; 2) ресурсларнинг (табiiй, моддий) чекланганлиги; 3) меҳнат ресурсларининг керагидан ортиқ даражаси. Бу усулнинг асосий хусусияти ерга давлат мулкчилигининг амал қилишидир. Давлатнинг алоҳида иқтисодий роли худди ана шундан келиб чиқади. Ерга давлат мулкчилиги қишлоқ жамоалари тизими билан қўшилиб кетиб, бу – ишлаб чиқариш усули фаолиятига кенг йўл очиб беради. Бундай шароитда ҳокимиятга алоҳида деҳқон ёки ҳунарманд эмас, балки жамоанинг демократик ташкилоти рўбарў турадики, улар ўз навбатида давлат олдида жамоа аъзолари манфаатларини ҳимоя қилади. Бу шаклдаги иқтисодиёт ҳокимият ва мулкнинг ягоналигига ҳамда марказлашган хўжалик юритишга асосланади. Шунинг учун уни «ҳокимият-мулк» тизими деб ҳам аталади. Давлат тизими устига қурилган ишлаб чиқариш усули биқикликка, яъни бошқа тизимлардан алоҳида яшашга мойил бўлади.

Бу ишлаб чиқариш усулида жамоанинг ўрни алоҳида. Осиё типигаги жамоа ўзининг мустаҳкамлиги ва монолитлиги билан ажралиб туради.

Осиё ишлаб чиқариш усули хўжаликни марказлашган тартибда юритишни тақозо этади. Чунки оддий меҳнат кооперациясини катта ҳудудларда кенг миқёсда ташкил этиш (каналлар қазииш, тўғонлар қуриш, табиий офатларга қарши қурашиш) зарур эди. Бундай шароитда алоҳида фуқароларнинг манфаати кичик гуруҳлар (оила, жамоа, меҳнат жамоаси) манфаатларига, кейингилариники эса давлат манфаатларига тўла бўйсундирилади. Натижада давлат фуқароларнинг барча хатти-ҳаракатлари, ҳатто, фикрлаш тарзи устидан ҳам тўлиқ назорат ўрнатади.

Осиё ишлаб чиқариш усули қисқа муддатларда, масалан, 15–20 йиллар ичида салмоқли, айтайлик, 10–20% гача иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга қодир. Узоқ муддатларда, масалан, 50 йил мобайнида эса, бу тизим эришилган даражани сақлаб қолишга ҳаракат қилиши билан ҳам турғунликни ва деградацияни келтириб чиқаради.

Осиё ишлаб чиқариш усули турли шаклларда амал қилиб келади. У учун тарихий жараённинг эволюцион (тадрижий) йўли

характерлидир. Бу тамойил анъаналарнинг кучлилиги билан мустаҳкамланган бўлиб, халқнинг диний-ахлоқий ҳаётига асосланади. Маъмурий буйруқбозлик тизими билан бу ишлаб чиқариш усули ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, унинг муҳим белгиси давлатнинг хўжалик юритиш механизмини бошқаришда намоён бўлади. Собиқ Иттифокда ишлаб чиқаришнинг барча омиллари, шу жумладан ер, ер ости бойликлари, сув ресурслари ва иншоотлари, барча асосий ишлаб чиқариш фондларининг 90 фоизи давлатга тегишли бўлиб, улар партократия, шўро номенклатураси, соцолитархия деб аталган гуруҳлар томонидан бошқарилар эди. Бундай бошқариш тизими бир қанча салбий оқибатларга олиб келди. Энг аввало, иқтисодий тараққиётнинг экстенсив омилларига асосланиб қолинди. Бунда асосий эътибор фан-техника тараққиёти ва илғор технологияга эмас, табиий ва меҳнат ресурсларидан паллапартиш фойдаланишга қаратилар эди. Оқибатда, мамлакатда ярим натурал, ярим биқик, хомашё тармоқларига асосланган хўжалик тури шаклланди ва ривожланди.

Кўриниб турибдики, агар Осиё тараққиёт модели ва Осиё ишлаб чиқариш усули ўртасида боғлиқлик мавжуд бўладиган бўлса, бу алоқадорлик қитъа мамлакатларининг қадимги ва мустамлака даврига хосдир. Аммо, мустамлакачиликка қадар ҳам, минг йиллар бурунга назар соладиган бўлсак, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари хўжалик салоҳияти ўртасидаги катта фарқларни кузатиш мумкин.

*1-жадвал*

**Жаҳон мамлакатлари ва минтақалари ижтимоий-иқтисодий  
ривожланиши кўрсаткичлари  
(1000 йил)**

Мамлакатлар ва минтақалар	Жон бошига даромад, долл. хисобида	Ўртача умр, ёш	Катталар орасида саводлилар хиссаси, фоиз хисобида
Ҳиндистон	950–990	20–25	10–15
Хитой	970–1030	27–30	20–30
Киев Руси	600–700	25–30	1–2
Япония	700–760	27–30	10–15
Ғарбий Европа	580–620	26–30	1–3

Манба: Экономика развивающихся стран: сборник статей. – М.: «Гуманитарий», 2004. – С.154–155.

Жадвалдан кўриниб турибдики, минг йиллар олдин Осиё мамлакатлари, хусусан, қитъанинг энг йирик мамлакатлари Хитой, Ҳиндистон ва Япония иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиши бўйича Европа мамлакатларидан анча илгари эди. Ҳиндистон ва Хитой аҳоли жон бошига даромад бўйича Ғарбий Европадан деярли 1,5 маротаба, ҳаёт давомийлиги бўйича Хитой ва Япония мазкур Ғарб ҳазорасидан кам эмас, катта ёшдагилар орасида саводхонлик бўйича эса, бу икки қитъа мамлакатларини мутлақо солиштириб бўлмас эди. Бу вақтларда Хитойда дон экинлари ҳосилдорлиги ва аҳоли жон бошига темир ишлаб чиқариш Европага нисбатан 3–5 марта юқорилиги, ялпи ички маҳсулот даражаси ва шаҳарлар ривожланиши бўйича Шарқ Ғарбдан 1,5–2 марта устунлиги, техникадан фойдаланиш борасида Осиёнинг етакчи эканлиги тўғрисида маълумотлар бор (қаранг: Потапов М.А., Салицкий А.И., Шахматов А.В. Экономика современной Азии. – М.: «Международные отношения», 2011. – С.13).

Иккинчи минг йиллик бошида Хитойда ерни ишлашда бир неча асрлар давомида ҳали Европада маълум бўлмаган темир тишли омовдан фойдаланиларди. Осиёда суғориш техникаси, тўқимачилик, идиш тайёрлаш, ипакчилик, кемасозлик, матбаа, яъни китоб босиш, қўшни давлатлар билан савдо-сотик алоқалари юқори даражада тараққий этган эди.

Бу даврдаги Осиё иқтисодиётининг муҳим хусусияти давлатнинг кучли ривожланган иқтисодий вазифасида эди. Биринчи навбатда, бу – табиий ресурсларда давлат мулкининг устун даражасида кузатилади. Бу ҳолат мураккаб суғориш тизимини сақлаш ва ундан оқилона фойдаланишда, доимий сув тошқини ва қурғоқчиликка қарши туришда намоён бўлади. Давлат суғориш иншоотларини қураш ва сақлаш, қурғоқчилик йилларида захира ҳисобидан аҳолини озиқ-овқат билан таъминлар, табиий офатлардан кейин хўжалик ҳаётини изга туширишга ёрдам берар эди.

Аммо XIX асрга келиб Осиё иқтисодий ва инсон салоҳияти ривожланиши даражаси бўйича Европадан орқада қола бошлади.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, 1800 йилга келиб Осиё тобора иқтисодий ва инсон салоҳияти ривожланиши даражаси бўйича Европадан кескин ортда қола бошлади. Ғарбий Европа жон бошига даромад бўйича Ҳиндистон, Хитой ва Россиядан де-

ярли икки баробар ўзиб кетди, катта ёшдагилар ўртасида саводхонлик бўйича 50 фоизга яқинлашиб қолди.

Шу вақтнинг ўзидан Япониядан ташқари Осиё мамлакатларида катта ёшдаги аҳоли ўртасида даромад ўсиш ўрнига пасайиб кетди. Ўртача умр кўриш узунлиги бўйича ҳам Хитой, Ҳиндистон ва Россияда илгари силжиш кузатилмади. Бу соҳада Япония ва Ғарбий Европа мамлакатларидагина олға силжишга эришилди.

2-жадвал

**Жаҳон мамлакатлари ва минтақалари ижтимоий-иқтисодий  
ривожланиши кўрсаткичлари  
(1800 йил)**

Мамлакатлар ва минтақалар	Жон бошига даромад, долл. ҳисобида	Ўртача умр, ёш	Катталар орасида саводдилар ҳиссаси, фоиз ҳисобида
Ҳиндистон	700–760	20–25	4–6
Хитой	730–790	27–29	15–25
Россия	720–760	28–32	3–7
Япония	900–940	34–38	25–35
Ғарбий Европа	1470–1530	32–34	44–48

Манба: Экономика развивающихся стран: сборник статей. –М.: «Гуманитарий», 2004. – С.154–155.

Нима учун Осиё мамлакатларида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда узоқ муддатли турғунлик юз берди? Илгари улар тез ривожланиб келаётган эди-ку. Қитъалараро ўтадиган Буюк Ипак йўли ҳам бу борада муҳим иқтисодий, маданий кўприк вазифасини ўтаб келаётган эди-ку? Бунинг бир қатор иқтисодий-ижтимоий сабаблари бор эди. Тўғри, XIX аср бошига келиб ҳам Хитой ва Ҳиндистон дунё ялпи ички маҳсулотининг 40 фоизга яқинини бераётган эди. Аммо, Осиёнинг бу йирик мамлакатларида «ялпи маҳсулот»га юқори меҳнат ресурслари ҳисобига эришилаётган, ривожланишнинг сифат кўрсаткичлари борган сари оқсаётган эди.

Бир қарашда ўрта асрларда Осиё мамлакатларида Ғарб мамлакатларига нисбатан бозор муносабатлари анча ривожланган кўринади. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

Биринчидан, ўрта асрларга келиб бозор баҳоларининг шаклланиши бузилган, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маҳсулот

сифатини яхшилашга рағбат заифлашган эди. Мана бу – ўрта аср Шарқининг ўрта аср Ғарбига устунликни бериб қўйишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, иқлимнинг нокулай ўзгариши, ҳароратнинг пасайиши, қурғоқчиликнинг тез-тез такрорланиб туриши ҳам китъа иқтисодийётига салбий таъсир кўрсатди.

Учинчидан, ўзаро урушлар, кўчманчилар босқини ҳам дала майдонларининг узоқ вақт ишловсиз, қаровсиз қолиб кетишига олиб келди.

Тўртинчидан, аҳоли ўсиш суръатларининг ҳаддан ортиқ даражаси ҳам иқтисодий ўсиш натижаларини «еб ташлаётган» эди.

Бешинчидан, буюк географик кашфиётлардан кейин янги денгиз йўлларининг очилиши Европадаги денгиз олди мамлакатларининг тез ривожланиб кетишига сабаб бўлди. Қуруқлик орқали ўтадиган Буюк Ипак йўли эса борган сари ўз аҳамиятини йўқотиб борди. Осиенинг Европадан техникада, ҳарбий соҳада, айниқса, кemasозликда орқада қолиши Тинч океани омилидан самарали фойдаланиш имкониятини бермас эди.

Ва ниҳоят, олтинчидан, Осие жамиятининг консервативлиги, Осиевий ишлаб чиқариш усулига асосланган экстенсив ривожланиш ҳам бундан кейинги иқтисодий ўсишга тўсиқ бўлаётган эди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасида меҳнат тақсимооти жуда секин ўсди. Европада шаҳарлар мануфактура ишлаб чиқариш марказларига айланиб улгурди. Энди бу ерда қишлоқ шаҳарга маҳсулотлари сотиладиган катта бозор сифатида зарур бўлса, Осиеда шаҳарга қишлоқ, биринчи навбатда, солиқ ундириш учун керак эди. Осиевий ишлаб чиқариш усули жамоачилик руҳининг устунлиги билан ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаб келган бўлса, энди у тараққиёт модели сифатида ўз асрини яшаб бўлмоқда эди. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини чекланган ресурслар шароитида ошириб бориш учун энди янги рағбатлар, янги муносабатлар зарур эди.

Осие мамлакатлари мустамлакачилик даврига ана шундай зиддиятли шароитда кириб келди. Мустамлакачилик Осие хўжалик ҳаётида бир томонлама – хомашё ва арзон меҳнат ҳисобига ривожланиш орқали янги, аввалгисидан ҳам жиддийроқ асоратларга олиб келди.

Осиевий ишлаб чиқариш усулининг консервативлигини китъанинг энг қудратли давлатларидан бири Қадимги Хитой

мисолида кўриб чикса ҳам бўлади. XVI асргача Хитой энг бой, энг илғор, энг шаҳарлашган мамлакатлардан бири эди. Бу вақтда Хитой технологияси энг олдинги қаторда эди. Британиялик давлат арбоби, файласуф Фрэнсис Бэкон (1561–1626) Европани «қоронғу асрлардан» ҳозирги замонга порох, компас ва китоб босиш қоғозининг кашф этилиши олиб чиқди деб кўрсатган эди. Порох феодал аслзодаларининг мустаҳкам қалъаларини портлатиб, бузиб, миллий бозорларни бирлаштиришга хизмат қилди. Илгари мустақил бўлган шаҳар-давлатлар энди миллий давлатларга бирлаша бошлади. Шу тариқа миллий бозорлар кенгайди, меҳнат тақсимоти чуқурлашди, иқтисодиёт ўсди.

Компас бўлмаганида, балки Колумб Европа учун улкан бойликлар (олтин) манбаи бўлган, янги қишлоқ хўжалик экинларини берган Янги Оламни очмаган бўлармиди. Маккажўхори, картошка каби қурғоқчиликка чидамли юқори ҳосилдор Янги Олам экинлари уруғининг кекса Европага олиб келиниши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириб юборди. Натижада XVI–XVII асрларда Европа аҳолиси тез суръатларда ўса бошлади.

Қоғоз ва китоб босиш кашф қилингунга қадар ёзув пергаментга туширилар эди. Бугун китоб қўлда ёзилиб, манускрипт, деб аталарди. Битта китобни қўлда кўчириб чиқишга бир кишининг умри кетарди, яъни бир дона китобнинг баҳоси бир кишининг ҳаётига тенг эди. Қоғоз ва китоб босишнинг ихтиро қилиниши билан китобнинг қиймати кескин тушди, билимларни жамғариш ва тарқатиш тезлашди.

Қизик, бу кашфиётларнинг аҳамиятини яхши билган Ф. Бэкон уларнинг қаерда пайдо бўлганини билганмикин? Биз бугун яхши биламиз, уларни дунёга ўша вақтнинг сўзсиз технологик лидери Хитой берган эди.

Икки дарё оралиғи, Нил, Амударё ва Сирдарё этаклари ҳамда ҳавзаларида бўлганидек, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатлари бўйлаб оқиб ўтадиган азим дарёлар қирғоқларида эрта ҳаёт пайдо бўлди, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик ривожланди, шаҳарлар қад кўтарди.

Хитойда қадимдан, хусусий мулкчилик тизими мавжуд эди. Бу тизим бозор муносабатларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Хитойда ерга нисбатан хусусий мулкчилик тартиби бўлиб, ернинг бо-

зор объекти бўлишига рухсат этилган эди. Европада эса бутун феодал муносабатлари ҳукмронлиги даврида ер мутлоқ аслзодаларга тегишли бўлиб, ер бозори йўқ эди. Шунингдек, Хитойда меҳнат ва маҳсулот (товар) бозорлари ҳам ривожланган эди. Ишчи кучи эркин ҳаракатланиши мумкин эди. Аксинча, Европада эса, ер олди-сотди объекти бўла олмагани учун ерга бириктирилган деҳқон мамлакат бўйлаб эркин ҳаракат қила олмасди.

Адам Смит ҳам «Халқлар бойлиги...» китобида Хитойни ривожланган иқтисодий ва юқори меҳнат унумдорлигига эга бўлган бой мамлакат сифатида тасвирлаган.

Хўш, нима учун қадимдан иқтисодиёт, фан ва технология бобида илғор бўлиб келаётган Хитой эндиликда бу соҳаларда Европадан орқада қолиб кета бошлади. Маълумки, иқтисодий ривожланишнинг узоқ келажақдаги пойдевори доимий янги технологияни жорий этиш, мавжудларини такомиллаштиришдир. Хитойда тадқиқотлар асосида деҳқон ва ҳунармандлар тажрибаси ётарди. Хитой аҳолиси ҳозиргидай жуда катта устунликка эга эди. Аммо, Фарбада юз берган саноат инқилоби бу устунликни йўққа чиқарди. Чунки энди амалий тажриба ўрнига назорат қилинадиган илмий экспериментлар келди. Саноат инқилобига эса фан-техника инқилоби олиб келди. Энди Кун Ботар янги технологияни жорий қилишда илмий-экспериментал модель йўлидан борган бўлса, Хитой амалий тажриба модели йўлидан борди. Бошқача қилиб айтганда, Хитой металл учли омочдан фойдаланаётган бир пайтда, Европа ёғоч омоч билан ер ҳайдар эди. Энди Европа пўлат плугга ўтганда, Кекса Чин темир тишли омочда қолиб кетди. Европа саноат инқилоби шарофати билан катта ўзгаришларни бошидан кечирди, Хитой эса ўз жойида қотиб қолди. Англиядан бошланган саноат инқилоби тезлик билан бутун Европа қитъасига тарқалди.

Бугунги кунда двигателининг ихтиро қилиниши, темир ва пўлатдан кенг фойдаланиш, тўқимачилик саноатини механизациялаштириш иқтисодиётни беқиёс ривожлантириб юборди.

Нима учун саноат инқилоби Чин-мочиндан эмас, айнан Англиядан бошланди? Хитойда саноат тўнтариши учун иқтисодий, технологик шарт-шароит йўқмиди? Бор эди, албатта. Ҳатто Европадан бир неча аср илгари бундай шарт-шароитлар мавжуд эди. Демак, саноат инқилоби Хитойни четлаб ўтганлигининг сабаби-

ни Осиёвий ишлаб чиқариш усулига асосланган Осиё жамиятининг консервативлигидан, файласуф Карл Поппер айтганидек, «Ёпиқ жамият» лигидан ва конфуцийлигидан ахтариш лозим. Шу маънода, хитойлик тадқиқотчи Джастин Йифу Линнинг «Демистификация китайской экономики» (М.: Мысль, 2012) китобида Пей Хуанг (Huang Pay. 1981.1587. A Year of No Significance: The Ming Dynasty in Decline New Haven. CT: Yale University Press) нинг юқорида қайд этилган асаридан келтирилган бир лавҳа характерлидир. Воқеа бундай кечади:

Император Шенцзуннинг бош вазири Жэн Чжужен давлатни ислоҳ қилишни таклиф қилади. Аммо ислохотнинг энг масъулиятли палласида унинг онаси вафот этиб қолади. Конфуцийлик қоидаларига биноан у энди узрли таътилга чиқиб, уч йил мобайнида онасига аза тутиши лозим эди. Агар у шундай қилганида ўзи бошлаган ислохот оқсаб қоларди, қолаверса, император ҳам бундан манфаатдор эмасди. Хуллас, Жэн бошлаган ишини давом эттираверди, таътил ҳам олмади, истеъфога ҳам чиқмади. Охиروқибатда бош вазирга ўз вазифасидан кетмаганлиги учун расмий айблов қўйилади. Чунки, у конфуций таълимотича шундай қилиши шарт эди, ваҳоланки, амалдорлар, айниқса, император ҳокимиятида хизмат қилаётганлар конфуцийлик кадриятларига таянишарди. Агар барча амалдорларнинг бошида турадиган бош вазир бирон марта бу маънавий-ахлоқий қоидага риоя қилмас экан, бу билан у императорга холис, содиқ бўлмаслиги ҳам мумкинлиги тўғрисида жамиятга билдириб қўяётган бўларди. Бу эса ўша консерватив давлатнинг асосларига путур етказар эди.

Давлат хизматида танловларда ўрганилиши шарт бўлган предметлар қаторида математика йўқ эди. Лекин, бўлажак ходим конфуцийлик асосида ёзилган 400 минг сўздан иборат «Чор китоб» ва «Беш қонун»ни ёддан билиши шарт эди. Бу машғулот эса тарих ва санъатни ўрганиш билан биргаликда ишга қабул қилинувчи «абитуриент»дан 6–10 йил вақт талаб қиларди. «Конфуцийлик меъёрларини ўрганиш қолган бошқа барча машғулотлардан муҳимроқ» дейишарди. «Сабот билан астойдил ўқисанг, бойлик ҳам, ҳиммат билан тўланадиган маош ҳам, чиройли хотин ҳам сеники» деган тамойил устувор эди.

Шундай қилиб Хитойда бюрократик низом амал қилиб келди. Европада эса, маълумки, феодал-аслзодалик тартиботи мав-

жуд бўлиб, бу ерда савдо-сотик ва тадбиркорлик қадриятлари рағбатлантирилди. Шунинг учун ҳам Европада феодализм бағрида капиталистик унсурлар етилиб, ривожланиб келди. Хитойда эса конфуцийлик иерархияси савдогарларни энг пастга – дворян-киборлар, олимлар, хунармандлар, ҳатто, деҳқонлардан ҳам кейинги ўринга кўярди. Савдогарлар давлат хизматиға танлов ёки тавсия тартиботиға киритилмасди (Қаранг: Джастин Йифу Лин «Демистификация китайской экономики». –М.: «Мысль», 2012, –С.69).

Конфуцийлик таълимоти сингари марксизм ва унинг Хитойдаги кўриниши маоизм ҳам вақти келиб ишлаб чиқарувчи кучларнинг бундан кейинги эркин тараққиёти учун тўғаноқ бўла бошлади. Марксизм стереотиплари меҳнат ва унинг натижалари ўртасида боғлиқликни бевосита таъминлай олмади. Оқибатда кишиларда мавжуд бўлган кенг ва ранг-баранг имкониятларни юзага чиқара олмади. Унинг ҳалокатининг бош сабаби ҳам шунда. Хитой ислохотларининг бош меъмори Дэн Сяопиннинг «мушуклар назарияси» жуда катта жасорат ва олдинга қўйилган қадам эди.

Жамоанинг кучли позицияси ва диний омилға асосланган Осиё тараққиёти моделида ишлов берадиган саноат ва қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутиб келди. Бу модель Осиёвий ишлаб чиқариш усули ва шарқона менталитетға асосланарди.

XX асрнинг 70–80-йилларида шаклланган янги Осиё, аниқроғи Осиё–Тинч океани моделининг энди типик хусусияти – юқори технологияға асосланганлиги, инсон ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш илмий базасининг кенгайиб, инновацион ривожланишида ўз ифодасини топди. Замонавий Осиё модели Европа ва Америка моделиға нисбатан анча кейин шаклланганлиги сабабли ҳам мазкур икки турдаги моделдан ўзига мос унсурларни қабул қилиб олган. Осиё модели дастлаб лицензияларни сотиб олиш эвазига экспорт базасини кучайтиришни назарда тутарди. Буни «Осиё йўлбарслари» – Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань ва «Осиё аждарҳоси» – Япония мисолида кўп марта кузатиш мумкин эди. Улар 1967 йилда Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциациясига (АСЕАН – инглизча ASEAN – Association of South East Asiannotons) бирлашдилар. Кейинчалик Япония, Хитой ва Жанубий Корея

ягона савдо-иқтисодий маконини шакллантиришга ҳам келишиб олдилар.

Осиё тараққиёт модели трансформацияси (ўтиш йўли)да икки омилнинг роли ва аҳамияти катта. Биринчиси, географик омил бўлса, иккинчиси, бу ерда яшовчи халқларнинг менталитети, тарихий ва маданий қадриятлари билан боғлиқ. Биринчи омилга тўхталадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун дунёнинг сиёсий ва иқтисодий тақдирини кўп жиҳатдан белгиловчи бешта нуқтадан тўрттаси бевосита Тинч океани атрофидаги давлатлардир. Улар АҚШ, Япония, Хитой ва Россия ҳисобланади. ШОСнинг икки давлати ва БРИКС (инглизча – BRICS)нинг тўртта давлати ҳам бевосита ана шу улкан океанга чиқади. Ҳозирги шароитда мазкур Буюк океан халқларни, давлатларни бир-биридан ажратувчи эмас, аксинча, бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда, глобал иқтисодиётни яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тинч океани Осиё қисмида ривожланган ягона бозор макони вужудга келаётгани айни ҳақиқатдир.

Хитой ва Япония ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича жаҳоннинг энг ривожланган учлигида турибди. Ҳиндистон жадал ривожланмоқда. Улар бугуннинг ўзида қатор ҳал қилувчи тармоқлар ривожланиши бўйича АҚШ ва бирлашган Германиядан илгарилаб кетди. Жаҳоннинг технологик инновация ва савдо-иқтисодий маркази Тинч океани ҳавзасига кўчмоқда. Америкалик сиёсатчи Збигнев Бжезинский ХХI аср Тинч океани Осиё қисми эраси бўлади, деган хулосага бежиз келмаган бўлса керак.

Осиё – ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос ҳодисаси, феноменидир. Агар антик маданият хуннлар ва вандалларнинг тўхтовсиз ҳужумлари таъсирида қулаган бўлса, бу ерда маданият инкирози аста-секинлик билан иқтисодий омиллар ҳисобига чуқурлашиб борди. Уйғониш ва маърифатпарварлик руҳи антик дунёдан Европага Осиё орқали ўтди. Шарқ Ғарб Уйғониш даврининг манбаларидан, сарчашмаларидан бири бўлди. Айрим мутафаккирларнинг фикрича, Ислом ҳазораси Юнон, Эрон ва Чиннинг илму фан ихтироларини тўплаб ва ўзларидан кўпгина унсурларни қўшиб, алалоқибат, буларнинг барини европаликларга топширдилар. Аммо натижа шу бўлдики, бу тўғрида Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру қамоқхонадан қизига ёзган мактубларидан бирида куюниб

шундай деб ёзган эди: «Европаликлар Осиёга ва унинг халқларига паст назар билан қарайдилар, улар Осиё мамлакатларига келиб, кўнгиллари тусаган нарсаларни олиб кетавердилар. Замоннинг ўзгарганини қаранг» («Ҳаёт ва иқтисод». 1991, 6-сон).

Мустамлакачилик тузуми, аграр давлатларга айланиб қолиш, демографик портлаш Осиё мамлакатларини қашшоқлик гирдобига тортаётган эди. Хитойда ислохотлар бошланиши арафасида аҳоли жон бошига 210 доллар даромад тўғри келадиган дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларидан бири эди. Бу кўрсаткич ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Африка аҳолиси жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадларининг учдан бир қисмини ташкил этар эди, холос. Осиё мамлакатларида хўжаликнинг монокультура тури қарор топди. Индонезия ва Филиппин экспортида шакарнинг ҳиссаси 32 фоиз, Цейлон экспортида чойнинг ҳиссаси 49 фоиз, Малайзия экспортида табиий каучукнинг ҳиссаси 50 фоизга яқинни ташкил этар эди. Ўзбекистонда экспорт ҳажмида пахта толасининг улуши 70 фоиз, импортда эса ғалланинг улуши 60 фоизга яқинлашиб қолгани кўпчиликка маълум.

Энди эскича яшаш мумкин эмас эди. Энди Осиё учун ислохотларнинг янги миллий тараққиёт моделлари зарур эди.

### III Б О Б . ОСИЁ МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛЛАРИ

Осиё мамлакатларида йигирмадан ортиқ аниқ ифодаланган ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий тараққиёт моделлари амал қилмоқда. Улар ўша мамлакат туб аҳолиси – миллатнинг номи билан аталади. Масалан, япон, хитой, корейс, ҳинд ва ўзбек сингари миллий моделларни кўрсатиш мумкин.

Ҳар бир миллий модель ўша мамлакатнинг табиий-географик, иқтисодий шарт-шароитлари, ишлаб чиқариш омиллари ва ресурслари, иқтисодиётнинг таркибий тузилиши, ва албатта, мамлакат аҳолисининг менталитети, тарихий ва маданий қадриятлари, урф-одатлари анъаналари, сиёсий тузуми ҳамда ижтимоий таркибидан келиб чиқади.

Қандай модель тўғрисида гап бормасин, асосий мақсад самарали иқтисодиётни барпо этиш ва унинг асосида халқ турмуш фаровонлигини оширишдан иборат. Шу ўринда иқтисодий афоризм билан гапирганда, ҳеч ким вулқоннинг отилиб чиқишини инвестицияламайди. Ҳар бир давлат, қандай тизимга хос бўлишидан қатъи назар, яхши моделни, олий мақсадни кўзлайди. Лекин натижа, бир россиялик давлат арбоби қайд этганидек, ҳамишагидек бўлиши мумкин. Бирон-бир моделни танлаш пировард мақсад ёки юқори савиядаги урфга (модага) тақлид ҳам эмас. Модель, йўл, йўналиш энг аввало мавжуд табиий, ишлаб чиқариш, нисбий афзаллик (устунлик) ва буюк ақл-заковатнинг амалдаги ифодасидир.

Осиёда тараққиёт моделлари хилма-хил, шу билан бирга, бир-бирини тўлдирадиган, қитъанинг умумий залворли қадамига мос келадиган, хилма-хиллик ўша мамлакат ва халқнинг миллий ўзига хосликларига, миллий тараққиёт йўлининг танланишига боғлиқ.

## ЯПОН МОДЕЛИ

Замонавий япон модели Иккинчи жаҳон урушидан кейин шакллана бошлади. Урушда фашистлар Германияси иттифоқчиси бўлган Япония мағлубиятга учради. Оқибатда япон иқтисодиёти кийин аҳволга тушиб қолди. Давлат саноатнинг чуқур инқирози, ҳарбий-иқтисодий моделдан бозор моделига ўтишнинг кийинчиликлари, тинкани куритадиган тақчиллик, инфляцияни енгиб ўтиши лозим эди. Иқтисодиёти ҳарбий-милитаристик ишлаб чиқаришга бўйсундирилган бўлиб, энди уни конверсия йўли билан аҳоли биринчи даражали эҳтиёжларини қондириш томон йўналтириш, мағлубият, аннексия, репарация, санкция ва оккупация изтиробларини тортаётган халқнинг руҳини кўтариш, қадини ростлаш лозим эди. Япония янги ҳукумати бу кийинчиликларни нисбатан тез ҳал қилди. Чунки мамлакатдаги бошқаришнинг марказлашган маъмурий қолипи жорий этилган тартибот эмас, балки вазиятни ҳисобга олиб, орқага чекиниш эди. Шунинг учун иқтисодиётнинг бозор модели янгидан қайта яратилмади. Японияда собиқ Иттифоқдаги каби миллатнинг энг истеъдодли, энг қобилиятли қисми, яъни тадбиркор, омилкор кишилар, зиёлилар йўқ қилиб юборилмаган эди. Асосий масала – ишни нимадан бошлашда эди. Масала, аввало, тўғри белгилаб олинди ва кейин муваффақиятли ечилди: иқтисодиётни жонлантиришнинг устувор томонлари аниқ белгиланди. Аввало, озиқ-овқат, металлургия, кўмир, руда, энг ҳаётий зарур буюмларни ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилди.

Япония иқтисодиётининг заиф томонларидан бири – унинг энергия ресурсларига қашшоқлигидир. Бу омил уни ташқи бозорга боғлаб қўйди. Ўтган асрнинг 60-йилларигача япон иқтисодиёти тошкўмир ҳисобига ишларди, аммо энергия инқилобидан кейин нефть маҳсулотлари истеъмолига ўтилди. 70-йиллардаги нефть инқирозидан кейин япон ҳукумати ўз ядро энергиясидан фойдаланиш ва корхоналарнинг бир қисмини табиий газга ўтказиш йўли билан нефтьга қарамликни камайтириш усулини қўллади. Кўмирдан ҳозир фақат япон металлургияси ҳамда иссиқлик электр станцияларида фойдаланилади ва унинг ҳиссаси мамлакат энергия балансида 22 фоиздан ошмайди. Япония энди ўзида кўмир қазиб олмайди, бу маҳсулотни у Австралия, Индонезия ва Хитойдан импорт қилади.

Нефть ҳозир Япония учун асосий ресурслардан ҳисобланади. Мамлакат энергия балансида унинг ҳиссаси 50 фоизга яқин. Нефтьдан – бензин, керосин, дизель ёқилғиси, мазут, лигроин ажратилади. Бу ресурсларнинг 99,7 фоизи, асосан, Яқин Шарқдан импорт қилинади. Япон ҳукумати муқобил энергия – ёқилғига, жумладан, биоэтанолга ўтиш тадбирларини амалга оширмакда.

Табиий газ истеъмоли бўйича, Япония жаҳонда олтинчи йирик бозор ҳисобланади. Табиий газнинг барча қисмини японлар Малайзия, Австралия, Индонезия, Бруней ва Қатардан олиб келишни йўлга қўйганлар. Газнинг суюлтирилган ҳолдагиси йирик контейнерларда келтирилади.

Японияда минерал қазилма бойликлар учрайди, аммо металлларга тақчил. Япон саноатида ишлатиладиган алюминий, темир рудаси, мис ва бошқалар чет элдан импорт қилинади.

Мана шундай қийинчиликларга қарамасдан ўтган асрнинг 50–60-йилларида Япония мамлакат ишлаб чиқариш имкониятларини енгил саноатдан оғир саноатга кўчирди. Бундан ташқари, энергия ва металл сифими юқори тармоқлардан илмталаб соҳаларни ривожлантириш моделига ўта бошлади. Ҳукумат 1970-йилларда электроника, аниқ ва мураккаб асбобсозлик, оптика, фотоаппаратлар ишлаб чиқариш, дори-дармонлар, илмий-лаборатория жиҳозлари ишлаб чиқаришга зўр берди. Илгари автомобилсозликда Япония америкаликлар ёрдамида намуна ва технологиялардан нусха кўчириш билан шуғулланарди. Аммо бу йўл билан илгарилаб кетиб бўлмасди. Бунинг ўз вақтида англаган Япония Ташқи савдо ва саноат вазирлиги мутахассислари автомобилсозлик саноат ривожланишининг локомотиви бўлиши керак, деб ҳисоблади ва ҳукуматга автомобиль импортини чеклаш ҳамда мамлакатнинг ўзида бу тармоқни юксалтириш учун пойдевор шакллантиришни тавсия этди.

Маълумки, 1950-йилларнинг ўрталарида корейс яриморлида уруш бошланган эди. Ҳарбий ҳаракатларни таъминлаш мақсадида АҚШ Япониядан пулат, автомобиль, дори-дармон, тўқимачилик ва яна бир қанча маҳсулотларни сотиб ола бошлади. Яқиндагина бир-бирига қарши курашган икки йирик давлат энди яқин ҳамкорликка киришди. Япония учун бу «қурғоқчиликдан кейинги ҳузурли ёмғир» эди. Америкалик махсус буюртмалар «Тойота», «Ниссан», «Исудзу»ларнинг етакчи автосаноат компанияларига айланишига олиб келди.

Ҳукумат тармоқнинг ривожланишини қаттиқ назоратга олди. АҚШ армияси буюртмаси ҳисобига тармоқнинг молиявий аҳволи яхшиланди, технологияси янгиланди, япон автомобиль саноати гуриллаб ривожлана бошлади.

1970-йиллар япон автомобиль саноати ривожланишида янги босқич бўлди. 1973 йилдаги «нефть шоки» ёқилги нархларини кескин ошириб юборди. Натижада энди харидорлар кичик габаритли (ўлчамли) тежамкор автомобилларни афзал била бошлади. Бундай автомобиллар устида ички бозор талабини ҳисобга олган япон конструкторлари анчадан бери бош қотираётган эди. АҚШлик харидорлар энди япон автомобиллари келишини ойлаб пойлашга рози эдилар. Америкалик дилерлар мамлакатга машина жўнатишни тезлаштириш учун оқиб кела бошлади.

1974 йилдаёқ Япония автомобиль экспорти бўйича Германияни қувиб ўтди. 1980 йилда Япония биринчи марта автомобиль ишлаб чиқаришда 10 миллионлик чегарани босиб ўтди ва 15 йил давомида бу соҳада биринчиликни қўлдан бермади. 1989 йилда мамлакатда энг кўп – 13 миллион донга автомобиль ишлаб чиқарилиб, унинг деярли 50 фоизи экспорт қилинди. Аср бошида бу соҳада 8 миллиондан ортиқ киши банд бўлди. Кейинчалик бу соҳадаги илғорликни кунчиқар мамлакати аввал Америкага, сўнг эса Хитойга бўшатиб берди.

Япон автомобилсозлиги ишлаб чиқариш харажатларининг нисбатан пастлиги билан жаҳонда етакчилик қилади. «Япон мўъжизаси» япон автомобилсозлигига асосланган эди. Бу мамлакат ҳозир кимёвий маҳсулотларнинг кўпгина турларини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича АҚШ ва ГФРдан кейинги учинчи ўринни эгаллаган. Енгил саноатда ҳам, асосан, маҳаллий кимёвий тоғлар ҳисобига ишлайди. Кейинги йилларда маҳаллий каолиндан керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланди, Ёғоч ишлаш, тўқимачилик ва озиқ-овқат тармоқлари тараққий этди.

3-жадвал

**Япония ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши (фоизда)**

Соҳа	1950	1960	1970	1980	1990	2000	2005	2009	2013
ЯИМ	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	13	31	40	41	39	31	29	27	27,5
Хизмат кўрсатиш	45	44	50	56	58	66	68	71	71,4

*Манбалар:* Мировая экономика: глобальные тенденции за 100 лет. – М.: «Экономистъ», 2003. – С. 504, 546; Болотин Б.М., Шейнис В.Л. Экономика развивающихся стран в цифрах. – М.: «Наука», 1988. – С. 374–383.

Япония иқтисодиёти учта йирик секторга бўлинади. Бирламчи секторга қишлоқ хўжалиги киритилган. Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари мамлакат ҳудудининг 13 фоизини ташкил этади. Уларнинг деярли тенг ярми шолчиликда фойдаланилади. Мамлакатда текис ерлар кам, аксарият экин майдонлари тоғ ёнбағирларида жойлашган, техника ёрдамида ишлов бериш қийин. Шунинг учун ҳам битта фермерга бор-йўғи 1,8 гектар экин майдони тўғри келади (таққосланг: АҚШда бу кўрсаткич 133 га). Амалдаги япон қонунчилиги бўйича 1990 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар фермерлар дейилади. Улар икки гуруҳга бўлинади: ўз шахсий истеъмоли учун маҳсулот ишлаб чиқарадиганлар ва сотиш учун маҳсулот етиштирадиганлар.

Биринчи гуруҳ – оддий фермерлар, иккинчиси – фермер-тижоратчилардир. Фермер хўжаликлари умумий сони икки миллиондан ошади. Экин майдонлари ҳам, унда ишлайдиган фермер хўжаликлари сони ҳам урбанизация, иқтисодиётнинг иккиламчи ва учламчи секторлари ўсиши ҳисобига тобора қисқариб бормоқда. Агар 1950 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 42 фоиз бўлган бўлса, 2013 йилда атиги 1,1 фоизни ташкил этди.

Маълумки, неолит давридан бошлаб балиқчилик япон хўжалигининг асосий тармоқларидан ҳисобланади. Бугун мамлакат аҳолиси жон бошига бир йилда ўртача 168 кг балиқ истеъмоли тўғри келади. Бу жаҳон мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Япония балиқ ва денгиз маҳсулотлари импорти бўйича етакчи ҳисобланади. У дунёнинг экспорт қилинадиган балиқларининг 20 фоизини мамлакатга келтиради. Умуман, озиқ-овқат маҳсулотларининг 55 фоизи импорт қилинади.

Иккиламчи секторга саноат киритилади. Саноат ривожланишининг бош омили фан ва таълим деб қаралади. Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик (НИОКР) миллий тизими давлат дастури ишлаб чиқилган. Бу дастурга мувофиқ илгари техника ва технология ютуқлари импорт қилинган бўлса, энди НИОКР миллий системасига ўтилган. Қаттиқ жисмли физика, атом энергетика

каси, плазмалар физикаси, энг янги композицион материаллар, космик роботлар яратиш бўйича шуғулланадиган йирик илмий марказлар яратилди.

Кичик ва ўрта бизнес барча соҳаларда самарали фаолият кўрсатади. Япон компанияларининг деярли 99 фоизи кичик ва ўрта бизнесга тегишлидир. Айниқса, автомобиль, электроника ва электротехника соҳаларида уларнинг ўрни жуда юқори. Қисқача қилиб айтганда, инновацион ишлаб чиқариш бугун япон иқтисодиётининг қиёфасини белгиламоқда.

Япония кemasозлик бўйича Жанубий Корея ва Хитой билан кескин рақобатда етакчилик учун кураш олиб бормоқда.

Учламчи секторга савдо-сотик киритилган. Япон савдоси қўшимча қийматга эга савдо турига киради. Унинг моҳияти хомашё импорт қилиш ва саноат тайёр маҳсулотини экспорт қилишдан иборат. Илгари саноат учун хомашё олиб келиниб, тўқимачилик маҳсулотлари чиқарилган, савдо енгил саноат буюмларига йўналтирилган эди. Урушдан кейин эса асосий импорт ёқилғи, экспорт эса машинасозлик маҳсулотлари, автомобиль, юқори аниқлик асбоб-ускуналари, ярим ўтказгичлар бўлиб қолди. Савдо энди оғир ва кимё саноатига йўналтирилди. 1980 йилдан бошлаб узлуксиз ижобий савдо балансига эришиб келинмоқда. Яъни, сотиш ҳажми харид ҳажмидан юқори.

### Японияда индустриал ривожланиш эволюцияси


1950-йилларда	1960-йилларда	1970–1980-йилларда	2000-йилларда
– электро-энергетика – станоксозлик – асбобсозлик – металлургия – кимё – кemasозлик – радиоэлектроника – электро-техника	– автомобиль саноати – маиший электроника – нефть кимёси – сунъий толалар – электроника	– электрон машинасозлик – замонавий алоқа воситалари – маиший электроника – электротехника – автомобиль саноати, «қари» соҳалар (алюминий, мартен пўлати, кимёвий ўғитлар, этилен ва синтетик толалар, кemasозлик, тўқимачилик, (тикувчилик янги индустриал мамлакатларга ўтказиб юборилди)	– ахборотлаштириш – биотехнология – авиакосмик техника – электрон машинасозлик – тикланадиган энергия манбалари – оптик толалар – тиббиёт асбоб-ускуналари – янги материаллар – робот техникаси

1990 йилдан бошлаб япон компаниялари ўз завод ва фабрикаларини ривожланаётган мамлакатларга чиқариб жойлаштира бошлади.

Япон моделининг яна бошқа характерли хусусиятларидан бири иқтисодийни ташкил этиш ва бошқариш механизмида, яъни моделидадир. «Япония акционерлик компанияси» деган тушунчага бир эътибор қилинг. Бунда бутун мамлакат ягона аъзо, бир фирмадек, бир компаниядек ҳаракат қилади. Барча ходимлар ўз манфаатларининг муштараклиги билан боғланади. Аммо собиқ социалистик моделдан фарқли ўлароқ, бунинг бош механизми ҳукуматнинг иқтисодийни қатъий режа асосида бошқариши эмас. Режа ва дастурлар бу ерда тахмин-гусмол, яъни прогноз характерида. Бу режа ва прогнозлар ҳукумат ҳамда тадбиркорларга мамлакат иқтисодийнинг қайси томонга бораётгани тўғрисида умумий мўлжал олиш, чамалаш, бу борада дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни қандай ечиш бўйича тавсиялар беради. Улар маслаҳат характерида эга бўлиб, ҳеч кимни ҳеч нарсага мажбур қилмайди, уларни бажармаслик бирон-бир маъмурий жазо билан яқунланмайди. Социализмда эса «режа – қонун, уни бажариш шон-шараф» деган шиор корхоналар пештоқида осиб қўйилар эди. Япон тажрибасидан кўриниб турибдики, тараққиёт мезони, давлат, тадбиркорлар, ёлланма ходимлар манфаатларидаги умумийлик натижасидир. Бозор режа учун эмас, аксинча, у истеъмол учун керак. Меъёрдаги бозор истеъмолчига хизмат қилади.

Бошқарувнинг японча усули ривожланишнинг стратегик муаммоларига алоҳида эътибор қаратади. Давлат корхоналар фаолиятининг самарадорлигини оширишни кўзлайди. Бунда у фақат пул, рентабеллик билан ўлчанадиган тор доирадан юқорироқ фикрлашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Эркин тадбиркорлик фаолияти давлат бошқаруви билан қўшиб олиб борилади. Баҳолар фискал усуллар билан, яъни давлат даромадларини назарда тутиб бошқарилади. Бу борада яна бир хусусият шундаки, агар Америка компанияларини иқтисодчи, бухгалтер ва юристлар бошқарса, япон компанияларини, одатда, муҳандислар бошқаради. Бу шубҳасиз, япон корпорацияларининг Америка фирмаларига нисбатан устун томонларидан бири. Шу билан бирга япон топ-менежерларининг даромади ишчиларникидан ўн баробар юқори бўлса, АҚШда бу фарқ беш юз маротабани ташкил қилади.

Учинчидан, япон ривожланиш моделида меҳнатни рағбатлантириш ва тартиботни шакллантириш алоҳида ўрин тутади. Бу механизм кейинчалик янги индустриал мамлакатларда ҳам қисман қўлланилди.



Бу тартиботнинг муҳим белгиси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш масалаларининг барча ходимлар томонидан ишлаб чиқилиши, корхоналарда жамоатчилик руҳи ҳамда ишчиларнинг ташаббускорлигини тақдирлашдир. Фирмага содиқлик ва самарали ишлаш, рационализаторлик таклифлари, шунингдек, узоқ йил бир жойда ишлаш қўшимча ҳақ ўрнатиш, нафақага чиқаётганда йирик тўловлар орқали рағбатлантирилади.

Тўртинчидан, японлар характеридаги миллий ўзига хос хусусиятлар ҳам япон моделини шакллантиришга таъсир ўтказмасдан қолмайди. Бу хусусиятлар уларнинг садоқатлилиги, итоаткорлиги, юксак интизомлилиги ва ташаббускорлигида намоён бўлади. Шу муносабат билан матбуотда ўқиганим бир воқеа биз келтираётган далилга жуда мос: Иккинчи жаҳон уруши яқун топиб бормоқда. Собиқ Иттифоқ, АҚШ ва бошқа иттифоқчилар қўшинлари томо-

нидан япон император армияси Узоқ Шарқда қақшатқич зарбага учраб, тор-мор бўлмоқда. Япон аскарлари қаттиқ саросимага тушиб, бировлари самурай ахлоқиға кўр-кўрона амал қилиб ўзини ўзи чавақлаган, айримлари асир тушган, яна бир қанчалари тумтарақай бўлиб қочган, қаршилиқни давом эттираётганлари ҳам анчагина. Шунда япон зобитларидан бири ёшгина аскарни олдига чақириб: «Асло қуролингни ташлама, жангни ҳар қандай усуллар билан давом эттиравер, нима бўлганда ҳам императорга содиқ қолишинг керак», – деган буйруқни беради. Итоаткор ёш аскар гоҳ ўрмонга, гоҳ тоққа беркиниб, партизанлик ҳаракатини бошлаб юборади. Поезд йўлларини портлатади, йўлдан ўтган-кетганларга ўқ отади, ҳеч бўлмаса уларга тош отиб юраверади. Бу дунёбехабар, ҳаракатини саксон ёшларга яқинлашиб мункайиб қолганида ҳам давом эттираверади. Ҳамманинг жонига теккан бу «қўлга тушмас қасоскор»ни ниҳоят япон хавфсизлик хизмати ходимлари қўлга олишади. Унга аллақачон уруш тамом бўлганини, Квантун армияси таслим этилганини, тинч ҳаёт бошланганига ҳам ярим асрдан кўпроқ вақт ўтиб қолганини уқтиришади. У эса, «Командирим қуролингни ташла, деб буйруқ бермагунича, жанговар ҳаракатимни давом эттиравераман», дейди қатъий. Ҳайриятки, собиқ командири ҳам ҳали ҳаёт экан. Япония атрофида жойлашган минглаб ороллардан биридан тўқсон ёшларни қоралаб қўйган, букчайган, соқоли кўксига тушган чолни топиб келишади. Ундан янги буйруқни олгандан кейингина аскар чол чор-ночор қуролини ташлайди.

Бу балки бир ҳангома ё ҳазилдир. Лекин унинг замирида японларга хос характерни белгиловчи асослар ҳам йўқ эмас.

Иқтисодий адабиётларда япон ривожланиш моделини айримларнинг «япон иқтисодий мўъжизаси» билан аралаштириб юбориш ҳолатлари учрайди. Аммо, «япон иқтисодий мўъжизаси» янги япон ривожланиш моделининг дастлабки энг йирик ҳосиласи десак, тўғрироқ бўлади. Гап шундаки, «япон иқтисодий мўъжизаси» япон иқтисодиётининг урушдан кейинги, аниқроғи 1955–1973 йиллар оралиғидаги тарихий ҳодиса – рекорд даражада ўсишдан иборат эди. Бу давр мобайнида япон иқтисодиёти йилига 10 фоиз миқдорида ўсди. Бу ўша вақтдаги ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори ўсиш эди. Мазкур давр энг паст солиқлар ва янги технологияларни ўзлаштириш билан характер-

ланади. Қисқа вақт ичида амалга оширилган бекиёс ўсиш суръатлари Японияга нафақат урушдан кейинги тўла тикланиш, шу билан бирга иқтисодий қудрат бўйича Франция, Италия, Канада, Буюк Британия, ГФР ва собиқ СССРни қувиб ўтиб, АҚШдан кейинги иккинчи ўринни эгаллаш имкониятини берди. Бу – ҳақиқий иқтисодий мўъжиза эди. 1968 йилдан бошлаб жаҳонда иккинчи ўринни эгаллаб келган Япония фақат 2010 йилга келиб, ўз ўрнини тез ривожланаётган Хитойга бўшатиб берди.

«Япон иқтисодий мўъжизаси» худди япон иқтисодий ривожланиш моделидан келиб чиқадиган патент ва лицензияларни сотиб олиб, уни ишлаб чиқаришга зудлик билан жорий қилиш, фан сиғими юқори даражали технологиялардан фойдаланиш, иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш, ишчиларнинг юқори малакаси, япон менталитетининг хусусиятлари, экспортга йўналтирилганлик, бошқарувнинг ноёб тартиботи ва бошқалар ҳисобига таъминланди.

Япония ва унинг атрофидаги янги индустриал мамлакатлар ривожланишини ғозлар тўдасига ўхшатиш мумкин. Тўданинг етакчиси бўлган Япония мураккаб, капитал сиғими юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтган сари, илгари ўзлаштирилган ва меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулот тармоқлари ва турларини янги индустриал мамлакатларга ўтказди. Улар эса, ўз навбатида, бир неча вақтдан кейин бу тармоқ ва маҳсулот турларини Малайзия, Индонезия, Таиланд, Хитой, Вьетнамга «ташлаб юборди».

Хуллас, японча тинимсиз меҳнат, сабр-тоқат, қадамма-қадам илгарилаб бориш беҳуда кетмади. Номинал ялпи ички маҳсулот ҳажми 6 трлн. га етди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдори 35 минг АҚШ долларидан ошди. Япон иқтисодиёти жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ҳали давом этаётган паллада ҳам дунё мамлакатлари орасида энг паст инфляция (1,2%) ва ишсизлик даражасини (4%) кўрсатмоқда.

Мутахассислар фикрича, Япония ижтимоий «баркамоллик жамияти» ҳисобланади. Гарчи реал вазият ушбу таърифга тўла мос тушмаса-да, кунчиқар мамлакатнинг бошқа ривожланган мамлакатлардан фарқли жиҳатлари кўп. Чунончи, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртacha даромадлар миқдори ғоят юқори бўлишига қарамасдан, мамлакатда бойлар ва камбағаллар ўртасида тафовут унчалик катта эмас. Хусусан, аҳолининг энг

бадавлат ва энг қашшоқ 20 фоизи даромади ўртасидаги фарқ 2,9 баробарни ташкил этади, холос. Ваҳоланки, бу тафовут АҚШда 19, Россияда 15 мартага тенг.

### ХИТОЙ МОДЕЛИ

Хитой замонавий иқтисодий ривожланишнинг ёрқин феноменидир. Маълумки, бундай мақомга олиб келган янги Хитой тараққиёт моделининг тамал тоши 1978 йилнинг декабрида бўлиб ўтган ХКП МКнинг III ялпи мажлисида қўйилган эди. Мажлисида иқтисодиётнинг таркибий тузлишини ўзгартириш мақсадида ислохотлар сиёсатига ўтиш эълон қилинди. Хитойда бошланган ислохотлар, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётининг ташқи савдо учун очиклигини таъминлашни ҳам билдирар эди.

Иқтисодиётнинг очиклигини баҳолайдиган асосий кўрсаткич одатда ташқи савдонинг ялпи ички маҳсулотга нисбати ҳисобланади. Бу кўрсаткич ташқи бозорга боғлиқлик коэффициенти ҳам дейилади. 1978 йилда Хитойнинг ташқи савдо миқдори 20,8 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, бу миқдор Тайваннинг кўрсаткичидан ҳам 12 фоизга кам эди. Импорт ҳажми ЯИМда 4,8 фоиз, экспорт эса 4,7 фоиз эди (National Bureau of statistics of China). Кўриниб турибдики, бу вақтда ҳали фаол савдо балансига ҳам эришилмаганди.

1980 йилда Хитой ислохотларининг бош меъмори Дэн Сяопин XX аср охиригача ЯИМ ишлаб чиқаришни тўрт баробарга ошириш вазифасини қўйди. Бу мақсадга эришиш учун ҳар йили ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатларини 7,2 фоиз миқдоридан таъминлаш лозим эди. Ўша вақтда бундай кўрсаткичга эришишга кўпчилик ишонмаган эди (Қаранг: Джастин Йифу Лин «Демистификация китайской экономики» – М.: «Мысль», 2012, –С. 22).

Иқтисодий ўсишнинг табиий суръатлари назариясига мувофиқ биронта мамлакат узоқ муддатли келажақда бундай кўрсаткичга эришиши мумкин эмасди. Тўғри, Япония ва тўртта «Осиё йўлбарси – Жанубий Корея, Сингапур, Гонконг ва Тайвань 1960 йилдан бошланган икки-уч ўн йилликда шундай шиддатли ўсишга эришган ва бу фақуллодда ҳолат сифатида тан олиниб «Осиё мўъжизаси», деб аталган эди.

1978 йил охирида Хитой аҳолиси 1 млрд. кишидан ошиб, уларнинг 80 фоизи қишлоқларда истиқомат қилар, саводсизлар сони

ҳаддан ортик юқори эди. Бу вақтда Хитой дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларидан бири бўлиб, аҳоли жон бошига 210 доллар даромад тўғри келар эди. Хўш, қандай қилиб 20 йил давомида йилига ўртача 7,2 фоиз ЯИМнинг ўсишини таъминлаш мумкин?

Икки ўн йилликдан кейин маълум бўлдики, Дэн Сяопин қўйган вазифа анча камтарона экан. 30 йил давомида 1979–2009 йилларда мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръати ўртача 9,9 фоизни ташкил этди, яъни дастлаб белгиланганидан 2,7 фоизга устун бўлди. Халқаро савдо ҳажми 16, 3 фоизга ўсди. 2009 йилда ташқи савдо ҳажми 2,2 трлн. АҚШ долларига тенг бўлиб, 30 йил ичида сакраш 107 мартага етди. 2012 йилда унинг ташқи савдо айланмаси 3,9 трлн. АҚШ долларига етай деб қолди. Ташқи савдо ижобий сальдоси 231,1 млрд. долларни ташкил этди. Бу чи-накам мўъжиза эди. Энди Хитой иқтисодиёти жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи, экспорт бўйича биринчи ўринга чиқиб олди. Айрим оптимистик баҳоларга қараганда, 2020 йилда ЯИМнинг номинал миқдори бўйича АҚШни қувиб етади, 2040 йилда эса Хитой иқтисодиёти АҚШдан уч баробар йирикрок бўлади. Хитой XXI аср бошидан бошлаб жаҳонда саноат ишлаб чиқариши бўйича энг йирик давлат. У космик ва ядро мамлақати. Хитой дунёда кўмир, темир, марганец, қўргошин-қалай, сурма ва вольфрам рудаларини қазиб олиш бўйича етакчи. Унинг ҳудудларида нефть, газ ва уран мавжуд. Хитойда ноёб металл қазилма бойликлар жаҳон захирасининг 37 фоизи жойлашган.

Бир вақтлар Англияда бўлганидек, энди Хитой «Жаҳон фабрикаси» шуҳратини олди. Илгари Хитой маҳсулотлари деганда кўз олдимишга паст сифатли мол келган бўлса, энди эса қиммат бўлмаган, аммо сифатли товарни тасаввур қиламиз. Ўтган йиллар ичида хитойликларнинг ҳам мамлакатда ўз автомобиль саноати яратилди, мана бир неча йилдирки, бу рақобатли бозорда АҚШ ва Японияни ортда қолдириб, 2010 йилда 18 млн. дона автоулов ишлаб чиқариш билан биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатни дунё инновацион марказига айлантириш вазифаси қўйилган. Олимлар сони 1,5 млн. га етиб, бу борада у АҚШга тенглашиб қолди. Ишлаб чиқарилаётган товарлар орасида юқори технологияли маҳсулотлар ҳиссаси ортмоқда. Хитой космосга одам учирди, Ойга космик кема қўндирди, қирувчи реактив самолётларнинг бешинчи авлодини яратди.

«Тяньхе» компьюттери жаҳонда энг тезкор ҳисобланади. Хитой куёш энергиясидан фойдаланиш ускуналарини тайёрлаш бўйича ҳам етакчи. Унинг олтин-валюта захиралари 4 трлн. доллардан ошиб кетди. Бу натижалар унинг вакиллариға халқаро музокара-ларда бошни юкори кўтарганча қатнашиш имконини бермоқда.

Мамлакатни тезюар темир йўллар ва ўта замонавий автобан чулғаб олган.

Ислоҳот йилларида хитойликларнинг турмуш даражаси 9 мартага ошди. Агар ислоҳот бошланган пайтда кишлоқ аҳолисининг учдан бир қисми, тахминан 250 млн. киши қашшоқликда кун кечирган бўлса, уч ўн йилликдан кейин уларнинг сони 36 млн. га тушди.

Хитойда бошланган ислоҳотларнинг ажралмас қисми иқтисодиётнинг очиклик доктринасидир. Ташқи савдоға боғлиқлик коэффициентида ифодаланадиган иқтисодиётнинг очиклиги «Осиё йўлбарслари» каби кичик мамлакатларда 100 фоиз ва ундан зиёд бўлиши ҳам мумкин. 100 млн. лик аҳолиси бўлган Индонезияда 1984 йили, мазкур кўрсаткич 23 фоиз бўлиб, бу ўртача мақбул кўрсаткич ҳисобланарди. Хитойнинг ташқи савдоға боғлиқлик коэффициенти 1978 йилдаги 9,5 фоиздан 1984 йилга келиб 16 фоизга етди. Шу йили бу кўрсаткич АҚШда 15,2, Японияда 23,9 фоиздан иборат бўлди. Хитойдек улкан мамлакатда, бундан зиёд кўрсаткичға эришиш мумкин эмасдек туюларди. Ҳатто, бунга ўта устамон – «қилни қирқ ёрадиган» мутахассис иқтисодчилар ҳам ишонмасди. 2008 йилга келиб ташқи савдоға Хитойнинг боғлиқлик коэффициенти 62 фоизни ташкил этди.

Экспорт давлат даромадларининг 80 фоизини бермоқда. Экспорт тармоқларида 20 млн. киши иш билан банд. Саноат ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 20 фоизи ташқи бозорға чиқарилади. Мамлакат экспорти диверсификациялашган. Экспорт номенклатураси эллик минг номдан иборат. Унинг асосий савдо шериклари ривожланган мамлакатлар, жумладан, Япония, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари бўлиб, ташқи савдо айланмасида уларнинг ҳиссаси 55 фоиздир. Бу мамлакатларға юбориладиган маҳсулотлар олий сифат стандартлариға мос келади. Энг рақобатли товарлар кийим-кечак, пойабзал, ўйинчоқлар кейинги йилларда электроника, вело-мото ва автотехника, транспорт ҳамда қурилиш машинасозлиги бўлиб қолмоқда. 2004 йил-

дан офис ва телекоммуникация жиҳозлари бўйича, 2005 йилдан юқори технологияли экспорт бўйича дунёда етакчи ўринга чиқиб олди.

Ташқи савдо билан бир қаторда Хитой мамлакатга чет эл инвестициясини жалб қилишга ҳам катта эътибор қаратди. 2008 йилда мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар 700 млрд. долларга яқинлашиб қолди. Инвестицияларнинг умумий миқдори 2012 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 41 фоизини ташкил этди. Бу кўрсаткич дунёда энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Инвестицион жозибадорлик бўйича Хитой жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди. Чет эллик инвесторларнинг 80 фоизи чет элда яшовчи хитойликлардир. Ёпиқ ва ярим ёпиқ иқтисодиётда бу каби кўрсаткичларга ҳеч қачон эришиб бўлмасди.

Хитойдаги ислохотлар ва иқтисодиётнинг очиқлиги сиёсатидан нафақат «Осмон ости мамлакати» халқи ютди, балки худди асалари сингари ташқи самара ҳам берди. Агар боғингизда асаларичилик қилсангиз, асалариларингиз қўшнингизнинг мевали дарахтларини ҳам чанглантириши мумкин. Сиз энди нафақат асал ейсиз, шу билан бирга қўшнингизнинг ҳам мўл мева ҳосили олишига қўмаклашган бўласиз. Қиммат бўлмаган яхши сифатли Хитой истеъмол товарлари ва биринчи навбатдаги ҳаётий зарур буюмларни экспорт қилиши кўпчилик мамлакатлардаги аҳоли камбағал қатламлари турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келди.

Улкан Хитой иқтисодиёти ташқи самарасининг ифодаси 1997 йилда бошланган Осиё молиявий инқирози ва 2008 йилда бошланган глобал молиявий иқтисодий инқироз шароитида яққол намоён бўлди. Ҳар иккала шароитда ҳам Хитой жаҳон иқтисодиётига барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатди. Биринчи инқироз давомида минтақадаги барча мамлакатлар валютаси девальвацияга учради. Жанубий Кореянинг вони, Тайваннинг бати, Индонезия рупияси Америка долларига нисбатан бир неча баробар кадрсизланди. Агар Хитой юани ҳам девальвация қилинганда Жанубий Осиё мамлакатларининг тез орада ўнгланиши қийин эди. Аммо Хитой катта олтин – валюта захиралари ва минтақа мамлакатларидан катта ҳажмдаги импорт ҳисобига ўз валютасини девальвация қилмади. Хитой ўз қўшниларининг

иктисодиётини барқарорлаштиришни афзал билди. Натижада Осиё иқтисодиёти ҳаммаси бўлиб икки йилда тикланиб олди. АҚШдан бошланган молиявий-иктисодий инқироз шароитида ҳам Хитой ўзининг катта олтин-валюта захираларига таяниб, йирик майдонда фискал тадбирларни амалга оширди. Зудлик билан 685 млрд. долларлик рағбатлантириш тадбирлари хужжатларини маъқуллади. Натижа узоқ куттирмади. 2009 йилнинг биринчи чорагидан мамлакат иқтисодиёти жонлана бошлади ва шу йили ЯИМнинг ўсиши 9,1 фоизни, 2010 йилда эса 10,1 фоизни ташкил этди. Таққослаш учун шуни таъкидлаш жозик, инқирознинг биринчи йилида жаҳон ялпи ички маҳсулоти 2,2 фоизга пасайган эди.

Япон «Nippon Steel Corporation» пўлат куйиш компанияси 1950–1960 йилларда юксалишни бошидан кечириб, 1970-йилларда тушкун ҳолга келиб қолган, мамлакатнинг устувор тармоғи сифатида ўз аҳамиятини йўқотган эди. 2000 йилларга келиб компаниянинг фойдаси яна ўсиб, иши юриша бошлади. Бунинг бош сабаби Хитой импортининг йилдан-йилга ошиб бориши натижасида пўлатга бўлган жаҳон нархларининг ўсиши эди. Демак, кўшнининг бойишига ҳасад қилмасдан, аксинча хурсанд бўлиш керак экан. Кўшнинг тўқ бўлса, сен ҳам оч қолмас экансан-да.

Сўзсиз, Хитой иқтисодиётининг ўсишидан нафақат кўшни мамлакатлар, шу билан бирга бутун дунё ютди.

Ўтган ўн йилликда Африка иқтисодиётининг учдан икки қисми йилига 5,5 фоиз суръатда ўсди. Қитъанинг айрим мамлакатлари йилига 7 фоиз ўсишга эришди. Африкадаги бундай мисли қутилмаган ўсишда ҳам Хитойнинг роли бор десак, хато бўлмайди. Хитойнинг хомашё импорти жаҳон хомашё бозорида нархларнинг ўсишига олиб келди. Лотин Америкаси мамлакатлари ҳам Хитой билан савдо-сотикдан манфаат кўрди. Шундай қилиб, Хитой жаҳон иқтисодиётининг локомотивига айланди. Халқаро валюта фонди ҳисоб-китобларига кўра, 2014 йилда Хитой ялпи ички маҳсулотини харид қобилияти паритети (ППС) бўйича ҳисобланганда АҚШни қувиб ўтса керак. Харид қобилияти паритети бўйича 2014 йил охирида жаҳон ялпи ички маҳсулотида Хитойнинг улуши 16,48 фоиз (17,6 трлн.) АҚШнинг ҳиссаси 16,28 (17,4 трлн.) фоизни ташкил этиши керак. (<http://www.ru./news/2014/10/08/1215794/shtml>)

Хўш, қандай қилиб, нималар ҳисобига «Осмон ости мамлакат» бу қадар фантастик марраларни эгаллаб келмоқда? Бу саволга бир сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Бунинг учун, аввало, Хитой тараққийот моделининг моҳиятини кўриб чиқиш лозим.

Хитой моделини айримлар бир вақтлар собиқ шўролар мамлакатларида ўтказилган ЯИС (янги иқтисодий сиёсат – НЭП) га ўхшатишади. Ўхшашлик бўлиши мумкин. Аммо хитойликлар амалга ошираётган қайта қуришлар ЯИСдан принципиал фарқ қилади. «Осмон ости мамлакатада» ислохотлар бошланганига 35 йилдан кўпроқ вақт ўтди, ҳали-бери давом этади. Шўроларнинг янги иқтисодий сиёсати эса амалда 5–6 йилда барҳам топган эди.

Хитой модели ўзининг юксак самарасини бутун дунёга намойиш этаётган бўлишига қарамасдан, у ҳақда иқтисодий адабиётларда ягона фикр йўқ. Мана, масалан, АКШлик профессор Д.Лэмpton «хитой модели» тушунчасини инкор этади ва уни сайёранинг 20 фоиз аҳолисини ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги босқичга олиб кирадиган оддий усул деб ҳисоблайди (<http://news.sohu.com/20081009/n259935195.shtml>).

Профессор П.Нолан «хитой модели»ни «учинчи йўл» сифатида изоҳлаб, уни рағбатлантиришнинг аниқ услублари, бозор устидан назорат, шунингдек, ҳокимият, амалдорлар ва оддий кишилар ахлоқий тартибнинг натижаси сифатидаги яхши ишланган мафкурасини бирлаштирувчи бир бутун фалсафа деб ҳисоблайди. (Nolan P.China at the Crossroad // Journal of Chinese Economic and Business Studies. 2005. vol. 3. №1. P 1-22.)

Улардан фарқли ўларок, Женева университети профессори Чжан Вэйвэй «хитой модели»нинг хусусияти ўз ва чет эл тажрибасидан сабоқ олиш, институционал соҳага оқилона ва эҳтиёткорлик билан инновацияни амалга ошириш, оддийликдан мураккабликка, қишлоқ хўжалигидан шаҳар хўжалигига, иқтисодиётдан сиёсатга ўтиш орқали ислохотни тўғри режалаштириш деб ҳисоблайди. (Синь Ли. – К вопросу о китайской модели. – Ж., «Мир перемен», 2011, №1, –С. 77.)

Хитойлик профессор Чан Сюцзэ «хитой модели»ни аҳоли кенг қатламлари турмуш фаровонлигининг ўсиши, социализмнинг замонавий бозор иқтисодиёти тизими билан қўшилувчи, катта ҳажмдаги бозорнинг устунлиги деб тушунтиради. (<http://>

theory.people.com.cn /GB/49172/III392/ III392/III522/6584139.html).

Профессор Хэ Цзыли «хитой модели»нинг моҳиятини давлат мулкнинг устунлиги, иқтисодиётда бошқариладиган бозор, сиёсатда давлат институтлари иқтисодий вазифасининг кучайиши, конфуцийлик, маданиятда марксистик мафкурадан иборат деб билади. (<http://www.aisixiang.com/data/31929.html>) Бу модель индустрлаштириш, шаҳарлаштириш, маркетинглаш ва байналмилаллашув, шунингдек, иқтисодий, сиёсат, маданият, жамият ва экология синтезига асосланади.

Хусусий ва капиталистик мулк «хитой социализми»нинг ажралмас хусусиятларидан бўлиб, бу ҳолат классик социализм табиатидан очиқчасига чекинишдир. Хитойнинг муваффақиятлари социализмдан капитализмга ёки режадан бозорга ўтишдир деб изоҳлаш одатда кўплаб учрайди. Хитойдаги ислохотларнинг моҳияти ва ривожланишини диққат билан чуқур тадқиқ қилган россиялик олима Э.П.Пивоварованинг фикрича, бу ерда бозор ислохотлари давомида социализм негизида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва унинг асосида нафақат алоҳида кишилар, ҳаттоки, шу билан бирга, хусусий хўжаликлар фаолиятини яхшилаш, нафақат меҳнатга, балки капиталга яраша тақсимлаш, макродаражада бошқариладиган бозор иқтисодиёти шакллантирилди (Қаранг: Пивоварова Э.П. Социализм с китайской спецификой. –М.: ФОРУМ, 2011. – 352 с.).

Амалда бу ерда икки қарама-қарши иқтисодий тизимнинг яқинлашуви, яъни конвергент аралаш иқтисодиёт барпо қилинди. Агар 1978 йилда ХХРнинг шаҳар ва посёлкаларида иш билан банд бўлган 95,1 млн. аҳолининг 78,4 фоизи давлат секторида, 21,6 фоизи жамоа, 0,16 фоизи якка хўжаликда меҳнат қилган бўлса, 2009 йилда шаҳар ва посёлкаларда иш билан банд бўлган 311,2 млн. кишининг 20,6 фоизи давлат, 11,6 фоизи якка хўжаликларда, 16,5 фоизи хусусий корхоналарда, қолганлари жамоа, акционер-кооператив, аралаш, чел эл капитали корхоналарида, масъулияти чекланган акционер компанияларда фаолият юритди (Ўша манба: Пивоварова Э.П., –166 с.). Эътибор беринг: ўтган 35 йил ислохотлар даврида банд бўлганлар сони кескин ўсиши билан уларнинг аксарият қисми давлат корхона-

ларида эмас, балки турли хил мулк шакллариини ифода этган корхоналарда фаолият юритди. Мамлакатда амалда кўп укладли иқтисодиёт барпо этилди. Дэн Сяопин киритган «хитойча хусусиятли социализм» ёки социалистик бозор дегани мана шунинг ўзи бўлса керак. Бошқача қилиб айтганда, хитой модели икки бир-бирига қарама-қарши, турли қонуниятлар асосида ривожланадиган хўжалик укладини бир ижтимоий-иқтисодий организмда уйғунлаштирди.

Хитой моделининг «меъмори» Дэн Сяопиннинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли: «Режа» ёки «бозор» – бу капитализм ва социализмнинг туб фарқи эмас. Режали иқтисодиёт социализм деган маънони англатмайди, капитализмда ҳам режа мавжуд. Айни вақтда бозор иқтисодиёти капитализм эмас, зеро, социализмда ҳам бозор мавжуд. Режа ва бозор – иқтисодий усуллардир (Лю Гогунан. Функционирование и развитие китайской экономики. Гуанчжоу. 2001. – С. 39).

Юқоридагилардан келиб чиқиб «хитой модели»нинг асосий моҳиятини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Хитойда режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига трансформациялашув жараёни содир бўлди. Бу жараён аста-секинлик билан босқичма-босқич борди ва қарийб 35 йиллик даврни ўз ичига олди. Ислохотларни ўтказишда Хитой икки қоидага қатъий амал қилди. Биринчи қоида, бир сакрашда эмас, балки «тошларни пайпаслаб дарёни кесиб ўтиш». Тарихий тажриба хитойликларни ислохотни энг заиф бўгундан бошлашга ўргатди. Иккинчи қоида Дэн Сяопиннинг «Мушукнинг қайси тусда бўлишининг аҳамияти йўқ, оқми ёки қорами, муҳими унинг сичқонларни яхши тутиши»дан иборат. Яъни, иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва давлатнинг ялпи қувватини ошириш учун фойдали нарсаларнинг ҳаммаси яхши.

Ижтимоий барқарорлик – иқтисодиётни ривожлантиришда барча кучларни тўплаш шарт-шароити, мустақкам сиёсий тизим орқали амалга оширилди. Барча ҳаракатлар аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилди. Ислохот аста-секин иқтисодиётнинг барча тармоқларига кўчирилди. Макроиқтисодиётда давлатнинг роли кўллаб-қувватланди. Самарали чет эл институтларидан фойдаланилди, уларни маҳаллий жойга мослаштиришга урғу берилди.

Хитой моделининг ҳаётийлигини бир қатор тамойиллар таъминлаб келмоқда:

– асосий куч эскини бузишга эмас, балки янгисини яратишга сарфланди;

– ислохот тўғридан-тўғри аҳоли эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилди ва шунинг учун ҳам дастлабки босқичданоқ кенг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланди;

– ҳокимият ислохотни бегона усул, йўл-йўриқлар бўйича эмас, ўз мамлакатларининг хусусиятларидан, биринчи навбатда, аҳоли сонининг ўсиши ва ресурсларнинг чекланганлигидан келиб-чиқиб амалга оширди;

– мамлакатда тезкор либераллаштириш амалга оширилмади, балки босқичма-босқич бозор томон силжишлар илмий синовлар асосида олиб борилди;

– бозор субъектларини яратишга амалдаги давлат тизимини бузиб ташлаш йўли билан эмас, мавжуд ёриқларни тўлдириш, бу мақсадда нафақат ички имкониятлар, шу билан бирга чет эл капиталини жалб қилиш орқали эришиш;


– миқдор даражада хўжалик ташаббускорлиги рағбатлантирилиши билан бирга макроназорат қўлдан чиқариб юборилмади, вақти-вақти билан, керак бўлса у кучайтирилди ҳам;

– ислохотлар тажрибаси бозорга ўтишнинг энг табиий йўли турли хил мулк ва хўжалик юритиш шаклларини қўшиб олиб боришда эканлигини исботлади.

Шундай қилиб, Дэн Сяопиннинг ислохоти шошма-шошарлик билан эмас, сиёсий тизимни бирданига синдириб ташламасдан иқтисодиётнинг самарадорлиги оширишдан бошланди.

Хитойда ислохотларнинг биринчи босқичида бозор муносабатлари амалдаги меъёрий-ҳуқуқий асосда тез ривожланди. Натижада «режадан ўсиб чиққан» бозор муносабатлари 1980-йилларда мамлакат иқтисодиётини жонлантирди. Хитой Корея ва бошқа мамлакат сингари мамлакат ичкарасида ўз технологик компанияларининг униб чиқишини кутиб ўтирмади. У жаҳон билим захираларига чиқишнинг барча каналларидан фойдаланишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда нусха кўчириш ва реинжинирингдан кенг фойдаланишда «очик эшиклар сиёсати» доирасида лойиҳа институтлари, қўшма корхоналар, чет эл савдоси, технологиялар трансфери мамлакат иқтисодиётини модернизациялашга йўналтирилди.

1990-йилларгача мамлакат технологияни импорт қилишдан фойдаланди. Эркин савдо зоналарига ўхшаш махсус иқтисодий зоналар ташкил этилиб, уларга қайта ишлаш саноатига чет эл инвестицияларини киритиш мақоми берилди. Бу зоналар Хитой учун замонавий технологияларга йўл очди, чет эл валюталарининг кириб келиши ва қўшимча иш ўринларини яратиш имкониятини берди. Замонавий технология миллий корхоналарнинг технологик ривожланишига йўл очди. Хитой моделининг тузилиши куйидаги шартли схемада келтирилди.



1990-йилларнинг ўрталарига келиб, инновация ва арзон ишчи кучи ҳисобига хитойлик фирмалар жаҳон бозорида барқарор ўрнашиб олдилар. Ўз навбатида, Хитой чет эл компанияларига нафақат ишлаб чиқариш платформасини яратишда майдон, шу билан бирга жаҳонда тез ўсаётган глобал бозор сифатида алоҳида жозиба касб этди.

Бу даврга келиб қатор Хитой компанияларининг халқаро бозорларга муваффақиятли чиқиши билан технологик тараққиёт стратегиясининг иккинчи босқичи – юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш бошланди. Ахборот – ком-

муникация технологиялари, автомобилсозлик ва биокимё саноати бўйича улкан ютуқларга эришди. Хитойлик фирмаларга зарур технологик қувватлар ва бренднинг йўқлиги уларнинг янги босқичга ўтишини қийинлаштирар эди. Бунинг учун илғор технологияли чет эл фирмаси ёки унинг филиалини сотиб олиш, чет эллик етакчи технологик компаниялар билан қўшма корхона тузиш лозим эди. Аммо, буларнинг ҳар иккаласи ҳам осон юмушлардан эмасди. Биринчи вариантдан фойдаланиш учун технологик позицияларни мустаҳкамлаш, фирманинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, иккинчи вариант учун эса, обрўли ҳамкор сифатида миллий бозорнинг маълум қисмини эгаллаши лозим бўлар эди. Мамлакат бу вазифаларнинг уддасидан чиқди. Натижада ўтган ўн йилликнинг ўрталарига келиб қайта ишлаш саноатининг технологик таркиби сезиларли яхшиланди. Экспортга йўналтирилганликнинг кучайиши, биринчи навбатда, юқори ва ўрта технологик ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлди. 2007 йилда Хитой қайта ишлаш саноати экспортида юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг ҳажми 30 фоизга етди. Бу кўрсаткич бўйича у Кореяга (33%) деярли етиб олди.

4-жадвал

**Хитой ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши (фоизда)**

Соҳа	1950	1960	1970	1980	1990	2000	2005	2009	2013
ЯИМ	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	11	44	40	48	42	44	47	46	46,6
Хизмат кўрсатиш	17	17	11	24	33	39	41	43	43,7

*Манбалар:* Мировая экономика: глобальные тенденции за 100 лет. – М.: «Экономистъ», 2003. – С. 504, 546; Болотин Б.М., Шейнис В.Л. Экономика развивающихся стран в цифрах. – М.: «Наука», 1988. – С. 374–383.

Жадвалдан кўришиб турибдики, ўтган асрнинг 50-йилларида Хитой қолоқ аграр мамлакат эди. ЯИМнинг 70 фоиздан зиёдроғи қишлоқ хўжалик секторида яратилар эди. 1970-йилларнинг охиридан мамлакатда чуқур иқтисодий ислохотлар бошлангандан кейин аҳвол ўзгара бошлади. Ўтган ўн йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ЯИМ-

даги ўрни барқарорлашди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса, ҳозирги пайтда 10 фоиз атрофига тушиб қолди.

Хитой моделининг бу қадар самарадорлигини ҳар ким ҳар хил изоҳлайди. Украиналик таниқли иқтисодчи олим, академик Ю.Н.Пахомов Хитой ўз тараққиёт моделини ўзгартиргандан кейингина фаол ривожлана бошлади, деб ҳисоблайди. Маочилар зулми остида ўн йиллаб у фаоллик белгисини кўрсатмади. Дэн Сяопин йўналишининг қабул қилиниши билан Хитой фаол ривожлана бошлади. У Шарқ кадриятларини тиклади, конфуцийликка йўл очиб юборди, буддизм ва даосизм анъаналарини рағбатлантирди. Бу учта йўналиш бир-бирини тўлдириб, синергетик самара берди ва натижада Хитойнинг бугунги муваффақиятини таъминлади (Қаранг: Пахомов Ю.Н. Мировой финансовый кризис: цивилизационные истоки. «Экономист», – М.: 2009. №2, – С. 38).

Хитойликларга хос анъаналарининг тикланиши нафақат кишиларнинг руҳи ва яратувчилик энергиясида портлашга олиб келди. Бошқа бозор моделига ўтган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маоизм даврида мудроқ босиб ётган анъаналарга кенг йўл очилиши ноёб бошқарув санъатини ҳам ишга солиб юборишга ундади.

Бу ерда «Вертушка» деб ном олган ва жиддий ишланган лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. Бу лойиҳанинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир корхонадан энг эпчил, ахлоқий мустаҳкам ва ташаббускор ёшлар ажратиб олиниб, улар Европада, АҚШда, қолганлари мамлакатнинг ўзидаги курсларда ўқитилиб, қайта тайёрланди. Кейин маҳаллий раҳбарлар томонидан уларга хўжалик фаолияти хусусиятларини эътиборга олиб, жой ва жиҳозлар яратилди, кредит берилди, улар устидан назорат ва ҳомийлик ўрнатилди. Танланган ва ўқитилган ёшлардан аввал кичик ва ўрта корхоналар, кейинчалик эса йирик компаниялар учун кадрлар корпуси ўсиб чиқди. Агар кимникидир ўхшамаса, улар илгариги ўз жойларига қайтарилди. «Паст»дан селекция билан бир қаторда амалдорликка даъвогарлар ҳам қаттиққўллик билан танланди. Бу маълум маънода конфуцийлик анъаналарига қайтиш эди.

Хитойда бундан 35 йил олдин бошланган иқтисодий ислохотлар давомида ўртача йиллик ўсишнинг дунёдаги энг юқори кўрсаткичларига эришилди. Натижада қатор кескин иқтисодий ва ижтимоий вазифалар муваффақиятли ҳал бўлди.

Шунга қарамасдан хитой тараққиёт моделини идеал деб бўладими? Хитойнинг олдида иқтисодий тараққиётга олиб келадиган бошқа йўл ҳам бормиди? Бу саволларга бир сўз билан жавоб бериш қийин, албатта.

Хитой ривожланишнинг ўзи танлаган модели учун катта товуни тўлади. Албатта, бундан кўз юмиб бўлмайди. Мисли кўрилмаган иқтисодий ўсиш баробарида табиат ресурсларининг ҳалокатли камайиб кетиши, дарё ва кўлларнинг қуриши, ўрмонларнинг саҳрога айланиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши кузатилди. Соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой ва маданиятнинг тижоратлашуви, уларнинг ижтимоий бузилишига олиб келди. Аҳоли истеъмолининг иқтисодий ўсишга ҳиссаси 2000 йилдаги 73 фоиздан 2004 йилдаги 37 фоизга тушди. ЯИМда аҳоли истеъмолининг улуши 1992 йилдаги 62,4 фоиздан 2008 йилга келиб 48,6 фоизни ташкил этди. Бу – ривожланган, ҳатто, ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ҳам анча паст кўрсаткичдир. «ЯИМ Хитойга, фойда эса бизга» қондаси асосида чет эллик корчалонлар ташки савдо даромадининг 95 фоизини ўзларига суғуриб олмоқда. Қолган атиги 5 фоизгина «хитой ишлаб чиқариши» 2,5 трлн. долларни жамғариб, ривожланган мамлакатлар донори бўлишни таъминламоқда. Кўриниб турибдики, бу ерда миқёс омили жуда катта роль ўйнамоқда. Хитойликлар ҳозирги замон қуллари сингари чет эл корхоналарида ойига 50 доллар маош учун 15 соатлаб меҳнат қилмоқда. Хитой, бир томондан, ўзининг ортиқча капитали билан АҚШ иқтисодиётини қўллаб-қувватласа, иккинчи томондан, катта миқёсда ўзининг давлат ресурсларини қурбон қилиш эвазига чет эл капиталини жалб қилмоқда (Синь Ли. – К вопросу о «китайской модели». – Ж.: «Мир перемен», №1, 2011. – С. 86.).

Турли мулк ва хўжалик юритиш шакллари амал қилиши оқибатида жамиятда кескин табақаланиш жараёни бормоқда. Камбағал ва бой-бадавлат қатламлар ўртасида жарлик борган сари чуқурлашмоқда. Мамлакатда миллионерлар ва миллиардерлар сони муттасил ошмоқда. Улар мувофиқ равишда 534,5 минг ва 115 кишини ташкил этмоқда. Уларни мамлакатда «да куань» деб аташади. Аммо улар ўз сармоясини Россиядагидек умумхалқ мулкани тақсимлаш ҳисобига эмас, балки ихтирочилик ва новаторлик асосида мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш

ва инновациялаш эвазига эришганлар. Мамлакатдаги миллиардерларнинг умумий бойлигини 230 млрд. доллардан ортиқроқ, деб баҳолашмоқда. Аммо, аҳоли барча қатламлари даромадлари бир текисда бўлмаса-да, умумий ўсишга эришилаётганлиги табақаланиш бўлса-да, лекин кутбланиш – бойларнинг бойиши, камбағалларнинг эса янада камбағаллашуви кузатилмайди.

Хитой модели коррупция ва порахўрликни йўқ қила олмади. Кейинги 10 йилда коррупцияда айбланиб, 10 минг амалдор қатл этилди. Ислохот йилларида ҳаммаси бўлиб 1 миллион партия – давлат аппарати ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди.

Хукумат ҳали ўз фуқаролари олдидаги ижтимоий мажбуриятларини етарли даражада бажарган эмас. Давлат ҳозиргача чуқур шахталарда ва тизза бўйи сув кечиб шолিপояларда бир неча ўн йиллаб оғир меҳнат қилган фахрийларига ҳаёт кечиришнинг етарли даражасини таъминлаб бера олмади. Натижада нафақадорларнинг ҳар тўрттадан биттаси пенсия билан таъминланган. Пенсия миқдори жуда паст даражада қариялар тўғрисида ғамхўрлик асосан оилалар зиммасига юклатилган. Шунга қарамадан ижтимоий ҳимоялаш ислохоти йилдан-йилга ўтиб келмоқда.

Демак, хитой модели идеал бўлмаса-да, мамлакат олдида бошқа қулай йўл йўқ эди. Иқтисодий ўсишнинг хитой модели, янги, алоҳида хусусиятга эга феномен, «америка-европа» моделига муқобил сифатида майдонга чиқди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда юқори ўсиш суръатларини таъминлаш билан у ўзининг ягона тўғри йўлда эканлигини исботламоқда.

### КОРЕЙС МОДЕЛИ

Мутахассислар Жанубий Корея (Корея Республикаси)ни «биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар» гуруҳига киритдилар. Сабаби, улар деярли бир вақтда, бир хил суръатларда, бир хил шарт-шароит, имкониятлар даражасида, ўхшаш муаммоларни енгиб ривожланишнинг янги палласига, янги моделига кириб келдилар. Бу гуруҳ мамлакатлари ривожланиш моделида ўхшаш тамойиллар кўп бўлишига қарамадан, алоҳида ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Бу хусусиятлар табиий географик жойлашув,

ишлаб чиқарувчи кучлар таркиби, ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалар, маҳаллий аҳоли менталитетидан келиб чиқади. Корея Республикасининг жаҳон мамлакатлари орасидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, уни биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлари (Сингапур, Тайвань, Гонконг)дан алоҳида кўриб чиқишни лозим топдик.

Корея Республикаси 2011 йилда ялпи ички маҳсулотни харид қобилияти паритети бўйича ҳисоблаганда, жаҳонда ўн иккинчи (1,554 млрд. доллар), номинал ялпи ички маҳсулот бўйича (1,164 млрд. доллар) ўн бешинчи ўринни эгаллади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот 31 700 долларга етди. Ваҳоланки, 1963 йилда бу кўрсаткич 100 доллар атрофида эди. Меҳнатга яроқли аҳолининг 7 фоизи қишлоқ хўжалигида, 23,6 фоизи саноатда, 69,4 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаларида иш билан банд. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги паллада ҳам инфляция (4,1 фоиз), ишсизлик (3,4 фоиз) нисбатан паст даражада сақланиб турибди. Жанубий Корея фаол савдо балансига эга (экспорт – 558,8 млрд., импорт – 525,2 млрд. доллар). Ички ва ташқи қарз юқори эмас. Олтин-валюта захиралари 320,1 млрд доллар.

Бу каби олдинги марраларга эришиш осон кечмади, албатта. Мамлакат Кореяс яримролида бўлиб ўтган уруш ва унинг оқибатларидан катта зарар кўрди. Мамлакатнинг икки қисмга бўлиниши, яъни аграр Жануб ва индустриал Шимол ўртасидаги узоқ вақтлардан бери қарор топган алоқаларнинг узилишига олиб келди. Металлургия, кимё саноати тармоқлари шимолда, енгил ва озиқ-овқат саноат корхоналари эса жанубда жойлашган эди. Корея уруши мамлакат иқтисодиётини бутунлай издан чиқарди. 1950-йилларнинг охирида ишсизлик даражаси 36 фоиздан ошиб кетган эди. Аҳоли даромадлари жуда паст даражага тушиб, ўлка дунёнинг энг қашшоқ аграр мамлакатларидан бирига айланиб қолган эди.

Жанубий Кореяда иқтисодий жонланиш 1960-йилларнинг бошидан, аниқроғи, ҳокимият тепасига генерал Пак бошқаруви келган даврдан, яъни 1961 йилдан янги ривожланиш стратегиясига ўтган вақтдан бошланди. Бу амалда янги ўзига хос тараққиёт модели томон бурилиш эди. Энди жамият иқтисодий ҳаётида давлат сезиларли роль ўйнай бошлади. Режали иқтисодиёт ун-

сурлари – беш йиллик режалар асосида жорий қилина бозилган. Хукумат чет эл инвестицияларини жалб қилиш, экспорт ҳажмининг ошириш, иқтисодий индустриалаштириш каби тадбирларни рағбатлантирди. Иқтисодийнинг оғир саноат секторини ривожлантиришга урғу берилди. Электроника, автомобилсозлик, кимё, кемасозлик, пулат куйиш, тўқимачилик, озик-овқат саноатининг асосий тармақларига айланди.

Аммо ҳали ҳам корейс моделининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи инвестициялар, аҳоли ва ишчи кучи, иш кунининг нисбатан узунлигида эди. Бу кўпроқ экстенсив ўсиш моделига хос йўлдир.

1980-йилларнинг бошида хукумат кенг миқёсли ислохотни бошлади. Инфляцияни жиловлаш мақсадида давлат харажатлари камайтирилди, қатъий фискал тадбирлар ўтказилди. Пул массасининг ўсиши 1970-йиллардаги 30 фоиздан 15 фоизга чекланди. Бюджет музлатилди. Кенг миқёсда либерализация ўтказилди, харажатлар пасайтирилди, хукуматнинг иқтисодийга аралашуви камайди. Чет эл инвестициялари учун эркин шароитлар яратилди. 1980-йилларнинг охирига келиб ички бозор иқтисодий ўсишнинг асосига айланди. Аҳоли харид қобилиятининг ўсиши билан автомобиль ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотларга талаб ўсди.

Бу тадбирлар, ўз навбатида, фаолиятнинг турли соҳаларида интенсив иқтисодий ўсишнинг манбаи бўлиб хизмат қилди. 1980–2004 йилларда экспортнинг улуши машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ҳажмида 38 фоиздан 64 фоизга, транспорт воситаларида 5 фоиздан 33 фоизга етди (Қаранг: «Вопросы экономики». – М., 2012, №4. – С. 129.). Табиийки, бу турдаги маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширмасдан туриб, бу қадар натижаларга эришиб бўлмас эди. Шу мақсадда корейс корпорациялари – чеболлари (Chaebol) ташкил этилди ва қўллаб-қувватланди. Улар амалда янги замонавий технологияларни яратиш, ўзлаштириш, маҳаллий шароитга мослаштиришнинг асосий марказлари эди.

Чеболларнинг ташкил этилиши мамлакат экспорт салоҳиятининг ошишини таъминлади. Бу компаниялар гуруҳи савдо, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб, ҳозир ҳам иқтисодийда устунликка эга. 1980-йилларнинг охирида тўртта йирик корейс чеболининг даромадлари 80,7 млрд.

доллар бўлиб, ялпи миллий маҳсулотнинг учдан икки қисмини ташкил этди. Мазкур ўнга йирик чеболларга барча банк кредитларининг 30 фоизи, мамлакат экспортининг 66 фоизи тўғри келди. Бешта йирик чеболда мамлакат меҳнат ресурсларининг 8,5 фоизи ишлади, саноат ишлаб чиқаришининг 22,3 фоизи яратилди.


Ҳукумат банк тизими фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатди. Иқтисодийнинг алоҳида секторлари, лойиҳа ва фирмаларнинг кредит линияларини молиялаштирди, чеболларнинг чет эл кредитларига кафолат берди. Компанияларни ташқи бозорда рақобатбардошликка йўналтириш билан импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш сиёсати қўшиб олиб борилди. Импорт қилинадиган тугалланмаган оралиқ маҳсулотлар солиқ тўлашдан озод қилинди. Энергия ташувчиларга, транспорт ва асбоб-ускуналарнинг баҳоларига ссуда берилди. Натижада 1980-йилларнинг бошида ўнга чебол жанубий корейлик қайта ишлаш саноат маҳсулотлари ҳажмининг 20 фоизини таъминлади. Улар орасида кейинчалик дунёга машхур бўлган Hyundai, Samsung, Daewoo ва LG компаниялари бор эди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқига қатъий риоя этилди. Таълим соҳаси Кореянинг давлат приоритети бўлиб қолди. Талабаларнинг аксарият қисми табиий ва муҳандислик фанлари бўйича қайта тайёрлашдан ўтди. Уч даражали таълим тизими жорий қилинди. Натижада мамлакат юқори малакали ишчи кучига эга бўлди.

Ҳукуматнинг ўзи илмий тадқиқот тизимларини яратиб, компанияларда тадқиқот ишларини олиб боришга кўмаклашди. Университетлар ва саноат компаниялари ўртасида алоқалар мустаҳкамланди ҳамда ривожланди. Шу мақсадда фискал механизмлардан, илғор технология соҳасида давлат буюртмаларидан фойдаланилди. Агар ўтган асрнинг 60-йилларида Корея ЯИМнинг 0,5 фоизидан тадқиқот ишларига давлат харажатлари кўринишида фойдаланган бўлса, 1995 йилга келиб, бу кўрсаткич 2,3 фоизга етди. Аммо, энди харажатларнинг 80 фоизи хусусий бизнес ҳиссасига тўғри келди. 2006 йилга келиб, Кореянинг тадқиқотларга харажатлари ЯИМнинг 3,2 фоизини ташкил этди. Таққослаш учун бу кўрсаткич АҚШда 2,51 фоиз, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) мамлакатларида 2,25 фоиздан иборат.

Корея саноати тез ўсаётган бозорлардаги вужудга келастган янги имкониятларга фаол жавоб берди. Шу мақсадда зарурий технологик силжишларни амалга оширди. 1990-йилларнинг бошидан қайта ишлаш саноатида юқори ва ўрта юқори технологияли маҳсулотлар ҳиссаси ортиб борди. Корея энди бу соҳадаги ётакчи мамлакатлар қаторига ўтди. Бир қатор корейс чеболлари, жумладан, Samsung, Hyundai motors, LG трансмиллий корпорацияларга айланди.

Ҳозирги вақтда Жанубий Корея автомобиль ишлаб чиқариш бўйича бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Унинг жаҳон автомобиль ишлаб чиқаришдаги улуши 5,4 фоизни ташкил этади. Мамлакат экспортининг 8,3 фоизини мазкур жабҳа беради, ишчи кучининг 7,4 фоизи шу соҳада жойлашган. Йилига тўрт миллиондан ортиқ ишлаб чиқариладиган корейс автомобилнинг ярми экспортга кетади.



Мамлакат саноатининг яна бир муҳим йўналиши кемасозликдир. Кемасозлик барча турдаги кемаларни яратиш, таъмирлаш ва конверсияни ўз ичига олади. Бу соҳа, ўз навбатида, металлургия, электроника, кимё ва бошқа аралаш тармоқлар ривожланишига ҳам етакчилик қилади. Соҳадаги мақсадли ихтисослашув натижасида бу ерда қиммат ва мураккаб кемалар – йирик тоннажли контейнер, нефть ва газ ташувчи танкерлар ишлаб чиқарилади. Бир танкер бир қатновда 14 минг контейнерни бир манзилдан иккинчисига олиб ўтиши мумкин. Жаҳон кемасозлик бозорида бу сегмент бўйича Корея монопол ишлаб чиқарувчига айланди. У улкан бозорнинг 59,3 фоизини эгаллаб, Япониядан икки баробар катта кўрсаткичга эришди. Мамлакатда денгиздан нефть ва газ қазиб олиш учун платформалар яратилмоқда.

Саноатдаги бу катта ютуқлар билан чекланмасдан, Корея Республикаси кейинги йилларда юқори технологияли ишлаб чиқаришга зўр бермоқда. Ҳозирги вақтда мамлакат истеъмол электроникаси – аудиоқурилмалари ва видеоқурилмалари ҳамда маиший жиҳозлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда энг олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда. Рақамли технологияга ўтиш муносабати билан корейс истеъмол электрон маҳсулотларига, телекоммуникация асбоб-ускуналарига талаб янада ошиб кетди.

Жанубий Корея иқтисодиёти таркибида ярим ўтказгичлар саноати – интеграл микросхемалар, ярим ўтказгичли асбоб-ускуналар алоҳида ўрин тутади. XX аср охиридаги Осиё инкирозидан чиқишда ҳам ярим ўтказгичлар саноати, айниқса, хотира чиплари ҳал қилувчи роль ўйнаган эди. Уларнинг катта қисми ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Япония, Евроиттифок, Жануби-Шарқий Осиёга экспорт қилинади.

Жанубий Кореянинг ташқи савдо ҳажми унинг ялпи ички маҳсулотининг 70 фоизини ташкил этади. Бу эса жаҳондаги юқори кўрсаткичлардан биридир.


Шуни ҳам қайд этиш лозимки, янги асрга Корея ўз ривожланишининг мураккаб палласида кириб келди. Амалдаги қатор иқтисодий ўсиш омиллари ўз имкониятларини тугаллади. Аҳоли турмуш даражасининг ошгани ва бу кўрсаткичлар бўйича ИХРТ мамлакатларига яқинлашгани сари амалдаги экстенсив иқтисодий ўсиш модели имкониятлари чекланиб, меҳнат ресурслари ва капитал ўсиш суръатлари пасайиб борди. Мамлакатда

инновацияга асосланган ривожланишнинг янги моделига ўтти зарурати кундан-кунга аён бўлиб бормоқда.

### ҲИНД МОДЕЛИ

Маълумки, Ҳиндистон давлат мустақиллигини қўлга китритган паллада мамлакат иқтисодиётида давлат сектори асосий мавқега эга эди. Бундай таркибни бошқариш давлатнинг иқтисодиётга юқори даражада аралашуви, ўз-ўзини таъминлаш ва протекционизм принциплари орқали амалга оширилар эди. Чет эл компанияларининг бизнесда иштироки ва йирик хусусий корхоналарнинг кенгайишини жиловлаш мақсадида 1970 йилда монополиялар ва савдони чеклашга қаратилган конун қабул қилинди. Айни вақтда кичик бизнесга катта имтиёзлар берилди. Жумладан, фақат кичик корхоналар ишлаб чиқариши мумкин бўлган товарлар рўйхати белгиланди. Вақти келиб мамлакатда чет эл технологияларига эга бўлиш заруратига, саноати ривожланган мамлакатлар билан технологик фарқ чуқурлашиб бораётганлигига борган сари иқроп бўла бошлашди. Янги сиёсатга асос қилиб нусха кўчириш ва реинжиниринг жараёнлари олинди. (Reviews of innovation Policy: India/OECD.2009.) Бу жараёнларни қўллаб-қувватлаш учун Фан ва саноат тадқиқотлари бўйича кенгаш бошчилигида кенг миқёсли давлат институтлари ташкил этилди. Улар кичик ва йирик корхоналар учун тадқиқотлар ва жорий этишнинг кенг миқёсли давлат институтлари инфратузилмасини яратиб берди. Улар миллий технологик базани илғор мамлакатлар даражасига олиб чиқадиган ўзига хос «инновацион лифт» вазифасини бажариши лозим эди

Аммо шунга қарамасдан, ўтган асрнинг 80-йилларига келиб амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг қувиб борувчи ривожланиш вазифаларига номувофиқлиги борган сари ойдинлаша бошлади. Сир эмас, давлат мулки шаклидаги йирик корхоналарга паст меҳнат унумдорлиги, ортикча ходимлар сони, маънавий эскирган технология хос бўлади. Бу корхоналар давлат бюджети-га оғир юк бўлиб осилиб турарди.



Юқори божхона тарифларини ўрнатиш ва чет эл инвестицияларини киритишга чекловлар йўли билан ички бозорни химоя қилиш мамлакат саноатининг рақобатдошлигини оширишга олиб келмади. Протекционистик тадбирларни бекор қилишнинг кечикиб кетганлиги ва қўшни Хитой иқтисодиётининг тез суръатларда ривожланиб бориши мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини пасайтиришга хизмат қилди. Натижада, жаҳон товарлар экспортида Ҳиндистоннинг ҳиссаси 1947 йилдаги 2 фоиздан 1980-йилларнинг ўрталарига келиб 0,5 фоизга тушиб қолди (Investment Policy Reviews: India).

1991 йилдан мамлакатда комплекс иқтисодий ислоҳот бошланди. Хўжалик фаолиятини лицензиялаш бекор қилинди. У фақат айрим, давлат ижтимоий масъул зоналарга кирадиган соҳалардагина сақлаб қолинди. Давлатнинг инвестиция жараёнига аралашуви деярли бутунлай тақиқланди. Аммо булар ҳам ҳинд корхоналарининг инновацион фаоллигига катта таъсир кўрсатмади. Амалга оширилган тадбирлар илгаригиларга нисбатан анча радикал бўлишига қарамасдан гигант ҳинд иқтисодиётини юксалтиришга қодир эмас эди.

Божхона тарифлари 1990 йилдаги 75–100 фоиздан 1996 йилга келиб аста-секинлик билан 20–40 фоизга туширилди, 2009 йилда 10–20 фоизни ташкил этди. Импортга лицензиялар бекор қилинди, экспорт назорати сусайтирилди. Барибир мамлакат

божхона тарифлари даражаси Бразилия ва Хитойга ишбатан юқори бўлиб қолаверди.

Халқаро рақобатга очикликдан олдин ҳинд иқтисодиёти ўз фаолиятининг кўпчилик турлари бўйича рақобатбардош эмас эди. Экспорт ҳамон иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланмаганди. 2000–2004 йилларда ҳинд иқтисодиётининг иккинчи етакчи тармоғи экспорт умумий ҳажмининг 12–13 фоизини берди. Такқослаш учун: Хитой ва Кореяда бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 35 ва 64 фоизни ташкил этарди. Кейинги 20 йил ичида саноат таркиби суғ ўзгарди. Шунинг учун ҳам товарлар экспортида паст технологияли фаолият турларидан юқори ва ўрта юқори технологияли товарларга ўтиш жараёни жуда секин кечди. 2007 йилда юқори технологияли экспорт умумий ҳинд экспорти ҳажмининг 5 фоизини ташкил этди, холос (Голыченко О. – Модели развития, основанного на диффузии технологий. – Ж.: «Вопросы экономики», 2012, №4. – С. 124).

Ҳиндистон ривожланаётган аграр-индустриал мамлакатдир. 2014 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича АҚШ ва Хитойдан кейин учинчи ўринни эгаллади. Ҳиндистон контрастлар мамлакати. Давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин миллий иқтисодиётни ривожлантириш борасида катта ишларни амалга оширди, аммо ҳануз аҳолисининг чорак қисми қашшоқликда кун кечирмоқда. Ҳиндистон суғориладиган ер майдони бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Аммо дон маҳсулотлари ҳосилдорлиги бўйича минтақада охириги ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳосилдорлик дон маҳсулотлари бўйича ўртача 27 центнерни ташкил этади. Шу вақтнинг ўзида бу кўрсаткич Хитойда 55, Индонезияда 47, Бангладешда 40, Вьетнамда 51, Таиландда 30, Малайзияда 36, Шри-Ланкада 37 центнердан иборат (Потапов М.А., Салицкий А.И., Шахматов А.В. – Экономика современной Азии. – М.: «Мысль», 2012. – С. 41).

Бундай паст кўрсаткичнинг асосий сабаби кимёвий ўғитлардан фойдаланиш даражасининг ўта пастлиги билан изоҳланади. Агар Хитойда 1 га ерга 32 кг ўғит сарфланса, Ҳиндистонда бу кўрсаткич 13 кг ни ташкил этади. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида 60 фоиз ишчи кучи банд. Бу сектор мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 20 фоизини, экспортнинг 15 фоизини бермоқда. Ҳиндистон қишлоқ хўжалигида бу қадар экс-

тенсив ривожланишнинг бош сабаби саноат тараққиёти даражаси билан белгиланади. Саноати заиф ривожланган мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги заифдир. Чунки замонавий хўжалиги саноатидан бошланиб, саноатда тугайди. Бунинг маъноси шуки, қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари, минерал ўғитлар саноатда яратилади ва бу ерда етиштирилган маҳсулотлар яна саноатда чуқур қайта ишланади. Ҳиндистонда эса мамлакат ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши 28 фоиздан ошмайди. Худди шу кўрсаткич Хитойда 46, Индонезияда 48, Вьетнамда 40, Таиландда ва Малайзияда 43, Саудия Арабистонида 69 фоиздан иборат (Мировая экономика: глобальные тенденции за 100 лет. – М.: «Экономистъ», 2003. – С. 504, 546; World Development in indicators... (1997–2010). Wash.: World Bank, 1997–2010).

Ҳиндистонда саноат ривожланишини чеклайдиган асосий омил – ёқилги ресурслари ва электр энергиясининг етишмаслиги ҳисобланади. Кўмир билан ҳамма ишни ҳал қилиб бўлмайди. Мамлакатда темир рудаси, тошкўмир ва нефть қазиб олинади. Аммо нефтга бўлган ўзининг талабини ўзи қондира олмайди, катта ҳажмда уни импорт қилишга мажбур. Бир йиллик нефть истеъмоли 100 млн. тоннадан ошади.

Бу омиллар таъсирида Ҳиндистон ҳукумати атом саноатини, энгил саноатда маҳаллий хомашё ҳисобига ишлайдиган тўқимачилик саноатини, маҳаллий темир рудаси ҳисобига миллий металлургия – пўлат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга аҳамият бермоқда.

Умуман, кейинги йилларда янги ҳинд тараққиёт моделида майда ишлаб чиқариш, айниқса, хизмат кўрсатиш ва дастурлаш, иш юритиш аутсорсинги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Майда ишлаб чиқариш бу ерда янги товар ва хизмат турлари – тикув машиналари, электр шамол парраги, моторчалар, велосипед, қурилиш ишлари учун қўл асбоблари ва бошқаларни ўзлаштирди. Анъанавий тикув ва ҳунармандчилик саноати иш билан бандлик муаммоси кескинлигини юмшатиш билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок эта бошлади. Ҳиндистонда заргарлик саноатидаги кичик корхоналар мамлакат экспортининг қарийб 20 фоизини бермоқда. Тикувчиликда тай-

ёрланган газламалар машҳур моддалар уйида фойдаланилмоқда, ҳунармандларнинг буюмлари Европадаги хонадонларнинг интерьерини безамоқда.

Экспорт тушумларининг салмоқли қисми (4,5 млрд. доллар) ни ҳинд заргарлик саноати беради. Уларнинг 90 фоизини бриллиантлар ташкил қилади. Мамлакатда бир миллиондан зиёд заргарлар фаолият юритишади. Уларнинг деярли ярми экспорт учун ишлайди. Ҳиндистон дунёда энг йирик бриллиант экспортёри ва энг йирик ишланмаган олмос импортёридир. Ишланмаган олмосни импорт қилиб, ишлангандан кейин унинг қийматини 50 фоизга ошириб экспорт қилади. Ҳинд заргарлик саноатининг бриллиантдан ташқари яна бир муҳим экспорт товари дур (марварид) ҳисобланади.

Кейинги ўн йилликда майда саноатни модернизация қилиш тезлашди, улар йирик миллий ва халқаро корхоналар қаторидан жой олди. Ишлаб чиқаришни парчалаш (бўлаклаш) технологик имкониятларининг ривожланиши, шунингдек, ички ва ташқи бозорда талабнинг (аутсорсинг) кенг тарқалиши кичик саноат корхоналари ва йирик фирмалар ўртасида кооперация алоқаларининг мустақкам ўрнашишига олиб келди. Натижада майда ишлаб чиқариш замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, йирик бизнес капитал харажатлар ва иш ҳақидан тежаш имкониятига эга бўлади. Шунинг баробарида истеъмол талабини диверсификациялаш ҳамда индивидуаллаштириш ахборот инқилоби билан бирга кичик саноатга янги бозорларга мустақил чиқиш имконини бермоқда. «Микёс иқтисодиёти» «хилма-хиллик иқтисодиёти» билан тўлдирилмоқда.

5-жадвал

**Ҳиндистон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши (фоизда)**

Соҳа	1950	1960	1970	1980	1990	2000
ЯИМ	100	100	100	100	100	100
Саноат	16	20	22	25	28	26
Хизмат кўрсатиш	33	30	31	38	44	50

*Манбалар:* Мировая экономика: глобальные тенденции за 100 лет. – М.: «Экономистъ», 2003. – С. 504, 546; Болотин Б.М., Шейнис В.Л. Экономика развивающихся стран в цифрах. – М.: «Наука», 1988. – С. 374–383.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва уни экспорт қилиш ҳинд иқтисодиётининг энг асосий йўналишларидандир. Ҳиндистонда мамлакат ЯИМнинг 55 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилади. Таққослаш учун: Хитойда бу кўрсаткич 43, Индонезияда 35 фоизни ташкил этади.

Инсон капиталини жамғариш орқали дастурлар билан таъминлашни экспорт қилиш иқтисодиётнинг муҳим қисмига айланмоқда. Мамлакатда дастурлаш билан таъминлашни экспорт қилиш ҳажми ўтган ўн йилликда 7 млрд. дан 40 млрд. долларга етди.

XX аср охирида ахборот-коммуникация технологиясида кенг қулоч ёйган инқилоб, Осиё мамлакатлари, жумладан, Ҳиндистонда хизмат кўрсатиш индустриясини ривожлантиришга катта туртки бўлди. Илгари иқтисодий фаол аҳолининг 80 фоизи қишлоқ хўжалигида, атиги 8 фоизи саноатда банд бўлган ҳинд ўлкаси қисқа вақт ичида замонавий алоқа воситаларини ўзлаштирди, ахборот инқилобининг фаол иштирокчиларига айланди. Унинг «мевалари»дан баҳраманд бўлиш электроника, таълим, кадрлар малакасини ошириш соҳаларини ривожлантиришга ёрдам берди.

Мамлакат аҳолиси катта қисмининг инглиз тилини билиши ҳам бу борада ижобий роль ўйнади. АКТ (ахборот-коммуникация технологиялари)нинг ривожланиши минтақавий ва халқаро маконда интеграцияни амалга оширишда вақт ва харажатларни тежаш имкониятини берди. Бангалор шаҳри АКТ борасида Калифорниядаги «Силикон водийси»дан кам бўлмаган халқаро шуҳрат қозонди. Қатор трансмиллий корпорациялар паст қиймати ва юқори малакали ходимлар мавжудлигини ҳисобга олиб, бутун дунёдаги миқдорларига хизмат кўрсатиш мақсадида Ҳиндистондан хизмат кўрсатиш ва буюртмаларга ишлов бериш марказларини очган.

Ҳозирги вақтда чет эл буюртмаларини бажаришга ишлайдиган халқаро иш юритиш аутсорсинги соҳаси жадал ривожланмоқда. Бундай буюртмалар Ҳиндистонга бухгалтерлик, юридик, ахборот ва бошқа хизматларга берилмоқда. Ушбу хизматлардан жаҳондаги 500 та энг йирик компаниялардан 300 таси фойдаланмоқда. Американинг «Дженерал электрик» компанияси иш юритишининг бир қисмини Ҳиндистонга чиқаришдан бир

йилда 350 млн. доллар тежайди. Бу компания учун 18 000 хинд ишлайди. Мазкур жабха ҳар икки томонни ҳам қаноатлантиради. «Дженерал электрик» арзон ишчи кучига эга, хиндлар эса иш билан бандлик ва мўмай даромадга эга бўлади. Шундай қилиб, хизматлар экспорти мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8 фоизини ташкил қилмоқда. Бу яхши кўрсаткич ҳисобланади. Корея Республикасида, мисол учун бу кўрсаткич, 5 фоиздан иборат (Голличенко О. – Модели развития основанного на диффузии технологий. – Ж.: «Вопросы экономики». 2012, №4. – С. 124).

Мамлакатда тиббиёт туризми кенгаймоқда. Умуман, замонавий ҳинд иқтисодиёти моделининг характерли белгиси, бу – хизмат кўрсатиш иқтисодиёти бўлиб қолмоқда.

### БИРИНЧИ ТЎЛҚИН ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАР МОДЕЛИ

Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур ва Гонконг тўртлигини мутахассислар «биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар» гуруҳи деб аташади. Бунинг сабаби улар Япониядан кейин жадал индустрлаштиришни амалга ошириб, ўтган асрнинг 60–70-йилларида саноат ишлаб чиқаришининг юқори суръатларига эришдилар. Улар «Осиё йўлбарслари», «Кичик аждарҳолар» деб ҳам атала бошлади. Тўрттала мамлакатнинг деярли бир вақтда жадал индустрлаштириш, кейин эса модернизациялашга ўтиши, старт имкониятларининг бир хил даражада бўлганлиги, нисбатан қулай географик шароити, ижтимоий-сиёсий тизимидаги ўхшашлик, тарихи, эътиқоди, маданияти ва менталитетидаги яқинлик, аҳолининг этник таркиби (Жанубий Кореядан бошқа учала мамлакат аҳолисининг асосий қисмини этник хитойликлар ташкил этади) ва бошқа омиллар уларни ягона бир бутун таракқиёт моделига бирлаштириш имкониятини беради.

Лекин улар ўртасидаги ўхшашликдан ташқари таракқиётда ўзига хос хусусиятлар ҳам етарли. Масалан, Гонконг ва Корея Республикаси ўртасидаги ишлаб чиқариш омиллари, аҳоли таркиби ҳамда демографик ҳолати ва бошқа ресурслар потенциали, ривожланиш стратегияси ўртасидаги жиддий фарқларни илғамаслик ҳам мумкин эмас.

**Сингапур** (корейс модели юқорида алоҳида кўриб ўтилди) ўтган асрнинг 50-йилларида балиқчилар посёлкасини эслатадиган қоқоқ бир макон эди. Ўрта асрларда Жохар султонлиги таркибида бўлган Сингапур дастлаб Португалия, кейин Буюк Британия, Япония, Иккинчи жаҳон урушидан кейин яна инглизлар мустамлакаси бўлиб келди. 1965 йили Малайзия Федерациясидан чиқиб, мустақиллик эълон қилди. 1959–1990 йилларда Ли Куан Ю ҳукумати ресурслардан маҳрум, лекин географик қулай жойлашган Сингапурнинг барча ички муаммоларини ҳал қилиб, «учинчи дунё мамлакати»дан юқори даражада ривожланган, аҳолиси баланд турмуш даражасига эга мамлакатлар қаторига сакраб ўтишига олиб келди. 2011 йилда мамлакатда номинал қийматда 318,9 млрд. доллар миқдориди ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аҳоли жон бошига ЯИМ (харид қобилияти паритети бўйича ҳисоблаганда) 62 100 долларни ташкил этди. Бу жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Сингапурнинг ташқи савдо айланмаси унинг ялпи ички маҳсулотидан деярли 100 млрд. долларга устун. Бу жуда кам учрайдиган ҳолат. Шу билан бирга ташқи савдода ижобий сальдо 25 фоиздан юқори. Сингапур иқтисодиёти икки секторли. Ялпи ички маҳсулотнинг 26,6 фоизи саноатда, 73,4 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқарилади. Инфляция ва ишсизлик даражаси нисбатан паст. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари: электроника, кимё саноати, молиявий хизматлар, нефтни қайта ишлаш, бурғулаш асбоб-ускуналари, резина буюмлар, озиқ-овқат саноати, кемасозлик, нефть қазииш платформалари ишлаб чиқариш ва бошқалар.

Сингапур янги тараққиёт моделига ўтганидан кейингина қулай географик шароити, йирик чет эл савдо капитали, эркин порт (божсиз ҳудуд) мавқеидан фойдаланиб кемасозлик, воситачи савдо, суғурталаш ва банк ишини ривожлантиришни йўлга қўя бошлади. Аммо, саноат ҳали анча заиф эди. Саноат ишлаб чиқаришининг 75 фоизини табиий каучукни қайта ишлаш ташкил этарди. Сингапур индустрлаштиришни амалга ошириш давомида чет эл капитали билан ҳамкорликка ҳамда импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратди. Тезгина ички бозорни тўйинтириб, саноатни ташқи бозорга йўналтирди. Бу жараёнда ташкил этилган иккита эркин

иқтисодий зона катта роль ўйнади. Мамлакат тезда электроника, маиший электроника, фармацевтика ва асбобсозликда катта муваффақиятларга эришди. Шу вақтнинг ўзида саноатнинг нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси, қурилиш ҳамда кўтариш-транспорти асбоб-ускуналари, контейнерлар, шунингдек, кemasозлик, металлургия, дизель двигателлари тайёрлаш, пластмасса ва сунъий толалардан буюм тайёрлаш каби соҳалари тез ривожланди. 1970-йилларнинг охирида электрон ва электро-техника саноатининг 80 фоиз товарлари, нефтни қайта ишлаш маҳсулотларининг 70 фоизи, умуман, саноат маҳсулотларининг 60 фоизи экспортга кетди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида модернизациялаш жараёнлари бориб бандаргоҳлар ва омбор хўжалигига, ҳаво транспорти ҳамда коммуникацияга йирик инвестициялар қилинди. 1980-йилларда ҳукумат «Иккинчи саноат инқилоби» ўн йиллик дастурини амалга ошира бошлади. Мазкур дастур доирасида Электрон ҳисоблаш техникаси Миллий бошқармаси тузилиб, у мамлакат иқтисодиётини компьютерлаштиришда муҳим роль ўйнади. XX асрнинг охириги икки ўн йиллигида Сингапур маиший ва саноат электроникаси, лаборатория ва тиббий жиҳозлар ишлаб чиқариш бўйича илғор технологик маррага чиқиб олди. Мамлакат денгиз бурғулаш платформалари, аэрокосмос техникаси ишлаб чиқаришга ўтди. Янги асрнинг дастлабки ўн йиллиги охирига келиб, юқори технологияли маҳсулотлар экспорти бўйича Японияга яқинлашиб қолди. Эски меҳнатталаб тармоқлар – тўқимачилик, ёғочни қайта ишлаш, пойабзал саноатини яқин-атрофдаги қўшни мамлакатларга кўчира бошлади.

Қисқа вақт ичида бу қадар ҳайратланарли ютуқларга Сингапур ўз тараққиёт модели орқали, яъни унга, давр ва шароитни ҳисобга олиб, муттасил ўзгариш киритиб бориши замирида эришди, албатта.

Сингапур Шарқнинг ғарбий дарвозаси, Ғарбнинг шарқий дарвозасидир. Халқаро инвесторлар ва молиячилар учун у Жануби-Шарқий Осиё молия маркази, «Шарқ Швейцарияси»дир. Иқтисодчилар учун «Осиё йўлбарси», сайёҳатчилар учун «Дунё мўъжиза»ларидан бири – шаҳар-орол-давлатдир. Мазохўрак хўрандалар учун «жаннат», яъни жаҳонда энг машҳур хушбўй ичимликлар ватанидир.

Бу давлат-шаҳар бир қатор ороллардан ташкил топган бўлиб, Тинч ва Ҳинд океанлари ҳавзаси чегарасида (Экватор бўйида) жойлашган. Бу жой Европа, Осиё ва Австралия ўртасидаги денгиз йўллари кесишган макондир. Бундай жойлашув Сингапурни дунёдаги энг йирик транзит тугуни, етакчи жаҳон савдо марказига айлантирди. Мамлакат жаҳонда нефтни қайта ишлашнинг учинчи энг йирик маркази, Нью-Йорк ва Лондондан кейин дунёнинг учинчи молия маркази, сайёрамиздаги энг юқори технологик иқтисодий маконлардан биридир. Ахборот технологиялари бўйича Сингапур фақат Дания ва Швециядан кейинги ўринда. Аҳоли жон бошига ЯИМ бўйича дунёда тўртинчи ўриндадир. Олтин-валюта захиралари бўйича Хитой ва Япониядан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди. Осиёдаги йирик туризм марказларидан бирига айланмоқда.

Сингапур тараққиёт модели бешта асосий омиллар гуруҳига асосланади:

- қатъий давлат бошқаруви;
- кўп йиллик макроиқтисодий барқарорлик;
- давлатнинг оқилона ижтимоий сиёсати;
- сиёсий барқарорлик;
- қулай географик шароит.

Ли Куан Ю ҳукумати ўтган асрнинг 60-йилларидан беш йиллик иқтисодий режалаштиришни амалга оширди. Ривожланиш нефтни қайта ишлашдан бошланди. Лекин мамлакатнинг ўзида нефть йўқ эди. Уни қўшни Индонезиядан сотиб олиб келиб, олий сифат қилиб қайта ишланди. Нефтни сифатли қайта ишловчи ракобатчи давлат йўқ эди. Нефтни қайта ишлашнинг ўзиёқ мамлакатни Ғарб ва Шарқ ўртасидаги денгиз дарвозасига айлантирди. Мамлакат катта маблағларни контейнер терминаллари курилишига сарфлаб, бутун жаҳондан юклар оқимини қабул қилди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий саноатнинг ташқи бозорга осон чиқишини қулайлаштирди. Ҳар бир янги ҳалқа ҳаётга янги-сини чақириб, иқтисодий занжирни тўлиқ, узоқ ва мустаҳкамроқ қилди.

1960-йилларда меҳнат сизими юқори тармоқларни ривожлантириш сари йўл олинди. Чунки, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш зарур эди.

1970-йилларда йўл фан ва капитал сиғими юқори ишлаб чиқариш томон бурилди. Давлат корхоналари янгидан яратилиб, янги замонавий техника ва технология билан жиҳозланди. Вақти келиб улар хусусий кўлларга берилди. Давлат эса ўз куч ва имкониятларини янги тармоқларга қаратди. 1970-йилларнинг охирида мамлакат электрон ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринга чиқиб олди. Аммо, аср охирларида микро электроника кам даромад бера бошлади. Чунки, арзон ишчи кучи ҳисобига кўшни Осиё мамлакатлари томонидан бу бозорда рақобат кучайди. Хўш, нима қилиш керак? Энди янги иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга устунлик берилди. Сингапур иқтисодиётининг янги бўғинлари бўлиб биотехнология ва фармацевтика соҳалари майдонга чиқди. Чунки, бу соҳалар инсоннинг кундалик биринчи даражали эҳтиёжлари билан боғлиқ, шунинг учун ҳам уларнинг келажаги бор эди.

Мамлакат аввал бошдан бизнес учун аниқ ўйин қоидаларини яратиб олди. Чет эл компаниялари ва инвесторларини жалб қилишга урғу берилди. Сингапур биринчи бўлиб трансмиллий корпорацияларга ички бозорини очди. Бу унга Ғарб дунёси билан савдода имтиёз берди. АҚШ трансмиллий корпорацияларининг ўзи мамлакатнинг ҳозирги юқори технологияли саноатига пойдевор қўйди. Уч мингдан ортиқ хорижий таниқли корпорация ва фирмалар мамлакатда ўз филиалларини очди. Сингапур иқтисодиётига ҳар йили 10 млрд. долларлик чет эл инвестициялари қўшиладиган бўлди. Бу – барча инвестицияларнинг деярли 40 фоизи демакдир.

Бизнес йўлида жозибадор бўлиш учун Сингапур ҳукумати қатор қулайликлар яратди. Биринчи навбатда, солиқлар сиёсатида қатор энгилликлар берилди, қулай солиқ иқлими яратилди. Энди иш бошлаган юридик шахсларнинг дастлабки 100 минг долларлик даромадидан умуман солиқ олинмади, 20 фоизлик максимал даромад солиғини мамлакат фуқароларининг ҳаммаси бўлиб 10 фоизигина тўлади, камбағалларнинг эса атиги 3–5 фоизи бундай солиққа тортилди.

**Биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар ЯИМда саноатнинг улуши (фоизда)**

Мамлакатлар	1950	1960	1970	1980	1990	2000	2011
Корея Республикаси	11	21	30	37	37	36	39
Сингапур	–	18	30	38	35	34	27
Тайвань	24	29	41	51	38	32	24
Гонконг	17	34	37	31	23	13	8

*Манбалар:* Мировая экономика: глобальные тенденции за 100 лет. – М.: «Экономистъ», 2003. – С. 504, 546; Потапов М.А., Салицкий А.И., Шахматов А.В. Экономика современной Азии. – М.: «Международные отношения», 2011. – С. 69.

Мол-мулк солиғи ҳам 3 фоиздан ошмади. Ҳар қандай суммани мамлакатдан чиқариш ва киритишга чеклов қўйилмади. Оддий ва очиқ бошқарув қоида-тартиблари амал қилди. Кичик бизнесни рўйхатга олишда сансалорликка йўл қўйганлар зараркунандалар сифатида ўзларини камоқда кўрди. Сингапурда солиқ тартиби учун фирма бир йилда ўртача 3 кун сарфласа, Россия Федерациясида 56 кун кетади. Инвесторларни ҳукумат, шахсан Бош вазир ўз ҳомийлигига олган. Сингапурда давлат фуқароларнинг «энагаси»га айланган. Бу ерда ҳаммага ҳар хил дотация бор: бепул таълим ва тиббий хизмат, арзон уй-жой, ёш оилаларга мукофот, талабаларга бонуслар, ишлайдиган оналарга субсидия ва бошқалар.

Ҳукумат ижтимоий сиёсатининг чўққиси уй-жой дастури бўлди. Бу дастурга мувофиқ аҳоли зичлиги бўйича дунёда иккинчи ўринда турадиган Сингапур ўзининг ҳар бир фуқаросини нафақат оддий, балки элитар уй-жой билан таъминлади: осмонўпар ўта замонавий уйлардан 4–5 хонали квартиралар, ер ости гаражи, бассейн, фитнес-марказ, болалар майдончалари билан ажратилди.

**Биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар ЯИМда қўлатиш  
кўрсатиш соҳасининг улуши (фонда)**

Мамлакатлар	1950	1960	1970	1980	1990	2000	2011
Корея Республикаси	39	42	43	47	49	57	58
Сингапур	—	79	67	61	67	64	72
Тайвань	44	43	44	42	58	66	73
Гонконг	80	62	61	68	75	87	92

*Манбалар:* Болотин Б.М., Шейнис В.Л. Экономика развивающихся стран в цифрах. – М.: «Наука», 1988. – С. 374–383; Потапов М.А., Салицкий А.И., Шахматов А.В. Экономика современной Азии. –М.: «Международные отношения», 2011. – С. 69.

Мамлакатда оригинал нафақа тартиботи яратилди. Нафақадорлар бу ерда нафақат таъминланган, балки бой одам ҳисобланади. Марказий захира фондида жамғарилган маблағлардан нафақага чиққанда бемалол фойдаланиш ҳам мумкин, шу билан бирга ундан ички инвестиция ва ижтимоий дастурларни молиялаштиришда манба сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу, албатта ноёб тизимдир.

Юқори сифатли таълим ушбу мамлакатнинг фахри ҳисобланади. Таълимга давлат бюджетининг бешдан бир қисми кетади. Бу жуда катта кўрсаткичдир. Натижада Сингапур таълимни компьютерлаштириш бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди. Устунлик техника мутахассисликларига берилди. Бугун Сингапур Миллий университети нуфузи бўйича жаҳон олий ўқув юртлари орасида 33-ўринда, технология университети 75-ўринда туради (Москва давлат университети 200 таликка киради. Украина, Белоруссия ва Марказий Осиёдан бирорта университет кучли 500 таликка кирмайди). Мактабларнинг энг яхши битирувчилари Ғарб ва Шарқ давлатларининг обрўли университетларига ўқишга юборилади. Бутун дунёдан таълим ва тараққиёт ишлари учун мамлакатга катта иш ҳақи ҳисобига сифатли асбоб-ускуналари билан олим ва тадқиқотчилар жалб қилинади. Натижа аниқ: бугун ишчи кучи сифати бўйича Сингапурни ортда қолдирадиган давлат йўқ. Соғлиқни сақлаш даражаси Осиё бўйича энг юқорилардан ҳисобланади. Ўртача умр кўриш бўйича дунёда бешинчи ўринга кўтарилди (ўртача 80 ёш).

Умуман, бошқа «Осиё йўлбарслари»дан фарқли ўларок, бу ерда иқтисодийнинг ўсиши аҳоли турмуш даражасининг ошиши баробарида кечмоқда.

Сингапурнинг сиёсий модели либерализм, социализм ва авторитар ғоялар йиғиндисидан таркиб топган. Сингапурликлар мустамлакачи британияликлардан нафақат инглиз тилини, шу билан бирга уларнинг юридик тизимини, қонунчиликни ҳурмат қилишни ҳам мерос қилиб олди. Бу ерда давлат бошқарувининг қатъий шакли амал қилади. Аммо, бу ҳукуматни ташвишлантирмайди. Ли Куан Ю инсоннинг бош ҳуқуқи – муносиб ҳаёт ҳуқуқи, деб ҳисоблайди. Бундай ҳаётни эса давлат кафолатлайди. Жамиятда барқарорлик ва хавфсизлик энг олий неъмат. Бусиз мамлакатга ҳеч ким инвестиция олиб қирмайди.

Мамлакатда коррупция жаҳонда энг паст даражададир. Юқори поғонада уни амалда йўқ, деб ҳисобласа ҳам бўлади. Қонун барча учун баробар. Текшириш, тергов қилиш учун ҳеч кимда – депутатда ҳам, вазирда ҳам, Бош вазирда ҳам ҳеч қандай иммунитет йўқ. Уларга бошқаларни ноқонуний тергов қилишга ваколат берилмаган. Бу курашда Ли Куан Ю ҳар қандай айбдор шахсни – яқин қариндошларини ҳам, сафдошларини ҳам аямади. Бугун сингапурлик амалдор дунё бўйича энг юқори иш ҳақи олади. Йирик компаниянинг топ-менежери билан судья оладиган иш ҳақи бозори чаққон хусусий адвокат оладиган мояна билан тенглаштирилган. Бош вазир бир йилда 3 млн. АҚШ доллари миқдорида маош олади. Бу – АҚШ президентининг иш ҳақидан беш баробар зиёд демакдир. Сингапурда коррупцияга ўрин қолдирмаслик учун амалдорларга атайин юқори иш ҳақи тўланади. Бу ерда пора берадиган одамнинг ўзи йўқ – уни ҳеч ким олмайди. Инкироз шароитида ёки иқтисодий ўсишга эришилмаган тақдирда ҳеч ким бонусга даъвогарлик қилмайди.

Бундай «шафқатсиз» курашнинг натижаси ўларок, бугун Сингапур иқтисодийнинг очик-ойдинлиги, шаффофлиги ва бизнес юритишнинг энгиллиги бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқиб олди. Янги Зеландия ва Даниядан кейин коррупциялашмаганлик даражаси бўйича учинчи ўринда туради. Жинойатчиликнинг баътамом йўқлиги (Люксембургдан кейинги дунёнинг энг хавфсиз жойи) билан бирга юқоридаги омиллар америкалик, европалик ва япон тадбиркорларига бу жой мўмай пулни узок вақтга қадар тикиш учун кафолат бўлиб хизмат қилади.

Ва ниҳоят, жамиятнинг толерантлиги, яъни диний ва этник жиҳатдан бағрикенглиги алоҳида эътиборни тортади. Бунга яқин аҳолига эга бу жажжи давлат-орол-шаҳар ҳудудининг 77 фоизи хитойликлар, 14 фоизи малайзияликлар, 8 фоизи ҳиндистонликлардир. Улар барча жаҳон динлари – буддизм, насронийлик, ислом, ҳиндуйлик ва конфуцийликка эътибор қилишади. Тўрттала расмий тил – инглиз, хитой, малай ва тамил тиллари амал қилади. Лекин, бу ерда диний ва миллий келишмовчиликлар йўқ. Осиёдаги айрим мамлакатларда диний ва миллий мурасасизлик бутун бир давлат асосларини йўқ қилиб ташлаганлиги тарихдан маълум. Мамлакат аҳолисининг 96 фоизи ўзини «сингапурликман», деб ҳисоблайди. Бунга давлатнинг қатъий мурасасиз, мақсадли сиёсати орқали эришилгани сир эмас. Сингапурликларнинг ўзлари эса ҳазил аралаш «Бизнинг увоққина мамлакатимизда жанговар ҳаракатлар учун жой қолмади», дейишади.

Сингапурда «ёриб ўтиш» халқнинг характеридаги маълум сифатларсиз мумкин бўлмас эди, албатта. Бу ердаги менталитетнинг шаклланишида шоли майдонларида юз йиллар давомида сабот-матонат билан қилинган оғир қора меҳнат, анъанавий конфуцийлик тарбияси ва шу руҳдаги интизом ҳамда мурасасозлик катта роль ўйнади. Сингапурликлар учун характерли томонлар: сабот-матонатли меҳнат, интизомлилик, ҳаётнинг қатъий тартиб-лаштирилганлиги, пишиқ-пухталиқ, эпчиллик, ютуқларга интилиш, итоаткорлик, озодалик ва шу билан бирга турли хил хурофот ва бидъат, ирим-сиримларга ишониш ва бошқалар.

Сингапурнинг бу қадар шиддатли тараққийети тасодиф эмас. Шу юз йилликдаёқ, сиёсий-маданият марказларининг Осиёга, унинг Тинч океани ҳавзасига кўчиши билан Сингапурнинг ҳам янада шиддатли тараққийети белгиланган. Хитой дарғаси бир вақтлар айтганидек, «шарқдан турган шамол, ғарбдан турган шамолни енгади».

Гонконгда жадал индустриллаштириш ўтган асрнинг 50-йилларида хитойлик иммигрант-бизнесменларнинг фаол кўмагида бошланди. Бу жараёнда Британия мустамлака маъмурияти ҳам қатнашди. Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг асоси экспортга меҳнат сиғими юқори бўлган товарларни чиқариш бўлди. Айниқса, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари, соат,

ўйинчоқлар, сунъий гуллар, канцелярия товарлари, безак ва косметика, сунъий буюм ва жиҳозлар ишлаб чиқариш тез суръатларда ривожланди. 1960–1970 йилларга келиб уларнинг қаторига электротехника ва маиший электрон аппаратлар ишлаб чиқариш кўшилди.

2011 йилда Гонконгда 243,2 млрд. доллар миқдорида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилди. Гонконгни Хитой билан қўшиб ҳисоблаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Кўпчилик ҳолатларда у мамлакат, давлат деб эмас, балки «ҳудуд» ва «иктисодиёт» деб аталади. Инфляция ва ишсизлик даражаси меъёрда, мувофиқ равишда 5,3 ва 3,2 фоизни ташкил этади. Асосий тармоқлари молия, савдо, транспорт ва логистикадан иборат. Бу ерда ҳам Сингапурда бўлганидек, товар ва хизматлар экспорти унинг ялпи ички маҳсулотидан деярли икки баробар кўпроқ.

2012 йил ҳолатига кўра Гонконг дунёнинг энг ривожланган молия бозори, дунёнинг энг эркин иқтисодиёти мавқеини олди. Ишчанлик иқлимини яратиш бўйича иккинчи, бизнес фаолияти учун учта қулай мамлакатлардан бири, инвестиция киритиш жозибадорлиги бўйича дунё шаҳарлари учталигига кирди. Шу йили мамлакат валюта бозори Осиёда учинчи, жаҳонда олтинчи ўринни эгаллади. Аҳоли жон бошига олтин-валюта захиралари бўйича ҳудуд дунё мамлакатлари орасида иккинчи ўринда туради. Ҳудуд китъанинг етакчи суғурта маркази, халқаро кўргазмалар ва конгресслар ўтказиш маркази ҳисобланади.

Гонконгда ҳамма вақт либерал божхона ва солиқ тартиби амал қилиб келади. 1960–1970 йилларда ҳудуд «Осиёнинг энг арзон дўкони» шуҳратини олди. Сингапур сингари бу ерда ҳам катта маблағлар саёҳат бизнесини ривожлантириш, бандаргоҳ ва омбор хўжалигига, аэропорт қурилиши ва шаҳар инфратузилмасига йўналтирилди. Чакана савдо дўконлари ва ресторанлар кенг қулоч ёйди. Кино ишлаб чиқариш, китоб нашр этиш ишлари ривожланди.

1980-йилларда Гонконг ривожланиш моделида бошқа бир йўналиш, Сингапурдан фарқли ўлароқ, деиндустриаллаштириш (саноатлашишдан қайтиш) жараёни бошланди. 1990-йилларга келиб бу жараён янада тезлашиб кетди. Бу янги индустриал давлатларга хос бўлмаган парадокс бўлса-да, лекин фактдир. Меҳнат сиғими юқори бўлган ишлаб чиқаришни оммавий миқёсда Хи-

тойнинг яқин районларига, кейин Вьетнам, Таиланд ва Индонезия мамлакатларига кўчира бошлади.

Бунда асосий эътибор шаҳарда қолдирилган бош офис ва унинг турли бўлимлари фаолиятини маҳсулотлар дизайни ва ишланмалари, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш, хомашё ва саноат асбоб-ускуналарини харид қилиш, логистика ва маркетинг ишларига, сифатни назорат қилиш, илмий-техника тадқиқотларига қаратди. Бундай ўзгаришлардан кейин бу компаниялар чет элда ишлаб чиқариш корхоналари бўлишига қарамасдан носаноат тармоқларига киритилди. Шу вақтнинг ўзида ҳудудда воситачилик ва молия операциялари сезиларли фаоллаша бошлади. Бу фаолият, асосан, Хитойнинг узлуксиз ўсаётган ташқи савдосига хизмат кўрсатишига ихтисослашди. Хитой ҳам ҳудудда хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришга инвесторлик қилди. Зич иқтисодий алоқалар замирида 1997 йилда Гонконг Хитой суверенитети остига қайтди. Аср бошига келиб, ҳудуд ялпи ички маҳсулотида ишлов бериш саноатининг ҳиссаси 8 фоиз атрофига тушиб қолди. Алоҳида маъмурий район ҳудудида фақат соат ва заргарлик саноати қолди, холос. Гонконгнинг бутун экспорти реэкспорт операцияларидан иборат бўлиб қолди. ЯИМда хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳиссаси 90 фоиздан ошиб, амалда бир секторли иқтисодиёт таркиб топди.

Гонконгда Сингапур каби ўз нефти, табиий гази ва рудаси йўқ. Бу икки Осиё мамлакатада ҳатто қурилиш учун кум ва ичимлик суви ҳам йўқ, уларни ташқаридан импорт қилишга мажбур. Ресурс ва қазилма бойликлар тақчиллигига қарамасдан, улар ХХ аср охирида «иқтисодий мўъжиза»га эришдилар, аҳоли жон бошига ЯИМ даражаси бўйича дунёнинг кучли бешлигига кирдилар. Бунинг сирини нимада? Бу сирни Гонконг иқтисодий тараққиёт моделидан ахтариш тўғри бўлади. Бу моделнинг бош ва ягона қуроли бизнес – иқлим, бизнес юритиш учун шарт-шароит яратишдан иборат. Қисқа вақт ичида мамлакат технология ва капитал йўлидаги барча тўсиқларни йўқ қилиб ташлади. Мамлакатдаги юксалиш тўртта «кит» – инглиз тили, паст даражадаги солиқлар, оддий ва жуда қулай бизнес шароит ва юқори маош билан таъминланган малакали бошқарувчилар билан белгиланади. Бу ерда ҳукуматнинг шаффоф ва самарали, капитал, меҳнат

ва ахборотнинг мамлакат ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланишига шароит яратганидан хузур қилиш мумкин. Гонконгликларнинг ўртача иш ҳақи 9 минг АҚШ долларини ташкил этади. Бу бир хил этнос, бир хил географик, табиий иқлим шароитига эга қўшни хитойликларникидан йигирма баробар кўпдир.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида барча ипотека қарздан азият чеқди, қурилиш лойиҳалари музлатилди, 2010 йилда Гонконг кўчмас мулк секторига инвесторлар 15,2 млрд. АҚШ доллари киритишди. Қандай қилиб дунёнинг четидаги бу шаҳар-давлат чет эл капиталини жалб қилишга эришди? Биринчи навбатда, солиқ тизимини ҳаддан ташқари соддалаштирди, фискал ставкаларни камайтирди. Аниқроғи, халқаро бизнесни қўшимча қиймат солиғи, божхона йиғими, дивидендларга солиқ ва ижтимоий бадалларнинг йўқлиги ва унча катта бўлмаган фойда солиғи орқали ўзига оҳанрабодай тортди. Юмшоқ фискал тартиб ҳудудга тезда йирик пул ва товар оқимини олиб келди. Етти миллион аҳоли яшайдиган Гонконг Хитой бозорига киришнинг ўзига хос дарвозасига айланди. Гонконгда бизнесни рўйхатга олишнинг ниҳоятда осонлигидан фойдаланиб кўпчилик компаниялар шу ердан бошлаб, Осмон остини қўлга киритишни афзал кўради. Гонконг Хитой иқтисодиётининг чет эллик инвестицияси асосий манбаига айланди. Хитойликлар бугунги иқтисодий мўъжизаси учун гонконглик биродарларидан миннатдор бўлишлари керак. 1997 йилда бутун Гонконг ҳудуди устидан суверенитет Британиядан Хитойга ўтди. У камида 2047 йилгача Хитой таркибида махсус маъмурий ҳудуд мақомида қолади. Расмий Пекин янги автономиянинг мудофаа ва ташқи сиёсати масалаларини ўз зиммасига олди, ҳудуд эса қонунчилик, полиция, фискал тартибот ва иммиграция сиёсати устидан назоратни ўзида қолдирди.

Қизиқ ҳолат: шаҳарнинг ўзининг капитали ҳам, ҳаракатдаги активи ҳам йўқ, лекин фойдалироқ шароит таклиф қилиб, ўз майдонига эмитент ва инвесторларни жалб қилади. Фискал либерализм натижасида дунёдаги 100 та йирик банкнинг 70 таси шу ҳудудга ўз штаб-квартираларини жойлаштирган. Бизнесни ноҳадан рўйхатга олиш учун Сингапурда 4 кун, Гонконгда 8 кун, Японияда 23 кун, Германияда 15 кун вақт кетади.

Илгариги ёпиқ ҳудуд энди жаҳонда энг эркин иқтисодий зонага айланиб, ўзининг очиклигидан максимум капитал ўзлаштирмоқда.

**Тайвань** ривожланиш модели биринчи тўлкин янги индустриал мамлакатлар, умуман, Осие тараққиёт моделлари билан умумий, шу билан бирга ўзига хос алоҳида жиҳатларга эга. Хитой ва Тайвань ороли ўртасида кўп вақтлардан буён сиёсий ва иқтисодий зиддиятлар мавжуд. Худди ана шу зиддиятлар Тайвань тараққиёт моделига ўзининг тузатишларини киритиб келади. Орол-давлат индустрлаштириш ва жадал саноат тараққиётига ўтган асрнинг 60–70-йилларида киришди. Муваффақиятли ўтказилган ер ислоҳоти индустрлаштиришга яхши старт бўлди. 1950-йилларда мамлакат аҳолисининг энгил саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришга таяниш йўлидан борди. Шу билан бирга Корея Республикасида бўлганидек, базис тармоқлар – электрэнергетика, транспорт, металлургияга пойдевор қўйилди. Бу тармоқларнинг оёққа туриб олишида АҚШнинг молиявий кўмаги катта ўрин тутди. Янги тармоқлар иқтисодиётнинг давлат секторида яратилди.

Импорт ўрнини босишни амалга ошириш сиёсатида икки босқич бир-бирдан фарқланади: А – биринчи ҳаётий зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш; Б – узоқ муддатли фойдаланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Иккинчи босқич маҳсулотлар ишлаб чиқариш 1970-йиллардаги экспорт соҳасининг тез ўсиши даврига тўғри келди. Бу босқичга ўтиш ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш, машинасозликни ривожлантиришни тақозо этди.

Ички бозорнинг нисбатан торлигини ҳисобга олиб, Тайвань тезда импорт ўрнини босишни саноатнинг экспорт йўналишини ривожлантириш билан қўшиб олиб боришга ўтди. 1960-йиллардаёқ, у бу йўналишда сезиларли натижаларга эришди. Худуд иқтисодий таркибининг асосий хусусияти чет эл буюртмаси бўйича ишлайдиган унча катта бўлмаган корхоналар сонининг кўплигидир. Спорт товарлари, пойабзал, тери маҳсулотлари, велосипедлар, мотороллар, кимёвий моддалар, тикув машиналари, асбоб-ускуна ҳамда офис жиҳозлари каби анъанавий экспорт турлари 1970–1990-йилларда микрочиплар ва компьютерлар, оптик диск ва диодлар, турли маиший товарлар, офис техникаси, суяк кристалл дисплейлар, кемалар, станоклар, шунингдек, диагностика воситалари ишлаб чиқариш билан

тўлдирилди. Саноат маҳсулотларини ташқарига чиқаришда экспорт учун қайта ишлаш зоналари ўз улушини кўшди. Худудда 1960-йилларда учта ана шундай зона иш бошлаган эди. Юқори технологияли буюмлар экспортида 1980 йилда ташкил этилган Синьчжоу илмий-саноат парки катта роль ўйнади. 1970-йилларда яримўтказгичлар, электрон жиҳозларни йиғиш, маиший аудио-видео техника, кемасозлик ва автомобилсозлик саноати тез ривожланди.

Япония сингари барча биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар илмталаб тармоқлар ривожланишига зўр берди. Бу тармоқларга умумий, электротехника ва электрон машинасозлиги, назорат-ўлчов ва таҳлил асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш, дастур билан таъминлаш ва бошқариш тизими, энергия тежаш технологиясини ишлаб чиқиш киритилди. Энди Тайваннинг ўзи янги технологияларнинг мустақил ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчисига айланди. Илгари бундай фаолият турлари Осиёда фақат Япониянинг қўлидан келарди, холос. 1990-йилларнинг охирида худуд ҳар йили АҚШда мингдан зиёд ихтирога патент расмийлаштирарди.

Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши билан бошқа мамлакатлар корпорациялари ишлаб чиқарадиган пировард маҳсулотларининг айрим қисм ва блокларида ички тармоқ ихтисослашуви кенг тарқалди. Ўз навбатида, худуд энди ўз саноат ишлаб чиқаришининг қатор босқичларини чет элга чиқара бошлади. Шундай қилиб, маҳаллий компанияларнинг халқаро ишлаб чиқариш алоқалари орол иқтисодий ривожланиш моделининг муҳим хусусиятига айланди.

Тайвань ҳам Сингапур ва Гонконг сингари ишлаб чиқариш қувватларини четга, аввало, Хитойга жойлаштириш билан аста-секин деиндустрлаштириш йўлидан бормоқда. Оқибатда Тайванд ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 1980 йилдаги 51 фоиздан 2009 йилга келиб 31 фоизга тушди. Бу кўрсаткич маълумки, Сингапурда 26, Гонконгда 8 фоизни ташкил этади.

Ҳозирги Тайвань 23 миллионлик аҳолиси билан Осиёнинг бешта йирик иқтисодий макони, жаҳоннинг эса 25 та йирик иқтисодиётлари қаторидан жой олиб турибди. Худуднинг ривожланиши ташқи омилга – экспортга юқори даражада боғлиқ (65 фоиз).

Тайвань иқтисодий ривожланиши моделига вақти-вақти билан шароит, ташқи конъюнктурани ҳисобга олиб ўзгаришлар киритиб турилди. Бу ҳудуд маъмуриятининг эпчиллик билан эгилувчан ички ва ташқи иқтисодий сиёсат олиб бориш қобилиятидан дараж беради. 1950-йилларда экспортбоп индустрлаштириш саноат буюмларини экспорт қилишга мўлжалланган иқтисодий модель амал қилди. Натижада экспорт ва ЯИМ тез суръатларда ўсди, Жамғариш ва инвестицияларнинг юқори даражаси қайд этилди. 1990-йилларнинг ўрталарига келиб бу моделнинг имкониятлари тугади. Оқибатда ўсиш суръатлари, инвестиция даражаси пасайди, деиндустрлаштириш бошланди, саноат ишлаб чиқаришининг айрим бозор «ёриқ»лари Хитойга ўтказилди, рақобатбардошлик даражаси пасайди. Тайвань иқтисодиётининг заиф томонлари бўлиб диверсификация даражасининг пастлиги, юқори даражада экспортга боғлиқлик, минтақавий интеграция жараёнларидан четда қолиш ва бошқалар яққол кўзга ташланади.

Энди ўсиш учун ҳудуд иқтисодиётига янги модель, тўғрироғи амалдаги моделга янги унсурлар зарур эди. Бундай унсурлардан бўлиб электрон саноати майдонга чиқди. У экспортнинг 35 фоизини таъминлади.

Янги индустриал мамлакатлар ва Хитой таракқиёт моделларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ривожланаётган бошқа мамлакатлар учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Мисол учун 1950 йилда Хитой ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 70 фоиздан зиёд, Корея Республикасида 50 фоиз, Тайванда 32 фоиз эди. Уларни бемалол аграр, аграр-индустриал мамлакатлар тоифасига киритиш мумкин эди. Ўтган ўн йилликнинг охирига келиб эса Хитой ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси атиги 10 фоиз атрофида, Корея Республикасида 2 фоиз, Сингапур ва Тайванда 1 фоизни ташкил этди. Нима учун уларда бундай тартиб шаклланди? Чунки улар жаҳон тажрибасидан тез ва тўғри хулоса чиқариб олдилар. Озиқ-овқатнинг етишмаслиги, очарчилик кўпроқ қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакатларда учрайди. ЯИМда қишлоқ хўжалиги ҳиссаси қанчалик паст бўлса, мамлакат очарчилик хавфидан шунчалик йироқ бўлади. Бунинг устига қишлоқ хўжалиги деярли йўқ мамлакатлар аҳолиси очарчиликдан кўра, аксинча, ортиқча овқат истеъмолидан азият чекади.

Бу парадоксни қандай изоҳлаш мумкин? Биргина мисол.

Иттифоқчиларнинг Иккинчи жаҳон урушини ютиши аён бўлиб қолган бир паллада 30 йил ичида иккита жаҳон урушини келтириб чиқарган Германия тақдирини қандай ҳал қилиш масаласи келиб чиққан эди. АҚШ молия вазири Генри Моргентау янги немис хавфидан жаҳонни бутунлай кафолатлаш мақсадида Германия саноатини бутунлай йўқ қилиб ташлаш, уни қишлоқ хўжалик мамлакатига айлантириш режасини таклиф қилди. Шу мақсадда саноат асбоб-ускуналарини олиб чиқиб кетиш, шахталарни сувга бостириш кўзда тутилган эди. Иттифоқчилар бу дастурни маъқулладилар ва у Германия таслим бўлгандан кейин 1945 йилнинг майида кучга ҳам кирди.

Аммо, Моргентау режасининг Германияга жиддий иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши тезда маълум бўлди. Деиндустрлаштириш қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг кескин тушиб кетишига олиб келар экан. Германияни қишлоқ хўжалиги мамлакатига айлантириш учун унинг 25 млн. аҳолисини йўқ қилиб ташлаш ёки бошқа мамлакатларга кўчириб юбориш керак бўлар эди. Саноат мамлакати қишлоқ хўжалиги мамлакатига нисбатан анча кўпроқ аҳолини боқиш имкониятига эга бўлар экан. Осиё тажрибасида бу оддий ҳақиқат яна бир бор ўз тасдиғини топди. Кўп ўтмай Моргентау режасидан воз кечилиб, унинг акси – Германия ва бутун Европа, ҳатто, Японияни реиндустрлаштиришга қаратилган Маршалл режаси маъқулланди.

Хомашё, шу жумладан қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқариш эртами-кечми, албатта, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Бу қонуният. Мамлакат хомашё товарларига қанчалик чуқурроқ ва узоқроқ ихтисослашса, шунчалик камбағаллашади.

Янги индустриал давлатлар, Хитой мана қандай оддий ҳақиқатдан келиб чиқдилар. Саноатсиз қишлоқ хўжалиги ҳам йўқ. Бугун қишлоқ хўжалиги саноатдан бошланиб (ишлаб чиқариш воситалари) саноат билан тугайди (қайта ишлаш). Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмолчи дастурхонига бориб тушишдан олдин саноат, транспорт, алоқа ва бошқа босқичларни босиб ўтади. Шунинг учун ҳам ЯИМда унинг ҳиссаси пасайиб, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳиссаси ортиб бораверади.

## ИККИНЧИ ТЎЛҚИН ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАР МОДЕЛИ

Кўпчилик иқтисодчилар Малайзия, Таиланд, Индонезия, Филиппин, Туркия ва Вьетнамни иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар гуруҳига киритадилар. Чунки улар биринчи тўлқин – Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань ва Гонконгдан кейин жадал ривожланиш босқичига кириб келдилар. Биринчи тўлқин мамлакатларида бўлганидек, уларда ҳам экспортга йўналтирилган соҳалар – устун ривожланиб, унда саноатнинг улуши ўсиб борди. Биринчи ва иккинчи тўлқин мамлакатлари ўртасидаги умумийлик уларнинг бошланғич – старт имкониятларининг деярли бир хил даражада паст эканлиги, мустамлакачилик ва урушдан қолган чуқур асоратларнинг мавжудлиги ва уларнинг юксалишни индустриаллаштириш ҳамда олдин импорт ўрнини босиш, кейин экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан бошлаганликларидадир. Масалан, Туркияда 1980-йилларда экспортнинг ўсиш суръати 22 фоизни ташкил этиб, ташқарига чиқарилаётган маҳсулотлар орасида саноатнинг улуши 36 фоиздан 75 фоизга кўтарилди.

Бундан ташқари, мазкур мамлакатларнинг деярли барчаси океан ва денгиз имкониятларидан унумли фойдаландилар. Лекин улар ўртасидаги географик, диний, миллий, табиий ресурслар, иқтисодийётнинг таркиби ҳамда бу омиллардан келиб чиқадиган тафовутлар ҳам талайгина эди. Баъзи мамлакатлар иқтисодийёти икки (Сингапур), ҳатто бир (Гонконг) сектордан иборат бўлса, бошқаларида уч секторли (Туркия, Вьетнам ва бошқалар) иқтисодийёт модели амал қилмоқда. Худди шу аснода бу мамлакатларда ЯИМ ишлаб чиқаришда саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳиссаси ҳар хил.

1990-йилларда Таиланд, Малайзия, Индонезия, Филиппин ва Туркия саноатни диверсификациялаш ва унинг экспорт секторини ривожлантириш бобида сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, қурилиш, кимё ва озиқ-овқат саноати, хомашё қазиб олиш ЯИМда сезиларли ўринни эгаллай бошлади. Туркия ва Индонезиянинг тўқимачилик ва тикув саноатининг юқори рақобатбардошлиги, Малайзия, Таиланд ва Филиппин электрон қисмлар ишлаб

чиқариш иши билан ажралиб турди. Иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар 1990-йилларда Шарқий Осиёда кенг кулоч ёйган ички тармоқ ихтисослашувига ва савдога фаол киришиб кетди.

Малайзиянинг барқарор иқтисодий ўсиши давлатнинг экспортга йўналтирилган иқтисодиёт тармоқларини устун ривожлантиришни қўллаб-қувватлайдиган сиёсатига асосланди. Энг аввало, электроника ва инфратузилмани ривожлантиришга эътибор қаратилди. Уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ва тўғридан-тўғри бюджетдан молиялаштириш орқали кўмак берилди. Мамлакатда импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқариш сиёсати деярли амалга оширилмади. 1990-йилларда Малайзия ярим ўтказгичлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда энг йирик мамлакатлар қаторига кириб олди. Маиший электроника, тўқимачилик ва кийим-кечак, шунингдек, автомобиль экспорти кенгайди.

Малайзия аграр-индустриал мамлакат. Иссиқ намли иқлим бўлгани учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш имконияти юқори. Каучукли ўсимликлар, пальма (асосан, ёғи олинади), турли мевалар шулар жумласидандир. Мамлакат бевосита денгизга чиқади. Балиқ ва денгиз маҳсулотларига бой. Ёмғирли тропик ўрмон эса катта ёғоч захираларига эга. Мамлакат, шунингдек, катта минерал ресурслар захирасига, жумладан, нефть, табиий газ, темир, қалай (кумушсимон оқ металл) рудалари конларига эга. Енгил саноат ва электрон ишлаб чиқариш ҳамда йиғиш ривожланган. Сифатли ва нисбатан арзон ишчи кучи ҳисобига у кўпгина йирик чет эллик, асосан, япон компаниялари учун «йиғув цехи»га айланган. Унинг табиий боғлари кейинги вақтларда ўзига кенг миқёсда сайёҳатчилар оқимини жалб қилмоқда.

1970 йилдан Малайзия қишлоқ хўжалигига асосланган иқтисодиёт моделидан фойдали қазилма бойликларига ва саноатга асосланган иқтисодиёт моделига ўта бошлади. Япония ва Ғарб давлатлари ёрдамида оғир саноат ривожлана бошлади, бир неча йил давомида экспорт мамлакат иқтисодий ўсишининг «мотори»га айланди. ЯИМнинг йиллик ўсиши 1980-йилларнинг ўрталари ва 1990-йилларда 8 фоизни ташкил этди. ЯИМда саноатнинг улуши ортиб, қишлоқ хўжалиги ва қазиб олиш саноати улуши пасайди.

Малайзия стратегик жиҳатдан қулай жойлашган. Хитой нефть импортининг 77 фоизи Малайзия ва Индонезия ўртасида жойлашган Малак бўғози орқали ўтади. Малайзия мономиллатли давлат эмас. Бу ерда малайялардан ташқари хитойликлар, ҳиндлар истиқомат қилади. Шунга мувофиқ, бир неча жаҳон динларига эътиқод қилинади. Аммо, бу хилма-хиллик иқтисодий ўсишга, иқтисодий, сиёсий барқарорликка халақит бермайди. Либерал иқтисодиёт давлатнинг беш йиллик макроиқтисодий режалари орқали қатъий аралашуви билан уйғунлашиб кетган. Ҳукумат томонидан беш йиллик, ўн йиллик ва йигирма йиллик макроиқтисодий режалар ишлаб чиқилади. Мазкур режалар индикатив характерга эга бўлса-да, давлат амалга ошираётган тадбирлар, миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий йўналишларини белгилайди.

Малайзия иқтисодий тараққиёт модели жамият ва иқтисодиётдаги ўзгаришларни ҳисобга олиб босқичма-босқич такомиллашиб келди. Дастлаб, меҳнат сиғими юқори саноат тармоқлари, ўша вақтда мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялашга асосий эътибор қаратилди. Импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқариш ички бозорнинг табиий торлигидан келиб чиқиб, миллий саноатнинг ўсишини секинлаштириш механизмига айланиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам экспортга йўналтирилган индустриалаштириш йўли тutilди, аста-секин юқори қўшимча қийматга эга саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўтила бошланди. 1980–1990-йиллардаги Малайзия иқтисодий ривожланиш моделининг характерини экспортга йўналтирилган ўсиш сифатида баҳолаш тўғри бўлади. Агар, илгари мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий иқтисодиёт учун аграр ва қазиб олиш саноати катта аҳамиятга эга бўлган бўлса, XX аср охирига келиб, қайта ишлаш саноати ҳал қилувчи ўринга чиқди. Буларнинг ҳаммаси Малайзия ҳукумати 1970–1990-йилларга мўлжаллаб ишлаб чиққан Янги иқтисодий сиёсат ва унинг узвий давоми 1990–2000 йиллар учун махсус кўзда тутилган модель, миллий ривожланиш сиёсатида ўз аксини топди. Малайзиянинг ҳозирги замон ривожланиш моделини «билимлар иқтисодиёти», деса тўғри бўлади.

Осиёдаги молиявий инқироз ва глобал молиявий-иқтисодий инқироз Малайзия иқтисодиётига катта салбий таъсир кўрсатди, албатта. Улар миллий иқтисодиётнинг жиддий заиф томонларини юзага чиқарди. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган Янги иқтисодий модель ҳар томонлама ахборот-коммуникация технологияси – Мультимедия супер йўлагини жорий қилишни тақозо этди.

Маълумки, у ёки бу мамлакатнинг миллий тараққиёт модели унинг географик ўрни, иқтисодий тизимининг хусусиятлари, табиий ресурслар билан таъминланганлик даражаси этник ва диний таркиби, маданий ва тарихий қадриятлари ҳамда халқаро конъюнктурадан келиб чиқади. Илгари Буюк Британия мустамлакаси бўлиб, турли ҳудудларнинг интеграцияси натижасида пайдо бўлган Малайзия Федерациясининг миллий иқтисодий тараққиёт моделига қуйидаги омиллар фаол таъсир кўрсатди:

– мамлакатга метрополиядан сиёсий маданият, самарали бюрократик аппарат, нисбатан ривожланган инфратузилма, аграр хомашё иқтисодиёти мероси бўлганлиги;

– табиий ресурслар билан таъминланганлиги;

– мамлакатнинг катта бўлмаган компакт хўжалиги бошқарувни осонлаштирди, иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантириш бўйича давлат тадбирларини амалга ошириш самарадорлигини кўпайтирди;

– асосий савдо йўллари кесишган ҳудудда жойлашув: бу омил ташқи савдо ва экспорт тармоқларини ривожлантиришга, бошқа мамлакатлардан мигрантларнинг келишига ижобий таъсир кўрсатди;

– ички бозорнинг табиий чекланганлиги. Бунга мувофиқ мамлакат ташқи бозорга очиқликка, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришга, жаҳон конъюктурасига сезгирликка маҳкум эди;

– британиялик маъмуриятнинг мустамлака сиёсати четдан ишчи кучини кенг суръатда жалб қилишга олиб келди, натижада мамлакат мономиллатликдан кетди.

Малайзияда юқори технологияли саноат маҳсулотлари экспортига йўналтирилган миллий иқтисодий ривожланиш модели шаклланмоқда. Ҳукумат чет эл юқори технологияси ва илмий муассасаларини мамлакатга жалб қилиш учун қулай шароит

яратмоқда. Шу мақсадда миллий инфратузилма – бешта инноваторлар, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишида, электрон ҳукумат концепцияси амалга оширилмоқда, давлат режалаштириш мониторинги ва дастурни амалга ошириш тартиби такомиллаштирилмоқда, инсон салоҳияти ривожланмоқда. Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларини тижоратлаштириш инновацион иқтисодий ривожлантиришда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Малайзия иқтисодий моделининг муваффақиятлари бир қатор омиллар билан кафолатланган: сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг мерос ўтиши, етакчининг сиёсий иродаси ва юқори профессионаллиги, ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг эгилувчанлиги, давлат ва бизнес хўжалик ҳамкорлиги тартибининг яратилганлиги, ташқи ва ички конъюнктурани тез илғаб олиш, эркин савдо зоналари, экспорт – ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этиш, чет эл инвесторлари учун қонун инфратузилмасини яратиш, коррупцияга қарши кураш ва бошқалар.

Янги индустриал мамлакатлар иқтисодий ривожланиш моделига хос кўпчилик хусусиятлар **Таиланд** иқтисодийида ҳам учрайди. Лекин, табиий иқлими, географик шароити, иқтисодий ва аҳоли таркиби бўйича бошқалардан, айниқса, шаҳар-мамлакатлар (Гонконг, Сингапур)дан жиддий фарқ қилади. Бу ерда ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши салмоқли. Мамлакат уч секторли иқтисодийдан иборат. Шу муносабат билан уни аграр-индустриал ёки индустриал-аграр мамлакат сифатида характерлаш мумкин. ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши 10,7 фоиз, бу секторда меҳнатга яроқли аҳолининг деярли ярми иш билан банд. Асосий қишлоқ хўжалиги экини – шоли-гуруч. Унинг экспорти бўйича қитъада биринчи, жаҳонда АҚШдан кейинги иккинчи ўринда туради. Шунингдек, шакарқамиш, пахта ва жут (каноп) етиштирилади. Балиқчиликнинг ҳам ўрни катта. ЯИМда саноатнинг ҳиссаси 40,0 фоизга яқин бўлиб, унда 14 фоиз меҳнатга яроқли аҳоли иш билан банд. Таиланд жаҳон бозорига катта миқдорда қалай ва вольфрам чиқаради. Денгиздан табиий газ қазиб олади.

Янги индустриал мамлакатларда бўлганидек, ишлов бериш саноатининг гуркираб ривожланиши 1990-йилларга тўғри келди.

Мамлакатда ҳозир электроника, автомобиль йиғиш, заргарлик, нефть кимёси, тўқимачилик ҳамда озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Ташқи бозорга, асосан, АҚШ, Япония, Хитой, Сингапур, Гонконг ва Малайзияга тайёр кийим-бош, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, гуруч, каучук, заргарлик буюмлари, автомобиль, компьютер ва электроника чиқариб, ташқи бозордан, хусусан, Япония, Хитой, АҚШ, Малайзия, БАА (Бирлашган Араб Амирликлари), Қатар ва Сингапурдан ишлаб чиқариш воситалари ва ёқилғи (нефть ва суолтирилган табиий газ) олиб киради.

Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон банки маълумотларига кўра, Таиланднинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни қуйидагича: ЯИМ ҳажми (харид қобилияти паритети бўйича) жаҳонда 25-ўринда, олтин-валюта захиралари бўйича 17 (167,2 млрд. АҚШ доллари), ишсизлик бўйича – 4 (0,8 фоиз), давлат қарзи бўйича – 73 (ЯИМнинг 47,5 фоизи), инфляция суръатлари бўйича – 78 (2,2 фоиз), экспорт ҳажми бўйича – 26 (228,5 млрд. АҚШ доллари), импорт ҳажми бўйича – 25 (250,7 млрд. АҚШ доллари), тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш бўйича – 29 (193,7 млрд. АҚШ доллари) ва чет эл капиталини жалб қилиш бўйича 34-ўринда (65,1 млрд. АҚШ доллари) турибди.

Кейинги йилларда мамлакат иқтисодиёти ривожланиш суръатларига ички талабнинг сусайиши, йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг орқага сурилиши ҳамда ички сиёсий инқироз сезиларли таъсир ўтказди. Аммо, бу омиллар Таиланд иқтисодий тараққиёт моделига жиддий ўзгаришлар киритишга қодир эмас, модель шаклланиб бўлган ва амалда самарасини кўрсатиб улгурди.

Таиландда ўтган асрнинг 60–90-йилларида ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиши 7 фоиз атрофида бўлиб келди. Бу даврда миллий тараққиёт моделининг асосий хусусияти бюджет-молия сиёсатида консерватизм, давлатнинг иқтисодиётга чекланган аралашуви, жаҳон хўжалигига интеграциялашиш мақсадида импорт ўрнини босишга ишлайдиган ва экспортга ишлайдиган тармоқлар фаолиятини мувозанатли олиб боришдан иборат бўлди. Шу билан бирга ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб капитал сиғими юқори тармоқлар қувватини оширишга – электротехника, электроника, нефть кимёси, целлюлоза – қоғоз саноатини ривожлантиришга катта эътибор берилди.

Индустриал комплекснинг устун даражада ривожланиши ЯИМда қишлоқ хўжалиги ҳиссасининг 1960 йилдаги 40 фоиздан 1990-йилларнинг охирига келиб 10 фоизга тушишига олиб келди. Хомашё маҳсулотларининг улуши экспортда 1970-йиллардаги 92 фоиздан 25 фоизга тушди. Шунга мувофиқ равишда ишлов берувчи саноат ҳиссаси 75 фоизгача ўсди.

Шу билан бирга бу амалиёт 1990-йилларнинг ўрталарига келиб, ўзининг неготив томонларини кўрсата бошлади. Иқтисодий ўсиш саноатда банд бўлганлар иш ҳақининг ўсиши билан кечди. Бу, ўз навбатида, таиландлик экспорт товарларининг рақобатбардошлилигига салбий таъсир кўрсатди. Чунки, экспорт асосан меҳнат сизими юқори маҳсулотлардан иборат эди. Экспортни ошириб бориш суръатларининг пасайиши иқтисодий ўсишга салбий таъсир ўтказди. Сабаби ЯИМнинг 30 фоиздан зиёдроғи экспорт орқали шаклланди. Шу вақтнинг ўзида инвестиция асбоб-ускуналари импорти ошиб, тўлов баланси камомадини келтириб чиқарди. Хўш, нима қилиш керак?

Ҳукумат Малайзия ҳукуматидан фарқли ўлароқ, Халқаро Валюта Фонди ёрдамидан фойдаланиш йўлини тутди. Аммо, бу ягона йўл эмасди. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб жиддий ижобий натижаларга эришиш қийин эди. Шу мақсадда, бир томондан ҳукумат қишлоқ хўжалигида молиявий эҳтиёжларнинг банклар томонидан, кредит билан таъминланишини назорат қилди. Чунки, бу ҳам барқарор ривожланиш учун ҳаётий жиҳатдан зарур эди. Иккинчи томондан, таркибий қайта қуришнинг асосий шарти бўлган автомобилсозлик, электроника, электротехника ва қатор бошқа истиқболли машинасозлик тармоқлари фойдасига силжишни кўзда тутувчи таълим ислохотини ўтказиш ташаббускори бўлди.

Шундай қилиб XXI аср бошида Таиландда экспортга йўналтирилган индустриал, хизмат кўрсатиш соҳаси, туризмга (хизмат кўрсатишдаги ҳиссаси 50 фоизга яқин) асосланган иқтисодий ривожланиш модели барқарорлашди.

**Иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар ЯИМда саноатнинг улуши (фоизда)**

Мамлакатлар	1950	1960	1970	1980	1990	2000	2013
Малайзия	-	19	20	41	42	48	40
Таиланд	15	19	25	29	37	42	39
Индонезия	12	13	18	42	39	46	47
Филиппин	21	24	30	37	34	32	30
Вьетнам	-	-	-	-	23	37	38
Туркия	16	23	29	31	32	31	24,7

*Манбалар:* Мировая экономика: глобальные тенденции за 100 лет. – М.: «Экономистъ», 2003. – С. 504, 546; Потапов М.А., Салицкий А.И., Шахматов А.В. «Экономика современной Азии». – М.: «Международные отношения», 2011. – С. 69; [www. red. gov.ru|exportcountries|about\\_vh|com](http://www.red.gov.ru/exportcountries/about_vh/com).

Иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар орасида ҳар томонлама энг йирик иқтисодиёт – Индонезия иқтисодиёти ҳисобланади. Бу ерда 240 млн. дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 2012 йилда мамлакатда 894,9 млрд. АҚШ долларига тенг номинал қийматда, харид қобилияти паритети бўйича эса 1212 млрд. АҚШ долларига баробар ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилди. ЯИМ ҳажми бўйича жаҳонда ўн олтинчи, Жануби-Шарқий Осиёда биринчи ўринда туради. Аммо, парадокс шундан иборатки, аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда 155-ўринни эгаллайди (Таққослаш учун айтганда, бу Россия кўрсаткичидан тўрт баробар паст).

Индонезияда уч секторли иқтисодиёт амал қилади: ЯИМ да қишлоқ хўжалигининг улуши 14,3 фоиз, саноатники 46,9 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳасиники 38,8 фоиздан иборат. Иш-сизлик даражаси юқори – 8,7 фоиз, инфляция даражаси 4–5 фоиз атрофида. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларини нефть ва газ, тўқимачилик, пойабзал, кийим-кечак, латекс ташкил этади.

**Иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар ЯИМдаги тўлқин  
кўрсатиш соҳаларининг улуши (фоизда)**

Мамлакатлар	1950	1960	1970	1980	1990	2000	2013
Малайзия	41	41	42	36	44	43	55
Таиланд	28	42	46	46	50	49	50
Индонезия	32	32	33	34	41	38	39
Филиппин	40	44	43	36	44	52	55
Вьетнам	—	—	—	—	39	39	43
Туркия	35	38	43	50	50	57	66,5

*Манбалар:* Болотин Б.М., Шейнис В.Л. Экономика развивающихся стран в цифрах. – М.: «Наука», 1988. – С. 374–383; Потапов М.А., Салицкий А.И., Шахматов А.В. «Экономика современной Азии», – М.: «Международные отношения», 2011. – С. 69; [www. red. gov.ru|exportcountries| about\\_vh|com](http://www.red.gov.ru/exportcountries/about_vh/com).

Мамлакат Япония, Хитой, АҚШ, Сингапур, Корея Республикаси, Ҳиндистон ва Малайзияга газ, нефть, электр асбоб-ускуналари, тўқимачилик маҳсулотлари, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, каучук экспорт қилади. Ўз навбатида, Сингапур, Хитой, Япония, АҚШ, Малайзия, Корея Республикаси ва Таиланддан машина ва асбоб-ускуналар, нефть, кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати маҳсулотларини импорт қилади. Давлат қарзи ялпи ички маҳсулотининг 56,2 фоизини ташкил этади.

Индонезия тараққиёт модели аграр-индустриал турга киради. Миллий рақобатбардошлик бўйича 2010 йилда 44-ўринни эгаллади. У иқтисодий бобида истиқболли ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига киради.

Индонезия иқтисодий модели бозор муносабатлари характерида бўлиб, аммо иқтисодий бошқаришда давлатнинг роли катта. У нафақат миллий хўжаликнинг турли соҳаларида йирик корхоналарнинг эгаси, балки шу билан бирга озиқ-овқат, ёқилғимойлаш материаллари каби қатор маҳсулотлар нархини назорат қилади.

Ҳозирги Индонезия иқтисодийнинг аграр-индустриал модели, асосан, ўтган асрнинг 80–90-йилларида шаклланди. Бунда Сухарто ҳукуматининг модернизациялашган бозор чора-тадбирлари маълум роль ўйнади. Мамлакатга йирик микёсда чет эл инвестициялари оқиб келди, саноат ва хизмат кўрсатишнинг

кўпчилик тармоқлари қарор топди ва жадал ривожланди. Самарали молия-кредит тизими шаклланди. Аммо, жадал иқтисодий ўсиш таркибий диспропорцияларни ҳам келтириб чиқардики, бу 1997–1998-йиллардаги Осиё молиявий иқтисодий инқирози шароитида яққол намоён бўлди. ЯИМ ҳажми 13,7 фоизга қисқарди, мамлакат пул бирлиги – рупия долларга нисбатан ўз қийматини тўрт баробардан ортиқ йўқотди, инфляция 77 фоизга етди. Миллий иқтисодиётнинг инқироздан чиқиши сиёсий беқарорлик шароитида янада қийинлашди. Фақатгина 2004–2006 йилга келиб иқтисодиёт қаддини ростлади, ҳар жиҳатдан ўсиш кузатила бошлади. 2008–2009 йилларда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқирозни кам талафот билан ўтказди, унинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари унча катта бўлмаган миқдорда пасайди. Бунинг асосий сабаблари бор эди. Куйида биз унга бироз тўхталиб ўтамыз.

Бу вақтга келиб худди Хитойда бўлганидек, Индонезияда ҳам иқтисодий ўсишнинг драйвери ички истеъмол бўлди. Маълумки, у иқтисодий ривожланишнинг қудратли рағбати бўлиб ҳисобланади. Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон банки илмий башоратларига қараганда 2015 йилда Индонезия иқтисодиётининг ўсиши 7–7,4 фоизга етиши мумкин. Илгари ривожланаётган бозорлардан орқада қолиб келаётган Индонезия иқтисодиёти энди Хитой ва Ҳиндистон қаторида ўсади. Бу ўсиш барқарор, табиий, ташқи омилларга унчалик боғлиқ эмас, бугунги шароитда кам учрайдиган ҳодисадир. Индонезия иқтисодиёти ўсишининг драйвери қиммат нефть ва арзон кредитлар эмас, балки ички истеъмолнинг ўсиши бўлиб майдонга чиқмоқда.

Мамлакат аҳолиси таркиби ёшларнинг улуши бўйича жаҳонда тўртинчи ўринда туради. Албатта, аҳолининг бу қисми яхши яшашга ҳаракатда бўлади ва бунинг учун эса тинмай меҳнат қилишга тайёр. Барқарорлик ЯИМнинг таркиби билан белгиланади. Унинг 57 фоизи ички истеъмол ҳисобига шаклланади. Ўрта табақанинг ўсиши билан бу ҳисса ҳам ошиб боради. ЯИМнинг 25 фоизи соғлом иқтисодиёт маконлари ҳисобланадиган Хитой, Ҳиндистон ва Сингапурга газ, кўмир ва биржа товарлари экспортдан келади.

Сиёсий ва иқтисодий ислохотлар учун индонезияликлар аср охиридаги Осиё молиявий-иқтисодий инқирозидан миннатдор

бўлишлари керак. Чунки, унинг натижасида иқтисодиёт 13 фоизга қисқариб, инфляция даражаси 60 фоизга етиб, рушия сулаб, президент Сухартонинг коррупцион режимини асфаласофиялига жўнатган эди. Сирасини айтганда, инқироз ислохотнинг бошланиш нуктаси бўлди.

Мамлакатда инвесторлар учун катта шароитлар яратилган. Бу ердаги йирик компаниялар, айниқса, кўмир компаниясининг акциясини сотиб олиш учун ўзингизнинг брокерингизга телефон қилишингиз етарли. Чет эллик инвесторларнинг қимматли қоғозларни Индонезиядан сотиб олишлари учун ҳеч қандай чеклов йўқ. Иқтисодиётнинг ўсиши мамлакатда уй-жой фонди қийматининг тез ўсиб кетишига олиб келмади. Бугун Жакартанинг энг яхши қисмида жойлашган апартаментнинг бир квадрат метрининг ўртача нархи Сингапурдагидан 9–10 марта арзон.

Индонезияда ҳозир амал қилаётган иқтисодий модель «аралаш иқтисодиёт» вариантларидан биридир. Бир томондан, бозор усуллари кенг йўл берилади, иккинчи томондан, иқтисодиётда давлат ўрни юқори. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви миллий ривожланишнинг узок муддатли стратегиясини белгилайдиган беш йиллик режалар орқали амалга оширилади. Стратегик мақсад ва вазифаларга эришишда бюджет, солиқ, лицензиялаш, божхона валюта-молия каби билвосита дастаклардан кенг фойдаланади. Булардан ташқари, давлат сув билан таъминлаш тизими, транспорт, алоқа, энергия билан таъминлаш ва бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланишини бевосита ўз зиммасига олади. Давлат бу тармоқларнинг маҳсулот ва хизматларини белгиланган нархларда хусусий соҳага йўналтириш орқали ишлаб чиқариш харажатлари даражасига реал таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Шунга мувофиқ хусусий тадбиркорлик фаолиятини жонлантиришга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда Индонезия G–20 нинг фаол аъзосидир. Уни Бразилия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Туркия билан бир қаторда ривожланаётган еттилик (E–7)га киритишади. Экспертларнинг хулосаларига кўра, 2050 йилга бориб аҳоли жон бошига даромадлар 22 мартага ошади. Индонезия архипелагини Хитой ва Ҳиндистондан кейин Осиёнинг учинчи мамлакати ҳисоблашади. Мамлакатнинг БРИКС (Бразилия, Россия,

Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка) мамлакатлари гуруҳига кириши учун зарур кўрсаткичларнинг барчаси мавжуд.

Жануби-Шарқий Осиёнинг бешинчи мамлакати Филиппиндир. Бу ерда ўтган асрнинг 80–90-йилларида иқтисодиётнинг ривожланаётган аграр-индустриал модели шаклланди. Мустақилликкача Филиппин иқтисодиёти қишлоқ ва ўрмон хўжалигига асосланган эди. Мамлакат ривожланишининг янги модели иқтисодиётни модернизациялаш, ахборот-коммуникация технологиясини ривожлантиришга таянмоқда. Экспортда ишлов берувчи саноатнинг улуши 75 фоизга етади. Унинг таркибида юқори технологияли маҳсулотларнинг ҳиссаси 54 фоиздан иборат. Миллий бозор ўзининг экспортга боғлиқлигини сақлаб қолмоқда. Мамлакат қазилма бойликларга нисбатан бой. Бу ердан олтин, мис, хром, никель, нефть қазиб олинади. Ишлов бериш саноатида кийим-кечак, электроника, маиший товарлар, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Филиппиннинг бош қишлоқ хўжалиги экини шоли. Шунингдек, маккажўхори, ананас ва банан, шакарқамиш, қаҳва ва табиий каучук етиштирилади. Уларнинг бир қисми ташқи бозорга кетади.

Хўш, нима ҳисобига, қандай қилиб мамлакат тарихан қисқа вақт ичида янги индустриал мамлакатлар қаторидан жой олди? Филиппин иқтисодий ривожланиш модели тўғрисида алоҳида гапириш қийин бўлса-да, бу орол-давлатда иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос йўналишлари, омиллари бўртиб кўриниб туради.

Энг аввало, Филиппин 1990-йилларда саноатни диверсификациялаб, унда экспорт соҳасининг ҳиссасини 30 фоизга етказиб, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушини 50 фоиздан оширишга улгурди. Ҳозир ЯИМдаги саноатнинг ҳиссаси 30 фоиздан, хизмат кўрсатиш тармоқлариники 55 фоиздан ошади. Қолган улушни қишлоқ хўжалиги тўлдиради. Тўғри, хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат ривожланиш даражасининг асосий кўрсаткичи бўла олмайди. Осиё мамлакатларида хизмат кўрсатиш соҳаси «ижтимоий амортизатор» вазифасини ҳам бажаради. Бу соҳада, айниқса, унинг чакана савдо қисмида, асосан, малакасиз ишчилар ишлаб, бандлик муаммосини юмшатишга ёрдам беради.

Филиппин ярим ўтказгичлар ва электрон маҳсулотлар, транспорт воситалари ҳамда асбоб-ускуналари, кийим-кечак, мисдан ясалган буюмлар, нефть маҳсулотлари, кокос ёғи, мева, ёғоч, тамакини АҚШ, Япония, Хитой, Сингапур, Гонконг, Жанубий Корея ва Германияга экспорт қилади. Шу вақтнинг ўзида АҚШ, Япония, Сингапур ва Тайвандан электрон маҳсулотлар, минерал ёқилғи, машиналар, транспорт асбоб-ускуналари, темир ва пўлат, тўқимачилик маҳсулотлари, дон, кимёвий моддалар, пластика импорт қилади.

Филиппиндаги иқтисодий ўсишни Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатларига таққослаб бўлмайди. Бу ерда ўсиш ўртамиёна бўлиб, асосан, чет элда ишлаётган 4–5 млн. филиппинликлар ўтказадиган (ҳар йили 6–7 млрд. АҚШ доллари) пуллар, арзон ишчи кучи ва ахборот-коммуникацион технологиялар ҳисобига таъминланади. Филиппин кескин контрастли мамлакатлардан биридир. Бир томондан, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, экспорт яхши ривожланган, иккинчи томондан эса, мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми қашшоқ яшайди. Аҳоли жон бошига ЯИМ бўйича дунёда 164-ўринни эгаллайди. Аҳолининг тез ўсиши ҳисобига қашшоқликни камайтириш жуда секин кечади. Ишсизлик даражаси юқори – 10 фоиз атрофида.

Вьетнамнинг иқтисодий ривожланиш модели тараққий этаётган саноат – аграр қиёфададир. Бу ерда аралаш иқтисодиёт қарор топган бўлиб, иқтисодиётда давлат асосий роль ўйнайди. Иқтисодиётнинг ривожланиши беш йиллик режалар орқали назорат қилинади. XXI аср бошида ҳам иқтисодиётнинг бош тармоғи қишлоқ хўжалиги эди. Аммо, кейинги йилларда саноатнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Оғир индустрия тармоқлари ҳисобланадиган электроэнергетика, машинасозлик, металлургия, шунингдек, кимё, қурилиш материаллари саноати, енгил саноат илдам ривожланмоқда.

Ўтган асрнинг 90-йилларида бозор муносабатларига кенг йўл очилиши муносабати билан катта миқёсда давлат тасарруфидан чиқариш жараёни давомида 90 миллионлик мамлакат иқтисодиёти диққатга сазовор ютуқларга эриша бошлади. Чет эл инвестицияларини киритиш, қўшма корхоналар тузишни рағбатлантиришнинг бошланиши ҳам худди шу даврга тўғри келади. Хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо ва халқ истеъмо-

ли маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хусусий корхоналарнинг ҳиссаси катта. Тасаввур қилинг, бундай ўзгаришлар кечаги аграр Вьетнамда рўй бермоқда. ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 8,5 фоиз бўлиб келаётган эди, аммо жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi таъсирида 5 фоиздан сал зиёдрокқа тушди.

Вьетнам бир қатор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича дунёда олдинги ўринларда туради, енгил саноат маҳсулотлари экспорти бўйича жаҳонда биринчи ўнликка киради. Кейинги 15 йил мобайнида у АҚШнинг асосий экспортёри бўлиб келди. Бу ердан АҚШга чиқариладиган мебель, электроника, кийим-кечак, тўқимачилик маҳсулотлари, пойабзал, денгиз маҳсулотлари ўзининг паст таннархи ҳисобига Хитой, Ҳиндистон ва Мексиканинг шу турдаги товарларидан устун мавқени эгаллади.

Ўтган ўн йилликнинг охирига келиб мамлакат аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромад бўйича ўртача ривожланган мамлакатлар қаторига кириб олди. Аммо, ўртача даромад даражаси ўзига хос қопқон ролини ҳам ўйнаши мумкин эди. Чунки, аҳоли даромадларининг ошиши Вьетнам иқтисодиётининг рақобатбардошлигини тушириб юборди. Сабаби ҳозиргача мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигининг асосий омили иш ҳақининг паст даражаси эди. Унинг ўсиши билан бу омил энди рақобатда кам роль ўйнайдиган бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам иқтисодиётнинг янада ўсишини таъминлаш учун инновацион ёндашув, ходимларнинг юқори малакаси, янада самаралироқ бошқарув зарур.

2013 йилда Вьетнам ялпи ички маҳсулоти 5,2 фоиз ўсди. Жаҳон банки бу кўрсаткични 2014 йилда 5,3 даражасида башорат қилган. ЯИМнинг 5 фоиз атрофида ўсиши ривожланаётган мамлакат учун заиф ўсиш ҳисобланади. Бу кўрсаткич билан ёшларни етарли даражада иш билан таъминлаб бўлмайди. Давлатнинг юмшоқ монитор сиёсат олиб бориши натижасида инфляция даражаси ҳам юқорилашиши мумкин.

Вьетнам иқтисодиёти моделининг амалдаги кўриниши қуйидаги белгилардан – қишлоқ хўжалигининг юқори улуши, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилганлиги, ЯИМнинг ўртача даражада ўсиши; давлатнинг қайишқоқ бошқаруви; инфратузилмадаги зиддият: ривожланган алоқа, авиация, ер

транспорти, айниқса, темир йўл ва қувур транспортида орқада қолишдан иборат.

Хукумат иккинчи ўн йиллик учун Вьетнам иқтисодий тараққиётининг янги моделини таклиф қилди. У қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- саноат ва хизмат кўрсатиш секторларини реструктуризациялаш. Бу ерда гап паст илмий-техника мазмуни ва паст қўшилган қийматли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан юқори даражали қўшилган қийматли юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш тўғрисида бормоқда. Бу борада Вьетнам реал имкониятларга эгалити маълум;

- корхоналарни реструктуризациялаш. Бунинг учун жаҳон фани ва технологиясининг ишлаб чиқариш ҳамда бошқариш соҳасидаги энг янги ютуқларини қўллаш зарур. Шу муносабат билан корпоратив бошқаришни ҳам ислоҳ қилиш лозим бўлади;

- маркетинг стратегиясига ўзгаришлар киритиш. Глобаллашув ва халқаро интеграция корхоналар учун янги бозорлар очмоқдаки, бу уларга чет эл инвестиция лойиҳаларидан келиб чиқадиган афзалликлардан тўла фойдаланиш имкониятини беради. Глобаллашув иқтисодий тараққиётларнинг ўзаро боғлиқлигини оширади;

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт бозорларини диверсификациялаш. Бу тadbир бир неча бозорга боғлиқ бўлиб қолишдан сақлайди, шу билан бирга ички бозорни, айниқса, қишлоқ жойларда рағбатлантиради;

- давлат харажатларини камайтириш. Хусусий сектор ва чет эл фирмаларидан инвестициялар жалб қилишдан манфаатдорликни ошириш, давлат-хусусий ҳамкорлиги сингари инвестициялашнинг янги шаклларини ишлаб чиқиш.

Вьетнам иқтисодий тараққиётининг локомотиви бўла оладиган ҳал қилувчи тармоқлар сифатида электроэнергетика, электроника, озиқ-овқат саноати, кemasозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобиль агрегатлари ва эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш, нефть ҳамда табиий газ қазиб олиш ва қайта ишлаш, сайёҳлик ривожлантирилади.

2020 йилларга бориб, насиб этса кўрамиз, бу анъанавий меҳнаткаш, камтар ва камсуқум вьетнамликлар ўзининг янги тараққиёт модели билан жаҳонга қандай совғалар тайёрлаган экан?

## ТУРК МОДЕЛИ

Туркия тез ривожланаётган иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар сирасига киритилганига қарамасдан, тараққиёт омиллари, имкониятлари табиий-географик шароити, аҳолисининг менталитети билан гуруҳдаги мамлакатлардан ажралиб туради.

Тўғри, Туркияда иқтисодий ривожланишдаги кўтаринкилик «Осиё йўлбарслари» сингари 1980-йиллардан бошланди. Чунки мамлакат бу даврга келиб ўз имкониятларини тугаллаб бўлган иқтисодий ривожланишнинг «эстатистик» моделидан чинакам бозор муносабатлари асосига қурилган янги моделга ўтабошлаган эди. Туркиянинг биринчи президенти Мустафо Камол Отатурк асос солган «эстатистик модель» 60 йилдан ортиқ амалда бўлди. Бу ривожланишнинг ўз вақтидаги анча илғор, дунёвий модели эди. Мамлакатда ривожланишнинг Европа типигадаги ҳуқуқий асоси яратилди, руҳонийларнинг иқтисодий позицияси сезиларли чекланди.

Ривожланиш дастурларини молиялашнинг асосий манбаи ички ресурслар бўлди. Ўтган асрнинг 20-йилларидаги қайта қуришлар Туркиянинг келгусидаги ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Республиканинг дастлабки қадамлариданоқ шу нарса аниқ бўлдики, хўжалик тараққиётида давлатнинг локомотивлигидан бошқа йўл йўқ. Бу вақтда ҳали миллий хусусий турк тадбиркорлигининг ўзи йўқ эди. Мамлакатда савдо-сотик аҳлининг аксарият қисмини греклар, арманлар ва яҳудийлар ташкил этарди. Саноат тармоқлари чет эл капитали ўртасида бўлиб олинганди. Турк капиталининг 1980-йилларгача бўлган бош хусусияти хусусий секторнинг давлат билан ҳамкорлиги бўлиб келди. Ҳатто миллий иқтисодиётда уларнинг улушини аниқлаш ва чегаралашнинг ўзи ҳам қийин эди. Ҳар ҳолда 60 йил давомида давлат секторининг улуши 50 фоиздан пастга тушмади, айрим ҳисоб-китобларга қараганда, ҳатто 75 фоизга етарди. Бундай иқтисодий тизим 1930-йилларда «эстатизм» номини олган эди. Бугун, албатта, бу иқтисодий сиёсатга қарашлар бир хил ижобий эмас. Унинг зиддиятлилиги аён. «Эстатизм», бир томондан, хусусий ташаббускорликни бўғди, иккинчи томондан, Туркиянинг олдида муқобил вариантнинг ўзи ҳам йўқ эди.

Этатистик иқтисодий модель айрим жиддий бўлишни ўзгаришлар билан 1980-йилларнинг бошигача яшаб келди. Ваҳоланки, бу давр ичида турк жамияти иқтисодий моделини қайта кўриш, давлат интервенцияси майдонини қисқартириш, иқтисодиётни либераллаштиришнинг объектив чегараларини белгилаш масалаларига кўп марта дуч келди. Бу борадаги барча уринишлар бир неча йил ўтиб, «Отатурк тамойилларига қайтиш»га ён беришга мажбур бўлди. Аммо 1970-йилларнинг ўрталарига келиб бюджет тақчиллиги инфляциянинг кучайиши баробарида кечди. 1975–1979-йилларда инфляция суръатлари 16 фоиздан 68 фоизга ўсди. Иқтисодий ўсиш суръатлари ноль даражага тушиб қолди. Иқтисодий ўсишни давлат томонидан рағбатлантириш сиёсатининг боши берк кўчага кириб қолиши энди кун тартибига иқтисодиётни либераллаштириш дастурини кўйди.

Иқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётни либераллаштириш сиёсати 1980 йилдан эркин бозор иқтисодиёти системасини яратишнинг аниқ йўли белгилангандан кейин бошланди. Ўша йилнинг ўрталарида Халқаро валюта фонди турк иқтисодиётини либераллаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилди. ХВФча ислоҳот пакетини амалга ошириш бошланди: баҳолар қўйиб юборилди, валюта курси қайта кўрилди, протекционизм сиёсатидан қайтилди, иқтисодий ўсишни дефицитли молиялаштириш тўхтатилди, эркин молия бозори яратилди, чет эл капиталига мамлакат эшиклари очиб қўйилди.

Либераллаштиришнинг дастлабки йилларида кутилган натижани кўлга киритиб бўлмади, албатта. Давлат бюджетини мувозанатлаштиришга эришилмади. Солиқ тизимининг аҳволи зиддиятли – солиқ ставкалари баланд, улардан келадиган даромад паст даражада эди. Молия бозорини либераллаштириш қатор жанжал-тўполоқлар билан тўхтаб қолди. Шунга қарамасдан, чуқурлашаётган бозор ислоҳотлари ўзининг дастлабки ижобий натижаларини кўрсата бошлади. Саноатда реал иш ҳақининг пасайиши тўхтатилди. Инфляцияни қисқартиришга ялпи миллий маҳсулот ўсиш суръатлари пасайишини тўхтатиш баробарида эришилди. Турк экспорти учун янги бозорлар қидирилди. Экспорт анъанавий Европа бозорига қаратилган эди. 1980-йилларнинг бошида Шарқ бозорларини ўзлаштириш бошланди. Янги

бозор моделининг ҳаракатланиб кетишига 1982 йилда қабул қилинган Туркия Республикасининг янги Конституцияси катта туртки бўлди. Унда хусусий мулкнинг дахлсизлиги принципи, давлат корхоналарининг фаолияти хусусий тадбиркорликка асосланадиган бозор моделига зид бўлмаслиги очиқ-ойдин ёзиб қўйилди. Конституциядан «ижтимоий давлат» тушунчаси олиб ташланди, турк ривожланиш модели сифатида «аралаш иқтисодиёт» киритилди.

Ҳокимиятга ҳарбийлар ўрнига қонуний сайланган Турғут Ўзал ҳукумати келиши билан турк иқтисодиётини либераллаштириш сиёсати янги босқичга қадам қўйди: «аралаш иқтисодиёт» шиори чала-ярим сифатида инкор қилиниб, эркин бозор ривожланиши эълон қилинди. Ислоҳот йўналишини белгилайдиган қонунлар пакети қабул қилинди. Ҳукумат иқтисодий сиёсатининг марказий бўғини турк саноатининг экспорт йўналишини кескин кучайтиришдан иборат бўлди. Бу сиёсат ғарблик экспортларнинг қайд этишича, либераллаштириш ислоҳотининг муваффақиятида бош ролни ўйнади. Шу муносабат билан божхона тартиби ва турк лираси курси қайта кўрилди.

Экспортга йўналтирилганлик нафақат мамлакатга валюта олиб келди, шу билан бирга антимонопол сиёсат юритиш воситаси вазифасини ҳам бажарди. Экспортнинг ривожланишига ишлаб чиқариш омилларига паст баҳолар даражасининг белгилиниши ижобий таъсир кўрсатди. Бу омил деярли барча ривожланаётган мамлакатларда мавжуд. Тўғри, бу афзаллик Туркияда иқтисодиётни либераллаштиришгача ҳам бор эди, лекин турк лирасининг оширилган, меъёрий курси уни йўққа чиқариб келатган эди.

Экспортга йўналтириш сиёсати мамлакатда муваффақиятли юритилди. 1980-йиллар давомида турк экспорти роппа-роса беш мартага ошди, унинг таркибий тузилиши яхшиланди: ишлов берувчи саноат ҳиссаси ўсди, хомашё ва ёқилғи ҳиссаси икки мартадан зиёд қисқарди. 1980-йилларнинг охирига келиб мамлакатда чет эл инвестициясининг келиши 12 мартадан ортиқ ўсди. Барқарор ўсиш даври бошланди.

Туркия «либераллаштиришга минимал йўқотишлар» орқали эришган мамлакат сифатида ўрганишга лойиқ мамлакатдир.

Турк тажрибаси, постсовет мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонга бозор иқтисодиёти моделига ўтишга намуна бўлиши мум-

кинмиди? Ёки бошқача айтганда бизнинг турк моделини қабул қилишимиз мумкин эдими? Бу саволга қисман ижобий жавоб бериш мумкин, албатта. Мамлакатларимиз тарихий тажрибаси, 1980-йиллардаги иқтисодий тизимларимиздаги яқинлик, тил динни ҳисобга оладиган бўлсак, турк модели жозибали кўринади. Ривожланишдаги ўхшашликни давлат корхоналари тақдир, хусусийлаштириш шакллари ва молия бозорига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Аммо орадаги фарқлар-чи? Улар анчагина ва каттагина. Аввало, шуни қайд қилиш лозимки, Туркия ҳамиша бир Фарбга, бир Шарққа қараб яшаб келди. Амалда Россия сингари унисигаям, бунисигаям айланолмади. Менталитет ва кадриятлар ҳам шунга яраша шаклланди. Айрим олимлар Туркия Европа биқинидаги дунёвий давлатлиги ва унинг «муътадил давлат исломизми» томон бурилиш тенденцияси ҳақида ёзишади. Бўлса бордир. Аммо бошқача бўлиши ҳам қийин. Ишсизлик даражаси юқори. Ёшларнинг 30 фоизи ҳеч қаерда ишламайди ва ўқимайди. Уларни йўлдан урадиган, ўзига тортадиганлар ҳам кам эмас. Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва бошқа турли хил анъанавий ахлоқ меъёрларидан чекиниш ҳолатлари, айниқса, бекорчи ёшларни кўплаб ўз домига илинтираётгани бор гап. Бунга қарши кураш учун эса кучли ғоя, қудратли мафкура керак. Бугун 1920–1930 йиллардаги бутун туркларни оёққа турғизган Отатурк ғояси борми? Шунинг учун ҳам баъзан нажот излаб исломга мурожаат қилишнинг рационал мағзи борга ўхшайди. Сир эмас, дин, нариги дунё умиди инсонни турли хил ахлоқсизликдан қайтариб туради. Акс ҳолда нималар бўлмас эди.

«Араб баҳори» ҳодисаларидан кейин яна бирмунча турк моделига қизиқиш ортди. Қолаверса, минтақадаги кўпгина давлатлар ўз ривожланиш йўлини ахтаришда давом этмоқда. Мана бундай шароитда турк йўли ҳаётбахш муқобилдай туюлади. Шу муносабат билан Туркия моделми? деган саволларнинг қўйилиши табиий. Турк ҳукумати кўп йиллар давомида муваффақиятли ривожланаётган Сингапур, Гонконг, Тайвань, Корея Республикаси каби Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Лотин Америкаси, хусусан, Бразилиянинг иқтисодий тажрибасини кунт билан ўрганди ва уларнинг айрим томонларини қабул қилиб олди. Ҳозирги замон турк иқтисодий модели иқтисодий ривожланиши жаҳон тажрибасининг энг яхши жиҳатларини ўзлаштириб, нисбатан

чекланган ресурслар шароитида барқарор тараққиёт ва давлатнинг гуркираб яшанаши орзусини кучли (авторитар) марказий ҳокимият ҳамда демократлаштиришнинг маълум улуши орқали рўёбга чиқариши жиҳатидан диққатга сазовордир. Турк моделининг энг устун томони давлатнинг иқтисодиётда кучли мавқеини хусусий секторнинг фаол ривожланиши билан қўшиб олиб боришдан иборат. Иқтисодий адабиётларда экспертлар «турк модели» билан бир қаторда «турк мўъжизаси» ҳақида ҳам ёзишди. Ушбу атамалар ҳар хил тушунчалар бўлса-да, улар ўртасида мустаҳкам боғлиқлик бор. Турк модели турк мўъжизасининг асоси, иккинчиси биринчисининг натижаси, меваси ҳисобланади.

Маълумки, янги турк иқтисодий моделининг тамал тошини ўтган асрнинг 80-йилларида Турғут Ўзал ҳукумати қўйди ва шу билан турк мўъжизасига ҳам йўл очиб берди. «Немис мўъжизаси», «япон мўъжизаси» каби «турк мўъжизаси» ҳам дунёга келди. Мухолифат томонидан кескин танқидга қарамасдан ҳукумат бозор иқтисодиётини жорий қилди. Қора бозорга қарши қатъий курашиб, маҳаллий мафияга мўмай бойлик олиб келадиган манбаларни ёпди. Улар спиртли ичимликлар, тамаки, олтин контрабандаси ҳисобига миллиардлаб бойлик орттирардилар. Биргина савдо эркинлигининг эълон қилиниши ёпиқ бизнеснинг оёғига болта урди. Энди миллиардлаб маблағлар солиқ кўринишида ғазнага оқди. Улар ҳисобидан кўприклар, йўллар, уй-жойлар қурилди. Ҳарбий-саноат мажмуаси ривожлана бошлади. Давлат иқтисодиётнинг буйруқбозлик бошқарув тизимидан аста-секин унинг мувофиқлаштирувчисига айланди. Турк лираси эркин алмаштириладиган бўлди.

Турғут Ўзал дунёвий ислоҳотчиликни ислом анъаналарига содиқлик билан қўшиб олиб борган давлат арбоби эди. У табиатан камтар, эътиқоди мустаҳкам бўлиб бир ғарблик журналистнинг «Хоббингиз борми?» деган саволига «Ҳа бор, менинг хоббим бу – иқтисодиёт» деб жавоб берган эди.

Турк модели мўъжизасининг иккинчи босқичи 2002–2012 йилларга тўғри келади. У даврда мамлакат иқтисодиётида муҳим трансформация юз берди. Бунинг учун ҳукумат оддийгина учта омилга алоҳида эътибор берди: инвестицияларга иссиқхона шароитини яратиш, экспортёрларга ҳомийлик қилиш, кичик бизнесга қулай зона ташкил этиш. 2001 йилда инфляция даражаси

80 фоизга яқинлашган, 1 АҚШ долларининг қиймати 700 минг лирага тенг эди. Тасаввур қилинг, бир дона автомобил. сотиб олиш учун камида иккита қопда пул кўтариб бориш керак эди!

2010 йилда Туркия иқтисодий ўсиш суръатлари 9,2; 2011 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич мазкур йилларда фақатгина Хитойда, Ўзбекистонда ва яна бир нечта мамлакатдагина мавжуд эди. Тасаввур қилинг, 2008–2009 йилларда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган паллада ана шундай юқори суръатли ўсиш кузатилган. Бу чинакам иқтисодий мўъжизанинг ўзи-ку. Бу даврда кўпчилик Ғарб мамлакатларида рецессия кетаётган шароитда турк иқтисодиёти барқарорлашди, инфляция 10 йил давомида 30 фоиздан 7 фоизга тушди. ЯИМ ҳажми тўрт мартага ўсиб, 1 триллион АҚШ долларига яқинлашиб қолди. Аҳоли бошига даромадлар 3 мингдан 11 минг АҚШ долларига етди. Ишсизлик 8,2 фоизга тушиб, Европада энг паст кўрсаткичлардан бирига айланди. Экспорт кўлами беш мартага ўсди. Тўғридан-тўғри инвестициялар 5 йилда 22 мартага ошди. Мамлакат иқтисодиёт кўлами бўйича Европада олтинчи, жаҳонда ўн олтинчи ўринга чиқди. «Ажойиб ўн йиллик»дан руҳланган айрим давлат арбоблари энди «Катта сакраш» – Туркия Республикасига асос солинганига 100 йил тўладиган 2023 йилда дунёнинг кучли «ўнлиги»га кириш ҳақида орзу қила бошладилар. Бунга эришиш учун йиллик ЯИМ миқдори камида 2 трлн. АҚШ долларига етиши керак. Бу анча қийин, мураккаб масала, албатта. Биринчидан, кейинги йилларда мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатлари яна пасайди. 2012–2013 йилларда ЯИМнинг реал йиллик ўсиши 4 фоиз атрофида бўлди. Унинг 66,5 фоизи хизмат кўрсатиш, 24,7 фоизи саноат, 9,2 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳаларида яратилмоқда. Иккинчидан, турк иқтисодиётини мувозанатлашган деб бўлмайди. Иқтисодий ўсиш экспорт ҳисобига эмас, балки импорт ҳисобига таъминланиб келмоқда. 2013 йилда экспорт миқдори 151,8 млрд., импорт эса 251,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Кўриниб турибдики, жуда катта пасив савдо баланси, яъни савдо баланси тақчиллиги амал қилади. Иқтисодиётнинг ўсиши билан импорт ҳам ўсиб бормоқда. Унинг таркибида хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар 85 фоизни ташкил этади.

Яқин йилларда катта ўзгариш бўлиши ҳам қийин. Мамлакатнинг икки асосий савдо ҳамкори – Евроиттифокда иқтисодий,

Яқин Шарқда сиёсий муаммолар ошиб-тошиб ётибди. Лекин мамлакатнинг бошқа имкониятлари ҳам бор. Туркия қулай географик жойлашган, у тижорат ва тадбиркорлик мамлакатаи. Бу ерда асосий ролни сиёсат, мафкура эмас, балки иқтисодий манфаат ўйнайди.

## ЭРОН МОДЕЛИ

Эрон иқтисодий тараққиёт модели ўзига хос мураккаб шароитда шаклланиб ва ривожланиб келди. Шунинг учун ҳам бу моделнинг моҳияти, хусусиятлари кўшни мамлакатлар моделига ўхшамайди. Эрон мақсадга мувофиқроқ модель сифатида олдин «япон модели»га, кейинроқ «хитой модели»га мурожаат қилди. Лекин теократик Эронда унисини ҳам, бунисини ҳам қабул қилиб бўлмасди. Мулк ҳуқуқи, ислом солиғи ва банк фоиизи масалаларида фарқ дунёвий мамлакатларга нисбатан жуда катта.

Эрон Туркия каби ўз ривожланишида турли моделларни синаяб кўрди. 1970-йилларнинг охиригача уларнинг ривожланиш моделларида мувофиқ келадиган томонлар кўп эди. 1980-йилларнинг бошидан бошлаб эса, бу моделлар бир-биридан ажралди: турк модели европалашиш томон эволюцион ривожлана бошлаган бўлса, эрон модели ислом ҳуқуқи моделларига таяниб ривожлана бошлади.

Ислом инқилоби натижасида 1979 йилда давлат тепасига келган янги ҳокимият мамлакат тараққиёт моделини тубдан ўзгартириш мақсадини ўз олдига қўйди. Бу модель нефть ва чет эл капиталига боғлиқ эди. Аммо фақат миллий капиталга таяниб иш тутиш бу вақтда ҳали қутилган натижани бериши қийин эди. 1990-йиллардан бошлаб ҳукумат иқтисодий ривожланиш моделини трансформациялаш бўйича дадил қадам қўйди. Авторитар ҳокимият шароитида бозор ислохотларини кенг миқёсда бошлаш қийин кечмади. Анъанавий бозор механизмларидан ташқари мамлакат иқтисодиёти чет эл капиталини ҳам жалб қила бошлади. Натижада иқтисодий ривожланиш жадаллашди. Бу жараёнга нефть бозорида баҳоларнинг барқарорлашуви ҳам катта ёрдам берди.

Иқтисодий ривожлантиришга қаратилган 1970-йиллардаги Эрон модели ривожланаётган мамлакатлар фойдаланаётган моделдан деярли фарқ қилмасди. Шоҳ ҳукумати капитализмдан

ҳам, шўроларникидан ҳам фарқ қиладиган янги ривожланиш моделини қурмоқчи эди. Аммо бу модель давлат бюрократия капитализмидан бошқа нарса эмасди. Иқтисодиётнинг таъдирини амалда давлат сектори ва давлат билан яқиндан боғланган тўр доирадаги тадбиркорлар, шоҳ саройи ва чет эл капиталининг қўлида эди. Давлат иқтисодиётга, ва ҳатто, баҳолар механизмига фаол аралашарди. Буларнинг натижаси ўлароқ, қора бозор пайдо бўлди, коррупция ўсди, ЯИМнинг ўсиш суръатлари пасайди, инфляция даражаси ошди. Нафақат технологияга, шу билан бирга маиший ҳаётга ҳам Ғарб унсурларининг кириб бориши, аҳоли кенг қатламининг норозилигини келтириб чиқарди. Тизим иқтисодий динамика ва ижтимоий жозибаторликни йўқотди, охир-оқибатда у ағдариб ташланди.

Эрондаги «ислом инқилоби» жадал иқтисодий «вестернизация» тажрибаси маълум маънода тезлашаётган глобаллашув жараёнига жавоб эди. Ривожланишнинг янги «ислом модели» шакллана бошладики, унинг асосий мақсади барча жабҳаларда Ғарб ғояларига қарши туриш эди. Мақсад чет эл таъсиридан холи бўлган давлат қуришдан иборат бўлди. Аммо ривожланган мамлакатлар ва жаҳон бозори таъсиридан қочиш автаркизм (ёпиқ, биқик) иқтисодиётдан бошқа нарса эмас, бундай хўжалик турининг XX аср охирида ҳеч қандай келажаги йўқлиги ҳаммага аён.

1970-йилларнинг охири ва 1980-йилларнинг бошида яратилган қатъий марказлашган иқтисодий тизимда давлат сектори устун бўлиб, унинг жаҳон иқтисодий системаси билан алоқалари, асосан, нефть экспорти ва зарур маҳсулотлар импорт қилиш билан чегараланди. Бу сиёсат глобаллашув шароитида унинг самарасизлигини кўрсатди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий даромад кескин тушиб кетди. Ислом модели Ғарб тажрибасини инкор қилиш билан, унинг ўрнига янги самарали иқтисодий механизмни бера олмади.

Ироқ билан урушни тўхтатгач, мамлакат раҳбарияти иқтисодий моделни уни либераллаштириш томон ўзгартиришга, эрон моделини халқаро тенденциялар билан яқинлаштиришга қарор қилди. Неолиберализм воситаларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиётни либераллаштириш амалга оширилди. Мамлакатда нафақат хусусий сектор фаолияти учун қулай шароит барпо қилинди, шу билан бирга давлат компанияларини хусусийлаш-

тириш кенг миқёсда амалга оширилди. Ривожланиш моделига киритилган бу қадар жиддий тузатишлар ислом тамойилларига зид эмас эди. Иқтисодиётнинг бозор моделига ўтиши аста-секинлик билан амалга оширилди. Эрон «шок терапияси» йўлидан бормади, маҳсулотларга баҳолар тадрижий «қўйиб юборилди». Олдин импорт, кейин миллий маҳсулотларга нисбатан шундай йўл қўлланилди. Хусусийлаштиришнинг турли шаклларида фойдаланилди. Иқтисодий либераллаштириш оқибатида жамиятда табақаланишни «юмшатиш» мақсадида аҳолининг ночор қатламлари учун «адолат акциялари» чиқарилди.

Мамлакат 2000-йилларда ўзининг мўътадил ўсиш суръатларига эришди. Бу йиллардаги ўртача йиллик ўсиш суръатлари 6,0 фоизни ташкил этди. ЯИМнинг учдан бир қисми жамғаришга сарфландики, бу амалиёт келгуси ўсишга замин тайёрлади.

Эрон АҚШ ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг узлуксиз санкциялари шароитида яшаб келмоқда. Бу эса иқтисодий ривожланишнинг ташқи омилларини сезиларли чеклайди. Аммо бу санкциялар жиддий бўлишига қарамасдан, мамлакатни жаҳон хўжалигидан ажратиб ташлай олмайди. Ўтган ўн йилликда мамлакат ялпи ички маҳсулотида ташқи савдонинг ҳиссаси 45 фоиз атрофида бўлди. Айрим йиллари – 2005 ва 2006 йилларда бу кўрсаткич 50,9 ва 56,7 фоизга етди. Кўришиб турибдики, Эрон иқтисодиёти халқаро хўжалик алоқаларига жиддий боғлиқ. Бу боғлиқликнинг келгусида янада ўсиб бориши табиий. Мамлакат автаркия ғоясидан бутулай воз кечиб, товар ва хизматларни халқаро айирбошлашда фаол қатнашмоқда. Унинг ўзининг чет элдаги тўғридан-тўғри инвестициялари 1 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди. Ташқи савдо айланмаси ҳажми 173 млрд. АҚШ долларига етиб, унда экспорт 116,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Эронда кўп йиллардан бери фаол ташқи савдо баланси шаклланиб, унда Туркия ва бошқа мамлакатлар каби ташқи тўлов баланси тақчиллиги йўқ. Эрон Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари, айниқса, Арманистон ва Тожикистон энергетика ва транспорт лойиҳаларида қатнашиб келмоқда. Унинг Туркия ва Хитойнинг ўсаётган иқтисодиётидаги ўрни бир маромда ўсиб келмоқда. Эрондан Ҳиндистон ва Тожикистонга газ қувури ўтказиш лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Эрон ташқи иқтисодий фаолиятининг энг заиф томони экспортда нефть монокультураси ҳисобланади. 2011 йилда мам-

лакатнинг жами экспорти 97,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, унинг 81,7 яъни 84 фоизи нефтдан иборат бўлди. Худди ана шу нефть мамлакат ташқи савдо айланмаси ижобий сальдосини таъминлайди. Нефть шундай товар ҳисобланадиган, қайсики, бу товар орқали халқаро савдонинг глобаллашув жараёнлари тезлашиб кетади. Нефть халқаро савдода Эронни бошқа давлатлар билан стратегик ҳамкорга айлантирди. Эрон нефть ташқи бозори географиясини диверсификациялаб бормоқда: агар илгари мамлакат нефтининг асосий ташқи истеъмолчиси Европа бўлган бўлса, энди санкциялар оқибатида бу ўринга Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари чиқмоқда. Эрон импорт амалиётининг заиф томони унинг асбоб-ускуналар ва ярим тайёр маҳсулотларга боғлиқлигидир. Бу кўрсаткич ҳозирги вақтда 80 фоизга етади. Акс ҳолда саноатни модернизация қилиб бўлмайди. Миқдор учун ўтган ўн йилликда мамлакатда юзага келган парадоксал вазиятни кўрсатиш мумкин. Нефть экспорт қиладиган мамлакат ички бозор талабини бензин билан қондиროлмади. Чунки, бунинг учун нефтни қайта ишлаш заводлари қуриш, замонавий техника ва технологияни сотиб олиш, катта инвестициялар керак эди.

Умуман олганда, Эрон иқтисодий тараққиёт модели жаҳондаги кўпчилик мамлакатлардан кам фарқ қилади. Аммо бошқа мамлакатлардан фарқли жиҳати (ички сиёсат ва мафқурани ҳисобга олмаганда) иқтисодиётда давлатнинг юқори улуши ҳисобланади. Ялпи ички маҳсулотда давлат секторининг ҳиссаси 20 фоиздан ошади. Асосий капиталга маблағ киритишда эса 30 фоиздан юқори. Давлат баҳолар шаклланишида (ижтимоий ҳимоя мақсадида) бизнесга фаол аралашади. Шунинг учун ҳам Эрон экспертлар хулосасига кўра бозор шароитида бизнес юритиш, тадбиркорликка қулай шароит яратиш ҳамда коррупция индекси бўйича 180 та дунё мамлакатлари орасида охириги йигирматаликдан жой олиб келмоқда. Бу иқтисодиётни «демократлаштириш»нинг паст даражасини билдиради.

Шунга қарамасдан, Эрон иқтисодий тараққиёт модели шароитида мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Эрон ривожланиш модели уч секторли иқтисодиётга асосланади: 2010 йил ялпи миллий маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 16,9 фоиз, саноатники – 38,1, хизмат кўрсатиш соҳасиники

45,0 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини тўла таъминлайди. Бир йилда ўртача 50 млн. тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Шундан 13 млн. тоннаси мева маҳсулотлари бўлиб, унинг катта қисми экспортга чиқарилади. Экспортнинг умумий таркибида қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси 20 фоизга яқин.

Эрон саноати учта йирик тармоққа бўлинади: нефть ва газ (нефть ҳамда табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш), ишлов берувчи (нефть кимёси билан бирга) ва тоғ-саноат. Эрон жаҳонда нефть ва газ захиралари бўйича Саудия Арабистонидан кейин иккинчи, нефть қазиб олиш бўйича бешинчи ўринда туради ва асосий нефть экспортчиларидан ҳисобланади. Эрон ОПЕК аъзоси бўлганлиги учун хом нефть сотишни квота орқали амалга оширади. Мамлакат умумий экспорти таркибида нефть маҳсулотлари 23,3; нефть кимёси саноати 22,6 фоизни ташкил этади. Саноат ривожланишининг муҳим марказлари бўлиб чет эл капиталини жалб қилиш имкониятини берадиган эркин зоналар майдонга чиқмоқда.

Эрон иқтисодиётининг ривожланиши ҳам этатистик моделга асосланган. Бу ерда кичик ва ўрта бизнес фаолиятига ҳуқуқий шарт-шароит ҳозирлаш, меҳнат жамоалари орасидаги муносабатлардан кўра хўжалик юритишнинг макроиктисодий воситалари (режа, мақсадли дастурлар) муносабатларига муҳимроқ аҳамият берилади. Эрон иқтисодиёти тарихан беш йиллик режалар асосида ривожланиб келади. Ўтган ўн йилликда барча макроиктисодий кўрсаткичлар ўсди. Жаҳон иқтисодиётидаги стагнацияга қарамасдан миллий иқтисодиётда мўътадил инфляция, етарли ички молиявий барқарорлик ва ташқи иқтисодий секторнинг мустаҳкамланиши шароитида иқтисодий ўсиш жараёни давом этди.

Эрон иқтисодиёти Осиёда энг бой иқтисодиётлардан бири. Миллий ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда 18-ўринни эгаллайди. У Ғарбий Осиё, Яқин Шарқ ва ОПЕК давлатлари орасида энг йирикларидан бири. Эрон ЯИМ ҳажми бўйича ислом дунёсида Туркиядан кейин энг йирик давлат (2011 йилда 928,9 млрд. АҚШ доллари).

Эрон жаҳон мамлакатлари орасида рақобатбардошлик бўйича – 23, инновациялар бўйича – 27, билимлар иқтисодиёти индекси

бўйича – 34, жаҳон нефть захиралари бўйича Саудия Арабистони ва Венесуэладан кейин учинчи (18,8 млрд. тонна, дунё захираларининг 9,9 фоизи) ўринда туради. (Knowledge, expertise, and international) жаҳон нефть савдоси бозорининг 5,5 фоизи Франциянинг ҳиссасига тўғри келади. У 2008 йилдан бошлаб ўзининг биржасида евро ва риалда савдо қилади. У фаол ташқи савдо балансиغا эга.

Кейинги йилларда мамлакатда иқтисодиётни диверсификациялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу муносабат билан аниқ машинасозлик, атом саноати, автомобиль машинасозлиги, космик-ракета саноати, шунингдек, нанотехнология, тиббиёт, ахборот технологиялари ривожлантирилмоқда.

### НЕФТЬ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ МОДЕЛИ

Умуман, араб дунёси Мағриб деб аталувчи Шимолий Африка – Жазоир, Марокаш, Ливия, Тунис, Миср, Мавритания ҳамда Машриқ деб аталувчи Яқин Шарқ (Туркия ва Исроил бундан мустасно) мамлакатларидаги этник таркиби бир хил бўлган 300 миллионлик халқдан иборат. Бу мамлакатлар аҳолисининг 90 фоизи араблардан ташкил топган. Уларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни жуда катта углеводород ресурслари ва стратегик муҳим географик жойлашуви билан белгиланади. Йирик миқдордаги «нефть долларлари» уларга жаҳон молия тизимида ҳам муҳим ўрин эгаллаш имкониятини бермоқда.

Франциянинг собиқ мустамлакалари бўлган Мағриб мамлакатлари иқтисодий ривожланиш моделида Европага интилиш ҳамда шу йўналишда интеграциялашув унсурлари ва тенденциялари кўзга ташланади. Машриқ мамлакатларида эса ўзаро интеграциялашув кўринишларини пайқаш қийин эмас.

Кейинги йилларда минтақада хусусий секторни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганига қарамасдан, иқтисодиётда давлат катта роль ўйнайди. Бу ривожланишнинг статистик моделига тўғри келади. Давлат инфратузилмани ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқади, чет эл капиталини жалб қилиш ва хусусий капитал учун қулай шароит яратади, иқтисодиётни диверсификациялашни амалга оширади.

Кейинги йилларда араб мамлакатлари иқтисодиётида чет эл капитални жиддий роль ўйнамоқда. Улар олдин ишлов берувчи

саноат (нефть ва газ тармоқлари)га, кейинчалик иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди. Жамғарилган чет эл капитали Баҳрайн, Қатар, Кувайт, БАА, Оман ва Саудия Арабистонида фаол ишламоқда. Иқтисодиётнинг ривожланиши билан минтақа мамлакатлари капитал экспорт қилувчилар сифатида ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Четга капитал устун даражада ссуда капитали шаклида чиқарилмоқда. Молиявий фаолиятдан келадиган даромадлар ҳисобига соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хизматлар ривожлантирилмоқда.

Минтақа мамлакатлари ривожланишида бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Нефть ва газ ҳамма муаммони ҳал қилишга қодир эмас. Бу муаммолар сирасига – ноқулай иқлим шароити, қишлоқ хўжалигига капитал киритишнинг пастлиги ва урбанизациянинг юқори даражаси туфайли импортнинг озиқ-овқатга боғлиқлиги, аҳоли ўсиш суръатларининг юқорилиги, нефть бозорининг жаҳон конъюктурасига боғлиқлик, минтақадаги мураккаб сиёсий вазият ва бошқаларни киритиш мумкин.

Халқаро иқтисодий муносабатларда бу муаммоларни ҳал қилиш учун ишлаб чиқариш ва экспортни диверсификациялаш, нефть ва табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва жўнатиш бўйича монополиялар таъсирини заифлаштириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляцияни пасайтириш механизмларини ишга тушириш ва бошқа чора-тадбирлар қўллаш керак бўлади.

Суyoқ ёқилғи қазиб олишнинг кенгайиши ва 1950–1970-йилларда жаҳон бозорида унга бўлган талабнинг барқарор ўсиб бориши аҳоли сони жиҳатидан унча катта бўлмаган қатор мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига кучли туртки бўлди. Бундай мамлакатлар қаторига Кувайт, Бруней, Қатар, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари, Оман кабиларни киритиш мумкин. Нефть омили, шунингдек, Саудия Арабистони, Ироқ ва Эрон каби давлатларнинг ҳам саноат жиҳатдан ривожланишига олиб келди. Мавжуд конларнинг углеводородга бойлиги, давлатларнинг қулай географик жойлашуви билан қўшилиб, уларнинг қазиб олиш ва жўнатиш харажатларини минималлаштиради. Натижада Яқин ва Ўрта Шарқдан нефть экспорти асримишнинг охирига келиб йилига 800 миллион тоннага етди.

Нефть сотишдан келадиган даромадлар, нафақат нефтни қайта ишлаш ва кимё саноатини ривожлантиришга олиб келди,

шу билан бир қаторда озиқ-овқат сотиб олиш, инфратузилма ва энергетикага йирик инвестицияларни, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини, қурилиш материаллари ва айрим истеъмол маҳсулотларини молиялаштириш имконини берди. Хизмат кўрсатиш соҳаларига ҳам инвестициялар бу жараёнда кенгайиб ва ўсиб борди. Бу, албатта, кўп маънода экстенсив ривожланиш, иқтисодий эволюция эди. Энди нефть ресурсларининг эгалари билан концессион шартномалар асосида ишлайдиган бўлдилар. Бу Ғарб давлатларидан молиявий мустақилликдан бошқа нарса эмас эди.

Ғарб билан муносабатларда катта ўзгаришга олиб келган шарт-шароитлардан бири – ривожланаётган мусулмон мамлакатларининг ўз иқтисодий манфаатларини ҳамжихат бўлиб ҳимоя қилиш ҳаракатида намоён бўлди. Шу муносабат билан 1960 йилда Нефть экспорт қилувчи араб мамлакатлари ташкилоти (ОАРЕК) ташкил этилди. Нефть қазиб олувчи давлатлар сиёсатини мувофиқлаштиришда нефть баҳоси масаласидаги Техрон (1970 йил) ва Триполи (1971 йил) келишувлари муҳим босқич бўлди.

ОРЕК таркибига 12 та давлат – Жазоир, Габон, Индонезия, Эрон, Ироқ, Кувайт, Ливия, Нигерия, Қатар, Саудия Арабистони, БАА ва Венесуэла мамлакатлари кирган.

Ўтган аср 70-йилларининг бошидаги энергетика инқирози деярли барча мусулмон мамлакатларида нефть хўжалигини давлатнинг қўлига ўтказишга олиб келди. Ироқ биринчилардан бўлиб америкалик ва голландиялик компаниялар мулкани миллийлаштирди. Саудия Арабистони ва Кувайтда миллийлаштириш сотиб олиш орқали амалга оширилди. Эрон шоҳи тахтдан ағдарилган 1979 йилдан Халқаро нефть консорциуми билан келишув бекор қилиниб, нефтни қазиб олиш ва сотиш билан боғлиқ барча ҳуқуқларни Эрон миллий нефть компанияси ўз қўлига олди. Бу воқеалардан кейин суюқ ёқилғи экспортчиларининг ўзи нефть сиёсатини мустақил белгилайдиган бўлдилар. Агар 1973–1974-йилларда энергетика инқирози шароитида бир баррель нефтнинг нархи 3 доллардан 11 долларга кўтарилган бўлса, 1979–1981-йилларда 13 доллардан 25–30 долларга етди. 2000 йилдан бошлаб углеводородларнинг нархи янада қимматлашди – 2005 йилда 50 долларга чиқиб борди. 2008 йилнинг ўрталарида энг юқори нукта – 140 долларга етди. 2014 йилнинг кузига келиб,

яна 80–85 доллар, йил охирида 60–55 доллар даражасига қайтди. Аммо нефть баҳосининг номинал ўсиши инфляция ва долларнинг қадрсизланишини ҳисобга олмайди. Агар улар эътиборга олинадиган бўлса, ОПЕК экспертлари ҳисоб-китобларига кўра, 2003 йилдаги 30 доллар, 1970-йилларнинг ўрталаридаги 6 долларга мувофиқ келади.

Барибир нефть экспорт қилувчи давлатлар углеводородлар ҳисобидан мисли кўрилмаган даражада бойлик орттирдилар. Шу билан бирга нефть қудуқларидан аёвсиз фойдаланиш коннинг қашшоқлашиб қолишига, қазиш ишларининг қимматлашиб боришига олиб келди, атроф-муҳитга ҳалокатли таъсир ўтказа бошлади. Табиат ресурсларидан экстенсив усулда фойдаланиш ана шундай оқибатларга олиб келиши тайин эди. Шу муносабат билан энди нефть секторини диверсификациялаш зарурати пайдо бўлди. Қатор мамлакатларда энергия сифимини юқори ишлаб чиқаришга ўтила бошланди. Масалан, Баҳрайнда алюминий эритиш, нефть қудуқларидан чиққан чиқиндилар ва тупроқ қатламларини қайта ишлаш йўлга қўйилди. Нефтьдан бошқа соҳалар – қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва хизмат кўрсатишга эътибор қаратила бошланди.

Аста-секинлик билан нефть монокультурасига барҳам беришга ҳаракатни БААнинг Дубай амирлиги мисолида кўриш мумкин. ХХI аср бошида унинг ялпи ички маҳсулотига нефть тармоғининг ҳиссаси бор-йўғи 6 фоизни ташкил этди. ЯИМнинг 70 фоиздан зиёдроғи хизмат кўрсатиш (савдо, туризм, молия) орқали шаклланди. Баҳрайнда шунга ўхшаш ихтисослашув юзга келди. Дубай бугун дунёнинг энг йирик савдо ва молия марказларидан бирига айланди.

Дарвоқе, арабларда «нефть эйфорияси» даврида «Ҳар бир араб ўзининг нефть қудуғи билан туғилади» деган ибора машҳур бўлган бўлса, энди сал тортиниброқ «Менинг отам туяда юради, мен автомобиль ҳайдайман, менинг ўғлим реактив самолётда учади, менинг невараларим эса туяда юради» дейдиган бўлишди.

Форс кўрфазида жойлашган асосий нефть экспорт қилувчи мамлакатлардан ташқари Индонезия, Малайзия, Сурия, Вьетнам, Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳам нефть бозорига ўз маҳсулоти билан чиқадилар. Бу мамлакатларнинг хўжалиги диверсификациялашган ва нефть қазиб олишга юқори даражада

боғланмаган. Уларнинг экспортида нефтдан бошқа маҳсулотлар ва хизматлар катта улушга эга. Суьултирилган табиий газ экспорти буйича Индонезия, Малайзия, Қатар, Бруней, Оман ва БАА жаҳонда етакчи ўринларга чиқди.

Бу мамлакатларнинг барчасини битта ягона иқтисодий ривожланиш моделига бирлаштиради ҳам бўлаверади. Географик шарт-шароит, иқтисодий ривожланишдаги старт имкониятларининг деярли бир даражадалиги, саноатни индустрлаштириш ва модернизациялаштиришга бир вақтда киришиш, умумий дин, турмуш тарзи ва қадриятларнинг яқинлиги, ЯИМда ҳамда экспортда нефть ва табиий газ омилининг юқорилиги уларнинг умумий жиҳатлари ҳисобланади. Улар ўтган асрнинг 50-йилларидан мустамлакачилик зулмидан қутулиб, 1960–1990-йилларда индустрлаштириш ва модернизациялаштиришнинг «қувиб борувчи» моделидан фойдаланиб, миллий иқтисодиётларини оёққа турғизиб олдилар. Аммо Саудия Арабистони билан Баҳрайн, БАА давлатларининг ишлаб чиқариш, табиий ва меҳнат ресурслари таркиби, ривожланиш омиллари ўртасида жуда катта фарқ мавжудлиги ҳам бор гап. Қисқача қилиб айтганда, уларни битта минтақавий моделга бирлаштириш ҳам мумкин, алоҳида миллий модель даражасида ҳам ўрганиш мумкин.

**Саудия Арабистони** иқтисодиётининг асосини нефть ташкил этади. Бу ерда дунё нефть захираларининг 25 фоизи жойлашган (260 миллиард баррель). Мамлакатда ҳар куни 8 миллион баррель хом нефть қазиб олинади. Мамлакат экспорт даромадининг 80 фоизини, бюджет тушумларининг 75 фоизини, ЯИМнинг 50 фоизини нефть экспорти беради. Саудия Арабистони ОПЕКнинг нефть захираларига энг бой асосий давлати ҳисобланади. 1992 йилдан бошлаб нефть қазиб олиш ва экспорт қилиш буйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Нефть ва газ захиралари унинг энг катта миллий бойлиги, даромадларининг энг йирик манбаидир.

Қироллик илгари зарур бўлган барча саноат маҳсулотларини ташқаридан олиб келарди. Мамлакат саноат корхоналари пўлат, пластик, минерал ўғитлар, цемент, шиша, нефть кимёси маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Қишлоқ хўжалигида катта таркибий ўзгаришлар бормоқда. Фермерлар ва қишлоқ хўжалик компанияларига бўш ётган ер

участкаларини ҳосил олиш ва қора мол боқиш учун бўлиб берилди. Ҳозир мамлакат ички бозорининг сабзавот, бугдой, ҳўл мева, сут маҳсулотлари, тухум, товуқ гўшти ва балиқ маҳсулотларига бўлган талаби тўлиқ кондирилади. Сахро шароити бўлишига қарамасдан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилади. Қишлоқ хўжалиги ҳозирги пайтда мамлакат иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Саудия Арабистони иқтисодиёти этатистик модель асосида ривожланиб, мамлакат хўжалик ҳаётида давлат катта роль ўйнайди. Мамлакат иқтисодиётининг кучли томони – жуда катта нефть ва газ захиралари, қайта ишлаш саноатининг яхши ривожланганлиги, яхши назорат қилинадиган профицит ва барқарор жорий даромадлар, ҳар йили миллионлаб бутун дунё мусулмонларининг ҳаж ва умра зиёратига бориши, сахро туризмнинг ривожланганлигидир. Заиф томони тўғрисида гап кетганда экспортда нефть монокультураси, озик-овқатга субвенциянинг юқорилиги, профессионал-касб таълимининг яхши ривожланмаганлиги, ёшлар орасида ишсизлик даражасининг юқорилигини таъкидлаш жоиз. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда 20–24 ёшдагилар орасида ишсизлик даражаси 39 фоизга етди, ваҳоланки, бу кўрсаткич 2008 йилда 28,5 фоиз эди.

Саудия Арабистони 2012 йилда 381 миллиард АҚШ доллари миқдорида экспорт қилди. Унинг 90 фоизга яқинини нефть ва нефть маҳсулотлари ташкил этди. Асосий сотиб олувчилар – АҚШ, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур. Мамлакат фаол ташқи савдо балансига эга бўлиб, 2012 йилда импорт 136,8 миллиард АҚШ долларидан иборат бўлди. Асосий маҳсулот етказиб берувчилар – АҚШ, Хитой, Япония, Германия, Италия ва Жанубий Корейадан саноат асбоб-ускуналари, озик-овқат, кимё маҳсулотлари, автомобиль ва тўқимачилик товарлари сотиб олади.

Саудия Арабистонининг ривожланиш модели Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирлиги ва айниқса, карлик давлат Дубай билан солиштирганда, ишлаб чиқариш ва экспорт таркиби бўйича катта фарқларни кўриш мумкин. Кейинги мамлакатларда чуқур диверсификация жараёнлари бормоқдаки, улар мамлакатлар иқтисодиёти тузилишига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Тўғри, масалан, БААда ҳам, айниқса, унинг Абу Даби амирлигида жуда

катта нефть захиралари мавжуд. Агар нефть экспорти 1980 йилда ялли ички маҳсулотнинг 73 фоизини берган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 32 фоизга тушди. Иқтисодий диверсификация лаш нағижасида нефть-газ тармоғининг улуши 2009–2010 йилларда 7–9 фоизга тушди. Шу вақтнинг ўзида бошқа секторлар – қурилиш, савдо, туризм, қишлоқ хўжалиги улуши ўсди.

Мамлакатга келиб кетадиган сайёҳларнинг йиллик сони унинг аҳолиси миқдоридан икки баробар кўпроқ. БАА Узоқ Шарқ ва Европа ишлаб чиқариш иқтисодий йўлининг ўртасида жойлашган. Бу – мамлакатни халқаро иқтисодий марказга айлантиришга ёрдам беради. Бу ерда транзит транспорт инфратузилмаси яхши ривожланган. Мамлакатнинг ерли халқи қадимдан анъанавий тижоратчи-савдогар. Халқдаги менталитет амирликлар иқтисодий ривожланиш моделига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу ерда худди қирол оилаларида бўлгани каби давлат юқори амалдорларининг тижорат ва бизнесга аралашуви оддий ҳол ҳисобланади. БААнинг бутун иқтисодий сатуви ва харидорнинг ўзаро манфаатли келишувига асосланган. Агар бунга фойда солиғи, жисмоний шахслардан даромад ва кўчмас мулк солиғининг бутунлай йўқлигини ҳам қўшадиган бўлсак, мамлакат бутун дунё тижорат-бизнес аҳлини ҳақиқий «Шарқ жаннати» сифатида ўзига оҳанрабодай тортади. Дубай кўпчилик маданият ва динлар кешиган жой сифатида ҳам жозибалидир.

Мамлакатнинг кейинги 40 йиллик тарихи барқарор, энг асосийси мақсадга мувофиқ ривожланиш намунасини кўрсатди. Шаклланган ишчан иқтисодий модель Европа мамлакатларини қувиб ўтиб, давлатни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқди, кучли иқтисодий мамлакат гуллаб-яшнашининг бош сири эканлигини исботловчи оддий ҳақиқатни яна бир бор исботлади.

Форс кўрфазидagi яна бир бой мамлакат **Қатар** иқтисодий ривожланиш модели атрофдаги мамлакатларникидан фарқ қилади. 2011 йилда иқтисодий ўсиш мамлакатда 18,7 фоизни ташкил этиб, ЯИМнинг номинал миқдори 181,7 миллиард АҚШ долларига етди. Аҳоли жон бошига ЯИМ харид қобилияти паритети бўйича 102,7 минг АҚШ долларидан иборат бўлиб, бу – дунёда энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Қатарда деярли икки секторли иқтисодий амал қилади: ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши – 0,1, саноатники – 79, хизмат

кўрсатиш соҳасиники – 20,9 фоизни ташкил этади. Инфляция ва ишсизлик даражаси энг паст – 2,8 ва 0,4 фоиз. Экспорт ҳажми импортга нисбатан 4 баробар юқори. Асосий савдо ҳамкорлари Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур, АҚШ, Германия ва БАА ҳисобланади.

Қатар иқтисодиёти модели нефть ва газ қазиб олишга асосланган. Бу тармоқ мамлакат ЯИМининг 55, экспорт даромадларининг 85 ва давлат даромадларининг 70 фоизини беради. Нефть-газ тармоғидан келадиган фойда ҳисобига замонавий ва яхши ривожланган инфратузилмага эга. Углеводородлар уни аҳоли жон бошига даромадлар бўйича Ғарбий Европа мамлакатларидан қолишмайдиган бой мамлакатга айланишга олиб келди. Қатар табиий газ захиралари бўйича Россия ва Эрондан кейин дунёда учинчи поғонани эгаллайди. Табиий газ жаҳон захирасининг 15 фоизи шу ерда жойлашган. Суюлтирилган табиий газ сотиш бўйича ҳам Жазоир ва Малайзиядан кейин учинчи ўринда туради. Аммо у табиий газ қазиб олишни тўхтовсиз ошириб бора олмайди. Ҳозирнинг ўзида жадал газ қазиб олишга мораторий ўрнатишга мажбур бўлмоқда. Чунки бу борада кўшни давлатлар билан ихтилофлар ҳамда экологик муаммолар келиб чиқиш хавфи бор. Ягона мақсадга мувофиқ йўл – мамлакат иқтисодий тараққиёт моделига айрим ўзгаришлар киритиш, миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашга ўтиш лозим. Шу муносабат билан минерал ўғитлар, пўлат қуйиш, цемент ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, кишлоқ хўжалиги каби соҳаларни ривожлантиришга зўр бериши лозим бўлади. Қишлоқ хўжалиги ҳозир мамлакат аҳолиси эҳтиёжининг атиги 10 фоизини қондирмоқда. Ваҳоланки, воҳаларда зироатчилик, богдорчилик, кўчманчи чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш имкониятлари бор.

Форс кўрфазидаги яна бой араб мамлакатларидан бири Кувайтдир. Бу мамлакат иқтисодий ривожланиш модели асосида ҳам углеводородлар этади. Кувайт дунёнинг бешинчи энг бой мамлакатидир. Инсон тараққиёт Индекси бўйича Яқин Шарқда Исроилдан кейин энг юқори ўринда туради. ЯИМ ўсиш суръатлари бўйича тез ўсаётган иқтисодий тизимларга киради. Иқтисодий эркинлик Индекси ҳам юқори поғоналарда туради. Фонд биржаси араб дунёсида иккинчи ўринда. Ишсизлик ва инфляция дара-

жаси паст, олтин-валюта захиралари юқори, фаол ташқи савдо балансига эга.

Кувайтнинг исботланган хом нефть захиралари 104 миллиард баррель бўлиб, жаҳон захирасининг 10 фоизига тенг ([rusemp.ru |index| guwait 3|4992- Kuveit-ekonomuka.html](http://rusemp.ru/index/guwait3/4992-Kuveit-ekonomuka.html)). Мамлакат Конституциясига мувофиқ барча табиий ресурслар ва ундан келадиган даромадлар ҳукуматга тегишли. Солиқ ундирилмайдиган мамлакатлар сирасига кирадиган Кувайтнинг нефть қазиб олиш саноати ҳукумат даромадларининг 80 фоизини беради. Нефть ва нефтдан олинадиган ашёлар ЯИМнинг ярмини ва экспорт даромадларининг 95 фоизини беради. Кўришиб турибдики, Кувайт иқтисодий модели эстатистик ва «нефть монокультураси» ҳукмрон моделдир. 2008–2009-йиллардаги жаҳон молиявий инқирози ва глобал нефть бозоридаги беқарорлик ҳукуматнинг эътиборини иқтисодиётни диверсификациялашга қаратмоқда. Шу муносабат билан саноатнинг юк жўнатиш, қурилиш, цемент, ичимлик суви, қурилиш материаллари ҳамда молиявий хизмат кўрсатиш соҳалари ривожлантирилмоқда.

Кувайтнинг иқлими қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятларини чеклайди. Балиқдан бошқа барча егулик импорт қилинади. Ичишга яроқли сувнинг 75 фоизи ёки ташқаридан келтирилган, ёки тозаланган бўлиши керак. Нефтьга боғлиқликни камайтириш мақсадида мамлакатни минтақавий савдо ва туризм марказига айлантиришга уринишлар бўлмоқда.

### ЎЗБЕК МОДЕЛИ

«Ўзбек модели» тушунчасининг ҳаётга кириб келганига 20 йилдан ошди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов дастлаб 1992 йилда чоп этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» асарида ўзбек моделининг моҳияти ва шакл-шамойиллари ҳамда тамойилларини белгилаб берган эди. Кейинчалик бу ғоя 1993 йилдаги «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида, янада ривожлантирилди.

Ана шу нисбатан қисқа давр мобайнида бу тушунча шунчаки оддий ғоя эмас, балки улкан ҳаётбахш куч эканлигини намоён этди. Ўзбек модели иккита катта синовдан муваффақиятли ўтди. Биринчи синов – ўтган асрнинг 1990-йилларини ўз ичига олган

ёш мустақил мамлакат бошидан кечирган ўтиш даври эди. Ҳали ўтиш даври давом этаётган паллада Ўзбекистон постсовет майдонида биринчи бўлиб макроиктисодий барқарорликка эришди, саноат ва ялли ички маҳсулот ишлаб чиқаришда ислохотдан олдинги йиллардаги кўрсаткичлардан ўтиб кетди. Бошқача айтганда, инқироздан ривожланиш орқали чиқиб кетиш бирдан-бир тўғри йўл эканлигини исботлади.

Иккинчи синов – 2008 йилда бошланган глобал молиявий иқтисодий инқироз бўлди. Тараққиётнинг ўзбек модели нафақат бутун жаҳонни қамраб олган молиявий иқтисодий инқироз зарбаларига қарама-қарши тура олди, балки дунёдаги 10 та мамлакат қаторида иқтисодий ўсишнинг энг юқори (йилига 8–9 фоиздан кам бўлмаган) суръатларини таъминлади. Президентнинг шу муносабат билан чоп этилган «Жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида ҳамда мамлакатда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида Ўзбекистон иқтисодиётининг инқироздан кейинги янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланиши концепцияси илгари сурилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва андозаларини танлаш, бозорга ўтишнинг асосий манзилларини тўғри белгилаб олиш гоят муҳим аҳамиятга эга эди. Дастлаб айримлар томонидан Ўзбекистон бошқа мамлакатларда тажрибадан ўтган муайян иқтисодий тараққиёт моделини қабул қилиши лозим, деган фикрлар ҳам айтилган эди. Чунончи, Туркия ёки Хитой моделларидан бирини жорий этиш мақбуллиги ҳақида тавсиялар бўлганди.

Лекин, Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ўз йўли, ўз тараққиёт модели бўлиши зарур деган фикрда қатъий турди. «Агар айнан нусха олинса, мамлакатнинг ўзига хос шарт-шароитлари, мавжуд имкониятлари, яқин ва олис ҳамкорлик билан кўп йиллар давомида таркиб топган иқтисодий ҳамда маънавий алоқалари эътибордан четда қолади». (Ислом Каримов, Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 276-бет.)

Ўзбекистоннинг тараққиёт моделида халқнинг тарихий тажрибаси, анъанавий маданияти ва эътиқоди алоҳида ўрин тутди. Чунки ислом динининг хусусияти шундаки, у фақат дин

эмас, балки унга эътиқод қиладиган халқларнинг турмуш тарзин ҳамдир. Шунинг учун ҳам 70 йилдан ортиқ давр мобайнида четдан тикиштирилган «совет турмуш тарзи» бу ерда кенг ва чуқур томир отиб кетмади.

«Бундай шароитда ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва андозасини танлаб олиш жуда катта аҳамиятга молик. Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосига қурилган ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек Ўзбекистон халқининг миллий, тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти хусусиятларига таяниши лозим». (Каримов И.А., Асарлар, 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 276-бет.)

Ўзбек моделининг қайси глобал ёки минтақавий модель билан уйғунлашуви тез ва осон кечади, деган саволнинг қўйилиши ҳам табиий эди. Бунда Ғарб андозалари афзалми ёки Шарқ? Қайси бозор қадриятлари биз учун қулай? Мустақил Ўзбекистоннинг давлат раҳбари ўзининг дастлабки расмий ташрифларини Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия ва Саудия Арабистонидан бошлаганлиги бу саволга жавоб бергандай туюлди. Аммо мазкур ўта мураккаб, долзарб ва ҳаётий саволларга жавоб астойдил қидирилди.

Масалага янада аниқроқ ёндашиладиган бўлса, XX асрнинг 90-йиллари бошларида Ўзбекистоннинг олдида бир қатор стратегик ривожланиш йўллари турарди. Уларни 4 йўналиш – хомашё, аграр, индустриал ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича гуруҳлаштириш мумкин. Улардан ҳар бири жозибали, республика учун реал иқтисодий тараққиёт модели бўлиши мумкин эди. Аммо хомашё йўлини тутиш табиий бойликларнинг янада талон-торож қилинишига, ўз имкониятларини тугатган экстенсив ишлаб чиқариш омилига ёпишиб олишга, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишдан юз буришга, саноатнинг фақат муайян тармоқларини ривожлантиришгагина зўр беришга олиб келиши муқаррар бўларди. Аграр йўл иқтисодий тараққиёт тақдирини агросаноат мажмуи тармоқларини ривожлантириш асосига қуришни тақозо қилар, аҳолининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги билан банд қилишга олиб келарди. Бундай тараққиёт нисбатан қоқоқ, ҳозирги замон цивилизациясидан анча узоқ бўлган мамлакатлар учун хосдир. Индустриал иқтисодий

тараққиёт моделининг самарадорлигини Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибаси тўла тасдиқлади. Тараққиётнинг хизмат кўрсатиш йўналиши ҳам Ўзбекистонга қўл келиши табиий эди.

Ўзбекистон юқорида саналган йўлларнинг биронтасини ҳам инкор этмади, балки ўзининг иқтисодий тараққиёт моделида улардан самарали ва оқилона фойдаланиш билан боғлиқ муҳим вазифаларни белгилаб олди. Чунки «бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олдинги жамияти фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир». (Каримов И.А. Асарлар. 1 жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 289-бет.)

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт модели ўз халқининг тарихий тажрибаси, миллий ва маданий анъаналарига асосланди.

Тараққиётнинг ўзбек моделига Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган бешта машҳур тамойил – иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги, сиёсатдан устунлигидан иборат прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчилик вазифасини ўз зиммасига олиши, жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш асос қилиб олинди.

Бу борада илгари сурилган муҳим назарий хулосалардан бири – бозор иқтисодиётига инқилобий йўл («шок терапияси») билан эмас, балки эволюцион йўл билан, босқичма-босқич ўтиш эди. Бу концепция «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» тамойилида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Янги бозор муносабатларига аввалги тизимни ва таркиб топган иқтисодий муносабатларни батамом синдириб ташлаш орқали ҳам, эски иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич янги бозор муносабатларига мослаштира бориб, самарали бозор иқтисодиётини барпо этиш йўли билан ҳам ўтиш мумкин. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳолиси таркибини, тараққиётнинг ўша даврдаги даражасини эътиборга олсак, юртимизга иккинчи, сиёсий ларзаларсиз, беозор йўл анча мақбул эди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув масалалари ҳам мустақилликни

энди қўлга киритган мамлакат учун ўта мураккаб, қийин бериладиган жараёндир. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг ташқи ҳуқуқли аъзоси сифатида дунёнинг барча мамлакатлари билан икки ва қўп томонлама савдо-иқтисодий алоқалар олиб бориши имкониятлари жадаллашди. Экспорт ва импорт таркибини такомиллаштириш ҳам муҳим вазифалардан эди. Зеро, истиқлолнинг дастлабки йилларида экспортнинг 60 фоиздан зиёдроги битта маҳсулот – пахта хомашёси, импортнинг эса 50 фоиздан ортиқроғини дон маҳсулотлари ташкил қилиб, монокультурага асосланган экспорт-импорт тизими ҳукмрон бўлиб келган эди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ортирган тажриба Ўзбекистон Республикаси Президентининг: «Ресурслар чекланган шароитда ҳамма муаммоларни бир йўла ҳал қилишга уриниш ҳеч қандай самара бермайди. Шу сабабли ислоҳот йўналишларини белгилаб олиш чоғида шундай асосий бўғинларни топиш муҳимки, уларга асосланиб жамики муаммоларни ҳал қилиш мумкин», деган тезисининг нақадар ўз вақтида таъкидланганлигини тасдиқлаб турибди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида аграр соҳадаги ўзгаришларга доимий эътибор қаратилди. Ерга мулкчилик масаласини ҳал қилиш, давлат хўжаликларини, айниқса, зарар келтириб ишлаётган ҳамда самараси паст жамоа ва кооператив хўжаликларини тугатиб, уларнинг ерларини узоқ муддатли хусусий фермер хўжаликларига ёки умрбод мерос ҳуқуқи билан деҳқон хўжаликларига бериш, қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча ишчи кучини sanoat корхоналарига жалб қилиш каби масалалар ўзбек модели стратегиясининг аграр сиёсатдаги асосий йўналишлардан бўлди. Ўзбекистондаги унумдор ер ва сув ресурслари нисбатан чекланган шароитда парцелла (французча «бўлак, «парча») хўжалиги тажрибаси қишлоқда хўжалик юритишнинг нодавлат турини ривожлантиришда қўл келди. Бу хўжалик юритиш шакли мамлакатдаги энг кўп тарқалган турлардандир. Бунга илгари мавжуд бўлган шахсий ёрдамчи хўжаликлар (томорқа хўжалиги) ва ҳозир тез ривожланиб бораётган деҳқон ва фермер хўжаликлари яққол мисолдир.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, аниқ-пухта ишлаб чиқилган молия-кредит сиёсатини амалга ошириш,

иқтисодиётда туб таркибий ўзгартиришларга эришиш халқ хўжалигининг хомашёвий қиёфасига барҳам бериш ҳам ўзбек моделининг муҳим устувор вазифаларидандир.

Бозор иқтисодиётига ўтишда минтақага хос хусусиятларни ҳисобга олиш қанчалик муҳим бўлса, ҳамма учун барабар бўлган муштарак қоидаларни назарда тутиш ҳам шунчалик шарти эди. Шу боис давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, эркин тадбиркорликни ривожлантириш, рақобат майдонини вужудга келтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ислохот йилларида Ўзбекистонда қабул қилинган иқтисодиётга оид қонун, фармон ва қарорларнинг асосий қисми ана шу уч устунга, уларни шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Социализмда давлат, яъни «умумхалқ мулки» иқтисодиётда ҳукмронлик қилгани учун амалда ўта самарасизлиги туфайли алалоқибат таназзулга юз тутди. Мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш учун кенг йўллар очилди: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 53-модда).

Соғлом ва эпчил, ҳар қандай шароитга ва бозорга мослашувчан хусусий мулк дахлсиз деб эълон қилинди. Бу – ислохотнинг энг муҳим талаби эди. Албатта, белгиланган бундай вазифаларни амалга ошириш катта ирода, куч-ғайрат, сабот талаб қиларди. Чунки, хусусий секторнинг шаклланиши, ривожланиши осон кечмаслиги табиий. Уни ҳар қандай ташқи аралашувлардан ҳимоя қилиш, хусусий шартнома мажбуриятларининг бажарилишини қонун билан кафолатлаш, одамларда хусусий мулкка ҳурмат, эътиборни, эгалик туйғусини тарбиялаш борасида тинмай иш олиб борилиши лозим эди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида эркин тадбиркорликка кенг йўл очилди. Ислохотнинг биринчи босқичида улар, асосан, умумий овқатланиш ва савдо шохобчаларини хусусийлаштиришни ўз ичига олган бўлса, кейинчалик барча ишлаб чиқариш ва сервис соҳалари – саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа тармоқларига тарқалди. Бу жараён таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларига ҳам

кириб борди. Чунки кичик хусусий тадбиркорлик аҳолинини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини хилма-хил моллар билан тўлдириш, рақобат майдонини кенгайтиришнинг муҳим омилларидан эканлиги маълум.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий кифёси тубдан ўзгариб, халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти изчил, барқарор ва жадал ўсаётган жаҳондаги жуда кам сонли мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олди. Ижтимоий, маданий соҳаларда эришаётган ютуқлар халқаро ташкилот ва экспертлар томонидан эътироф этилмоқда.

Халқаро валюта жамғармаси миссиясининг баёнотида Ўзбекистон изчил ўсишга эришганлиги ва глобал молиявий инкирозга қарши муваффақиятли чоралар кўраётганлиги қайд этилди, шунингдек, ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши ҳақида ижобий прогноз билдирилди.

Бу – мамлакатда ўзбек моделининг ҳуқуқий асослари, инфратузилмаси яратилгани ва тобора мустаҳкамланаётгани, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллиги таъминланаётгани самарасидир. Хомашёни қайта ишлашга қаратилган юзлаб, минглаб янги замонавий корхоналарнинг ишга туширилиши мамлакатнинг индустриал салоҳиятини изчил юксалтиришга олиб келди.

Ривожланишнинг «ўзбек модели» ҳамда мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси устувор йўналишларининг изчил амалга оширилиши самарасида, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инкирозли ҳолатларга қарамай, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари барқарорлиги ва макроиқтисодий мувозанат таъминланиб келинмоқда.

Давлат бюджети, ташқи савдо обороти профицит билан ижро этилмоқда. Инфляция ва ишсизлик даражаси прогноз кўрсаткичларидан юқори эмас.

Тараққиётнинг ўзбек модели юксак замонавий техника ва технологиянинг мавжудлиги, ишлаб чиқаришнинг индустриал тавсифи, ривожланишда ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамиятининг юқорилиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг муттасил

ўсиб бориши, иқтисодий ўсишнинг интенсив йўли устуворлиги, иқтисодиётнинг очиклиги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, рақобат муҳитини яратиш, эркин тадбиркорликка кенг йўл очиш орқали бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, халқ фаровонлигининг изчил юксалиши, миллий иқтисодиётнинг глобал иқтисодиёт билан интеграциялашувининг кучайиши тенденциялари билан кечмоқда.

Аммо тараққиётнинг ўзбек модели қотиб қолган статик туншунча эмас. Унинг характери ва шакл-шамойилини белгилайдиган асосий тамойиллар сақланиб қолган ҳолда доимо янги вазифа ва қоидалар билан бойиб, такомиллашиб боради. Зеро, ҳаёт барча тартиб-қоидаларга ўз тузатишларини киритиб бораверади. Самолёт ўз моделига тўла мос келиши лозим. Акс ҳолда ҳалокат юз беради. Иқтисодий ривожланиш модели эса ундай эмас. Борган сари замонавийлашиб бораётган жамият ҳаётининг барча жабҳаларини модернизациялаш, ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини диверсификациялаш, инновацион технологияни изчил ривожлантириш, саноат маҳсулотлари етказиб беришни янада кенгроқ маҳаллийлаштириш – ўзбек моделининг янги давр ва шароитда ривожланишидир.

## IV БОБ. ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

Осиё мамлакатлари иқтисодиётида давлатнинг роли ва ўрни доимо ўзгариб туради. Ўтган асрнинг 50-йилларида ривожланиш босқичига кирган барча қитъа давлатлари эришган «иқтисодий мўъжизалар»и учун, биринчи навбатда, давлатдан миннатдор бўлишлари керак, албатта. Чунки бу вақтда ҳали иқтисодиётни оёққа турғизиб, кейин эса ривожлантириб, юксалтириб бориш учун давлатдан қудратлироқ куч йўқ эди. Миллий мулкдорлар, компаниялар заиф, давлат корпорациялари ва банклар ҳали кучга тўлмаган эди. Ташқаридан инвестиция киритиш учун ҳам давлат кафолатчи бўлиши лозим эди. Шунинг учун ҳам давлат Осиё миллий мамлакатларида индустрлаштириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш, ҳозирги пайтда эса фан-техника прогрессига кўмаклашиш орқали инновацион ишлаб чиқаришга ўтишни рағбатлантирмоқда.

Бу жараёнда давлат, нафақат иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини бажарди, балки у қитъа мамлакатлари хўжалигининг бевосита ва кучли субъекти ҳам эди. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожланишининг турли йўналишлари аниқ шаклланди. Уларни ўта йирик мамлакатлар (Япония, Хитой, Ҳиндистон), нефть экспорт қилувчилар (Эрон, Яқин Шарқ араб давлатлари), биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар (Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань, Гонконг), иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар (Малайзия, Филиппин, Таиланд, Индонезия, Вьетнам, Туркия), савдо-саноат анклавларига ажратиш мумкин. Уларнинг ана шу хўжалик ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда давлатнинг роли ва ўрни ҳам ҳар хил даражада бўлди. Лекин барибир, 1980-йиллардан бошлаб ҳамма жойда давлатнинг иқтисодиётга бевосита аралашуви даражаси пасайди, иқтисодиётни тартибга солиш усуллари ҳам ўзгарди. Бу ҳодиса либераллаштириш (эркинлаштириш) деган ном олди.

Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви Туркияда «этатизм» деб аталди. Миллий хусусий тадбиркорликнинг заифлиги ва чет эл капиталининг зўравонлиги давлат мулкининг ўсишига олиб келди. Фарб мамлакатларида иқтисодиётни давлатлаштириш сўсати саноатда таркибий қайта қуришларни амалга ошириш ва тушқун тармоқларнинг хусусий тадбиркорларини қўллаб-қувватлаш мақсадларида амалга оширилган эди. Масалан, 1950-йилларда Англияда лейбористлар ҳукумати темир йўл ва бошқа бир неча «чарчаб қолган» тармоқларни миллийлаштирган эди. Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида бу борада бошқачароқ ҳолат юзага келди: давлат серхаражат тармоқларни яратиш юкини ўзига олди-да, хусусий бизнесга ички бозор учун истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни қолдирди.

Япония ва янги индустриал мамлакатларда, кейинчалик Хитойда юқоридагиларга нисбатан ҳам самаралироқ механизм қўлланилди. Давлат ташқи бозорда рақобатбардошли йирик компанияларни аниқ мақсад билан ўстирди ҳамда кичик ва ўрта бизнес экспорт экспансияси учун зарур инфратузилма яратди. Жанубий Кореяда ана шу мақсадларда ташкил этилган чеболлар келгусида бақувват трансмиллий компанияларга айланди. Шундай қилиб, давлат ва тадбиркорлар ташқи бозор учун курашда ҳамкорларга айланди, компанияларнинг хусусий ёки давлатга тегишли эканлиги ҳеч қандай роль ўйнамайди.

Сингапурда давлат секторига фан-техника тарққиётини рағбатлантириш курали ва қулай инвестицион иқлимнинг муҳим унсури сифатида қаралди. 1965–1980 йилларда давлат сектори корхоналарига капитал ётқизиш ўн мартадан зиёдроқ ошди. Мамлакат ЯИМида давлат секторининг ҳиссаси 35 фоизга етди. Гонконгда эса давлат сектори саноатда ва умуман, иқтисодиётда ҳеч қачон жиддий роль ўйнамади. Тайванда эса 1950-йилларнинг бошида саноатда давлат секторининг ҳиссаси 53 фоизга етган эди. 1990-йилларга келиб, бу кўрсаткич 20 фоизга тушди. Корея Республикасида 1970-йилларнинг охирида ЯИМ давлат сектори 10 фоиздан ошмасди. Ўзбекистонда ЯИМ давлат секторининг ҳиссаси 1995 йилдаги 41,6 фоиздан 2010 йилга келиб, 18,3 фоизга тушди (Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990–2011 гг.) и прогноз на 2011–2015 гг. Стат. сборник, Т., 2011, – С.62).

Осиё мамлакатларида давлат тасарруфидан чиқариш ва усусийлаштириш оммавий тус олмади. У амалда нефть, нашоқ килувчи мамлакатлар иқтисодиётининг асоси – давлат нефть компанияларини четлаб ўтди. Эронда асосан, тўқимачилик, автомобиль, озиқ-овқат, кимё ва цемент саноати корхоналари усусийлаштирилди. Нефть ва тоғ-қазиб олиш саноати, банклар, электроэнергетика, металлургия ва машинасозлик саноатининг катта қисми давлат тасарруфида қолаверди.

Хитойда усусийлаштириш йирик корхоналарни акционерлаш кўринишини олди. Бу ҳолда назорат барибир давлатнинг кўлида қолаверди. Давлат секторини ислоҳ қилиш «кичикларини кўйиб юбор, йирикларини назорат қил» тамойилида амалга оширилди. Усусий кўлларга ёки жамоат мулкчилигига унча катта бўлмаган корхоналарни беришга ҳаракат қилинди. Бошқача қилиб айтганда, усусий сектор давлат сектори ўрнига келмади, балки давлат сектори билан бақамти ривожланди.

Осмон ости мамлақатида давлат корхоналарини ислоҳ қилиш қайта куришнинг аста-секинлиги билан бошқа мамлакатлардан фарқ қилади. Натижада бу корхоналар кучли, кам сонли ва самарали бўлиб фаолият юргиза бошлади. Давлат сектори эса, ўз навбатида, инфратузилмага, илмий тадқиқот ва илмий ишланмаларга, яъни тижорат натижаси тезда кўринмайдиган соҳаларга инвестицияни кучайтирди.

Осиё мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатдики, бизнес ва давлат бир-бирини тўлдирадиган тушунчалардир. Ҳатто энг йирик бизнес ҳам ташқи бозорда давлатнинг ёрдамига муҳтож. Давлат эса катта бизнесни кўллаб-қувватлашдан ҳеч нарса ютқизмайди, балки кўп нарса ютади.

Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида иқтисодиётни либераллаштириш миллий товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар салоҳиятининг ўсганлиги, шунингдек, давлатнинг индустриаллаштириш ва модернизациялаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлганлигини билдиради. Бу давлатнинг иқтисодиётдан кетганлигини эмас, балки унинг ўз кучларини янги вазифаларга қаратаётгани, иқтисодиётга таъсир кўрсатишнинг эски усулларида воз кечаётгани билан изоҳланади. Минтақа мамлакатларида бу вақтда энди давлатнинг бюджетни қайта тақсимлаш вазифаси кучайди. Агар 1990 йилда

ЯИМда давлат харажатларининг ҳиссаси 17 фоиз бўлган бўлса, 2000 йилда 20, 2010 йилда 23 фоизни ташкил этди. (Потапов М.А., Салицкий А.И., Шахматов А.В. «Экономика современной Азии». – М.: «Международные отношения», 2011. – С. 128.).

1997–1998 йиллардаги молиявий бухрон ва 2008–2009 йилларда бошланган глобал молиявий иқтисодий инқироздан кейин 1990-йилларда авж олдирилган либераллаштириш сиёсати қаттиқ танқидга учради, валюта-молия соҳасини тартибга солишда давлатнинг аҳамияти ортди. Чунки либераллаштириш иқтисодиётнинг етарли даражадаги етуклиги ва давлат бошқаруви шароитида яхши ижобий самара беради. Яхши тайёрланмаган, пала-партиш, шошилич, муддатидан олдин ўтказилган либераллаштириш инқирозга ва катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Инқироз давлатнинг иқтисодий фаолият иштирокчиси ва замонавий инфратузилмани яратишда жамғариш ташкилотчиси сифатида ролини ошириб юборди. «Инсон капитали»ни тайёрлашда, фан-техника, технологияни ривожлантиришда ижтимоий муаммоларни очишда давлатнинг ўрни ва роли бекиёс.

### ИҚТИСОДИЁТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Осиё мамлакатларида давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, ўша мамлакатга хос хусусиятлардан келиб чиқиб, турли хил шакл ва усулларда амалга оширилди. Кўпчилик мамлакатларда бундай аралашувнинг асосий воситаси режлаштириш бўлди.

1950–1960-йилларга келиб, қитъадаги ривожланаётган мамлакатларда режлаштириш оммавий тус олди. Ҳукумат режа институтлари устун тармоқлар ва йирик қурилиш объектлари ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари, инвестицияларнинг молиявий манбаларини ҳамда иқтисодий ўсиш пропорцияларини белгилар эди. Иқтисодий ривожланиш режаларида, одатда, саноат ва инфратузилма объектларига капитал киритишни жадал ўстириш вазифалари кўйилар эди.

Режаларни амалга ошириш, жамғаришнинг юқорироқ даражасига эришиш мақсадида янги солиқлар, асос тармоқлар ва инфратузилма объектларига давлат маблағларини ошириш, саноатга инвестицияларни лицензиялаш амалиёти қўлланди. Шу мақсадларда ташқи қарздан ҳам фойдаланилди. Ишлаб чиқаришга капитал киритишни рағбатлантириш учун машина

ва асбоб-ускуналар импортига субсидия ажратиш, амортизацияни тезлаштириш каби механизмлардан ҳам фойдаланилди. Кредит соҳасида давлат саноатчилар учун заём капитали фоизини камайтирди, пул ресурсларининг ҳаракатчанлигини ошириш мақсадида омонат кассалар, банк ва молия корпорацияларини ташкил этди. Ишлаб чиқариш ва баҳолар устидан давлат назорати қўлланилди. Бундай амалиётнинг ноўрин томони шунда эдики, кўпинча саноатни ривожлантириш юки қишлоқ хўжалиги зиммасига тушарди. Бунга мисол тариқасида Таиланд, Индонезия, Малайзия ва Филиппинда қишлоқ жўжалиги маҳсулотларига экспорт солиғи, экспорт божи ўрнатилганини кўрсатиш мумкин.

Осиёнинг кўпчилик мамлакатларида режалаштириш индикатив характерда, яъни прогнозлаш, маълум муддатга иқтисодиётни ривожлантириш мўлжалини олиш имкониятини беради (Япон моделига қаранг). Фақат саноат ва кредит соҳаси амалда тўла миллийлаштирилган Хитой каби социалистик мамлакатларда директив режалаштириш амал қилди. Бу ерда режа қонун кучига эга, у қабул қилиндими, уни бажариш шарт. Аммо бозор ислохотлари давомида режа-тақсимот тартиби аста-секин амалиётдан чиқиб кета бошлади. Шунга қарамасдан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг беш йиллик режалари Хитойда ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган. Режалаштириш тармоқ даражасини ҳам қамраб олади. Режа, нафақат давлат корхоналарига, шу билан бирга муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларга ҳам тааллуқли. Режа мақсадга мувофиқ хўжалик пропорцияларини таъминлаш, иқтисодиётни «қизиб кетиши»дан сақлаш вазифаларини бажаради.

Шу муносабат билан бугунги Хитой моделининг бош меъмори Дэн Сяопиннинг режали иқтисодиёт социализм дегани эмас, капитализмда ҳам режа мавжуд, бозор ва режа – иқтисодий усулдир, деган сўзларини эслаш ўринлидир.

Ҳиндистонда Давлат режа комиссияси мамлакатнинг бош аҳборот-координациялаш марказларидан ҳисобланади. Режалаштириш Эрон ва Шри-Ланкада ҳам амал қилади. Корея Республикасида умуммиллий беш йиллик режалаштириш 1990-йиллар охиридаги минтақавий молиявий инқироздан кейин тўхтаб қолди. Мамлакатда энди фан-техника ривожланишининг тармоқ дастурлари амалга оширилади.

## ИНДУСТРАШТИРИШ СИЁСАТИ

Кунботар ўлкаларидан фаркли ўларок, кунчиқар мамлакатларида саноатнинг кўпчилик тармоқларини давлатнинг янгидан яратишига тўғри келди. Бу жараёнда давлат иқтисодий индустраштиришга қаратилган алоҳида саноат сиёсатини олиб борди. Япониянинг урушдан кейинги индустраштириш сиёсати фан-техника тараққиёти билан боғлиқ саноат тармоқларини рағбатлантиришга қаратилди. 1950-йилларнинг бошида машина-асозликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг фавқулодда чора-тадбирлари тўғрисида Қонун қабул қилинди. Унда машина-асозликда конструкторлик ишланмаларини бюджетдан тўғридан-тўғри субсидиялаш назарда тутилди.

1957 йилда радиоэлектроника саноатини ривожлантиришнинг фавқулодда чора-тадбирлари тўғрисида Қонун кучга кирди. Худди ана шу соҳа келгусида япон иқтисодий мўъжизасининг асосларидан бири бўлди. Япония ҳукумати индустриал сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири – ўша вақтда ҳали танқис бўлган валюта ресурсларини саноатнинг устун тармоқлари фойдасига тақсимлаш бўлди. Японияда заиф соҳалар – тўқимачилик ва тикувчилик саноатини, кўмир қазиб олишни ҳам субсидиялаш қўлланилди.

Сингапурда индустриал корхоналар қувватини кенгайтириш тўғрисида Қонун (1959 йил) қабул қилинди. Қонунга мувофиқ саноатчилар янги тармоқларни инвестициялаш шарти билан 5 йилга даромад солигидан озод қилинди. 1961 йилда мамлакатда Иқтисодий ривожланиш Қўмитаси ташкил этилганлиги индустраштиришни амалга оширишда катта роль ўйнади.

Таиландда индустраштириш сиёсати дастлаб экспортни кенгайтиришга қаратилди. Шу билан бирга ички талабни қондиришга қаратилган тўқимачилик, тикув, пойабзал саноати ҳам назардан четда қолдирилмади.

Малайзияда давлат электрон саноатини фаол қўллаб-қувватлади. Шу мақсадда имтиёзли кредитлар ажратилди, бюджетдан инфратузилма ва эркин иқтисодий зоналарни молиялаштириш амалга оширилди. Давлатнинг индустраштириш сиёсати ташқи иқтисодий алоқаларни тезда кенгайтириш имконини берди.

Умуман, Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларнинг барчаси саноатни индустраштириш босқичини босиб ўтди. Бу-

сиз иқтисодий ўсишга ҳам, импорт ўринини босадиган ишлаб чиқаришга ҳам, келгусида экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ҳам, модернизациялаш ва диверсификациялашга ҳам, уларнинг оқибатида юқори технологияли инновацион ишлаб чиқаришга ҳам ўтиб бўлмасди. Лекин уларда турли хил имконият ва вақитлардан келиб чиқиб индустрлаштириш жараёни турли вақтда ўтказилди. Бирлари 1950-йилларда, иккинчилари 1960-йилларда, қолганлари эса бу босқични 1970-йилларда босиб ўтди. Ўзбекистонда давлат мустақиллигидан кейин янги индустрлаштириш жараёни асосан 1990-йилларга тўғри келди.

Индустрлаштириш сиёсати асосида XX асрнинг иккинчи ярмида қитъа мамлакатларида саноатнинг тармоқ таркиби тез ўзгарди. Дастлаб Осиё мамлакатлари индустриясида қазиб олиш тармоқлари катта роль ўйнаган эди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик хомашёсини бирламчи қайта ишлаш қувватларининг ҳам улуши юқори бўлди. Аммо кейинчалик умумий ҳажмда уларнинг ҳиссаси жиддий камайиб борди. Шу билан бирга оғир индустрия тармоқлари – металлургия, кимё, машинасозликнинг ҳиссаси доимий ошиб борди. Натижада саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги нисбат ўзгарди. Қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари борган сари индустриал ишлаб чиқариш воситаларидан кўпроқ фойдаланадиган бўлдилар.

### МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ВА ИННОВАЦИЯ

Янги технологияларсиз юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги саноатнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Индустрлаштириш – бу саноатнинг, қолаверса бутун иқтисодиётнинг пойдевори, холос. Лекин уни доимо такомиллаштириб, замонавийлаштириб бориш лозим. Акс ҳолда жаҳон стандартлари ва сифатларидан орқада қолиб кетиш ҳеч гап эмас. Юқори қўшимча қийматга эга электроника ва биомухандислик каби замонавий ишлаб чиқариш тармоқларининг деярли ҳаммаси модернизация, ихтиро, инновация ва янги технологиялар натижасидир. Юқори фойда орқасидан қувадиган бизнес, давлатнинг бевосита кўмаги остида саноатнинг бу ривожланаётган секторларини инвестициялайди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётни модернизициялашга олиб келади.

Модернизациялаш – ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янгилаш, уни замонавий талаблар ва меъёрлар, техник шарт-шароитлар, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштиришдан иборат бўлиб, у микродаражада амалга оширилди. Чунки, асосан машиналар, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизациялаштирилди. Аммо, модернизация мезо ва макро даражада объекти бўлиб ҳам ҳисобланади. Бу жараён ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати, инвестициялар ва капитал қўйилма ҳамда кредитларнинг бир текис ва мақсадга мувофиқ жойлаштириш орқали тармоқлар, шунингдек, иқтисодиёт миқёсида бошқарилади.

Модернизациялаш даражасини ифодалайдиган мезонлар (кўрсаткичлар) сифатида, саноат ишлаб чиқариши таркибининг такомиллашуви, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва асосий капиталга инвестициялар нисбати, экспорт ва импорт маҳсулотлар таркибининг ўзгаришини кўрсатиш мумкин. Масалан, ўтган ўн йилликда Ўзбекистон саноатида ишлаб чиқариш таркибининг такомиллашуви хўжаликнинг энергия-хомашё тармоқлари ривожланиши ҳисобига эмас, балки машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳаси улушининг кескин ўсиши (64 фоиз) баробарида кечди. Бу – иқтисодиёт секторларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш жараёнларидаги ижобий ҳолатлардан ҳисобланади. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида қайта ишлаш тармоқлари, енгил ва озиқ-овқат саноатлари ҳиссасининг пасайиши кузатилди. Бу ҳолат мамлакатда саноат ишлаб чиқариши таркибини такомиллаштиришда ҳали барқарор позитив натижаларга эриша олмаганликни, аммо иқтисодий ўсишда хомашё йўналишининг барҳам топиб бораётганини билдиради. Албатта «кечиккан модернизация», «қувиб борувчи модернизация» моделлари ҳам кенг қўлланилади. Бу моделлар, одатда, собиқ мустамлака ва ярим мустамлака, қолоқ мамлакатлар томонидан қўлланилади, улар ўз ички имкониятлари ҳисобига модернизациялашни амалга оширишга қодир эмас. Бундай шароитда модернизациялашнинг Европа ва АҚШда қарор топган эндоген типини ўз миллий заминига ўзлаштириб кўчириш самаралироқ, тежамлироқ ва мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон учун эса модернизациянинг эндо-экзоген қўшма типи, яъни модернизациялашни ички имкониятларга таяниб, шу билан бирга ривожланган мамлакатлар тажриба ва ёрдами-

дан фойдаланиб амалга ошириш характерлидир. Бу ҳудудни куйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

10-жадвал

**Ўзбекистонда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш динамикаси**  
(олдинги йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2012 йил
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	105,9	107,2	108,3	107,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	101,0	105,7	113,6	112,7

Манба: Йиллик статистик тўплам. –Т., 2009, 277-бет; Статистическое обозрение Узбекистана. –Т., 2011, – С. 26; Узбекистан в цифрах, в 2013. – С. 20.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2005 йилгача мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йиллик суръати асосий капиталга инвестициялар киритишдан юқорироқ. Аммо кейинги йилларда, айниқса, глобал молиявий инқирозгача бўлган 2007 йилда инвестициялар ўсиш суръати саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан икки мартадан зиёдрок юқори. Ҳатто, инқироз давом этаётган 2010 йилда ҳам, инвестициялар саноат маҳсулотларига қараганда 5,3 пунктга кўпроқ ўсган. Бу модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнлари ни амалга оширишда муҳим манба ҳисобланади. Чет эл инвестиция ва кредитлари 2000 йилда барча инвестицияларнинг 23,2; 2007 йилда 24,5 ва 2010 йилда 28,8 фоизини ташкил этди.

Фикримизнинг далили сифатида яна бир жадвални келтирамиз.

11-жадвал

**Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт товарлари таркиби (%)**

Товарлар гуруҳи	2000 йил	2005 йил	2007 йил	2010 йил	2012 йил
Экспорт					
– пахта толаси	27,5	19,1	12,5	11,3	9,3
– озиқ-овқат	5,4	3,8	8,5	9,7	6,4
– кимё маҳсулотлари	2,9	5,3	6,8	5,1	5,6

– энергия ва нефть маҳсулотлари	10,3	11,5	20,2	24,8	34,6
– қора ва рангли металллар	6,6	9,2	11,5	6,8	7,8
– машина ва асбоб-ускуналар	3,4	8,4	10,4	5,5	6,5
Импорт					
– озиқ-овқат	12,3	7,0	7,2	10,9	10,9
– кимё маҳсулотлари	13,6	13,6	13,1	14,3	13,7
– энергия ва нефть маҳсулотлари	3,8	2,5	3,5	6,0	6,6
– қора ва рангли металллар	8,6	10,3	7,5	8,4	7,2
– машина ва асбоб-ускуналар	35,4	43,3	49,6	44,1	45,9

Манба: Йиллик статистик тўплам. –Т., 2009, 350-бет; Статистическое обозрение Узбекистана. –Т., 2011, – С. 13–14; Узбекистан в цифрах, в 2013 г., – Т. 2013, – С. 171.

Жадвал маълумотларига кўра, ўтган давр ичида экспорт таркибида хомашё йўналиши айрим маҳсулотлар гуруҳи (пахта толаси) бўйича камайган бўлса-да, энергия-хомашё гуруҳи бўйича 3 мартага яқин ўсган. Машина ва асбоб-ускуналар экспорти бўйича ҳам унча катта бўлмаган ижобий силжиш бор, лекин у жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозигача бўлган 2007 йил кўрсаткичларидан қарийб икки мартага паст. Импорт таркибидаги маҳсулот гуруҳининг улуши деярли ўзгармаган, аммо машина ва асбоб-ускуналар бўйича барқарор юқори кўрсаткич (45,9 фоиз), гарчи инқирозгача бўлган кўрсаткичдан 3,7 пунктга паст бўлса-да, сақланмоқда. Бу иқтисодий секторларни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнини амалга ошириш шароитида ижобий тенденция ҳисобланади.

Шу муносабат билан экспорт ва импорт операцияларига янги маҳсулот турларини киритиш йўли билан мамлакат ташқи савдо алоқаларини диверсификациялаш ҳозирги шароитда, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида муҳим аҳамият касб этаётганини айтиб ўтиш лозим. Ташқи савдони диверсификациялаш ягона бозорга ва мавсумий тебранишларга боғлиқлигини камайтириш имконини беради.

Маълумки, диверсификация бу – ишлаб чиқариладиган ёки импорт ва экспорт қилинадиган маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш, турларини ўзгартириш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва савдо-сотик самарадорлигини ошириш, ҳар қандай банкрот-

ликларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг янги соҳаларини ўзлаштиришдир. Диверсификация нафақат бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки ягона хўжалик фаолиятини боғлиқликнинг олдини олиш учун, балки анъанавий бозорлардаги улушини ошириш, янги бозорларни эгаллаш, капитал оқими учун янги соҳаларни излаб топиш ва бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилади.

Баъзи иқтисодий адабиётларда диверсификация жараёнини янги бозорларга чиқиш мақсадида корхонанинг асосий фаолиятдан ташқари маркетинг стратегияси сифатида талқин этадилар. Аммо бундай таърифга тўла қўшилиб бўлмайди. Чунки ташқи савдо, яъни экспорт ва импорт ҳам асосий ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳисобланади. Асосий ишлаб чиқаришни модернизация ва реконструкция қилмасдан туриб, унинг характерини ўзгартирмасдан туриб, ташқи алоқаларда сезиларли натижаларга эришиб бўлмайди. Агар масалага янада конкретроқ ёндашадиган бўлсак, экспорт таркибини диверсификациялаш заруратларининг нафақат ташқи, балки ички имконият ва омилларга ҳам бевосита боғлиқлигини кўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда экспортнинг муҳим компонентларидан ҳисобланадиган бир қатор рангли металллар тикланмайдиган ресурслар қаторига киради. Мамлакатимизда уларнинг захираларидан фойдаланишни кескин ошириш, келгусида бу табиий ресурслар камайиб кетиши билан боғлиқ нохуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг экспортини тўхтовсиз ошириб бориш ҳам иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Фикримизни Баҳрайн каби нефть экспорт қилувчи араб мамлакатлари тажрибаси ҳам исботлаб турибди.

Яна бир мисол, Ўзбекистон экспортида пахта толаси маълум улушни эгаллаб келади. Унинг ҳозирги ҳиссаси унча катта бўлмаса-да, келгусида ҳам сақланиб қолади, албатта. Лекин пахта толаси экспорти об-ҳаво шароитига, халқаро бозорларда хомашё нархларининг тебраниб туришига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, уни экспорт қилишдан келадиган даромадларнинг беқарорлигига олиб келади. Бундан ташқари, пахта хомашёсини ишлаб чиқаришни кўпайтириб бориш имкониятлари чекланган. Саноат тармоқларининг ривожланиши, йўл ва бошқа инфратузилманинг, уй-жой қурилишининг кенгайиши ҳам пахта экин майдонларининг қисқариб боришига олиб келади.

Шундай қилиб, бир хил турдаги маҳсулотни катта миқдорда экспорт қилиш, иқтисодий жиҳатдан ноқулай бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг бир хил турдаги маҳсулот экспортига боғланиб қолишига олиб келади. Уни камайтириб бориш эса, дастлаб айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради. Буларнинг барчаси диверсификация жараёнига режали ва узлуксиз ёндашиш зарурлигини тақозо этади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларида давлатнинг ўрни ва роли янада ортиб боради. Модернизациялаш ҳам диверсификациялаш каби ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, иқтисодиётнинг асосий негизини ўзгартирмасдан туриб, узлуксиз такомиллаштириш бўйича давлат томонидан жаҳон тараққиётининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, кўриладиган чора-тадбирлар тартиботидир. Модернизациялаш ва диверсификациялаш давлатнинг инвестицион ҳамда ижтимоий сиёсатини ўзида ифода этиб, солиқ тартиботини такомиллаштиришни, бошқарув тизимига ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Бу жараёнлар миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган иқтисодиётни таркибий, институционал, технологик такомиллаштириш жараёни сифатида давлатнинг кучи ва қудратига таянади. Давлат модернизациялаш ва диверсификациялашнинг фаол субъекти сифатида, бу жараёнларнинг мақсади, вазифалари, устувор йўналишлари, уларни амалга ошириш суръатлари, ресурслари ҳамда инновацион асосларини белгилайди. Модернизациялаш илм-фан сиғими юқори бўлган технологияга ўтишни англатади ҳамда ишлаб чиқаришнинг инновацион йўналишини кучайтиришга хизмат қилади.

## ДАВЛАТ ВА МОЛИЯ

Давлатнинг иқтисодиётдаги роли фақат реал сектор билан чекланмайди, балки молия-кредит, ташқи иқтисодий фаолият, инфляцияга қарши кураш соҳаларини ҳам қамраб олади.

Давлатнинг иқтисодий, ижтимоий маъмурий ва ҳарбий, хавфсизлик хизматларини ташкил этиши катта харажатларни тақозо этади. Агар 1950-йилларнинг бошларида Осиё мамлакатларида давлат харажатлари ЯИМнинг 8 фоизини ташкил этган бўлса, янги аср бошига келиб, бу кўрсаткич 20 фоиздан ошди. Осиё

мамлакатлари орасида фақат Малайзия ва Ньетнамда ЯИМда марказий бюджет харажатлари 30 фоиздан ошади, қолган мамлакатларда бу кўрсаткич анча паст даражада. Шунга мувофиқ равишда бу йилларда солиққа тортиш меъёрлари ҳам уч мартадан кам бўлмаган миқдорда ошди.

Тўғри, ривожланган Ғарб мамлакатларида давлат харажатлари ЯИМда 40 фоиздан ошади, яъни Осиё мамлакатларига нисбатан икки баробардан зиёд. Бу ҳолат ижтимоий харажатлар даражаси билан боғлиқ. Осиёда бундай харажатларнинг бир қисми бюджетдан ташқари жамгармалар, давлат ва хусусий корхоналарнинг тўғридан-тўғри ижтимоий харажатлари, анъанавий ўзаро ёрдам тартиби билан қопланади. Қолаверса, қитъада аҳоли катта қисмининг қашшоқлиги туфайли юридик ва жисмоний шахслардан тўғридан-тўғри солиқ ундириш ўзининг ўта кичик улуши билан характерланади.

Аммо давлат бюджети орқали ЯИМнинг қайта тақсимланишининг паст даражасини ижобий ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди. Давлат томонидан қайта тақсимлашнинг кучайиши фақат ижтимоий нуқтаи назардангина муҳим эмас, балки бу механизм ички талабни рағбатлантириш жиҳатидан ҳам зарур. Шунга кўра ҳам Осиёнинг етакчи мамлакатларида ЯИМда давлат бюджети ҳиссасининг ошиб бориши эҳтимолдан холи эмас. Халқаро молия ташкилотларининг тавсиясига кўра бюджет тақчиллигининг камайиши инфляцияга қарши курашда ҳам қўл келиши мумкин.

Ҳиндистонда баҳо сиёсатининг муҳим қуроли баҳолар ўзгариши устидан қаттиқ назорат ўрнатилганлигидир. Истеъмолчилар ва ижтимоий тақсимот ишлари бўйича вазирлиги кундалик эҳтиёж маҳсулотларининг 27 тури чакана баҳолари устидан ҳафталик мониторинг олиб боради. Биринчи даражадаги зарур эҳтиёж маҳсулотларининг 12 тури чакана баҳолари бўйича кундалик мониторинг юритилади. Зарур бўлган ҳолатларда ҳукумат ҳузуридаги баҳолар бўйича Қўмита қарор қабул қилади. Баҳолар барқарорлигини ушлаб туришда дон, ёқилғи, электр энергияси каби қатор муҳим маҳсулотлар баҳолари бўйича давлат субсидияси жиддий роль ўйнайди.

Баҳолар барқарорлиги қатор афзалликлар беради. Инфляцияга қарши курашдан ташқари банк фоизи ставкасини пасайтириш

имконини ҳам яратади. Қулайроқ кредит орқали жамғариш муаммосини ҳал қилиш, истеъмол талабини кенгайтиришга эришиш мумкин. Ташқаридан молиявий ресурсларни жалб қилиш заруратини ҳам қисқартиради. Молиявий барқарорлик, ўз навбатида, чет эл инвестициясига нисбатан танлов орқали ёндашини имкониятини беради.

Хитойда молиявий барқарорликка ва инфляцияни жиловланга маъмурий дастаклардан кенг фойдаланиш ҳисобига эришилди. Дон маҳсулотлари баҳолари барқарорлиги учун ҳудудларнинг губернаторлари, сабзаёт баҳолари учун эса шаҳар мэrlари шахсан жавоб беради.

## V Б О Б . О С И Ё М А М Л А К А Т Л А Р И Ж А Ҳ О Н И Қ Т И С О Д И Ё Т И Д А

### И Қ Т И С О Д И Ё Т Н И Н Г О Ч И Қ Л И Г И

Мамлакатларнинг минтақавий ва глобал иқтисодий тизимлардаги иштироки миллий иқтисодиётларнинг очиклик даражаси билан белгиланади. Иқтисодиётнинг очиклиги, одатда, ташқи савдонинг ЯИМга нисбати, яъни ЯИМнинг ташқи савдога боғлиқлик коэффициенти деб аталадиган кўрсаткич билан белгиланади. Бу ҳақда Ж. Стиглиц шундай ёзади: «Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг ўсиши иқтисодиётнинг бир қатор очиклик кўрсаткичлари – ташқи савдонинг ЯИМга нисбати, импорт тарифларининг ўртача даражасига боғлиқ» (Stiglits, Jozef T. Towards a New Paradigm for Development: Stategies Policiesand Process Predish lecture at VNCTAD, 1998, Geneva, October 19).

Хитой ва янги индустриал давлатлар иқтисодиётнинг очиклигига эришгандан кейингина жиддий иқтисодий ўсишга эриша бошладилар. 1978 йилда, масалан, Хитойнинг ташқи савдо айланмаси Тайванниқидан ҳам 12 фоизга кам миқдорда эди. Ташқи савдо ҳажми мамлакат ЯИМининг 9,5 фоизини ташкил этар эди. Хитойнинг кейинги 30 йиллик ривожланиши давомида ЯИМнинг йиллик ўртача ўсиш суръатлари 9,9 фоиз бўлса, ташқи савдо йилига 16,3 фоизга ўсди. Ўзбекистонда ЯИМ (ҳарид қобилияти паритети бўйича) 1990–2010 йиллар мобайнида 3,4 мартага ўсган бўлса, ташқи савдо айланмаси бу йиллар ичида 27,1 мартага ўсди. Шундан экспортнинг ўсиши 29,5, импортники 24,2 мартани ташкил этди. Ташқи савдо ижобий сальдосининг ўсиши 53 мартага етиб, мамлакат олтин-валюта захираларининг ишончли ўсишини, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлади (Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990–2010 гг.) и прогнозы на 2011–2015 гг. Статсборник. –Т.: «Ўзбекистан», 2011. – С. 57.).

Ҳозирги шароитда мутлақо ёпиқ иқтисодиёт бўлмаганидек, мутлақо очик иқтисодиёт ҳам йўқ. Барча мамлакатлар ўз миллий товар ишлаб чиқарувчиларини у ёки бу даражада ҳимоя қилади. Протекционизмга асосланган «миллий эгоизм», айниқса, глобал молиявий-иқтисодий инқироз давомида яққолроқ намоён бўлди. Мамлакатнинг очик ёки ёпиқликка мойиллигини ифодалайдиган, экспорт квотасидан ташқари, яна бир мезон бу – турли мамлакатларда импорт тарифлари ўртача даражаси кўрсаткичидир. Ўтган асрнинг 30-йилларида, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам импорт тарифлари даражаси 32 фоиз эди. Ҳозир бу кўрсаткич 3–5 фоизга тушган Осиё давлатларида импорт тарифининг ўртача даражаси тахминан 10 фоизни ташкил этади. Аммо, бу кўрсаткич Ҳиндистонда юқори – 20 фоиз, янги индустриал давлатларда эса анча паст. Импорт тарифининг ўртача даражаси ХХР ва Корея Республикасида – 11, Таиландда – 9, Малайзияда – 8, Вьетнамда – 17 фоиз. Сингапур ва Гонконгга ёқилғи, сигарет ва спиртли ичимликлардан ташқари деярли барча товарлар божсиз киритилади. Қатор мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар баланд бож даражаси билан ҳимояланган. Корея Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотига тариф ставкаси 14 фоиздан ошади, Японияда – 20, Хитой ва Вьетнамда – 16, Тайванда 13 фоиз. Айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларига Вьетнам ва Индонезияда импорт тарифлари 150–200, Тайвань ва Корея Республикасида, ҳатто 700–800 фоизга етади (Қаранг: Потапов М.А., Салицкий А.И., Шахматов А.В. «Экономика современной Азии». – М.: «Международные отношения», 2011. – С. 128.).

Мамлакатларнинг ривожланиш стратегиясини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босишга қаратилган стратегияни танлаган мамлакатлар. Биринчи гуруҳга Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларини, иккинчи гуруҳга Лотин Америкаси мамлакатларининг ривожланиш моделини киритиш мумкин. Жануби-Шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар, Ҳиндистон ҳам дастлаб импортнинг ўрнини босишга қаратилган стратегия йўлидан борган эди.

Ривожланаётган мамлакатлар томонидан ушбу ташқи савдо стратегиясининг танланишига олиб келадиган бир қатор сабаб-

ларни келтириш мумкин. Булардан энг муҳими – ривожланаётган мамлакатларда шаклланган ишлаб чиқариш ва экспорт таркибида хомашё маҳсулотлари устувор ўринни эгаллашидир.

Ташқи савдога кучли боғлиқлик, энг оддий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳам имкониятнинг мавжуд эмаслиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқариш ва экспорт таркибида хомашё товарларининг устувор ўринга эга эканлиги натижаси сифатида қаралади. Шу сабабли ривожланаётган мамлакатлар томонидан эркин савдога асосланган савдо стратегиясининг танланиши уларнинг хомашё ишлаб чиқаришга ихтисослашув даражасини янада кучайтиради. Бу эса, саноатлашув жараёнларига ва шундан келиб чиққан ҳолда, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имкониятини қисқартиради.

Ривожланаётган мамлакатлар томонидан импорт ўрнини босишга қаратилган савдо стратегиясининг танланишига олиб келган кейинги сабаб ҳам олдингиси билан боғлиқ бўлиб, импортчи мамлакатларда даромад бўйича ҳам, жаҳон нархлари бўйича ҳам хомашё товарларига бўлган талабнинг мослашиш даражаси паст. Шу сабабли, хомашё товарларини экспорт қилишдан олинadиган даромадлар юқори унумли асбоб-ускуналар ва технологиялар импортини кенгайтиришга йўл қўймайди.

Импорт ўрнини босишга қаратилган савдо сиёсатининг танланишига олиб келадиган яна бир сабаб шундаки, ривожланаётган мамлакатларда ишчи кучи кўпроқ қишлоқ хўжалигида банд бўлади. Бу тармоқда меҳнат унумдорлиги паст бўлганлиги сабабли, умуман, иқтисодийёт бўйича меҳнат унумдорлигини ошириш учун жадал саноатлашув зарур.

Айни пайтда, илк саноатлашув босқичида, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш инвестицион маҳсулотлар импортини сезиларли даражада оширишни тақозо этади. Шу сабабли саноатлашув сиёсатини амалга оширишда инвестицион ва бошқа оралик маҳсулотлар импортига бўлган талаб юқори суръатларда ўсади, аммо валюта тушуми унга мувофиқ равишда ўса олмайди. Шунинг учун импорт билан рақобат қила оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш орқалигина жадал иқтисодий ўсишга эришиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, импорт ўрнини босувчи савдо стратегияси тарафдорлари томонидан келтири-

ладиган асосий далил шундан иборатки, ривожланаётган мамлакатларда жадал иқтисодий ўсишни таъминлаш учун импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва шундан келиб чиққан ҳолда, халқ истеъмоли маҳсулотлари импортига сарфланадиган хорижий валюталар миқдорини камайтириш ҳамда тежаб қолинган валюта маблағларини инновацион товарлар сотиб олишга йўналтириш лозим. Мазкур қараш тарафдорлари фикрича, айнан хорижий валюта маблағларининг «тақчиллиги» иқтисодий ўсиш суръатларининг паст бўлишига олиб келадиган асосий сабаблардан ҳисобланади.

Саноатлашувнинг илк босқичида миллий саноат харажатларининг юқорилиги туфайли катта тажрибага эга хорижий мамлакатлар корхоналари билан рақобатлаша олмайди. Шу сабабли миллий ишлаб чиқарувчилар янги саноат тармоқларига ўз капиталини сарфламайди. Шуни ҳисобга олиб, давлат уларни қўллаб-қувватлаши ва турли савдо чекловларига қулай шарт-шароит яратиб бериши лозим. Миллий саноат ишлаб чиқарувчилари «оёққа туриб олганидан» сўнг жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлайди. Шундан сўнг бундай чекловларни олиб ташлаш мумкин бўлади.

Импортни чеклашнинг энг кенг тарқалган усуллари жумласига валюта назорати, импортни лицензиялаш, юқори импорт тарифлари, миллий саноатга давлат инвестицияларини кенг миқёсда киритиш, импорт маҳсулотлари олиб кираётган корхоналарни турли солиқ ва бошқа имтиёзлардан озод қилиш ҳамда шу кабиларни киритиш мумкин.

Бирок, амалиёт юқоридаги фикрларнинг барчаси ҳам тўғри эмаслигини кўрсатди. Аксинча, экспортга йўналтирилган ташқи савдо сиёсатини танлаган Жануби-Шарқий Осиёнинг бир қатор мамлакатлари – Тайвань, Сингапур, Гонконг ва Жанубий Корея XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб иқтисодий саноатлаштириш, иқтисодий ривожланиш ва пировард натижада, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг юқори суръатларини намоён қила олди.

Хусусан, Тайванда XX асрнинг 50-йилларида саноат ишлаб чиқаришнинг қўшимча ўсиш суръатлари – 8,2 фоизни, 60-йилларида – 9,1 фоизни, 70-йилларида – 10,2 фоизни, 80-йиллари-

да – 8,2 фоизни, 90-йилларида 9,2 фоизни ташкил этди. Нагигада, 2001 йилга келиб, Тайваннинг ялпи ички махсулоти 374,4 миллиард АҚШ долларига етди, яъни тахлил қилинаётган давр мобайнида 20 баробар ошди. Киши бошига тўғри келадиган ялпи ички махсулот миқдори эса 137 баробар (145 доллардан 19870 АҚШ долларигача) ўсди (Черников Г.П. Мировая экономика. –М.: Дрофа, 2003. – С. 376.).

Шундай манзарани бошқа янги индустриал мамлакатларда ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, Жанубий Корея қисқа давр мобайнида қишлоқ хўжалиги устувор ўринга эга бўлган қолоқ давлатдан ривожланган мамлакат даражасига эришди ва ОЭСР аъзосига айланди. Фақат 1975–2002 йиллар давомида мамлакат ялпи ички махсулоти 17 баробар: 1975 йилдаги 48, 2 миллиард доллардан 2002 йилда 817,5 миллиард долларга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдори эса 1366 доллардан 16960 долларгача ўсди.

Экспортга йўналтирилган ташқи савдо сиёсатининг асл мақсади ҳам мамлакат иқтисодиётини саноатлаштиришдан иборатдир. Бироқ бунга ташқи савдо чеклашлари ва импортни дискриминациялаш ёрдамида импортни миллий ишлаб чиқариш билан алмаштириш воситасида эмас, балки иқтисодиётнинг очиклик даражасини ошириш, ташқи савдони эркинлаштириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш йўли билан эришилади. Бошқача айтганда, экспортга йўналтирилган савдо стратегиясидан принципаал фарқли жиҳати – унинг очик иқтисодиёт тамойилларига амал қилишидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, демак, иқтисодиётнинг очиклик даражаси деганда, энг аввало, мамлакатнинг халқаро савдога жалб этилишидан кўра, ташқи савдо операцияларини амалга оширишда савдо чекловларининг жорий этилиш даражаси тушунилади. Чунки, жахон тажрибаси шуни кўрсатадики, экспортнинг ЯИМга нисбати ташқи савдони эркинлаштирилганлик даражасидан кўра мамлакатнинг йириклиги-ю, табиий-иқтисодий ресурслар билан таъминланиш даражасига кўпроқ боғлиқ. Масалан, АҚШда экспортнинг ЯИМдаги улуши 16–18 фоизни, Европа Иттифоқида 15–20 фоизни ташкил этади. Айни вақтда кучли протекционизм сиёсатини юритувчи айрим ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 30 фоиздан ошади.

Экспортга йўналтирилган савдо стратегияси экспортни кенг кўламда субсидиялаш деган маънони англатмайди. Одатда, экспортни кенг кўламда субсидиялаш экспорт хажмининг ошишига олиб келмайди. Чунки, экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар нархининг пасайтирилиши миллий валюта алмашинув курсининг ошишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, экспортнинг пасайишига ва импортнинг рағбатлантирилишига олиб келади. Шу сабабли ҳозирги кунда экспортга йўналтирилган савдо стратегияси деганда, эркин савдо тамойиллари асосида юритиладиган сиёсат тушунилади. Бошқача айтганда, экспортга йўналтирилган иқтисодиёт моҳияти импорт ўрнини босувчи сиёсий мойилликка барҳам бериш ва давлатнинг ташқи савдога нисбатан нейтрал позицияда туришидан иборатдир. А. Харрисон таъкилаганидек, «савдо сиёсатига нисбатан очиклик концепцияси нейтраллик ғоясининг синонимидир» (Harrison A. Openness and grows: a time series, cross – country analysis for developing countries. – National Bureau of Economic Research, Working Paper № 5221, PP 2–3.).

Нейтрал ташқи савдо сиёсати давлат ташқи савдога умуман аралашмайди, дегани эмас, албатта. Аксинча, экспортга йўналтирилган савдо сиёсатини танлаган мамлакатларда муваффақиятларга кўп жиҳатдан давлатнинг фаол иштироки билан эришилади. Бироқ, ушбу мамлакатларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатдаги муайян соҳалардаги афзалликларга асосланган.

Маълумки, импорт ўрнини босиш стратегиясини танлаган мамлакатлар узоқ истиқболда юқори самарага эришишдан умид қилган эди. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатадики, айнан экспортга йўналтирилган ташқи савдо стратегияси узоқ истиқболда ана шундай улкан самаралар беради. Импорт ўрнини босишга қаратилган ташқи савдо сиёсатини танлаган мамлакатларда инфляциянинг юқори даражаси, жамғариш ва инвестициялардан олинадиган самаранинг пастлиги, шунингдек, ташқи қарз ва тўлов баланси билан боғлиқ муаммолар иқтисодий ўсишнинг паст бўлишига олиб келди. Бир сўз билан айтганда, импорт ўрнини босувчи савдо стратегияси асосий мақсад – аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, йиллар ўтиши билан миллий саноатни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муаммолар тобора кескин-

лашиб борди. Давлат томонидан турли йўллар билан қўллаб-қувватланган саноат тармоқлари жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражасига етмади. Бунинг устига ушбу тармоқлар бутун иқтисодиётнинг бесамар фаолият кўрсатишига сабаб бўлди.

Айни вақтда экспортга йўналтирилган ташқи савдо стратегиясини танлаган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, экспортни рағбатлантириш сиёсатини ишлаб чиқариш ҳамда экспорт таркибини диверсификациялаш ва шундан келиб чиққан ҳолда, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Экспортни рағбатлантириш сиёсати орқали янги индустриал мамлакатлар хомашёни экспорт қилувчилардан тайёр маҳсулотларни экспорт қилувчига айланди ва жаҳон хўжалик тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Агар импорт ўрнини босувчи савдо сиёсатини танлаган мамлакатларда узок истиқболда 1,6 фоиз иқтисодий ўсишга эришилган бўлса, экспортга йўналтирилган савдо сиёсатини қўллаган давлатларда бу кўрсаткич 6–7 фоизни ташкил этди. Инвестициялардан олинган самара импорт ўрнини босувчи сиёсатни танлаган мамлакатларда экспортга йўналтирилганлик савдо сиёсатини танлаган мамлакатларга нисбатан икки баробар паст бўлди. (Трушин Э., Эргашев Б. Внешнеторговая политика: выбор стратегии для Узбекистана. –Т.: «Экономическое обозрение», 2000, № 1. – С. 11).

Шу боис ҳам бугунги кунда экспортга йўналтирилган ташқи иқтисодий сиёсатнинг афзаллиги кўпчилик томонидан тан олинган. Бу сиёсат миллий иқтисодиётнинг очиклигини таъминлашда, глобал иқтисодиётга интеграциялашувда муҳим аҳамиятга эга. 2008–2009 йилларда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиш йўлларида бири сифатида протекционизм сиёсатига барҳам бериш кўрсатилгани ҳам тасодиф эмас. Импорт ўрнини босишга қаратилган ташқи савдо сиёсати индустриаллаштириш босқичига кирган ёш суверен давлатларда миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаб олгунга қадар вақтинча ўтказиладиган иқтисодий сиёсатдир.

Иқтисодиётнинг очиклиги пировард натижада мамлакатлар ва минтақаларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятининг ошувига олиб келади. Агар 1950 йилда Осиёнинг ўрни жаҳон

экспортда 10 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1970 йилда – 16, 1980 йилда – 21, ва 2010 йилда 33 фоиздан ошиб кетди. Қитъа мамлакатлари 1950 йилда жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 10 фоизини берган бўлса, 2010 йилда унинг ярмидан кўпрогини берди.

Осиёнинг жаҳон хўжалигидаги аҳамиятининг ошаётганлиги ташқи савдо, капитал ва хизматлар экспорти, инвестицион ва валюта-молиявий фаолликда ёрқинроқ намоён бўлади.

### ТАШҚИ САВДО

Мустақилликни қўлга киритган Осиё давлатларига саноатни индустриалаштириш ва модернизациялаш учун ташқи иқтисодий алоқаларнинг аҳамияти бекиёс даражада катта эди. Шу мақсадда улар ташқи иқтисодий алоқанинг капитал ва хизматлар импорти ва экспорти, технологиялар савдоси, саноат кооперацияси, илмий техника ҳамкорлиги, электрон савдоси каби янги-янги шаклларида унумли фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Лекин, барибир ташқи иқтисодий алоқаларнинг Осиё учун энг асосий шакли ташқи савдо бўлиб қолди. Кейинги тўрт ўн йиллик давомида экспорт юқори суръатларда мунтазам ўсди. Агар 1948 йилда ХХРнинг жаҳон маҳсулотлари экспортидаги ҳиссаси 0,9 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилда 10,4 фоизни ташкил этди. Сингапур, Малайзия, Тайвань, Гонконг, Таиланд, Корея Республикасидан иборат олтиликнинг улуши, бу давр ичида қарийб 3 мартага ўсди. Германия ва Япониянинг ҳиссаси эса 6–10 мартага ошди. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари – Баҳрайн, Исроил, Иордания, Ироқ, Эрон, Яман, Қатар, Кувайт, Ливан, БАА, Оман, Саудия Арабистони ва Суриянинг жаҳон савдо экспортидаги қўшма ҳиссаси 3,3 мартага ошди. Бир қатор дунёнинг йирик мамлакатларининг жаҳон экспортидаги улуши, бу йиллар ичида мунтазам пасайиб келди: бу пасайиш Ҳиндисонда 1,8, АҚШда 2,6 ва Буюк Британияда 4,2 баробарни ташкил этди (Қаранг: *International Trade Statics 2010*. Geneva: WTO, 2010. P. 14; *World Trade 2010 und Prospects for 2011*. Geneva: WTO, 2011. pp. 19, 21.).

Энди жаҳон маҳсулот импортига келадиган бўлсак, бу бозорда ҳам жиддий силжишлар кўзга ташланади. ХХРнинг жаҳон маҳсулот импортидаги улуши 0,6 фоиздан 9,1 фоизга, олтилик-

ники 3,5 фоиздан 7,9 фоизга, Японияники 1,1 фоиздан 4,6 фоизга, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида икки баробардан зиёдроқ, Германияда уч баробардан ортиқроқ ўсди. Бу ҳолатни тўғри тенденция сифатида қабул қилиш лозим. Чунки ташқарига маҳсулот чиқмаса, ичкарига муайян товар ёки хизмат кириши қийин. Ёки аксинча. Аммо АҚШда экспорт ва импорт ўртасидаги нисбат деярли сақланган бўлса, Буюк Британиянинг жаҳон маҳсулот импортидаги ҳиссаси 3,6 баробар пасайди. Бу мамлакатлар орасида ХХР ва Японияда жаҳон товар экспорти товар импортига нисбатан устунроқ ўсиш тенденцияси кўзга ташланади. Бу ҳолат уларда анчадан буён фаол савдо баланси мавжудлигидан дарак беради. ХХРда бу тенденция аср бошидан фаоллашди. Японияда эса, бу тенденция нотекис кечаётганини айтиб ўтиш мумкин (International Trade Statics 2010. Geneva: WTO, 2010. P. 14; Word Trade 2010 und Prospects for 2011. Geneva: WTO, 2011. pp. 19, 21).

Кейинги 15 йил ичида қатор минтақавий ва глобал инқирозларга қарамадан Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида экспорт ҳажми мунтазам ўсмоқда. Экспорт ҳажми бўйича ХХР жаҳоннинг етакчи мамлакатига айланди. У 2003 йилда Японияни, 2006 йилда АҚШни, кейин эса, Германияни бу кўрсаткич бўйича орқада қолдирди. Бу ерда яна бир парадоксал ҳолат кўзга ташланади. Экспортни жонлантиришда кўпчилик Осиё мамлакатлари хомашёга нархнинг бир неча бор ошишидан фойдаландилар. Углеводородларга жаҳон нарх-навосининг ошишидан, айниқса, нефть экспорт қилувчи араб мамлакатлари ютди. Санкцияларга қарамадан Эрон ҳам ана шу омилдан фойдаланди.

Аммо ХХР ва янги индустриал мамлакатлар, Малайзия ва Индонезияни ҳисобга олмаганда, нефть ва табиий газга у қадар бой эмас. Электрон саноати товарларига ҳам деярли нарх ўзгармади. Шуларга қарамадан жаҳон экспортида ХХРнинг ҳиссаси 10 фоиздан ошди. Хўш, унда бу ерда қайси омиллар асосий роль ўйнамоқда?

Балки, сабаб мамлакат экспортининг барқарорлиги-ю, жаҳондаги инқирозлар таъсиридан анча йироқлигида ва маҳсулот экспорти ассортиментининг хилма-хиллиги, яъни экспортнинг диверсификациялашиш даражасидадир?!

Осиё мамлакатларида ташқи савдонинг юқори ўсиш суръатлари миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини қайта куриш

баробарида кечмоқда: ишлов берувчи саноатнинг ҳиссаси ортиб, жамғариш меъёри ўсмоқда. Бу муҳим позитив ҳолат, ўз навбатида, хўжаликлар байналмилаллашган секторининг кенгайиши ва махсус иқтисодий ҳудудлар билан биргаликда ташқи савдо таркибини ўзгартиришга олиб келмоқда. Натижада қитъа мамлакатлари экспортда қайта ишлаш саноати маҳсулотлари ҳиссаси муттасил ўсмоқда. 1985 йилда Хитойда бу маҳсулотларнинг ҳиссаси мамлакат экспортида 49 фоиз эди, ҳозир эса 96 фоизга етди. Янги индустриал мамлакатларда бу кўрсаткич янада баланд. Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида Бангладешда экспортнинг 80 фоизи биргина канопдан иборат эди. Энди эса мамлакат ташқарига чиқараётган маҳсулотларнинг 75 фоизи тайёр кийим-кечак ва трикотаждан иборат. Таиланд ва Ҳиндистонда саноат маҳсулотларининг экспортдаги ҳиссаси 80 фоиздан ошади. Индонезияда ишлов берувчи саноатнинг экспортдаги ҳиссаси кейинги уч ўн йилликда 20 фоиздан 70 фоизгача кўтарилди. Туркияда ҳам бу кўрсаткич 75 фоиздан ошиб кетди.

Янги индустриал мамлакатлар экспортининг ўсишига электрон саноати, иқтисодиётнинг ахборот-коммуникация тармоғининг жадал ривожланиши катта туртки бўлди.

Кейинги йилларда Осиё мамлакатларида углеводород ёқилғисини ташқарига чиқариш ва ташқаридан олиб кириш анча кенгайди. У саноат ишлаб чиқаришининг юқори суръатлари, аҳоли турмуш даражасининг кўтарилгани, авто-авиа паркиннинг ўсганлиги билан изоҳланади. Ҳозирги пайтда жаҳон углеводород экспортининг 40 фоизи ва унинг импортининг учдан бир қисмидан кўпроғи Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Нефть импортига харажатлар қитъа мамлакатлари ялпи экспорти харажатларининг 10 фоизини ташкил этади. Фақат Ҳиндистонда бу кўрсаткич юқори – 40 фоизга яқин. ХХР бир вақтнинг ўзида нефть маҳсулотларининг Саудия Арабистони ва Эрондан кейинги экспортёри ва биринчи ўриндаги импортёри ҳисобланади. Қитъадан экспорт қилинадиган нефтнинг 34,3 фоизи Саудия Арабистонига, 12,2 фоизи Эронга, 11,7 фоизи Хитойга тегишли. Қитъага ташқаридан киритиладиган нефть маҳсулотларининг 26,4 фоизи Хитойга, 21, 8 фоизи Японияга, 16,5 фоизи Ҳиндистонга, 14,8 фоизи Жанубий Корея ҳиссасига тўғри келади. Табiiй газнинг энг йирик экспортёрлари – Қатар,

Индонезия, Малайзия ва Туркманистон; энг йирик импортёрлари эса Япония, Жанубий Корея ва Туркия ҳисобланади (ОРЕК Annual Statistical Bulletin... (2005–2009). Vienna, 2006–2010).

Осиё мамлакатларида импортнинг ўсиш суръатлари экспортнинг ўсиш суръатларидан анча паст. Натижада янги аср бошидан Осиё мамлакатларининг олтин-валюта захиралари ҳажми тез суръатларда кўпайиб бормоқда. Ҳозир қитъа олтин-валюта захиралари умумий миқдори 6 триллион АҚШ долларидан ошди. Шундан 4 триллион АҚШ долларидан зиёдроғи Хитойга тўғри келади.

### ХИЗМАТЛАР САВДОСИ

Осиё мамлакатларида хизматлар экспорти ва импорти ташки савдодагидек фаол эмас. Бу соҳада АҚШ, Германия ва Буюк Британия жаҳонда етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Жаҳон бўйича жами хизматлар экспортида АҚШнинг ҳиссаси 14,1 фоиз, импортида 10,2 фоиздан иборат. Бу кўрсаткичлар Германияда – мувофиқ равишда 6,3 ва 7,3 фоиз, Буюк Британияда – 6,2 ва 4,5 фоизни ташкил этади. Бу соҳада қитъада Хитойдан кейинги ўринларда Япония, Ҳиндистон, Сингапур, Гонконг ва Корея Республикаси турибди. Жаҳон хизматлар экспортида Хитойнинг ўрни 4,6 фоиз, импортида 5,5 фоиз. Умуман, Осиё мамлакатларининг жаҳон тижорат хизматлари айирбошлашидаги ҳиссаси 25 фоизни ташкил этмоқда (World Trade 2010 and Prospects for 2011. Geneva: WTO, 2011. P.23).

Хизматлар халқаро савдосида Ҳиндистоннинг аҳамияти жадал ортмоқда. Унинг муҳим қисми бўлиб, бу мамлакатда дастурлар билан таъминлаш экспорти ҳисобланади. Бу хизматлар савдосининг миқдори ўтган ўн йилликда 7 миллиард АҚШ долларидан 40 миллиард АҚШ долларига етди. Хитойда хизматлар экспорти юқори суръатларда ўсмоқда. Гонконгда хизматлар мамлакатнинг асосий секторига айланган.

Кўпчилик Осиё мамлакатлари учун хизматлар халқаро савдосида тақчил соҳалар транспорт ва алоқа, суғурталаш, патент ва лицензиялар бўлиб қолмоқда. Сайёҳлик ва қурилиш ишлари бўйича ижобий сальдо кузатилмоқда.

## ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК

Тўғридан-тўғри, бевосита инвестициялар Осиё мамлакатлари байналмилаллашган иқтисодиёти секторининг барпо бўлиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнади. Инвестициялар капитал ва технологиялар тақчиллигини тўлдириб, бандликнинг ўсишига, жамғаришнинг маҳаллий манбаларини сафарбар қилишга, экспорт даромадларини оширишга ижобий таъсир кўрсатди. Чет эл капиталининг киришини миллий иқтисодиётнинг очиклиги ва рақобатбардошлик кўрсаткичларидан бири сифатида қабул қилиш лозим.

Бевосита инвестицияларнинг икки шакли бир-биридан фарқланади. Биринчиси – одатда, қўшиб олиш ва ютиб юбориш орқали амалдаги корхонани эгаллаш. Иккинчиси – янги объектларни куриш ва ишга тушириш. Биринчи шакл ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган бўлса, иккинчи шакл ХХР ва бошқа кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда учрайди.

1980–1990 йилларда деярли барча Осиё мамлакатларида чет эл капиталини жалб қилиш, унинг фаолият кўрсатиш шароитини либераллаштиришга қаратилган қонунчилик актлари қабул қилинди. Ташқи бозорга йўналтирилган чет эл иштирокидаги корхоналар солиқ ва божхона қўшимча имтиёзларига эга бўлдилар. Бевосита инвестицияларнинг сезиларли таъсири, айниқса, биринчи ва иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар иқтисодиётида кўринди. 10 йил ичида бу мамлакатларга йиллик капитал маблағларнинг кириб келиши 13,2 миллиард АҚШ долларидан 38,5 миллиард АҚШ долларига етди.

Бевосита инвестицияларнинг янги индустриал мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Сингапур ва Гонконгда капитал қўйилмалар умумий миқдорида чет эл капиталининг улуши 80–90 фоизни ташкил этгани ҳолда, Малайзияда бу кўрсаткич 15 фоиздан ошмайди.

Янги асрда Саудия Арабистони, БАА ва Туркия иқтисодиётига бевосита инвестицияларнинг кириб келиши ўсди. Шу билан бирга Жанубий Осиё мамлакатларига, жумладан, Покистон, Шри-Ланка ва Бангладеш иқтисодиётига унинг кириши суст. Гап шундаки, бевосита чет эл инвестициялари ҳаракати инқирозлар, айниқса, нотинчлик ва беқарорликни хуш кўрмайди. Умуман, чет

эл капитали Осиё иқтисодиётига инвестицияларнинг 10 фоизини таъминлайди. Охирги глобал инқироз йилларида бу кўрсаткич 7 фоизга тушди. Бевосита инвестицияларнинг ҳиссаси Иордания, Саудия Арабистони ва Ливанда баланд. Бевосита инвестицияларнинг кириб келишига нафақат ишчи кучининг арзонлиги, шу билан бирга маҳаллий бозорнинг ҳажми ҳам таъсир кўрсатади.

Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг ривожланиши, жамғаришнинг ўсиши уларни, ўз навбатида, капитал экспортёрларига ҳам айлантиради. Демак, Осиёда инвестицион фаоллик икки томонлама характерга эга. Япония, янги индустриал давлатлар, Хитой ва Ҳиндистон ҳозир фаол халқаро инвесторлар ҳисобланади. Япониянинг бевосита инвестициялари ривожланган мамлакатларга қаратилган. Жанубий Кореянинг инвестициялари эса географик диверсификациялашган. Тайвань, Гонконг ва Сингапур ўз капиталининг асосий қисмини Осиё мамлакатларининг ўзига йўналтиришга ҳаракат қилади. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаётган ва фаол ташқи савдо балансига эга Хитойнинг инвестицион нуфузи ниҳоятда юқори.

### ВАЛЮТА-МОЛИЯ ҲАМКОРЛИГИ

Халқаро валюта-молия муаммоларига муносабат Осиёда ҳам, жаҳонда ҳам бир хил эмас. Айниқса, 1997–1998 ва 2008–2009 йилларда бошланган минтақавий ва глобал молиявий-иқтисодий инқирозлар бу борадаги қарашларни остин-устан қилиб ташлади. ASEAN мамлакатлари валюта иттифоқини тузиш ва Сингапур доллари ёки янги жамоа валюта бирлиги асосида Осиёнинг ягона валютасини жорий қилиш таклифи муҳокама қилинди. Япон иенаси ёки Хитой юани асосида Осиё валютасини киритиш гоёси ҳам илгари сурилди.

Шу билан бирга Осиё валюта фондини (ОВФ) таъсис этиш гоёси ҳам пайдо бўлди. Япония томонидан илгари сурилган бу таклиф АҚШ ва Халқаро валюта фонди томонидан қаршиликка учради. Миллий валюталарнинг барқарорлигини таъминлаш, валюта-молиядаги инқирозли ҳолатларни мустақил ҳал қилишга қаратилган бу гоё АҚШ бошчилигидаги Ғарб мамлакатлари томонидан маъқулланмади. Гўё ОВФнинг тузилиши ХВФ тамойилларига зид бўлади ёки унинг ишини такрорлайди.

Бундай шароитда Шарқий Осиё мамлакатлари келажакдаги инқироз хавфига қарши курашиш мақсадида валюталарни сотиш ва харид қилиш минтақавий механизмини шакллантиришга фаол киришиб кетдилар. Япония ASEAN мамлакатлари валюта бозорини чайқовчилик ҳужумларидан ҳимоя механизми сифатида аъзо мамлакатлар марказий банкларида махсус ҳисобрақамларида, асосан, АҚШ долларидан иборат ликвидли депозит жойлаштиришни таклиф этди. Пул қатнашчилари зарур ҳолатларда зарар кўрган мамлакат бозориди, унинг миллий валютасини мустақкамлаш учун бу воситаларни сотишга рухсат бериши мумкин эди. Бу ҳамкорлик келишуви кейинчалик «Чиангмай ташаббуси» деган ном олди. Битим қатнашчилари миллий валютани конвертация қилишнинг кенгайтирилган минтақавий тартибини барпо этишга келишиб олдилар. Ташаббус охир-оқибатда марказий банкларнинг икки томонлама келишувларида ўз аксини топди.

Минтақавий валюта ҳамкорлиги борасидаги амалий қадамлардан бири Осиё тараққиёт банкнинг Осиё валюта ҳисоб бирлигини яратишга қарор қилганлиги бўлди (АСУ). 2005 йилда Шимоли-Шарқий Осиё молиявий Кенгаши тузилиб, унинг ишида Хитой, Япония ва Жанубий Корея ҳам фаол қатнашадиган бўлди.

Валюта-молия муаммолари бўйича Хитой – Ҳиндистон кўшма комиссияси иш бошлади. Валюта-молия тартибини мустақкамлаш ва уни минтақавий даражада мувофиқлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бекор кетмади. Осиё мамлакатлари, хусусан, Хитойнинг олтин-валюта захиралари Осиё ва глобал молиявий-иқтисодий инқирозлар таъсирини юмшатишда катта роль ўйнади. Хитой молиявий донорга айланди. Унинг имтиёзли кредитларидан ASEAN ва Марказий Осиё давлатлари баҳраманд бўлмоқда.

## VI БОБ. ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ МИНТАҚАВИЙ ВА ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРДА

### МИНТАҚАЛАШУВНИНГ ЗАРУРАТЛАРИ

Осиё мамлакатлари ўзаро минтақалашувга иқтисодий зарурат туфайли кириб келдилар. Иқтисодий ўсиш тақозоси борган сари бу заруратни кун тартибига қўяётган эди. Ғарбнинг мустамлака сиёсати оқибатида Осиёдаги катта-кичик давлатларнинг хўжалиги бир томонлама ривожланиб, улар метрополияга хомашё етказиб бериш манбаларига айланиб қолган эди. Сиёсий мустақилликни қўлга киритиб, саноатни индустриалаштиришни бошлаган мамлакатлар ички бозор сиғимининг торлигига дуч келдилар. Бу, айниқса, нисбатан кичикроқ мамлакатларда аниқроқ намоён бўлди. Бунинг устига Ғарбдаги интеграцион жараёнлар фаоллашиб бораётганлиги ҳам қитъа мамлакатларининг, аввало, ўзаро кооперация алоқаларини ўрнатишга рағбатлантирди. Бу ҳаракат кейинчалик «минтақалашув» номини олди. Бу борада ОРЕК (унинг таркибида еттига қитъа мамлакатлари – Саудия Арабистони, Эрон, Ироқ, БАА, Кувайт, Қатар ва Индонезия бор) тажрибаси ҳам қўл келди. Тўғри, Европадан фаркли ўлароқ, Осиё интеграциясига турли хил низо ва жанжаллар, мамлакатлар иқтисодий тараққиёти ўртасидаги катта фарқлар тўсиқ бўлиб турарди.

Бу тўсиқларга қарамасдан 1967 йилда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Ассоциацияси (ASEAN) ташкил этилди. Аста-секин мустақамланган ва кенгайган бу ташкилот аср бошида Осиёнинг йирик ва таъсирчан минтақавий гуруҳига айланди. 1985 йилда ташкил этилган Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик Ассоциацияси, Форс кўрфазидagi араб давлатлари ҳамкорлиги бўйича Кенгаш ишлари фаоллашди. 2001 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти иш бошлади. Минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашда 1947 йилда ташкил этилган БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси муҳим роль ўйнай бошлади.

«Минтақалашув» иқтисодий ҳаётдан мустаҳкам жой олиб, қўшни мамлакатлар ўртасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш маъносини бера бошлади. Минтақалашув глобаллашувдан фарқ қилса-да, аммо унга зид тушунча эмас, аксинча, биринчиси иккинчисини тўлдиради. Минтақалашув глобаллашув жараёнидаги бир босқич ҳисобланади. Глобаллашув жаҳон хўжалик алоқаларининг барча қатнашчилари учун уларнинг реал салоҳиятидан катъи назар, ўйин қоидаларини бирхиллаштириш (унификациялаш)ни тақозо этади. Минтақалашув эса қўшни мамлакатлар ўртасида алоҳида иқтисодий алоқалар ўрнатишни билдиради. Қўшни мамлакатлар ўртасидаги алоқалар преференциал, яъни имтиёзли, масалан, бож ундирилмайдиган, кўпроқ қулайлик тартибини яратиш таъмоийлига асосланган бўлиши мумкин.

Минтақалашув узоқ муддатли жараён. Ғарбий Европада минтақалашув 50 йилдан ортиқ вақт мобайнида, ҳозирги пайтда 28 та мамлакатни ўз ичига олиб, интеграция даражасига ўсиб ўтди. Божхона Иттифоқи ҳам худди ана шундай мақсадларни кўзда тутди. Маълумки, иқтисодий интеграция ҳақида фақат минтақавий гуруҳлашган мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимоти ва саноат кооперацияси юқори даражага етган ҳолатдагина гапириш мумкин. Худди ана шу ҳолатдагина интеграция жараёни чуқурлашади. Аммо ASEANга кирувчи мамлакатлар ўртасида ички хўжалик консолидацияси ҳали анча саёз, контрагентлар ўртасидаги ишлаб чиқариш ва даромадлар даражасидаги фарқлар жиддий. Мисол учун Сингапур ва Мьянма ўртасидаги тафовутларни кўрсатиш мумкин. Тўғри, Евроиттифоққа кейин қўшилган постсовет ва постсоциалистик мамлакатлар билан Германия, Англия, Франция ўртасида ҳам катта тафовутлар мавжуд. Чунки, ҳар қандай минтақалашув сиёсий манфаатларни ҳам кўзда тутди.

Осиёда минтақавий ҳамкорликка бошқа ҳолатлар характерли бўлиб, унинг ўз қонуниятлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари бор. Бу ерда ҳамкорлик алоқалари Ғарбдаги сингари интеграцияга олиб келмаслиги ҳам мумкин. Улар миллий суверенитетнинг бир қисмини ҳеч қачон миллий ҳокимиятдан устун турадиган ташкилотга бериб қўймасалар керак. Европада эса ундай эмас. 2014 йилда Украинадаги воқеалар сабабли жиддий ҳолат юзага

келди. Украинани четлаб Россиядан Европага ўтадиган «Южный поток» газ қувурига қўшилиш ёки қўшилмаслик масаласини ҳам, Франциянинг Россия буюртмаси бўйича тайёрлаган вертолёт ташувчи «Мистраль» ҳарбий кемасини бериш ёки бермасликни ҳам, Россияга қарши санкция эълон қилиш ёки қилмасликни ҳам миллий давлатлар ўзларидан юқорида турадиган Евро орган билан келишиб амалга оширишлари шарт эди. Бу масалаларни уларнинг ўзлари мустақил ҳал қилишлари мумкин эмас эди. Демак, интеграциялашган давлатлар ўз суверенитетларининг бир қисмидан воз кечишлари керак.

Шарқда минтақалашувдан бош мақсад икки ва кўп томонлама савдо преференцияси бўйича келишувни назарда тутати. Бу ерда иқтисодий манфаатлар, мақсадга мувофиқлик сиёсатдан устун.

Ўз навбатида, глобаллашув ва ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи фаолиятни либераллаштириш сиёсати минтақавий ҳамкорликка янги куч ва имконият берди. 1994 йилда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг вужудга келиши преференциал, минтақавий келишувларнинг авж олиши билан кечди. Натижада ўтган ўн йилликнинг охирида ASEAN доирасида халқаро савдонинг учдан бир қисми преференциал тамойилда амалга ошди. Евроиттифоқда бу кўрсаткич 66 фоизга тенг бўлди.

Шундай қилиб, Осиё мамлакатларининг ташқи савдо фаолияти минтақа ичидаги ва ундан ташқаридаги қисмларга ажратиладиган бўлди. Ўтган икки ўн йилликда (1990–2009 йй.) Хитойнинг минтақа мамлакатлари билан экспорт алоқалари 71 фоиздан 44 фоизга тушди. Шу вақтнинг ўзида Хитой ташқи савдосининг 37,4 фоизи АҚШ ва Евроиттифоқ ҳиссасига тўғри келди (Key Indicators for Asia and the Pacific – 2010. Asian Development Bank. Hong Kong: Oxford University Press, 2010 ([www.adb.org/statistics](http://www.adb.org/statistics))).

Бу ҳолат Хитой маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ошганлигидан далолат беради. Ташқи савдода минтақа мамлакатларининг устунлиги Тайвань, Сингапур ва Гонконгга хос бўлиб турибди. Лекин, бу ерда Гонконг алоҳида ҳолат ҳисобланади. Чунки, Хитойнинг экспорт ва импорт алоқаларида бу ҳудуд катта ўрин тутати.

Хитой экспортида Гонконг Евроиттифоқ ва АҚШдан кейин учинчи ўринда туради. Шунингдек, анча қашшоқ мамлакат-

лар ҳисобланадиган Мьянма, Лаос, Афғонистон ва Непалнинг ташқи савдосида ҳам ички минтақавий савдонинг ўрни катта. Умуман, Осиёда бу борадаги тенденция минтақа ичидаги савдо алоқаларининг ўсиб бориши билан характерланади. Нима учун?

Биринчидан, Вьетнам, Комбоджа, Лаос ва Мьянма каби иқтисодий жиҳатдан заиф мамлакатларга ривожланган мамлакатлардан кўра ёнидаги қўшни мамлакатлар бозорига чиқиш осонроқ эди.

Иккинчидан, минтақавий ҳамкорликни преференциал келишув асосида расмийлаштириш ва кенгайтириш қитъа мамлакатларининг индивидуал ва жамоа шаклларидаги музокара позициясини кучайтиради, ташқи ҳамкорлар билан ўзаро фойдали шартномалар тузишни осонлаштиради.

Учинчидан, минтақавийлашув кўпинча расмий ва норасмий тус оладиган чегараолди савдосини ривожлантиришда ҳам маълум аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, минтақа доирасида ўзаро преференцияларнинг берилиши эркин савдо тарафдорлари бўлган фритредерларни ҳам, шунингдек, протекционизм тарафдорларини ҳам қониқтиради. Биринчилар учун ташқи савдонинг янада эркинлашуви, шунингдек, минтақанинг боғхона ички тўсиқларининг олиб ташланиши натижасида инвестицион жозибадорлиги ошишининг аҳамияти катта. Протекционистлар эса минтақалашувни нисбатан кичикроқ доирада бўлса ҳам либераллаштиришга муқобил сифатида қабул қилади.

Барибир икки аср оралиғида ривожланаётган мамлакатлар ички бозори боғхона тарифи ҳимояси ривожланган мамлакатларникига қараганда анча баланд эди. Шунинг учун ҳам алоҳида минтақавий бирлашмаларнинг ташкил этилиши либераллаштириш оқибатида содир бўладиган глобаллашув жараёнининг салбий оқибатларидан ҳимояланиш усули сифатида қабул қилинади.

Кейинги йилларда ХХР ва Ҳиндистон ўртасида иқтисодий алоқалар мустаҳкамланмоқда. Ҳар иккала мамлакат ASEAN минтақавий гуруҳига кирувчи мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилади. Бу минтақавий ташкилотга қўшимча қатор уюшмаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Улар одатда биргалликда иқтисодий лойиҳалар билан шуғулланидилар. 1997 йилда

Ҳиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка, Непал, Бутан, Мьянма ва Таиланд бирлашмаси, 2003 йилда Бангладеш, Хитой, Ҳиндистон, Мьянма форуми ташкил топди.

### ЭРКИН САВДО ЗОНАЛАРИ

1992 йилда ASEAN доирасида эркин савдо зонаси (АФТА) ташкил қилишга келишиб олинган эди.

Минтақавий ёки преференциал келишув ўзаро савдода импорт божидан қисман ёки бутунлай воз кечишни назарда тутди. Бу бир неча мамлакатлар иштирокида эркин савдо зонасини (ЭСЗ) ташкил этишни билдиради. Бу келишувни преференциал дейишнинг маъноси шуки, бунда иштирокчилар бир-бирларига қўшимча тариф имтиёзларини беради, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бошқа аъзоларига нисбатан қулайроқ шароит яратиб бериш қондасидан бирмунча чекинади.

1990-йилларнинг бошида преференция 12700 товар турини қамраб олди. Уларнинг ярмига божхона божи 20–25 фоизга қисқартирилди. 1992 йилдаги Сингапур келишуви ягона преференциал тарифлар схемасини тасдиқлади. Пировард мақсад ўзаро савдода келиб чиқиш мезони қониқтирадиган барча товарларга божни 0–5 фоизга қисқартиришдан иборат эди. Бунинг учун буюм қийматининг камида 40 фоизи ASEANда ишлаб чиқарилган ёки қўшилган бўлиши шарт эди.

2000-йилларнинг бошида ASEANга кирувчи мамлакатларнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига божхона тўлови 0 дан 5 фоизгача туширилди. Божхона тўлови (божи) даражаси ассоциация доирасида ўртача 2,4 фоизгача камайтирилди. Шу билан бирга божхона ҳимояси даражаси барчада бир хил эмасди. Ички бозорнинг максимал очиклик даражаси Сингапур ва Брунейда 0 дан 1 фоизгача бўлса, унинг минимал даражаси Лаос ва Камбоджа учун 6 дан 8 фоизгача белгиланди. Нефть кимёси ва қишлоқ хўжалиги товарларига божни пасайтириш қўлланилмади. Натижада ASEANда номинал ички тарифларнинг ўртача даражаси 1990-йиллардаги 13 фоиздан 2000-йилларнинг бошида 2,4 фоизга тушди.

Эркин савдо зонасида божхона имтиёзларидан ташқари миқдорий чеклашни бекор қилиш, миллий стандартларни

уйғунлаштириш, сифат гувоҳномаларини ўзаро тан олиш, нота-риф тўсиқларнинг бошқа турларини тўла олиб ташлаш имкони-ятлари кўзда тутилган.

Ассоциацияга кирувчи мамлакатларда молия, телекоммуни-кация, сайёҳлик, алоқа, транспорт, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бораларида ҳамкорлик чуқурлашиб бормоқда. ASEAN доираси-да инвестицион ҳамкорлик зонасини яратиш тўғрисида келишув тузилган. Ўзаро тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми, айниқса, автомобилсозлик ва электроника саноатларида ўсди. Ўн битта устун тармоқларда саноат ҳамкорлиги дастури ишга туширилди. Хавфсизлик бўйича ҳамкорлик ривожланмоқда. Гап шундаки, жаҳондаги денгиз қароқчилиги ҳужумларининг 40 фоизи ASEAN мамлакатларига тўғри келади. Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё денгизлари хавфсиз эмас. Ҳар йили Индонезия, Бангладеш, Ҳиндистон, Малайзия ва Вьетнамни ўраб олган денгизларда бир неча ўнлаб денгиз қароқчилиги ҳаракатлари рўйхатга олинади.

ASEAN тажрибаси бошқа гуруҳларни ташкил этишни рағбатлантирди. Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлиги Ассо-циацияси ташкил бўлиб, унга Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Шри-Ланка, Непал, Мальдив, Бутан ва Афғонистон кирди. 1995 йилнинг охирида преференциал савдо тўғрисида, 2004 йилда эр-кин савдо тўғрисида Жанубий Осиё келишувлари имзоланди.

Ташки иқтисодий фаолиятнинг бир турдалилиги 2007 йил-да Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлиги бўйича Кенгаш доирасида божхона иттифоқини ташкил қилиш ҳақида кели-шишга олиб келди. Иттифоққа Саудия Арабистони, БАА, Қатар, Баҳрайн, Кувайт ва Оман давлатлари кирди.

ASEANга кирган мамлакатлар минтақавий гуруҳ доирасида қолиб кетмади. Улар бошқа давлатлар билан ҳам индивидуал сав-до битимлари тузишга ҳақли эди. Улар томонидан Хитой, Япо-ния, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Россия ва бошқа давлат-лар билан эркин савдо тўғрисида битимлар муҳокама қилинди ва амалга оширилди. Минтақалараро шартномалар ҳам тузилди. Преференциал савдо тўғрисида Бангкок келишуви ASEANнинг учта аъзоси – Лаос, Таиланд ва Филиппинни САФТАнинг уч аъ-зоси – Ҳиндистон, Бангладеш ва Шри-Ланкани, Корея Респуб-ликаси ва Хитой билан бирлаштиради. 2004 йилда Ҳиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка, Таиланд ва Мьянмадан иборат бошқа

давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида келгусида шартномага айланадиган келишув имзоланди.

1989 йилда Австралиянинг ташаббуси билан Осиё – Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги минтақаларо Форуми (АТЭС-АРЕС) ташкил этилиб, унга 21 та мамлакат аъзо бўлиб кирди. Унинг асосий мақсади минтақалашув тамойилларини ҳаётга татбиқ қилишдан иборат эди. АРЕС саммитлари ҳар йили турли давлатларда мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Форумда қабул қилинган декларацияга мувофиқ 2010 йилда ривожланган мамлакатлар, 2020 йилда эса ривожланаётган мамлакатлар эркин савдога ўтишлари керак. Аммо, бу борада ҳали бир қатор қийинчиликлар бор. Форумнинг характерли томони шундаки, унинг аъзоларидан бири иккинчисига берадиган қулай тариф преференцияси Форумга аъзо бўлмаган бошқа ҳамкорларига ҳам тегишли бўлади.

Глобаллашув ва минтақалашув жараёнларида трансмиллий корпорациялар таъсири кучайиб бормоқда. Агар минтақалашув мамлакатларнинг имкониятларини горизонтал уйғунлаштириш бўлса, трансмиллийлашув вертикал интеграция бўлиб, хусусий фирмалар доирасида амалга ошаётган давлатларо интеграциялашишни билдиради. Маълумки, тури ва юридик мақомидан қатъи назар, икки ва ундан ортиқ мамлакатда шўъба корхонасига эга бўлган, ўз хорижий корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириб, бошқариб ва назорат қилиб турадиган компанияларга ТМК мақоми берилади. ТМК фаолияти миллий иқтисодиётларни геграфик жойлашувига кўра эмас, балки такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро мослиги ва уйғунлигидан келиб чиқиб бир-бирига боғлайди.

### **ИККИ ТОМОНЛАМА САВДО КЕЛИШУВЛАРИ**

Жаҳонда қайд этиладиган преференциал битимларда икки томонлама келишувларнинг ўрни катта. Унинг ҳамкорлар учун қулай томони келишувга эришиш механизмнинг кўп томонлама музокараларга нисбатан оддийлигидадир. Минтақавий ташкилотлар, Жаҳон савдо ташкилоти доирасида бирон-бир консенсусга келишиш мураккаб ва узоқ вақтни оладиган расмиятчиликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам тўғридан-тўғри икки томонлама

шартнома тури кенг тарқалган. Минтақада эркин савдо тўғрисида келишув Таиланд ва Лаос, Япония ва Сингапур, Хитой ва Гонконг, Хитой ва Макао, Корея Республикаси ва Сингапур ўртасида тузилган. Уларнинг кўпчилиги преференциал асосда тузилган. Осиёдаги минтақавий ташкилотларнинг қайишқоқ томонларидан бири уларнинг тўғридан-тўғри икки томонлама давлатлараро савдо-иқтисодий келишувларга ўрин қолдирганлигидадир.

Икки томонлама келишувлар маҳсулот ва хизматларнинг турли гуруҳларини қамраб олади. Уларда ташқи савдо ва инвестицияни эркинлаштириш, хизматлар бозорига киришнинг турли муддатлари, тарифларни пасайтиришнинг ҳар хил миқёслари назарда тутилган. Бошқача айтганда, икки томонлама келишувлар кўп томонлама музокараларга қараганда ҳамкорлар хўжалигининг индивидуал хусусиятларини, халқаро рақобат ва ташқи савдо конъюнктурасидаги ўзгаришларни аниқроқ ҳисобга олади.

Кейинги йилларда мамлакатларнинг кўпчилиги икки томонлама преференциал келишувларни ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорликнинг қулайроқ ва самаралироқ воситаси, деб ҳисоблайди. Минтақавий гуруҳга кирувчи мамлакатлар тараққиёт даражасидаги фарқлар ҳам (масалан, Сингапур ва Мьянма) икки томонлама келишувлар фойдасига хизмат қилади.

Товар ва хизматлар савдосидан ташқари, минтақа мамлакатлари иқтисодий муносабатларининг барча асосий йўналишлари – фан-техника, ҳарбий-техника, валюта-молия ҳамкорлигини маданий алоқалар, экология, табиий ресурслардан биргаликда фойдаланиш лойиҳаларини ўз ичига олади. Натижада алоҳида мамлакатлар ўртасида индивидуал характерга эга бўлган мураккаб, комплекс алоқалар шаклланади. Бу алоқалар минтақалашув тамойилларига зид келмайди. Шу билан бирга алоҳида мамлакат бутун бир минтақа билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолаши мумкин. Мисол учун 2005 йилда Хитойнинг ASEAN билан эркин савдо зонасини ташкил этиш бўйича келишуви кучга кирди. Худди юқорида қайд этилганидек, бу келишув фақат ўзаро савдони либераллаштиришдан иборат бўлибгина қолмасдан, инвестицияларни рағбатлантириш бўйича мажбуриятларни, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамкорликни ҳам назарда тутди.

Эркин савдо зонасида Хитой ва ASEAN ҳамкорлиги, яъни КАФТА импорт тарифларини либераллаштириш орқали икки то-

мон учун фойдали ташкилий шаклдир. Агар келишувга қадар Ассоциация мамлакатлари экспортида Хитойнинг ҳиссаси 8 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 20 фоизга етди. Улар ўртасидаги савдо баланси гуруҳ мамлакатлари фойдасига шаклланиб келмоқда. Аммо, бу ҳолат ХХРни чўчитмайди. Чунки у ўз иқтисодиётига ASEANдаги ўнликни боғлаган ҳолда Шарқий Осиедаги ўзининг мавқеини оширади, минтақада АҚШ ва Япониянинг таъсирини заифлаштиради. Хитойга минтақада КАФТА шаклидаги стратегик ҳамкорликнинг ўрнатилиши ва мустақамланиши катта аҳмиятга эга. Шу мақсадда у 1997–1998 йиллардаги Осие молиявий инқирозида Ассоциация мамлакатларига молиявий ёрдам кўрсатди, ўзининг валютасини девальвация қилмади, агар шундай қилганида ўнликнинг инқироздан чиқиши қийинлашарди.

### МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ

Фан-техника тараққиёти натижасида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувнинг чуқурлашуви мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига, бир ҳудудда жойлашган мамлакатлар ўртасида интеграцион алоқаларнинг фаоллашувига олиб келмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, минтақалашув ташкилотларига аъзо мамлакатларнинг глобаллашув шароитларига мослашиши, халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан фойдаланиши самарали тарзда кечмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси турли халқаро ва ҳудудий интеграцион ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш орқали мавжуд табиий-иқтисодий, меҳнат ва молиявий ресурслардан, халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан самарали фойдаланишга, жаҳон хўжалик тизимида ўзига хос ўрин эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Марказий Осие ҳамкорлик ташкилоти (МОҲТ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ), Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) каби халқаро ва минтақавий интеграция ташкилотларига аъзо бўлиб кирди. Бу эса мамлакат учун долзарб ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон учун Марказий Осие мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш алоҳида ўринга

эга. Чунки кўп йиллик тарихий ривожланиш давомида Марказий Осиё давлатлари ўртасида мустақкам ҳамкорлик муносабатлари шаклланган. Мамлакатлар иқтисодиёти асосий ва етакчи тармоқларининг ўхшашлиги, уларнинг яхлит минтақавий бирликка эга эканлиги, сув ва энергетика манбаларининг ягоналиги ва улардан биргаликда фойдаланиш зарурияти, ягона транспорт ва коммуникация тизимининг мавжудлиги, экологик муаммоларнинг бир хиллиги минтақа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг доимий бўлишини таъминлайди. Минтақа халқларининг диний, маданий, тил, урф-одат, анъана ва маънавий бирлиги эса ҳамкорлик алоқаларининг янада чуқурроқ ва ҳар томонлама бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида ривожлантириш ва жаҳон хўжалик тизимида муносиб ўрин эгаллаш заруратлари Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятларини бирлаштиришни тақозо қилмоқда.

Минтақа давлатлари орасида ўзаро манфаатдорлик ва ихтиёрийликка асосланган ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш барча мамлакатларда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим шартлардан биридир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Марказий Осиё республикалари раҳбарлари томонидан минтақа мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари ўртасида 1994 йил апрелда ягона иқтисодий ҳудудни барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши минтақада ўзаро ҳамкорлик алоқалари ва интеграцион жараёнларни ривожлантириш бўйича қўйилган жиддий амалий қадам бўлди. Бу шартномани имзолашдан кўзда тутилган асосий мақсад товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг минтақа бўйлаб эркин ҳаракатини таъминлаш, келишилган солиқ, бюджет, нарх, божхона ва валюта сиёсатини юритишдан иборат эди.

Минтақа давлатлари раҳбарлари 1996 йил апрелда ёқилги-энергетика ва сув ресурсларидан фойдаланиш, Марказий Осиё минтақасида газ қувурларини қуриш ва ишга тушириш тўғрисида битимга имзо чекдилар.

Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон 1998 йил 17 мартда Сирдарё хавзасининг сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги узоқ муддатли Шартномани имзоладилар. Бир йилдан сўнг бу бу шартномага Тожикистон ҳам қўшилди ва 1998 йилда мазкур республика ҳам Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги шартноманинг тўлақонли аъзосига айланди.

Мазкур йилнинг ўзида ушбу «тўртлик» давлатлари Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлиги ташкилотига асос солдилар. Бу ташкилот доирасидаги вазифаларни ҳал этиш учун Давлатлараро Кенгаш, Бош вазирлар, ташқи ишлар вазирлари, мудофаа вазирлари Кенгаши, ташкилотнинг ишчи органи – Ижроия қўмита каби институционал тузилмалар ташкил этилди. Бундан ташқари, аъзо давлатларнинг улушлари ҳисобига Марказий Осиё банки барпо этилди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлиги ташкилоти раҳбарлари 1999 йилнинг июнь ойида Бишкекда Божхона иттифоқини тузишга эришиш тўғрисидаги фикрни илгари сурдилар. Бир йилдан сўнг эса Душанбеда «Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлигининг 2005 йилгача мўлжалланган интеграцион ривожланиш Стратегияси»ни тасдиқладилар. Ушбу ҳужжатда ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар иқтисодиётлари интеграцияси ҳар бир мамлакатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари ва хавфсизлик эҳтиёжларидан келиб чиқадиган объектив жараён эканлиги таъкидланди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари 2001 йил 28 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган учрашув чоғида минтақавий интеграция шакллари ва механизмларини такомиллаштириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлигини «Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти» (МОҲТ)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Алмати шаҳрида 2002 йил 28 февралда бўлиб ўтган учрашувда эса Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари «Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти»ни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани имзоладилар.

Шундай қилиб, МОҲТ кенг қўламдаги масалаларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган минтақавий форумга айланди.

Чунончи, 2002 йил 5–6 октябрда Душанбеда МОҲТга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув давомида минтақавий интеграция жараёнларидан ташқари Афғонистон билан боғлиқ муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, ушбу учрашув чоғида Оролбўйи минтақасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий инқироз оқибатлари ва Оролни кутқариш Халқаро фонди фаолияти таҳлил қилинди.

МОҲТ раҳбарларининг кейинги учрашувларида ҳам минтақавий интеграция жараёнларини фаоллаштириш, ушбу ташкилотга аъзо мамлакатларда мавжуд энг долзарб муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Гарчи минтақа республикалари давлат раҳбарлари учрашувларида жуда кўп мақсадга мувофиқ қарорлар қабул қилинган бўлса-да, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини мақсадга мувофиқ даражада деб бўлмайди. Бу эса иқтисодий кўрсаткичларда ўзифодасини топмоқда. Муайян ҳудудда интеграцион жараёнлар амалга ошаётганлигини, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг интенсивлигини кўрсатувчи иккита муҳим кўрсаткич мавжуд: биринчиси – мамлакатларнинг ўзаро ташқи савдо алмашинуви ҳажми, иккинчиси – ўзаро товар алмашинувининг мамлакатлар ялпи ички маҳсулотигади улуши. Иккинчи кўрсаткич интеграция нуктаи назаридан бирмунча муҳимроқ бўлиб, у мамлакатларнинг бир-бирига нисбатан очиклик даражасини, бошқача сўз билан айтганда, мамлакатларнинг бир-бирига боғлиқлик даражасини ифодалайди.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида 1990–2010 йиллар мобайнида узоқ хориж мамлакатлари улуши 39,9 фоиздан 56,9 фоизга етди. МДҲ мамлакатлари улуши эса мувофиқ равишда 60,1 фоиздан 43,1 фоизга пасайди. Бу пасайишнинг бир қатор сабаблари мавжуд бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

– сунъий режали баҳолардан бозор баҳоларига ўтиш ташқи савдо алоқалари самарадорлигига баҳо бериш тизимининг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди. Бунинг натижасида иқтисодий ислохотларга қадар рентабель ҳисобланган жуда кўп алоқалар норентабель бўлиб қолди. Шу билан бирга Марказий Осиё мамлакатларининг ҳар бири, нафақат минтақа ёки МДҲ доирасида, балки узоқ хориждан ҳам ҳамкор танлаш имкония-

тига эга бўлди. Натижада минтақа республикалари ўртасидаги маҳсулот алмашинув ҳажми пасайди;

– минтақа республикаларида амалга оширилаётган иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш сиёсати ривожланган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантирди. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, модернизациялаш ҳамда инновацион ишлаб чиқариш янги техника ва технологияларни кенг миқёсда сотиб олишни тақозо этади. Бундай техника ва технологияларни эса фақат узоқ хориж мамлакатларидан сотиб олиш мумкин;

– минтақа мамлакатлари иқтисодиётлари таркибининг ўхшашлиги ўзаро савдо алоқалари ҳажмининг қисқаришига олиб келган сабаблардан яна биридир. Гап шундаки, минтақа мамлакатлари томонидан экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг аксарияти (ёқилғи-энергетика ресурслари, қимматбаҳо металлар, пахта толаси ва бошқалар) барча республикаларда ишлаб чиқарилади;

– мамлакатларда амалга оширилаётган импорт ўрнини босиш сиёсати натижасида кўплаб эҳтиёжларни ички ишлаб чиқариш эвазига қоплаш имконияти пайдо бўлди. Масалан, Ўзбекистонда ғалла ва энергетика мустақиллигига эришиш дон ва ёқилғи ресурслари импортининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келди. Бу маҳсулотларнинг аксарият қисми МДХ, шу жумладан Марказий Осиё мамлакатларидан сотиб олинар эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларига боғлиқлиги сезиларли пасайди. Бу эса минтақа бозоридан етарли даражада фойдаланилмаётганликни кўрсатади. Ваҳоланки, Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон учун қатор афзалликларга эга:

Биринчидан, республикамиз географик нуқтаи назардан анклав ҳамда қўшни мамлакатлар билан чегаравий чоғишиб кетган давлат ҳосбланади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистондан бевосита энг арзон транспорт тури ҳисобланган денгиз йўлларига чиқиш имконияти мавжуд эмас. Бу, ўз навбатида, транспорт харажатлари билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради ҳамда маҳсулот таннархи ва унинг рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Марказий Осиё мамлакатлари билан

савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш эса йирик транспорт харажатларини талаб қилмайди.

Иккинчидан, Марказий Осиё Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар учун йирик бозор ҳисобланади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар энергия ва материал сифимининг юқорилиги, сифат даражасининг нисбатан пастлиги уларнинг рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли тайёр маҳсулотларни узоқ хориж мамлакатларига сотиш анча мураккаб. Ички бозор етарли даражада тўйинмаган Марказий Осиё мамлакатларида эса Ўзбекистон тайёр маҳсулотлари рақобатбардош ҳисобланади.

Учинчидан, минтақа мамлакатларида бир турдаги маҳсулотларни катта миқдорда ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Пахта, мева, сабзавот, кўмир, газ, нефть, олтин минтақадаги давлатларнинг деярли барчасида ишлаб чиқарилади. Ана шу тармоқларда маҳсулот миқдори ва сифатини белгилаш бўйича келишувларга эришиш, бу маҳсулотларни қайта ишлаш ва уларни экспорт қилиш бўйича ягона сиёсатни юргизиш мақсадга мувофиқ. Агар минтақадаги республикалар жаҳон бозорига алоҳида чиқсалар, улар ўзаро рақобатчиларга айланадилар, уларнинг биргаликда чиқиши мамлакатлар иқтисодиётининг бозор конъюнктурасига боғлиқлигини пасайтиради ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширади.

Тўртинчидан, Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик муносабатларининг фаоллашувига олиб келади. Натижада йирик маблағлар талаб этувчи улкан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий маблағларни бирлаштириш имконияти юзага келади.

Таъкидлаш лозимки, савдо алоқалари минтақада интеграцион алоқалар ривожланиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Савдо алоқаларининг ривожланиши эса, Марказий Осиёда босқичма-босқич эркин савдо зоналари, божхона иттифоқи, умумий бозор ва ягона иқтисодий ҳудуд шаклланишига ижобий таъсир кўрсатишни назарда тутади.

Минтақада иқтисодий интеграция жараёнларининг фаоллашуви ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қуйидаги йўналишларда таъсир кўрсатиши мумкин:

– минтақада интерация жараёнларининг чуқурлашуви натижасида, энг аввало, миллий хўжаликларнинг тармоқ таркиби такомиллашади, чунки иқтисодий ҳудуд доирасида моддий ишлаб чиқаришнинг самарали тармоқларини тиклаш ва капитал қўйилмаларни иқтисод қилган ҳолда импорт қилиш мақсадга мувофиқ бўлган маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш кувватларини кенгайтиришдан воз кечиш имконияти пайдо бўлади;

– минтақавий интеграцион ташкилотга аъзо бўлиб кирган ҳар бир мамлакатда замонавий ихтисослашган ишлаб чиқариш тармоқлари шаклланади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш харажатлари пасаяди, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва сифати яхшиланади;

– фан ва техника соҳасида ягона сиёсат юритиш ва интеграциянинг чуқурлашуви натижасида фан-техника тараққиётини жаддаллаштириш ва унинг натижаларини амалиётга жорий қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади;

– минтақа доирасида товарлар умумий бозорининг шаклланиши натижасида ўзаро товар алмашинув ҳажми ошади. Йирик миқдорда ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича ягона экспорт сиёсати юритиш натижасида эса, уларнинг жаҳон бозоридаги маъқеи яхшиланади, жаҳон бозори конъюнктурасидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун имконият пайдо бўлади;

– Марказий Осиё бўйича хизматлар умумий бозорининг шаклланиши горизонтал иқтисодий алоқалар ривожланишини таъминлайди, қўшма корхоналар, бирлашмалар, фирмалар тузиш имконияти яхшиланади. Натижада янги самарали хўжалик алоқалари вужудга келади ва ривожланади;

– меҳнат ресурслари умумий бозорининг шаклланиши натижасида мамлакатлараро ишчи кучи ҳаракати фаоллашади, кадрлар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ошади, бандлик таркиби такомиллашади.

Аммо, афсуски, минтақа мамлакатлари бу имкониятлардан тўла фойдаланаётгани йўқ. Маълум шакл ва миқдорда кечаётган интеграция жараёнидан уларнинг институционал тизими орқада қолмоқда. Одатда, олдин институционал тизим, механизм шаклланади ва у интеграцион жараёни тезлаштиришга хизмат қилади. Бу ерда эса, аксинча, жараён, зарурат интеграция институтларини келтириб чиқарса керак.

Барча келишув, битим ва шартномалар ҳам таъриф преференцияларини, эркин савдо зоналари берадиган имтиёزلарни бери олмаслиги мумкин. МОҲТ ва ИҲТ ҳанузгача реал минтақавий интеграция институтига айлана олмади. Бунинг асосий сабабларини кўп жиҳатдан жаҳондаги вазиятнинг тез ўзгариб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Минтақалашув бўйича мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатига 1997–1998 йиллардаги Осиё молиявий ва 2008–2009 йилларда бошланган глобал молиявий иқтисодий инқирозлар жиддий тузатишлар киритди.

Минтақавий ташкилотларнинг «манфаатлар бўйича» суҳбат ўтказадиган клубга айланиб қолмаслиги керак, албатта. Аввало, мавжуд минтақавий уюшма ва альянсларнинг амалдаги самарасига эришиш учун дадил қадамлар қўйилиши керак. Энг асосийси, минтақалашув доирасида қабул қилинган ихтиёрий мажбуриятлар ва уларнинг бажарилиши ўртасидаги мувозанатга эришиш лозим. 2002 йили Алматида МОҲТ фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташкилот доирасида қабул қилинган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ҳаракатда бўлмаган ҳужжатларни бекор қилиш таклифи билан чиққан эди. Бу даврга келиб МОҲТ доирасида 243 та ҳужжат имзоланган эди.

### МДҲ ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯСИ

1991 йилнинг декабрь ойида Беларусь, Украина ва Россия Федерацияси давлат раҳбарлари Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини барпо этиш тўғрисидаги битимни имзолادилар. Бу битимда собиқ Иттифокнинг халқаро ҳуқуқ ва геосиёсий тизим сифатида барҳам топганлиги ва МДҲ ташкил топганлиги эълон қилинди. Беларусь, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон ва Украина МДҲга аъзо бўлиб кирдилар. 1992 йилда Арманистон, Молдова, Қирғизистон ва Ўзбекистон, 1993 йилда Озарбайжон ва Грузия МДҲга аъзо бўлдилар.

МДҲ фаолиятининг дастлабки йилларида (1991–1994 йиллар) МДҲга аъзо мамлакатларда миллий манфаатлар устувор ўринга эга бўлди. Бунинг натижасида ўзаро ташқи савдо алоқалари сезиларли даражада заифлашди. МДҲ мамлакатларининг аксарияти узоқ хориж мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга устуворлик бердилар. Экспертлар

фикрича, собиқ Иттифоқ республикалари ўртасидаги ҳужжат алоқаларининг бузилиши натижасида пировард маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 35–40 фоизга камайди.

МДХ доирасида қабул қилинган дастлабки энг муҳим ҳужжат Иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги Шартнома ҳисобланади (1993 йил сентябрь). Мазкур ҳужжатда иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг асосий босқичлари белгилаб берилди:

- давлатлараро (кўп томонлама) эркин савдо уюшмаси;
- божхона иттифоқи;
- товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучи умумий бозори;
- валюта (пул) иттифоқи.

1994 йилнинг апрелида эркин савдо зонаси, 1994 йилнинг октябрида тўлов иттифоқи ва Иқтисодий иттифоқнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи сифатида Давлатлараро иқтисодий кўмита (ДИК) ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Узоқ тарихий ривожланиш мобайнида юзага келган чуқур интеграцион алоқалар, ишлаб чиқаришнинг мамлакатлар бўйича ихтисослашуви, корхона ва тармоқлар даражасидаги кенг тармоқли кооперация, умумий инфратузилманинг мавжудлиги МДХ ташкил топишининг объектив асоси ҳисобланади.

МДХ улкан табиий, меҳнат ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлиб, улар МДХга аъзо мамлакатларга йирик рақобат афзалликларини тақдим этади ва жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллашга имконият яратади. Ер шари ҳудудининг 16,3 фоизи, жаҳон аҳолисининг 5 фоизи, жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 10 фоизи МДХ ҳиссасига тўғри келади. Ҳамдўстлик ҳудудида жаҳон бозорида талаб юқори ҳисобланган табиий ресурсларнинг йирик захиралари мавжуд. Фақат Россияда аниқланган нефть захиралари жаҳон нефть захираларининг 13 фоизини ташкил этади. Озарбайжонда бу кўрсаткич 10 фоиздан кўпроққа, Қозоғистон ва Туркманистонда қарийб 10 фоизга тенг. Россияда жаҳон газ захираларининг 35 фоизи жойлашган бўлса, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда биргаликда қарийб 20 фоиз газ захиралари жойлашган.

Тошкўмир ва кўнғир кўмир ишлаб чиқариш бўйича Россия, Украина ва Қозоғистон жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди.

Олмос, боксит, мис, никель, кобальт ва кўрғошин рудаларининг асосий захиралари Россияда жойлашган бўлса, темир рудалари, бокситлар ва мис рудаларининг йирик захиралари Украина, Қозоғистон ва Грузияда жойлашган. Россия ва Беларусда энг йирик ўрмон худудлари (ер шаригаги ўрмонларнинг тўртдан бир қисми) ва калий тузининг энг йирик захиралари мавжуд.

Европа ва Жануби-Шарқий Осиёни туташтирувчи энг қисқа куруклик ва денгиз (Шимолий Муз океани орқали) йўли МДХ худудидан ўтиб, у ХХІ асрда энг муҳим глобал иқтисодий марказга айланиш имконини беради.

МДХнинг рақобатбардош ресурслари жумласига, шунингдек, арзон ишчи кучи ва энергия ресурсларини киритиш мумкин. МДХ бўйича ҳар йили жаҳон электр қувватининг 10 фоизи ишлаб чиқарилади ва иқтисодий ўсиш учун муҳим шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

МДХга аъзо мамлакатлар иқтисодий интеграциясининг стратегик мақсадлари бўлиб халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва кооперациясини ривожлантириш, Ҳамдўстликка кирувчи барча мамлакатлар аҳолиси турмуш фаровонлигини яхшилаш ҳисобланади.

МДХга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятлари турлича. Иқтисодий кўрсаткичлар бўйича Россия алоҳида ўринга эга. МДХ аҳолисининг ярмидан кўпроғи, ЯИМнинг 70,1 фоизи ва саноат маҳсулотининг 51 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади.

МДХ аҳолисининг 9 фоизи, ялпи ички маҳсулотининг 2,5 фоизи, ялпи саноат маҳсулотининг 2 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

МДХ доирасида иқтисодий интеграцияга тўсқинлик қилаётган асосий муаммо ташкилий-ҳуқуқий асос ва Ҳамкорликка аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳаракат механизмнинг такомиллашмаганлиги ҳисобланади. Шунингдек, МДХга аъзо мамлакатлар иқтисодий салоҳиятининг турли даражада эканлиги, алоҳида мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўртасидаги тафовут, миллий қонунчилик ҳужжатларининг мувофиқлаштирилмаганлиги каби омиллар ҳам интеграция имкониятларининг чекланишига олиб келади.

Эркин савдо зоналарини ташкил этиш, тўлов иттифоқини шакллантириш, ягона коммуникацион ва ахборот маконини барпо этиш, илмий-техника ва технологик ҳамкорликни такомиллаштириш асосида умумий иқтисодий маконни шакллантириш орқали МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасидаги интеграцион алоқаларни янада ривожлантириш мумкин. Аъзо мамлакатлар инвестиция салоҳиятлари интеграцияси, Ҳамдўстлик доирасида капитал оқимини самарали йўлга қўйиш энг муҳим муаммолардан ҳисобланади.

### **BRICS ГУРУҲИ: ВИРТУАЛЛИҚДАН РЕАЛЛИҚКА**

БРИКС – русча аббревиатура бўлиб, (инглизча BRICS – Brasil, Russia, India, Kitau, South Africa) бешта мамлакат – Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка Республикаси-дан иборат қитъалараро глобал гуруҳ. Дастлаб тўрт мамлакатдан иборат гуруҳга 2011 йилда ЖАР қўшилди ва ҳозирги аббревиатурани олди. Яқин йилларда BRICSА кўринишини олиши мумкин. Аргентина бу гуруҳга кириш арафасида. Бундан ташқари, Индонезия, Монголия, Мексика ва Қозоғистон ҳам гуруҳ фаолияти билан қизиқмоқда.

Маълумки, минтақалашувда мамлакатлар ривожланишидаги шарт-шароитлар, манфаатлар, даражалар бир хиллигидан ташқари энг муҳим тамойиллардан бири – бу ҳудудий яқинликдир. ЕИ, МОҲТ ва АСЕАНда ана шундай тамойил мавжуд. Аммо замонавий ривожланиш муайян ҳудуд билан чегараланиб қолмаслиги керак. Иқтисодий ўсиш янги-янги чегара ва масофа билмас глобал иқтисодий уюшмаларни тақозо этади. BRICSда уюшма сифатида на ҳудудий, на диний яқинлик, на тил, на менталитет бирлиги бор. Демак, ушбу мамлакатларни бирлаштирадиган асосий мезон – ривожланиш даражаларининг яқинлиги ва истиқболдаги ривожланиш тақозоси бўлиши мумкин. Истиқболдаги ривожланиш учун эса қулай жойлашган дунёнинг бу улкан мамлакатларида бой ресурслар бор. Бразилия қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бой, Россияда улкан минерал хомашё ресурслари бор, Ҳиндистон арзон интеллектуал ресурсларга сероб, Хитойда қудратли ишлаб чиқариш базаси мавжуд, ЖАРда табиий ресурслар мўл.

Бу мамлакатларнинг иқтисодиёти ана шу асосий ресурсларга таянади. Қолаверса, бу ерда мақсад бирлиги ҳам мавжуд; Ташқи бозорда Шимолий Атлантика ва Евроиттифоқ иқтисодий экспансиясига қарши туриш. Баъзан ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учрайди. Одам масофа ва вақтдан ютқазиб қўйишига қарамасдан, яқин қўшнидан кўра, анча узоқдан ҳамкор топади.

BRICS – реал иқтисодий блок (Евроиттифоқ) ёки расмий савдо ассоциацияси (ASEAN) бўла оладими? BRICS ҳали ташкилот ёки иттифоқ эмас. У тез суръатларда ривожланаётган, лекин бири билан ҳам боғланган мамлакатларнинг виртуал бирлиги сифатида пайдо бўлиб, у реаллик нишонларини кўрсата бошлади. BRICS бу – келажакка ишора йирик глобал лойиҳа. Бир неча йил муқаддам мазкур бешликдан тўрттаси энг жадал ривожланаётган иқтисодиётлар сафига киритилди. Хитой ва Ҳиндистон ЯИМ ҳажми бўйича глобал етакчилар учлигига, Россия ва Бразилия эса олтиликка кириши башорат қилинган эди. Башорат ўзининг тасдиғини топа бошлади, тўртликдан учтаси (Россияда айрим муаммолар бор) жадал ривожланмоқда. Бу тенденция глобал молиявий иқтисодий инқироз даврида ҳам давом этмоқда.

Экспертларнинг таъкидлашича, Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитойнинг иқтисодий салоҳияти шундай улканки, улар 2050 йилда тўртта доминант иқтисодий системага айланиши мумкин. Бу мамлакатлар дунё куруқлигининг 25 фоизини, аҳолисининг 40 фоиздан зиёдроғини эгаллайди. Жаҳон ЯИМнинг 25 фоизга яқини (15,4 трлн. доллар) уларнинг ҳиссасига тўғри келади. BRICS мамлакатлари жаҳон бўйича етиштириладиган буғдойнинг 40, чўчка гўштининг 50, товуқ ва мол гўштининг 30 фоизини беради. Уларда умумдунё хайдаладиган ер майдонининг 32 фоизи жойлашган.

Аммо BRICS мамлакатлари ўртасидаги тафовутлар ва ҳатто зиддиятлар ҳам анчагина. Хитойдаги коммунистик партия яккаҳокимлигидан Бразилия ва Ҳиндистондаги анча тараққий этган плюрализмгача бўлган сиёсий тизимлари ҳам ҳар хил. Миллий иқтисодий моделлар ҳам бир-бирига мос келмайди: бир мамлакатда қатъий марказлашган, иккинчисида эса кўпроқ анархияга мойил ишлаб чиқариш мавжуд. Ҳатто уларнинг айримлари – асосан, Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар ҳам анча мураккаб.

BRICS мамлакатлари турли хил географик ташқи иқтисодий устуворликларга эга: Россия – МДХ ва Европада, Хитой Осиё – Тинч океан минтақасида, Ҳиндистон – Жанубий Осиёда, Бразилия – Ғарбий ярим шарда, ЖАР – Африкада. Лекин улар ўртасидаги мавжуд умумийликни ҳам инкор этиб бўлмайди. Ушбу мамлакатларнинг халқаро миқёсдаги нуфузи деярли бир хил. Жаҳон майдонидаги манфаатлари ҳам ўхшашдир.

Ҳозирги даврнинг муҳим хусусияти шундаки, телекоммуникацион майдон борган сари торайиб, инсоният планетар тақрор ишлаб чиқариш сари бормоқда. Ҳар куни бир неча триллион доллар бир қитъадан иккинчисига чегара ва божхона билмай ўтиб турибди. Трансмилий корпорациялар хомашё бозорини борган сари кенгроқ ишғол қилмоқда. Бу яқин келажакда миллийлик ва минтақавийлик бутунлай ягона глобал тизимга бирлашиб кетади дегани эмас, албатта. Миллий ва табиий ранг-баранглик каби иқтисодий ранг-баранглик ҳам сақланиб қолиши керак. Шунинг ўзи ҳам ривожланиш омили бўлиб майдонга чиқади.

## ХУЛОСА

1. Осиё қитъаси иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги замон тенденциялари алоҳида Осиё тараққиёт модели мавжудлигини тасдиқлайди. Бу модель бир қатор компонентлардан ташкил топган: а) сиёсий барқарорлик; б) бозор ва давлатнинг тартибга солиш механизми орқали таъминланадиган иқтисодий ўсиш; в) иқтисодиётнинг манфаати учун ташқи ресурслардан фойдаланиш; г) капиталнинг давлатга лояллиги; д) кредит соҳасининг фаоллиги; е) менталитетдаги анъанавий ишчанлик; ё) модернизацияга, инновацияга, тўхтовсиз янгиланиш жараёнига мойиллик ва бошқалар. Ташқи имкониятлардан фойдаланиш ички салоҳиятга таянишни инкор этмайди. Тараққиёт ички ва ташқи имкониятларнинг моҳирона синтезига асосланган.

2. Осиё мамлакатлари ривожланиш моделида уларнинг барчасига хос, уларни бирлаштирадиган жиҳатлардан ташқари, ҳар бир мамлакатга хос бўлган хусусиятлар ҳам мавжудки, бу алоҳида миллий моделлар тўғрисида фикр юритиш имкониятини беради. Мазкур хусусиятлар мамлакат аҳолиси, табиати, миллий, ижтимоий, иқтисодий таркиби, халқининг менталитети ва қадриятларидан келиб чиқади.

3. Сиёсий мустақилликни қўлга киритгандан кейин Осиё мамлакатлари ривожланиш моделининг асосий стратегияси қилиб жадал индустрлаштиришга зўр берилди. Натижада 1950–1960 йилларда саноат ривожланиши асослари барпо этилди. Ҳозирги пайтда ҳам қатор қитъа мамлакатларида ЯИМда саноатнинг ҳиссаси баланд. Масалан, ХХРда ЯИМда саноатнинг улуши 47 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳалариники 43 фоиздан иборат. Бундай таркибни нефть экспорт қилувчи араб давлатлари, Индонезия, Малайзия, Вьетнам ва Туркменистонда ҳам кузатиш мумкин. Ўтган ўн йилликда қатор саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари хизматлардан устун бўлди. Тўғри, бунга энергия ташувчи маҳсулотларга нархларнинг ошиши ҳам ижобий таъсир

кўрсатди. Шунинг ўзи ҳам Осиёда ҳали индустрлаштиришнинг, модернизациялашган индустрлаштириш жараёнининг давом этаётганини билдиради.

4. Шу вақтнинг ўзида Осиёнинг Гонконг, Тайвань каби айрим мамлакатларида деиндустрлаштириш жараёни бормоқда. Гонконгда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши 92 фоиздан ошади. Саноатнинг ҳиссаси 8 фоиз атрофида. Бирламчи сектор умуман ЯИМни яратишда иштирок этмайди. Бу иқтисодий сиёсат «сервис иқтисодиёти» деб атала бошланди.

5. Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожланишининг муҳим омили давлат томонидан қайта тақсимлашнинг кучайиши бўлиб қолмоқда. ХХР, Ҳиндистон, Вьетнам, Бангладеш, Таиланд, Қозоғистон каби мамлакатларда ЯИМда давлат даромад ва харажат ҳиссаларининг ўсиши кузатилди. ЯИМда давлат харажатлари аср чегарасида қитъа мамлакатлари бўйича 20 фоизга етди. Ўтган ўн йилликда бу кўрсаткич Хитойда 16 фоиздан 22 фоизга, Вьетнам ва Малайзияда 23 фоиздан 30 фоизга Корея Республикасида 18 фоиздан 24 фоизгача кўтарилди. 1980-йилларда либерализация сиёсати оқибатида давлатнинг бевосита иқтисодиётга аралашуви дараржаси пасайган эди. Аммо, 1997–1998 йиллардаги минтақавий ва 2008–2009 йилларда бошланган глобал молиявий иқтисодий инқирозлар туфайли давлатнинг иқтисодиётдаги мавқеи янада мустаҳкамланди. Айниқса, Хитой ва Ҳиндистонда ташқи савдо ва чет эл инвестициясидан фойдаланиш катъий давлат назорати ва протекционистик тадбирлар орқали амалга ошириладиган бўлди.

6. Осиё давлатлари кейинги йилларда капитал экспортига катта эътибор қарата бошладилар. Бевосита инвестициялар чиқариш ўсмоқда. Қитъанинг йирик давлатлари томонидан чет элдаги углеводород конларини қидириш ва ишга туширишга қизиқиш кучайди. Осиёдан хизматлар экспорти ўсмоқда. Иқтисодиётнинг молия ва кўчмас мулк секторлари ташқи бозорларда фаол ҳаракат қила бошлади. Ғарб мамлакатларига нисбатан ташқи қарз даражасининг пастлиги ва улкан миқдордаги (6 триллион АҚШ доллари) олтин-валюта захиралари бу сигментда бемалол ҳаракат қилиш имконини бермоқда.

7. Минтақанинг иқтисодий юксалишига ички талабни кенгайтириш экспорт билан бир қаторда катта ёрдам бермоқда. Бу сиё-

сат, айниқса, глобал инқироз давомида миллий давлатлар томонидан протекционистик тўсиқлар кучайтирилган бир вақтда анча қўл келди. Иқтисодиёт фискал усуллар билан рағбатлантирилди. Ички талабнинг фаол солиқ сиёсати билан рағбатлантирилиши ташқи бозор камчилигини тўлдирди. Хитойда «ҳар бир хонадонга телевизор», «эски машинани топшир-да, янгисини ол» таъйинлари иш берди.

8. Осиё мамлакатларидаги иқтисодий ривожланишга минтақалашув, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ўз ҳиссасини қўшмоқда. Осиё давлатлари ЖСТ доирасида ташқи иқтисодий фаолиятни ёппасига либераллаштиришдан минтақа ичидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, савдо ва хизматларда икки томонлама преференцияли келишувларга урғу бермоқда. Қитъадаги минтақалашувга ASEAN мамлакатлари ва Хитой катта ҳисса қўшмоқда. Шу мақсадда ХХР – ASEAN эркин савдо зонаси ташкил этилган эди. Энди эса ХХР – Япония – Корея Республикаси – ASEAN эркин савдо зонасини ташкил этиш кун тартибида турибди.

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

- ASEAN (ингл. Association of South East Nations) – Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси
- ОВФ – Осиё валюта фонди
- ОТБ – Осиё тараққиёт банки
- АСМ – агросаноат мажмуи
- AFTA (ингл. ASEAN Free Trade Area) – Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси эркин савдо зонаси
- ОТОМ – Осиё – Тинч океан минтақаси
- ОТОИХФ – Осиё – Тинч океан иқтисодий ҳамкорлик форуми
- ЯЎШ – Яқин ва Ўрта Шарқ
- ЯИМ – ялпи ички маҳсулот
- ЯММ – ялпи миллий маҳсулот
- ЖСТ – Жаҳон савдо ташкилоти
- GATT (ингл. General Agreement on Tariffs and Trade) – савдо ва тарифлар буйича бош келишув
- ЕИ – Европа Иттифоқи
- ШХТ – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
- МДХ – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги
- <п>ИХТ – Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти
- БИ – Божхона иттифоқи
- ХХР – Хитой Халқ Республикаси
- АКТ – ахборот-коммуникация технологиялари
- ХВФ – Халқаро валюта фонди
- ҚҚС – қўшимча қиймат солиғи
- БАА – Бирлашган Араб Амирлиги
- БИ – бевосита инвестициялар
- ЭСЗ – эркин савдо зонаси
- NAFTA (ингл. North American Free Trade Agreement) – Эркин савдо зонаси тўғрисида Шимолий Америка келишуви
- ОРЕС (ингл. Organisation of the Petroleum Exporting Countries) – Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти
- ИТТКИ – илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари
- ОАРЕС (ингл. Organisation of Arab Petroleum Exporting Countries) – Нефть экспорт қилувчи араб мамлакатлари ташкилоти

- БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти  
OECD (ингл. Organisation for Economic Cooperation and Development) –  
Иқтисодий ривожланиш ҳамкорлик ташкилоти  
ХҚП – харид қобилияти паритети  
SAARC (ингл. South Asian Association for Regional Cooperation) – Жа-  
нубий Осиё минтақавий ҳамкорлик Ассоциацияси  
SAPTA (ингл. South Asian Preferential Trade Agreement) – Преферен-  
циал савдо тўғрисида Жанубий Осиё келишуви  
SAFTA (ингл. South Asian Free Agreement) – Эркин савдо тўғрисида  
Жанубий Осиё келишуви  
СТГ – суултирилган табиий газ  
МИЗ – махсус иқтисодий зона  
ТМБ – трансмиллий банк  
ТМК – трансмиллий корпорация  
ССП – савдо-саноат палатаси  
ЖШО – Жануби-Шарқий Осиё

## ГЛОССАРИЙ

**Тадбиркорлик** – кишиларнинг ташаббускорликка асосланган иқтисодий фаолияти

**Бизнес** – кишиларнинг фойда олиш мақсадидаги иқтисодий фаолияти

**Инвестиция** – узоқ муддатли капитал қўйилма, сармоя

**Инновация** – илмий, техника, технология, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги янгиликлар ҳамда бу янгиликларнинг иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилиши

**Капитал** – фойда келтирувчи қиймат ёки маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш учун инсон томонидан яратилган ресурслар

**Бизнес-режа** – фирманинг бозор шароитидаги ҳаракат режаси

**Фирма** – бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар, компаниялар, жамиятлар, тижорат ташкилотларининг умумий номи

**Акциядорлик жамияти** – пайчиликка асосланган ва акция чиқариш йўли билан ташкил этилган фирма

**Акция** – акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган қимматбаҳо қоғоз

**Фонд бозори** – қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдиси амалга оширила-диган бозор

**Диверсификация** – ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар турини кўпайтириш

**Маркетинг** – фирманинг бозорни ўрганиш билан боғлиқ фаолияти

**Менежмент** – фирмани бошқариш тизими

**Макроиқтисодий кўрсаткич** – мамлакат иқтисодиётини бирон-бир томондан тавсифловчи умумий кўрсаткич

**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** – бир йил давомида мамлакат ичкараси-да ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг пулдаги ифодаси

**Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)** – бир йил давомида мамлакат корхо-налари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг пулдаги ифодаси

**Инфляция** – пулнинг қадрсизланиши

**Инқироз** – иқтисодиётдаги табиий мувозанатлашган ҳолатнинг издан чиқиши

**Иқтисодий ўсиш** – бир йил давомида реал ЯИМ ёки киши бошига ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмининг ўзгариши

**Давлат сектори** – давлат мулки шаклидаги корхоналар

**Пул-кредит сиёсати** – муомаладаги пул миқдорини тартибга солиш сиёсати.

**Фискал сиёсат** – солиқ ва давлат харажатлари сиёсати

**Давлат бюджети** – давлат даромадлари ва харажатларининг молиявий режаси

**Ички қарз** – мамлакат ичида давлат облигацияларини сотиш орқали қарз олиш ёки кредитлар олиш

**Банк фоизи** – банкнинг воситачилик даромади

**Депозит** – банкка қўйилган жамғарма

**Эмиссия** – пул ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш

**Ишчи кучи миграцияси** – меҳнат ресурсларининг кўчиб юриши

**Бандлик** – меҳнат қобилиятига эга аҳолининг иқтисодий соҳаларида ўз ишига эга бўлиши

**Қиёсий устулик** – алоҳида шароитлар эвазига айрим маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш афзаллигига эришиш

**Экспорт** – ташқи бозорга маҳсулот ва хизматлар чиқариш

**Импорт** – ташқи бозордан мамлакатга маҳсулот ва хизматлар киритиш

**Экспорт квотаси** – маълум давр учун айрим маҳсулотларнинг четга чиқарилишини миқдорий чеклаш

**Экспорт лицензияси** – айрим маҳсулотларни четга олиб чиқишга бериладиган давлат рухсатномаси

**Импорт квотаси** – мамлакатга бир йилда олиб келинадиган маҳсулотлар миқдорини белгилаш

**Импорт лицензияси** – айрим маҳсулотларни четдан олиб киришга бериладиган давлат рухсатномаси

**Халқаро бозор** – миллий бозорлар мажмуи

**Минтақавий бозор** – қўшни миллий давлатлар гуруҳи бозори

**Протекционизм** – ички (миллий) бозорни ҳимоялашга қаратилган иқтисодий сиёсат

**Сальдо** – пул тушумлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ

**Бож тўлови** – чегарадан олиб ўтиладиган маҳсулот, мол-мулк ва қимматбаҳо буюмлардан пул йиғими

**Божхона** – экспорт ва импорт юklarини назорат қилувчи давлат муассасаси

**Валюта** – муайян мамлакатнинг миллий пул бирлиги ва қиймат белгилари

**Валюта бозори** – чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш, алмаштириш бозори

**Валюта курси** – мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида баҳолалиши

**Тўлов баланси** – ташқи даромад ва харажатлар мувозанати

**Преференциялар** – алоҳида давлат, корхона ва ташкилотларга мўлҳум фаолият турини қўллаб-қувватлаш учун бериладиган афзаллик, имтиёзлар

**Преференциал режим** – ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда бир давлатнинг иккинчисига учинчи давлатга тарқатмаслик шарти билан бериладиган алоҳида имтиёзли режим

**Преференциал бож** – бир ёки бир неча мамлакатларга алоҳида қулай режим яратиш мақсадида давлат томонидан ўрнатилган имтиёзли бож йиғими

**Оффшор** – чет эл компанияларига махсус солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш йўли билан хориж капиталини жалб қилиш

**Оффшор компаниялар** – алоҳида имтиёзлар берувчи давлатда рўйхатга олинган чет эл компанияси. Улар фақат рўйхатга олинган мамлакат ҳудудида ишлаш ҳуқуқига эга; кичкина мамлакатлар ўз ҳудудида бундай компаниялар ташкил қилишни рағбатлантиради, чунки оффшор бизнес қўшимча даромад келтиради

**Приватизация** – хусусийлаштириш, давлат ёки муниципал мулкни тўлов эвазига ёки текинга хусусий мулк шаклига ўтказиш

**Чегара олди савдоси** – қўшни давлатлар, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги чегара олди ҳудудларида олиб бориладиган ташқи савдо шакли

**Эркин иқтисодий зона** – мамлакат ҳудудининг божхона, валюта, солиқ, виза ва меҳнат имтиёзига эга бўлган махсус қисми

**Эркин божхона зонаси** – божхона тўлови ва солиқлар ундирилмайдиган мамлакат ҳудудининг махсус ажратилган қисми

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2012.
- Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
- Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1993.
- Андреева Н.В. Перспективы экономической интеграции Китая и АСЕАН. – М.: Институт мировой экономики и международных отношений РАН, 2006.
- Андрианов В.Д. Новые индустриальные страны в мировом капиталистическом хозяйстве. – М.: Международные отношения, 1989.
- АСЕАН в начале XXI века. Актуальные проблемы и перспективы. – М.: «Форум», 2010.
- Бергер Я.М. Экономическая стратегия Китая. – М.: «Форум», 2010.
- Болотин Б.М., Шейнс В.Л. Экономика развивающихся стран в цифрах. Опыт справочно-статистического исследования, 1950–1985 годы. – М.: «Наука», 1998.
- Борисов Д.В. Прямые иностранные инвестиции в экономику развивающихся стран Азии и Африки: анализ современных тенденций и факторов. – М.: «Гуманитарий», 2005.
- Восточная Азия: между регионализмом и глобализмом. – М.: «Наука», 2004.
- Всемирная торговая организация и национальные экономические интересы. – М.: «Наука», 2003.
- Джасипен Йифу Лин. Демистификация китайской экономики. – М.: «Мысль», 2012.
- Жуков С.В., Резникова О.Б. Центральная Азия и Китай: экономическое взаимодействие в условиях глобализации. – М.: Институт мировой экономики и международных отношений РАН. 2009.
- Китай в XXI веке: глобализации интересов безопасности. – М.: «Наука», 2007.
- Китай и Россия: общее и особенное в социально-экономическом развитии. – М.: «Наука», 2005.
- Кругман П. Возвращение великой депрессии. – М.: ЭКСМО, 2009.

*Корнаи Янош.* Размышления о капитализме. Москва – Санкт-Петербург – Смольный, 2012.

*Конфуций.* Афоризмы и мудрости. – М.: Белый город, 2007.

Мировая экономика: глобальные тенденции за 100 лет. – М.: «Экономисть», 2003.

*Пахомова Л.Ф.* Модели процветания (Сингапур, Малайзия, Таиланд, Индонезия). – М.: Институт востоковедения РАН, 2007.

*Потапов М.А., Салицкий А.И., Шахматов А.В.* Возрождение Азии: горизонты модернизации. – М.: ТЕИС, 2007.

*Потапов М.А., Салицкий А.И., Шахматов А.В.* Экономика современной Азии. – М.: Международные отношения, 2011.

*Райнерт Эрик С.* Как богатые страны стали богатыми к почему бедные страны остаются бедными. – М.: «Высшая школа», 2014.

*Стиглиц Дж.* Глобализация: тревожные тенденции. – М.: «Мысль», 2003.

*Тухлиев Н.* Ўзбек модели: таракқиёт тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2014.

*Федоровский А.Н.* Феномен чэболь. Государство и крупный бизнес в Республике Корея. – М.: «Стратегия», 2008.

*Фроленков В.С.* Современные торгово-экономические отношения КНР с Центрально азиатскими странами – членами ШОС и Туркменистаном. – М.: Институт Дальнего Востока РАН, 2009.

*Шишков Ю.В.* Догонящее развитие в эпоху глобализации. – М.: Академия внешней торговли, 2006.

Экономика развивающихся стран. – М.: «Гуманитарий», 2004.

*Илмий-оммабон нашр*

**НУРИСЛОМ ТУХЛИЕВ**

**ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ**

<b>Мухаррир</b>	<i>Ё. Иноғомов</i>
<b>Бадий муҳаррир</b>	<i>Б. Зуфаров</i>
<b>Техник муҳаррир</b>	<i>Т. Харитоновна</i>
<b>Кичик муҳаррир</b>	<i>Д. Холматова</i>
<b>Мусахҳих</b>	<i>Ш. Шобдуррахимова</i>
<b>Компьютерда тайёрловчи</b>	<i>Ф. Ботинова</i>



T 93

Тухлиев, Нурислом

Осиё тараққиёт моделлари / Н.Тухлиев. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2015. – 176 б.

ISBN 978-9943-28-328-2

УЎК: 330.34.01(5)  
КБК 65.9(5)

Ўзбекистон Республикаси

Ўқув-таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси

Муҳаррир:	Ў. Нуриддин
Техник муҳаррир:	А. Худайберг
Ўқув-таълим вазирлиги:	Т. Абдураҳманов
Ўқув-таълим вазирлиги:	Ў. Нуриддин
Ўқув-таълим вазирлиги:	Ў. Нуриддин
Ўқув-таълим вазирлиги:	Ў. Нуриддин

Ўзбекистон Республикаси

Ўқув-таълим вазирлиги





БЖМ ТАРАККЕЧ МОДЕЛИ

Нурислом Тухтаев



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-128-3



9 789943 281283

Нурислон Тухлиев

# ОСИЁ

ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ

